

Бўри ҚОДИРОВ
Халил МАТЁҚУБОВ

**Ўзбекистон тарихидан
мавзулар бўйича илмий
ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ**

Фалсафа ва ҳуқуқ
институти нашриёти
Тошкент – 2008

63.3 (5Ў)

Қ53

Мазкур луғат Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг Илмий Кенгаши йиғилишининг 2008 йил 31 январдаги 6-рақамли баёнига асосан нашрга тавсия этилган.

Масъул муҳаррир: т.ф.д., проф. **К.Норматов**

Тақризчилар: т.ф.н., доцент **Б.Абдуллаев**
ф.ф.н. доцент **А.Атахўжаев**

Ю 34399
291

Қодиров Бўри. Матёқубов Халил.
Ўзбекистон тарихидан мавзулар
бўйича илмий изоҳли луғат. Луғат/
Б.Қодиров, Х.Матёқубов - Тошкент:
Фалсафа ва ҳуқуқ ин-ти нашриёти,
2008. - 216 б.

ББК 63.3 (5Ў)

Тарихий ҳоғирасиз — келажак йўқ, деган Президентимиз томонидан айтилган пурмаъно фикрга ушбу қўлланма айна пайтда шарҳ бералган рисоладир. Изоҳли луғатда тарихимиз, фалсафа, ҳуқуқ ва бошқа ижтимоий фанларга доир қисқа, лўнда, илмий асосли тушунчалар берилган.

Қўлланма олий ўқув юрглари талабалари ва Ўзбекистон тарихи фанига қизиқувчилар учун мўлжалланган.

2009/137 A2399	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MI
-------------------	--

© Бўри Қодиров,
Халил Матёқубов

© Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2008 йил

СУЗ БОШИ

Мустақиллик йилларида амалга оширилган туб иқтисодий-сийёсий ислоҳотлар билан бир қаторда фан ва таълим соҳаларида ҳам асрларга татигулик чуқур, кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилди. Халқимизнинг ўтмиш тарихи, миллий урф-одатлари, қадриятлари ўзига қайтарилди. Мустамлакачилик ва қарамлик йилларида оёқ ости қилинган маънавиятимиз мустақиллик шарофати билан тикланиб, уни бойитиш йўлида қатор ҳайрли ишлар қилинди. Жумладан, Ватанимиз тарихини ҳар қандай мафкура ва тазйиқлардан ҳоли тарзда ёритиш ва ҳолисона ўрганиш имкониятларига кенг йўл очилди.

Ватанимиз тарихи билан қизиқиб тарихий-бадий ва илмий асарларни ўқиётган ҳар қандай китобхон маълум бир тарихий атама ёки тушунчанинг мазмунини тўғри англаб етмай озми-кўпми қийинчиликларга дуч келиши табиий ҳол. Чунки аксарият тарихий асарлар, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларда китобхон учун нотаниш тушунчалар йўл-йўлакай изоҳларсиз баён этиб кетилган. Ўзбекистон тарихи билан қизиққан ўқувчи олдида пайдо бўладиган ана шундай муаммоларни бартараф этиш мақсадида ушбу илмий изоҳли луғат тайёрланди.

Мазкур изоҳли луғат мавзулар бўйича номутахассис йўналишларида таҳсил олаётган талабаларга, тарих фанига қизиқувчиларга, шунингдек, олий ўқув юртларига кириш учун тайёрланаётган абитуриентларга мослаб тарихимизнинг қадимги даврларидан бошлаб, ҳозирги мустақиллик даврини ҳам ўз ичига олган энг долзарб мавзулар асосида яратилди. Ушбу қўлланмадан кўзланган мақсад ватанимиз тарихининг турли босқичларида илмий-оммабоп асарлар ва манбаларда энг кўп учрайдиган тарихий тушунчалар ҳақида маълумот бериш орқали тарихимизнинг ўқувчига номаълум бўлиб келаётган томонлари ҳақида маълум хулосаларни шакллантиришдир. Масалан: “қушбеги” атамаси дастлаб қуш овловчи ёки давлат бошлиғининг ов сафари ва у

билан боғлиқ масалалар мутасаддиси сифатида тушунилган бўлса, кейинчалик хонликлар даврида давлат бошлиғи яъни, хондан кейинги иккинчи муҳим давлат мансаби даражасига кўтарилган. Шунингдек, минтақамиз тарихий географиясига оид жой номларининг даврлар оша турли номда аталиб келинганлиги (масалан Амударёнинг қадимда Окс, Укуз, Аракс, Жайхун ва ҳоказо) ўқувчи тасаввурида маълум қийинчиликлар келтириб чиқаради. Ушбу ва шунга ўхшаш муаммоларни баҳоли қудрат бартараф этиш ҳам ушбу қўлланманинг олдига қўйган мақсадларидан биридир.

Лугатни тайёрлашда Миллий истиқлол ғояси: Асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар (қисқача изоҳли тажрибавий луғат, 2002), Фалсафадан қисқача изоҳли луғат (2004) ва Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат (2006) лардан ҳам фойдаланилди.

Ўзбекистон тарихи фанидан мавзулар бўйича яратилган ушбу илмий изоҳли луғат жузъий камчиликлардан ҳоли бўлмаслиги мумкин. Биз китобхонлардан луғат юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни миннатдорчилик билан қабул қиламиз.

МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, НАЗАРИЙ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

АРХЕОЛОГИЯ (юнонча “archaios” - қадимги, “logos” - фан) - инсоният ўтмиш тарихини моддий маданият ёдгорликлари (меҳнат қуроллари, асбоб-анжомлари, қурол-яроғлари, турар жойлари, қурилишлари, қабрларини) қазилмалар орқали ўрганувчи фан.

ГЕНЕОЛОГИЯ (юнонча “genealogia” - шажара, насл-насаб)
1. Инсонлар шажарасини, қариндош-уруғчилик алоқаларини ўрганувчи тарихнинг ёрдамчи фан соҳаси.

2. Шажара, бирон бир уруғ ёки шахснинг тарихи; насл-насаб шажараси.

ГНОСЕОЛОГИЯ (юнонча “gnosis” билим, “logos” - фан) - борлиқни, дунёни билиш ва чин ҳақиқатга эришиш ҳақидаги ҳамда билишнинг манбалари ва шакллари тўғрисидаги таълимот. Борлиқни билиш назарияси.

ДАВРЛАШТИРИШ - инсоният тарихини ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ва турмуш тарзига қараб маълум даврларга бўлиш тушунилади. Собиқ Советлар ҳукумронлиги даврида тарих фани, жумладан ватанимиз тарихи беш даврга бўлинди:

1. Ибтидоий жамоа тузуми даври
2. Қулдорлик тузуми даври
3. Феодализм тузуми даври
4. Капитализм тузуми даври
5. Социализм ва коммунизм даври.

Бундай даврлаштиришнинг мақсади жамият тараққиёти инсониятни албатта “коммунизм”га олиб боради деган ғояни илгари суриш эди. Бундай ғоя сохта ва хом хаёл эканлигини тарихнинг ўзи исбот қилди.

Ўзбекистон тарихини даврлаштириш масаласида академик А.Асқаров томонидан таклиф этилган фикр бугунги кунда энг мақбул ва мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаш мумкин. Олим қуйидаги еттита асосий даврни кўрсатиб ўтади:

- 1). Ибтидоий тўда даври (1 млн. - 40 минг йилликлар).
- 2). Уруғчилик жамоаси ва мулк эгалитининг шаклланиш даври (40 минг йилликдан милодий III-IV асрларгача).
- 3). Илк Ўрта асрлар даври (милодий III-IV асрлардан то IX аср бошларигача).

4). Ўрта асрлар даври (IX аср бошларидан то XIX асрнинг ўрталаригача).

5). Мустамлакачилик ва миллий уйғониш даври (XIX аср ўрталаридан – 1917 йилгача).

6). Советлар (Шўро) даври (1917-1991 йиллар).

7). Миллий истиқлол, демократик ва фуқаролик жамияти қуриш даври.

ДИАЛЕКТИКА (юнонча “dialektike” - баҳс юритиш санъати) - табиат ва жамият тараққиёти қонуниятларининг ўзаро алоқадорлигини ўрганувчи таълимот. Диалектика олам ягона ва яхлит, унда содир бўладиган ҳодисалар, воқеалар умумий ва ўзаро боғланишда, узлуксиз ҳаракатда, зиддиятли тараққиётда бўлади, деб ҳисоблайди.

ИДЕАЛИЗМ - моддийликни инкор этиб, оламнинг асосида рух ёки ғоялар ётади, дунёнинг мавжудлиги ва ривожланиб боришида ғоялар муҳим роль ўйнайди деб таъкидловчи фалсафий қараш ва таълимот. Идеализм материализмнинг аксидир.

ЛИНГВИСТИКА - қадимги тилларни ўрганувчи фан.

МАТЕРИАЛИЗМ (лотинча. “materialis” - моддий) - олам моддий, онгимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда, объектив тарзда мавжуд. Материя бирламчи, ҳеч ким томонидан яратилмаган, абадий мавжуд, тафаккур эса материянинг хусусиятидир, олам ва унинг қонуниятларини билиш мумкин деб қаровчи фалсафий йўналиш, оқим.

Материализм идеализмга қарама-қарши бўлиб, улар ўртасида тарихда кўп бахслар бўлган ва у ҳозирда ҳам давом этмоқда.

МЕТОДОЛОГИЯ (юнон. “methodos” - йўл, усул, “logos” - таълимот) - инсоннинг амалий ва назарий фаолиятини тўғри уюштириш ва тузиш тўғрисидаги таълимот. Бошқача қилиб айтганда 1) илмий билиш методлари ва усуллари тўғрисидаги таълимот; 2) инсон фаолиятининг бирон бир соҳасига қўлланиладиган метод, усуллар мажмуаси.

МИЛОДИЙ ЙИЛ ҲИСОБИ - жаҳон халқлари ўтмиш тарихдаги воқеа-ҳодисаларни маълум тартиб, кетма-кетликда баён этишга эҳтиёж сезиб, ўзларининг йил ҳисобларини, - календарларини яратишган. Қадимги Мисрда, Месопотамия халқларида, Ҳиндларда, Хитойликларда, Юнонларда ва қадимги Римликларда ўзига хос йил ҳисоби (календарь) амал қилган. Жумладан, мусулмон дунёсида бугунга қадар амал қилиб

келинаётган ҳижрий йил ҳисоби мавжуд. Ўрта Осиё халқлари ҳам Мовароуннаҳрга ислом дини ва ислом маданияти кириб келиши билан бир вақтда аста-секин ҳижрий йил ҳисобидан фойдалана бошлаганлар. Ватанимиз тарихининг араб истилосидан то XX аср бошларигача бўлган тарихий воқеалари ўрта аср қўлёзмалари ва бошқа ёзма манбаларда ҳижрий йил ҳисоби билан ёритиб келинган.

Туркистонда Чор Россияси ва кейинчалик Советлар ҳокимияти ўрнатилгач, Ўрта Осиёда ҳам Европада амалда бўлган милодий йил ҳисоби жорий қилинди ва бу ҳозиргача амалда бўлиб келмоқда. Милодий йил ҳисоби христиан (насонийлик) динининг пайғамбари Исо алайҳиссалом (Иисус Христос)нинг таваллуд топган йилидан бошланади. “Милод” сўзи арабчадан “туғилмоқ” деган маънони англатади. Аниқроқ қилиб айтиладиган бўлсак, масалан, ҳозирги 2008 йил бу Исо пайғамбарнинг ёши. Исо пайғамбар туғилганидан кейин содир бўлган воқеалар милодий (эрамиз), Исо пайғамбар туғилишидан олдин бўлиб ўтган воқеалар эса милоддан аввалги (эрамиздан аввалги) деб юритилади.

НУМИЗМАТИКА - тангашунослик фани. Қадимий тангалардаги белги-расмлар, тасвирлар, тамгалар ва ёзувлар орқали ижтимоий-сиёсий тарихнинг айрим жиҳатларини ўрганувчи тарихнинг ёрдамчи фан соҳаси.

ХРОНОЛОГИЯ (юнонча “chronos” - вақт, “logos” - фан) - тарихий тараққиёт босқичлари, воқеаларнинг даврий кетма-кетлигини ўрганувчи тарихнинг ёрдамчи фан соҳаси.

ЭТИМОЛОГИЯ (юнонча “etymon” - ҳақиқат, чин “logos” - фан) - бирон бир сўз ёки атаманинг келиб чиқиши, унинг бошқа сўзлар билан ўзаро яқинлик алоқаларини ўрганувчи фан соҳаси.

ЭТНОГРАФИЯ (юнонча “ethnos” халқ, “grapho” ёзаман) - тарихнинг ёрдамчи фан соҳаси бўлиб, халқларнинг урф-одатлари, ҳўжалиги ва маданиятини; халқлар, этник бирликнинг турли типлари, уларнинг келиб чиқиши (этногенези), турмуши, тарихий ва маданий муносабатларини ўрганадиган ижтимоий фан. Этнография фани асосий эътиборни ҳозирги халқларга қаратган ҳолда ўтмишда мавжуд бўлган барча этник бирликларни илмий ўрганишни ҳам қамраб олади.

ЭПИГРАФИКА - қадимги битик, ёзувларни ўрганувчи фан.

МАВЗУ: МАРКАЗИЙ ОСИЁ ИНСОНИЯТ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИНИНГ ҚАДИМИЙ ЎЧОҚЛАРИДАН БИРИ

АВСТРАЛОПИТЕК (лотинча “australis” - жануб, “pithekos” - маймун) - бундан 3-2 миллион йил олдин яшаган одамнинг илк ажодларидан бири бўлиб, унинг қолдиқлари 1924 йилда Жанубий Африкада топилган. Олимларнинг хулосасига кўра, австралопитек одамзоднинг ҳайвонлар (маймунлар) олаmidан одамлар дунёсига ўтишдаги биринчи вакилидир.

АНИМИЗМ (лотинча “anima” - руҳ, жон) - инсонни ўраб турган муҳитда жонлар ва руҳларнинг мавжудлигига ишониш, гўё улар кишилар, ҳайвонларнинг ҳаётига, теварак атрофдаги олам, буюмлар ва ҳодисаларга, уларнинг ўзгаришларига таъсир этиб, уларни бошқаради деб ҳисоблаш. Анимистик тасаввурлар ибтидоий давр одамларида бундан тахминан 40-35 минг йил аввал пайдо бўла бошлаган. Ибтидоий кишилар нарсалар, ўсимликларнинг жони бор деб тушунишган, яъни жон одамлардан бошқа мавжудотларда ҳам бордир. Руҳ эса эгаларидан ажралган ҳолда ҳам мавжуд бўлиб, у ҳар қандай нарсаларга таъсир кўрсатади.

Анимизм тушунчасини биринчи бўлиб фанга немис олими Шталь (1708 й.) киритган.

АНТРОПОГЕНЕЗ (юнонча “антропос” - одам, “генезис” - ривожланиш) - одамнинг келиб чиқиши ва ривожланиши жараёни. Бу жараён тўғрисида турли фикрлар мавжуд. Дарвин, Гексли ва Гегель инсон олий даражада тараққий этган одамсимон маймунлардан келиб чиққан дейдилар. Замонавий фан антропогенез жараёнининг ижтимоий меҳнат назариясини тасдиқламоқда. Инсоннинг пайдо бўлиши ва ривожланиши жараёни (антропогенез) бир неча босқичларга бўлинади. Антропогенез жараёнининг биринчи босқичи Австралопитек ва Зинжантроп одамлар яшаган давр ҳисобланиб, бу ибтидоий одам турлари тахминан 3-2 млн. йил илгари яшаган. Одам тараққиётининг иккинчи босқичи Питекантроп ва Синантроплардир. Улар бундан 1 млн.-800 минг йил илгари яшаганлар.

Австралопитек, Зинжантроп, Питекантроп, Синантроп одамлари фанда архантроплар (энг қадимги одамлар) деб юритилади. Архантропларга мансуб одам излари Ўзбекистон (Сулунғур гори) дан ҳам топилган бўлиб, фанда у Фергантроп (Фарғона одами) деб айтилади. Антропогенез жараёнининг учинчи босқичи Неандерталь одамларига тўғри келиб, улар бундан 100-40 минг йил муқаддам яшашган. Фанда бу одам тури палеоантроплар (қадимги одамлар) деб номланади. Неандерталлар ибтидоий одам шаклланиши жараёнининг сўнгги босқичи бўлиб, улардан кейин 40-35 минг йилликка келиб замонавий қиёфадаги Кроманьон одамлари (Неонтроплар) шаклланган.

АНТРОПОЛОГИЯ (юнонча “антропос” - одам, “логия” - фан) - қадимги одамларнинг келиб чиқиши, ташқи кўриниши ва ривожланиш босқичларини ўрганувчи фан.

АРХАНТРОПЛАР (юнонча “археос” - қадимги, “антропос” - одам) - ибтидоий одамнинг дастлабки вакиллари. Архантроплар илк палеолит даврида яшаганлар. (Австралопитек, Зинжантроп, Питекантроп, Синантроп, Фергантроп).

БИРИНЧИ ЙИРИК МЕҲНАТ ТАКСИМОТИ - деҳқончиликнинг чорвачиликдан ажралиб чиқиши. Мезолит-Неолит давридан бошлаб инсоният ишлаб чиқарувчи хўжалик шаклига ўта бошлайди. Энеолит ва бронза даврига келиб меҳнат қуролларининг такомиллашуви ва ерга ишлов бериш усулларининг мукамаллашуви натижасида ортиқча маҳсулот пайдо бўлади. Бу ҳол биринчи ижтимоий меҳнат тақсимотини юзага келтирди.

БРОНЗА ДАВРИ (жез даври) - меҳнат қуроллари асосан мис билан қалайнинг аралашмаси-бронзадан ясалгани учун шундай ном берилган. Милoddан аввалги 3-2 минг йилликларни ўз ичига олади.

Бронза даврига келиб ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида сунъий суғоришга асосланган суғорма деҳқончилик маданияти шаклланди. Бу даврда оид моддий маданият ёдгорликлари Замонбобо (Бухоро вилоятининг Қорақўл туманида), Саразм (Тожикистоннинг Панжикент вилояти), Сополлитепа, Жарқўтон (Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида) ва Тозабоб, Қават-3, Амиробод (Хоразм-Қорақалпоғистон) манзилгоҳларидан топиб ўрганилган.

ЗИНЖАНТРОП - “ишбилармон одам”, у одамзоднинг илк аждодларидан бўлиб, унинг суяк қолдиқлари Шарқий Африканинг Зинж қишлоғи ёнидаги Олдувой дарасидан топилган. Одамзоднинг келиб чиқиши шажарасида зинжантроплар австралопитеклар билан питекантроплар орасини тулдирувчи бўғин деб ҳисобланади.

ИБТИДОЙ ТҶДА - энг қадимги одамларнинг улкан жамоаси бўлиб, инсоният тараққиётининг биринчи босқичида одамлар тўда тарзида ҳаёт кечирганлар. Ибтидоий тўда даври одам пайдо бўлганидан то уруғчилик жамоасига қадар, яъни 40-35 минг йилликкача давом этган.

ИККИНЧИ ЙИРИК МЕҲНАТ ТАҚСИМОТИ - деҳқончилик ва чорвачилиқдан хунармандчиликнинг ажралиб чиқиши. Бу жараён асосан энеолит-бронза даврларида содир бўлган.

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ХҶЖАЛИК - инсониятнинг табиатдаги тайёр маҳсулотлардан фойдалиниб қолмасдан балки хўжалик ва ҳаёт учун зарур бўлган озиқ-овқат, хом ашё ва меҳнат қуролларини бевосита ўзлари томонидан яратишга ўтилган хўжалик шакли. Деҳқончилик, чорвачилик, хунармандчилик ишлаб чиқарувчи хўжалик турларидир. Инсоният ишлаб чиқарувчи хўжалик шаклига асосан мезолит-неолит давридан ўта бошлаган.

КРОМАНЬОН - сўнгги (юқори) палеолит даврида бундан 40-12 минг йил аввал яшаган одам тури. Фанда кроманьон одамлари “Ҳомо сапиенс” ақлли одам ёки “Неонтроп”-янги одам деб ҳам юритилади. Дастлаб Франциянинг Кроманьон деган жойидан топилганлиги учун шундай ном берилган.

МАГИЯ (юнонча “магия” сўзидан олинган бўлиб, сеҳргарлик, афсунгарлик деган маънони англатади) - ибтидоий одамларнинг диний тасаввурлари мажмуаси. Сеҳру-жоду, куф-суфлар орқали табиат ва ҳаётдаги яхшилик ва ёвузлик кучларига, шайтону-иблисларга таъсир кўрсатиш амаллари.

МАДАНИЯТ - кўп қиррали ва чуқур мазмунга эга тушунча бўлиб, у жамият тараққиёти давомида инсонларнинг фаолияти туфайли қўлга киритган барча моддий ва маънавий ютуқларининг мажмуасидир.

Моддий маданият деганда инсонларнинг фаолияти туфайли яратилган “иккинчи табиат”, яъни ишлаб чиқариш воситалари, меҳнат қуроллари, шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнида

яратилган ва ҳаёт учун хизмат қиладиган барча бойликлар назарда тутилади.

Маънавий маданиятнинг қамрови беҳад кенг бўлиб, у ижтимоий онгнинг барча шаклларини, яъни фалсафий, илмий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик, диний қарашлар, маориф, таълим-тарбия, мактаб, санъат, халқ маънавий ижодиётининг барча турларини қамраб олади.

Моддий ва маънавий маданият бир-бири билан узвий боғланган бўлиб, бири иккинчисини тўлдиради.

МАТРИАРХАТ - она уруги даври. Уругчилик тузумининг биринчи босқичи. Матриархат даври палеолит даврининг сўнгги босқичида пайдо бўлиб, у неолит ва энеолит давригача давом этган.

МЕЗОЛИТ (юнонча “мезо” - ўрта, “литос” - тош) - ўрта тош даври. Музликларнинг чекинишидан мезолит даври бошланиб, у 12-7 минг йилликларни ўз ичига олади. Мезолит даврига келиб ер иқлими исий бошлаган. Бу давр ёдгорликлари Республикамизда юздан ортиқ бўлиб улардан энг яхши ўрганилганлари Обишир (Фарғона), Қўшилиш (Тошкент вилояти), Мачай ва Зараутсой (Сурхондарё) ёдгорликларидир.

МОНОГАМИЯ (юнонча “monos” - якка, “gamos” - никоҳ) - якка никоҳчилик, яъни бир эркакнинг бир аёл билан якка никоҳ асосида яшаши.

МОНОТЕИЗМ (юнонча “mono” - якка, битта, “theos” - худо) - якка худолик дини. Фақат битта худога сиғинувчи, биргина худони эътироф этувчи эътиқод шакли. Зардуштийлик, Христианлик, Ислом динлари монотеистик динлар ҳисобланади.

МИКРОЛИТЛАР - майда тош қуроллари. Микролит тош қуроллари (ўқ ёй учлари, майда меҳнат қуроллари, бигизлар ва ҳ.к.) мезолит даврида пайдо бўлган.

НЕОЛИТ (юнонча “нео” - янги, “литос” - тош) - янги тош даври. 6-4 минг йилликларни ўз ичига олади. Неолит даврига келиб инсоният деҳқончилик, чорвачилик, қулолчилик, тўқимачилик ва бошқа ҳунармандчилик соҳаларини ўрганди. Инсоният тарихида ишлаб чиқарувчи ҳўжалик тарихи бошланди. Бу даврда Ўрта Осиёнинг жанубий минтақаларида илк деҳқончилик маданияти (Жойтун маданияти), шимолий минтақаларида эса овчи балиқчилар маданияти (Калтаминор) шаклланди.

НЕОНТРОПЛАР (юнонча “нео” - янги, “антропос” - одам) - янги одамлар. Замонавий қиёфадаги Кроманьон одамлари фан тилида шундай юритилади.

НЕАНДЕРТАЛЬ - жой номи. Бу давр одамларининг суяк қолдиқлари биринчи марта (1856 йил) Германиянинг Неандерталь водийсидан топилгани учун шу ном берилган. Неандерталь одамлари бундан 100-40 минг йил аввал яшашган. Неандерталь одамига тегишли суяк қолдиқлари Ўзбекистондан (Сурхондарёнинг Тешиктош ғоридан) ҳам топилган.

ПАЛЕОНТРОП (юнонча “палеос” - қадимги, “антропос” - одам) - қадимги давр одамлари. Палеонтроплар асосан урта палеолит даврида (100-40 минг й.й.) яшаганлар. Неандерталь одамлари палеонтроплар деб ҳам юритилади.

ПАЛЕОЛИТ (юнонча “палеос” - қадимги, “литос” - тош) - қадимги тош даври. Палеолит даври инсоният тарихида энг узоқ давом этган тарихий давр бўлиб 2,5 млн. йилдан 12 минг йилликкача бўлган даврни ўз ичига олади. Палеолит даври ўз навбатида Илк палеолит (2,5 млн.-100 минггинчи йилликлар), Ўрта палеолит (100 –40 минг йилликлар) ва Сўнги (юқори) палеолит (40-12 минг йилликлар) босқичларига бўлинади.

Палеолит даври шунингдек, шель, ашель, мустье, ориньяк, солютре ва мадлен каби археологик босқичларга ҳам бўлинади.

Шель-Палеолит даврининг илк босқичи бўлиб, бу даврда питекантроп одам тури яшаган.

Ашель-палеолит даврининг иккинчи босқичи бўлиб, бу даврда асосан синантроп одамлари яшашган. Ашель даврининг охирига келиб ерда иқлим совий бошлаган ва музлик даври бошланган.

Мустье-палеолит даврининг ўрта босқичи. 100-40 минг йилликларга тўғри келади. Бу даврда ер иқлими анча совуқ бўлиб, Неандерталь туридаги одамлар кенг тарқалган.

Ориньяк, Маделен, Солютре сўнги палеолит даври маданияти босқичлари ҳисобланади.

ПАТРИАРХАТ - ота уруғи даври. Уруғчилик тузумининг матриархатдан кейинги иккинчи босқичи. Ибтидоий жамоа даврида меҳнат қуроллариининг такомиллашуви натижасида кундалик эҳтиёждан ортиқча маҳсулот ишлаб чиқаришнинг пайдо бўлиши билан жамиятда оналар ўз ўрнини оталарга бўшатиб

беришга мажбур бўлган. Милоддан аввалги 4-3 минг йилликлардан бошлаб патриархат даврига угила бошланган.

ПЕТРОГЛИФ (юнонча “petra” - тош, “glyphe” - ўйиш) - ибтидоий одамларга тегишли қоятош битиғи ёки тасвири.

ПИТЕКАНТРОП (юнонча “питек” - маймун, “антропос” - одам) - маймун одам демақдир. Индонезиянинг Ява оролидан 1890 йилда топилган ибтидоий одам тури. Улар 1 млн. йил аввал яшашган.

ПОЛИГАМИЯ - кўп никоҳлилик; кўп хотинлик; кўп эрлилик; бир эркакнинг бир неча хотин билан никоҳда ёки аксинча, бир хотиннинг бир неча эркак билан никоҳда бўлиб яшаш. Полигамия ибтидоий жамоа тузуми даври (матриархат) га хос бўлиб, ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиши ва синфий жамиятнинг шаклланиши билан бу никоҳ шаклига аста-секин барҳам берилиб, моногам оилалар пайдо бўла бошлайди.

ПОЛИТЕИЗМ (юнонча “poly” - кўп, “theos” - худо) - кўпхудолик дини. Политеизм ибтидоий давр одамларига хос бўлиб, унда ҳар бир қабила ёки уруғнинг ўз худоси ва эътиқод шакли мавжуд бўлган (фетишизм, анимизм, шомонлик, тотемизм ва бошқ.). Инсоният жамияти тараққий эта борган сари ибтидоий одамлар кўп худоликдан яккахудолик динларига ўта бошлаганлар. Бу ишлаб чиқарувчи хўжалик шаклининг пайдо бўлиши натижасида ибтидоий жамоа тузумининг емирилиб, синфий жамият ва давлатчилик босқичига ўтиш жараёни билан бир вақтда содир бўлган.

ТОТЕМИЗМ - бирор уруғ ёки қабила ибтидоси. Уруғ асосчиси, аждод, уруғ жамоалари топиниб, уни муқаддас тутган ҳайвон. Тотем сўзи Шимолий Америкада яшайдиган Ожибва қабиласи тилида “унинг уруғи” маъносини англатади. Унинг моҳияти “одамларнинг ҳайвонот ва ўсимликнинг муайян турларига қариндошлик алоқалари бор” деб эътиқод қилишдир. Тотем-бирор уруғ ёки қабила ибтидоси, уруғ асосчиси, аждод, уруғ жамоалари топиниб, уни муқаддас тутган ҳайвон.

Тотемизм эътиқод шакли маълум бир жамоанинг аввалда асосий озуқа манбаини ташкил қилган ҳайвон ёки ўсимликка нисбатан эътибор кейинчалик вужудга келган қабиланинг диний тасаввурларининг асосий шаклларида бирига айланган бўлиши мумкин.

УРУҒ ЖАМОАСИ - биргаликда яшаган ва ҳамкорликда меҳнат қилган, умумий меҳнат қуроллари ва қурол-яроққа эга бўлган қон-қариндошлар жамоаси. Уруғ жамоаси сўнги палеолит даврига келиб (40-35 минг йилликларда) пайдо бўлган.

ФЕТИШИЗМ (французча “fetiche” - бут, санам; тумор) - табиатдаги жонсиз предметларга сиғиниш. Унга кўра алоҳида буюмлар кишиларнинг ўз мақсадига эриштириш, маълум воқеа-ҳодисаларни ўзгартириш кучига эга деб ҳисобланган. Фетиш ҳам ижобий ҳам салбий таъсир кучига эга.

Фетишизм ёғоч, лой ва бошқа материаллардан ясалган буюмлар пайдо бўлиши билан бир пайтда ибтидоий жамоа тузумининг уруғчилик босқичида пайдо бўлган. Ибтидоий одамлар бу бутлар ва туморларда уруғ жамоалар ғайритабиий дунёдан келадиган илоҳий қудратининг тимсолини кўрганлар.

Фетишизм белгилари баъзи бир ҳозирги замонавий халқларнинг диний расм-русмлари ва эътиқод-анъаналарида ҳам сақланиб қолган.

ЦИВИЛИЗАЦИЯ (лот. “civilis” - фуқаро жамияти, ҳарбийларсиз ва черковсиз ҳаёт) - жамият эришган моддий ва маънавий тараққиёт даражаси. Фақат инсонга хос сунъий оламни моддий ва маънавий жиҳатдан такомиллашувидаги муваффақиятлари кўрсаткичи. Инсоният жамиятининг ҳайвонот олаmidан асосий фарқи шундан иборатки, инсон ўз меҳнат фаолияти, ақл ва заковати билан яратган сунъий дунёда яшайди. Табиатда уй-жой, нон, машина, китоб ва шу каби моддий ва маънавий неъматлар тайёр ҳолда учрамайди, уларни табиат яратмайди. Уларни одам ўз меҳнати ва ақл-заковати билан вужудга келтиради. Жамиятнинг тараққиёт даражаси ана шу сунъий нарсаларнинг сони ва сифати билан белгиланади. Тарих фани шу маънода цивилизация-тарихий тараққиётни ўрганувчи фандир.

Инсоният тарихи доимо бир текисда ривожланмаган. Тарихда юз берган даврий маданий юксакликлар цивилизациялар тарихини ташкил этган. Таниқли олим, академик А.Асқаров кишилик тарихи ўз тараққиёт йўлида 5 марта цивилизацион юксалишларни бошидан кечирди деб, уларни қуйидагича кўрсатади: Биринчи цивилизация дастлаб, милoddан аввалги 3-минг йилликда Ефрат ва Дажла, Нил ва Ҳинд дарёлари ҳавзаларида юз берди. Шунинг учун у тарихга “Қадимги шарқ цивилизацияси” номи билан кирди. Унинг таъсир доираси

милоддан аввалги 3-минг йилликнинг охирларида Хуросонга ва 2-минг йиллик бошларида эса Мовароуннаҳрга ёйилди. Иккинчи жаҳон цивилизацияси милоддан аввалги 1-минг йилликнинг ўрталарида Греция ва Римда юз берди. У тарихда “Антик давр цивилизацияси” номи остида маълум. Унинг таъсир доираси Македониялик Искандарнинг қадимги Шарққа томон ҳарбий юришларидан сўнг Ўрта Осиёга кириб келди ва у “Осиё-Европа эллинизм цивилизацияси”нинг шаклланишига олиб келди. Учинчи цивилизация ўчоғи Мовароуннаҳр ва Хуросон бўлиб, ушбу ҳудудларида милодий IX-XIII аср бошларида юз берди ва унинг таъсирида Европа уйғонди. Тўртинчи цивилизация XIV-XV асрларда Европа ва Осиёда юз берган уйғониш даври билан боғлиқ ва ниҳоят бешинчи цивилизация жамият ривожланишининг барча жабҳаларини қамраб олган XX аср цивилизациясидир. Цивилизациялар оралиғида нотекис ривожланишлар, узоқ йиллар давом этган турғунликлар ва тез-тез даврий инқирозлар юз бериб турган.

ШАМАНИЗМ (ШОМОНЛИК): (тунгусча “шомон” - сеҳргарлик) - сеҳргарлик (афсун, магия) маълум бир натижалар олиш учун илоҳий кучларга таъсир этиш мақсадида амалга ошириладиган ритуал, урф-одатлар мажмуасидир. Шомонлик эътиқод шакли ибтилоий уруғчилик даврида пайдо бўлган. Шаманизм урф-одатлари билан махсус одамлар-шаманлар, афсунгарлар шуғулланганлар. Одамлар уларнинг руҳлар билан мулоқотда бўлиш, руҳларга жамоанинг умид ва ниятларини етказиш, уларнинг иродасини талқин қилиш қобилятига эга эканликларига чуқур ишонганлар.

Афсунгарлик мақсадларига кўра қуйидагиларга бўлинади: 1) Зарар келтирувчи ёвуз афсунгарлик; 2) Ҳарбий афсунгарлик (бу душманга қарши ишлатилади); 3) Севги афсунгарлиги (ундан “иссиқ” ёки “совуқ” қилиш мақсадида ишлатилади); 4) Тиббий афсунгарлик (ундан даволаш мақсадида фойдаланиш); 5) Об-ҳаво афсунгарлиги.

Шаманизм ҳозирда ҳам замонавий динларда ва турли халқлар урф-одатларида сақланиб қолган.

ЭВОЛЮЦИЯ (лот. *evalutio* - очилиш, ёзилиш, такомиллашиш) - тадрижий ривожланиш деган маънони англатиб, табиат, жамият ва рухий-маънавий ривожланиш концепцияларини умумлаштириб ифода этишга хизмат қилувчи

тушунча. Эволюция тушунчаси кенг маънода ривожланиш тушунчасининг синоними сифатида ишлатилади.

ЭНДОГАМ ОИЛА - бир уруф доирасида тузилган оила, никоҳ.

ЭНЕОЛИТ (лотинча “aeneus” - мис, юнонча “litos” - тош, мис-даври) - меҳнат қуролиари ишлаб чиқаришда биринчи марта мис маъдани қўлланила бошлангани учун шундай ном берилган. Энеолит даври 4-3 минг йилликларни ўз ичига олади.

Энеолит давридан ибтидоий жамоа тузумининг инқироzi, синфий жамиятнинг шаклланиш жараёни бошланган. Шарқда (Олд Осиё ва Месопотамияда) дастлабки давлат бирлашмалари вужудга кела бошлади, Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудлари (Туркменистон) да эса сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик маданияти ва пахса, хом ғиштдан кўп хонали уйлар қуриш бошланди.

Энеолит даврининг кўшлаб ёдгорликлари Туркменистон ҳудудларидан топиб ўрганилган (Анов, Номозгоҳ ва Олтигтепа).

ЭКЗОГАМ ОИЛА - уруф доирасидан ташқари, кўшни уруф вакиллари билан тузилган никоҳ, оила.

ЧОППЕР - Ибтидоий одамларнинг тош қуролиари. Улар кўпол дарё тошлари бўлиб, бир томони ўткирлаштирилган бўлади

ЎЗЛАШТИРУВЧИ ХЎЖАЛИК - табиат инъом этган нарсалардан фойдаланиб ҳаёт кечириш. Кишиларнинг энг қадимги машғулоти бўлган термачилик ва овчилик ўзлаштирувчи хўжалик деб юритилади. Ўзлаштирувчи хўжалик тарзи одам пайдо бўлганидан то мезолит-неолит даврига қадар давом этган.

ҲАРБИЙ ДЕМОКРАТИЯ ДАВРИ - уруғчилик жамоасининг сўнгги босқичида жамоани бошқаришда ҳарбий руҳнинг кучайган даври. Бу даврда жамоа қабила ва уруғ бошлиқлари таркибидан ташкил топган ҳарбий, диний ва дунёвий кенгаш томонидан бошқарилган. Уруғчиликдан синфий жамиятга ўтиш давридаги бошқарув шакли ҳисобланади.

“ҲОМО САПИЕНС” - ақл идрокли одам. Замонавий қиёфадаги одам- Кроманьонларнинг фандаги номи.

“ҲОМО ҲАБИЛИС” - ишбилармон одамлар. Ибтидоий одамларнинг энг дастлабки вакиллари бўлиб, улар меҳнат қуролиари ясай олишлари ва уларни хўжалик ҳаётида фойдалана билганликлари учун шундай номланганлар.

ҲУДУДИЙ ҚЎШНИЧИЛИК ЖАМОАСИ - хўжаликнинг илғор шаклларига ўтилиши, ортиқча маҳсулотнинг пайдо бўлиши

ва меҳнат тақсимотининг юзага келиши оқибатида жамиятда мулкый тенгсизлик пайдо бўлгач уруғчилик жамоаси ўрнида вужудга келган жамоа. Худудий қўшничилик жамоасининг белгиларидан бири шуки, унда аҳоли бир неча гуруҳларга (зодагонлар, ҳарбийлар, зароатчилар, чорвадорлар, ҳунармандлар) бўлиниб кетади ва ўзларига хос ҳаёт тарзига эга бўладилар.

МАВЗУ. ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНИ ТАРИХИДАН

АССИМИЛЯЦИЯ (лот. *assimilatio* - ўхшаш, мувофиқлашиш) - этнография ва социологияда қабила, элат ёки халқларнинг бир бирига қўшилиб, араллишиб кетиши. Бу жараёнда қоришиб кетган иккита этник қатламдан бири ўз тили, маданияти ёки бошқа ўзига хос этник белгисини иккинчиси фойдасига йўқотиб юборади. Масалан, ўзбек халқининг этник асосини ташкил этган ватанимиз ҳудудидаги қадимги суғдийлар, бохтарлар ва хоразмликлар туркий халқлар билан қоришиб, вақт ўтиши билан ўз тиллари, ёзуви ва маданиятини ҳам унутиб туркийлашиб кетганлар.

ДЕМОГРАФИЯ (юнонча *Demos* - халқ, *grapho* - ёзаман) - аҳолининг жойлашуви ва тараққиёти қонуниятларини ўрганувчи ижтимоий фанлардан бири. Аҳоли сонинининг ўзгариши, унинг бандлиги, табиий кўпайиши ва кўчиб юришлари (миграция) ни ўрганиш демографиянинг марказий масаласи ҳисобланади.

МАССАГЕТЛАР - Ўрта Осиёнинг тоғлик, чўл ва саҳро ерларида истиқомат қилган кўчманчи чорвадор қабилалар. Массagetлар, тадқиқотчиларнинг фикрига кўра айнан сак қабилаларининг йирик ҳарбий-сиёсий уюшмасидир. Олимлар массагет сўзини икки хил - "улуғ гетлар" (О.Франке) ёки "йирик сак ўрдаси" деб таржима қилишади. Шунинг таъкидлаш жоизки, "массагет" сўзининг аниқ этимологияси (келиб чиқиши) масаласи тўлиқ ўз ечимини топмаган.

Массагетлар асосан Амударё ва Сирдарё орасидаги саҳроларда истиқомат қилишган. Милoddан аввалги VI асрда улар йирик ҳарбий қабила иттифоқига бирлашганлар. Аҳмонийлар подшоиси Кир II милoddан аввалги 530 йилда массагетлар юртига юриш қилганда ўз ажалини топган эди. (Тўмарис жасорати)

МЕНТАЛИТЕТ (лотинча *mens* - ақл, фақм, зеҳн, идрок) - жамият, миллат, жамоа ёки алоҳида шахснинг тарихан таркиб топган тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, уларнинг ҳаёт қонунларини таҳлил этиш кучи, муайян ижтимоий шароитларда шаклланган ақлий қобилияти, руҳий қуввати. Жамият, миллат ёки шахснинг менталитети уларнинг ўзига хос анъаналари, расм-русмлари, урф-одатлари, диний эътиқод ва иримларини ҳам қамраб олади.

Ўзбек халқи менталитетинининг шаклланиш жараёни деярли уч ярим минг йиллик тарихга эга. Шу давр мобайнида ўзбек халқи инсоният моддий ва маънавий маданиятини бебаҳо дурдоналар билан бойитди.

МИЛЛАТ - ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиб бориши, иқтисодий ва маданий алоқаларнинг кучайиши билан элатлар ва халқлар миллатга айланади. Миллат кишилар уюшувининг энг олий формаси бўлиб, у кишиларнинг маданий ва психологик онги (менталитети) билан ажралиб турадиган шаклидир.

Миллат билан халқ таърифига қўйилган талаблар ташқаридан қараганда бир-бирларига ўхшаш кўринсада, аммо, моҳият жиҳатидан улар бир маънони англатмайди.

Биринчидан, халқ узил-кесил шаклланган феодализм жамиятининг ижтимоий маҳсули, миллат эса капиталистик жамиятнинг ижтимоий маҳсулидир. Иккинчидан, халқни уюштирувчи этник омиллардан ҳудудий бирлик чегаралари тарих тақозосига кўра, ўзгарувчанлик хусусиятига эга бўлади. Аммо, миллат давлат чегаралари қатъий, мутлақо даҳлсиз, жаҳон жамоатчилик ташкилотлари томонидан тан олинган. Учинчидан, халқ шаклланган пайтда ҳамма вақт ҳам унинг этник номи бўлавермайди, халқ миллат даражасига кўтарилганда эса унинг этник номи бўлиши шарт. Масалан ўзбек халқи номи унинг элат сифатида шаклланиб бўлгандан анча кейин пайдо бўлди. Тўртинчидан, халқнинг сиёсий уюшмаси-давлат тарих тақозосига кўра, ҳамма вақт ҳам этнос номи билан аталаверилмайди, аммо халқ миллатга айланганда давлат номи миллат номи билан юритилиши шарт. Бешинчидан, этноснинг халқ даражасида ўзликни англаш, миллий ғурур, ватан фидойиси бўлиш, ўз халқидан фахрланиш ҳисси ўша давр жамияти тарғиб-қондаларига кўра, кўпчилликда бир хил, юксак даражада бўлавермайди. Аммо

халқ миллат даражасига кўтарилганда бу сифатлар юксак даражада бўлади. Олтинчидан, этноснинг тил бирлиги элатнинг халқ даражасида ҳамма вақт ҳам давлат мақомини олавермайди, халқ миллат даражасига чиққанда унинг тили албатта давлат мақомини олиши шарт. Миллат ўзининг тили учун қайғуради ва уни ҳимоя қилади, унинг адабий тили таркибига ҳар қандай чет сўзларни тиқиштиравермайди. Миллат вакили ҳар жойда ўз она тилида гапиради. Еттинчидан, менталитет этноснинг халқ даражасида эмас, балки миллат даражасида шаклланади ва ниҳоят, саккизинчидан, миллат узил-кесил шаклланганда давлат жамият томонидан бошқарилади, яъни давлат халқ хизматчиси, барча соҳаларда миллат талаби ва ҳоҳиш иродасини бажарувчи механизмга айланади.

ОРИЙЛАР (АРИЙЛАР) - “эркин” деган маънода таржима қилинади. “Авесто”га кўра, арийлар ижтимоий ҳаётда жамоанинг эркин, озод, жанговар мулкдорлар табақаси бўлиб, мана шу табақа ва унинг оила аъзолари ўз уруғ-аймоқларидан фарқли ўлароқ “озодлар” яъни “орийлар” деб юритилган. Улар яшаган юрт орийлар ватани, орийлар кенглиги, яъни “Арьянам Вайчаҳ” деб номланган.

Орийлар Марказий Осиё чорвадор қабилаларининг иқтисодий юксалишидаги кўчманчилик ҳаёт босқичининг ижтимоий маҳсули, уларнинг ташаббускор ва тадбиркор ишбилармон қатлами, энди шаклланиб келаётган синфий жамиятнинг аслзодалар табақаси эди. Тарихий тилшунослик ва археологик тадқиқотларга кўра, улар келиб чиқиши жиҳатидан эроний тил соҳиблари бўлмай, балки туркийда сўзлашганлар.

Милоддан аввалги II минг йилликнинг ўрталарида Евроосиё чўлларининг орийлари ўз чорваларига янги яйловлар қидириб, жанубга томон, нафақат Ўрта Осиёнинг ички районларига, ҳатто Эрон ва Ҳиндистонгача кириб бордилар.

Чорвадор орийларнинг шимолий минтақалардан келиб Эрон адирларига ўрнашиб қолган жойлар “Авесто”да “Ариана” номини олган. Эрон-Ариана сўзининг янги шакли.

“Авесто” ва “Ригведа”га кўра, дастлаб орийлар Эрон ва Ҳиндистонга келганда маҳаллий аҳолига нисбатан “бегона”, “келгинди”, “босқинчи” маъносини англатган. Кейинчалик эса “хўжайин”, “аслзода” маъносини касб этган. Аҳмоний подшолари

Кир II ва Доро I лар қоятошларга битилган битикларида ўзларини “ҳақиқий орий” эканликларини алоҳида таъкидлаб кўрсатадилар.

“Орий” атамаси дастлаб ижтимоий маънода қўлланилган, кейинроқ эса улар маҳаллий аҳоли билан қоришиб кетгач, бу суз янги этник маъно ва мазмун касб этди, улардан сон жиҳатдан бир неча марта кўп бўлган Эроннинг маҳаллий аҳолиси тил муҳити таъсирида орийлар аста-секин ўз тилларини йўқотиб, эронийлашиб кетадилар.

САКЛАР - Ўрта Осиёнинг тоғлик, чўл ва сахро ерларида истиқомат қилган кўчманчи чорвадор қабилалар. Аҳмоний подшоларининг қоя тошларга ёзилган битикларда Ўрта Осиёнинг кўчманчи чорвадор аҳолиси шундай ном билан юритилган.

Қадимги юнон ва рим тарихчиларининг ёзишларича, саклар уч ижтимоий гуруҳга бўлинган. Уларнинг кўпчилик қисми сака-тиграхауда, яъни ўтқир учли кигиз қалпоқ кийиб юрувчи саклар деб аталган. Улар ҳозирги Тошкент вилояти ва Жанубий Қозоғистон ерларида яшаганлар.

Иккинчи гуруҳ сака тиай-тара-дарайя, яъни дарёнинг нариги томонида яшовчи саклар деб аталган. Улар Орол денгизи бўйларида, Сирдарё (Яксарт)нинг қуйи оқимида яшаганлар.

Помирнинг тоғли туманларида ва Фарғонада сака-хаумоварка деб аталувчи саклар яшашган.

САРТ - I, VI асрларда турклар Ўрта Осиёни босиб олгач, шаҳарларда истиқомат қилаётган форс-тожик тилида гаплашувчи аҳолини сарт деб аташган.

2. XII-XIII асрларда мўғуллар савдогарчилик билан келган, асосан аксарият мусулмон савдогарларини сарт деб аташган.

3. XVI асрда Дашти Қипчоқда келиб, Темурийлар давлатини эгаллаган кўчманчи ўзбеклар маҳаллий шаҳар ва ўтроқ аҳолини сарт деб атаган.

Сарт атамаси этник ном эмас. Бу ҳақда фанда турли қарашлар мавжуд, аммо унинг муайян бир этносга тегишли эканлиги маълум эмас. Совет даври тарихшунослигида бу масалада В.В.Бартольд қарашлари эътиборда бўлиб келди. Унингча сарт атамаси тожик маъносини беради. Аммо у келиб чиқиши жиҳатдан туркийлашган суғдийлар бўлиб, тожик ва ўзбекларга тегишли муқим яшовчи, савдо-сотик ва ҳунармандчилик аҳлининг йиғинди номи эканлиги тарихий ҳақиқатдир. Ўрта Осиёдан Шарқий ўлкаларга савдо қарвони билан борган савдогарлар келиб

чиқиши қайси этносга тегишли бўлишидан қатъий назар, улар сартлар деб аталган. Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони лугатиг турк” асарида сарт қадимги туркчада савдогар маъносида берилган. Дастлаб сартлар форсий ва туркийда сўзланган бўлсалар, XVI-XVII асрлардан улар фақат туркийда, эски ўзбек тилида сўзлаша бошлаганлар. Энди бу атама кўпроқ Фарғона водийси, Тошкент воҳаси ва Хоразмда тургун яшовчи ўзбекларга нисбатан қўлланиладиган бўлди.

Чор Россияси Туркистонни босиб олгач, рус олимлари ва тадқиқотчилари-нинг асарлари ва хроникаларда ҳам Туркистон ўтроқ аҳолисини шу ном билан юритишган.

СКИФЛАР - юнон муаллифлари Ўрта Осиё ва Дашти Қипчоқда яшовчи сакларни скифлар деб аташган. Тарихчи Геродотнинг ёзишича, саклар скифларнинг ўзгинаси бўлиб, “форслар барча скифларни саклар деб атаганлар”. Сакларни сугдийлардан Сирдарё ажратиб турган. Массagetлар, дербиклар, осийлар, дахлар, пасианлар, тохарлар, усунлар, сакаравакалар ва яна бошқа номларда аталувчи қабилаларнинг барчаси сакскиф қабилалари иттифоқига кирган Ўрта Осиёнинг қадимги аҳолисидир.

ТУРК, ТУРКИЙЛАР - жаҳондаги энг қадимги ва йирик этнослардан бирининг номи. Сўнгги йилларда жаҳон олимлари томонидан, жумладан, ўзбек олимлари томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қадимги хитой манбаларидаги маълумотларга кўра, ушбу атама бундан 3,5-4 минг йил муқаддам расмсимон иероглифлар билан ёзилган битикларда “тиек” ва “тиаук” шаклида учрайди. Турк сўзи бақувват, баркамол, одиллик каби маъноларни англатади деган фикрлар мавжуд.

Бир неча минг йил мобайнида туркий қабилалар кўп маротаба бирлашган ва парчаланганлиги туфайли уларнинг қабилавий таркиби ўзгариб турган.

Мил. авв. II-асрдан милодий III-асргача бўлган даврда Турклар Хунн ҳоқонлиги таркибида бўлганлиги сабабли Хитой манбаларида сунну, хунну деб ҳам аталганлар. Мазкур ҳоқонлик емирилгач, кейинги 300 йил давомида Хитойликлар Туркларни тиеклэ (теле) деб атаганлар.

VI асрда Туркийларнинг Ашина авлоди кучайиб Турк ҳоқонлигига асос соладилар.

ТУРКИСТОН - том маънода туркий халқларнинг тарихан таркиб топган ва кенг ёйилган тарихий-географик ҳудуд. Баъзилар Туркистонни Туроннинг исломий вориси деб ҳисоблайдилар. 639 йилда Турфонда тузилган суғд ҳужжатида Ўрта Осиё минтақасининг номи сифатида илк бор ишлатилган. “Туркистон” атамаси “Ўрта Осиё” ва “Мовароуннаҳр” номларидан фарқли равишда нафақат географик, балки этно-географик тушунчани англатиб, шунингдек, сиёсий-ҳуқуқий аҳамиятга ҳам эга. VIII асрдаги араблар истилосидан сўнг Туркистон атамаси ўзининг сиёсий-ҳуқуқий маъносини йўқотмаган. Унинг сарҳадлари тарихий-анъанавий жиҳатдан кенг маънода қуйидаги қисмлардан иборат: а) Марказий Туркистон (ҳозирги Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон, қисман Тожикистон); б) Шарқий Туркистон (Ички Мўғулистон, Хитойнинг Синцзян-Уйғур Мухтор вилояти, Қорақурум); в) Жанубий Туркистон (Тоғли Бадахшон, Кўксув, Шимолий Ҳиндистон-Жамму-Кашмир вилоятлари, Шимолий-шарқий Афғонистон); г) Фарбий Туркистон (Эроннинг шимоли, қисман Кавказ, Хазар-Каспий ҳавзаси); Шимолий Туркистон (Шимолий Қозоғистон, Урал-Волгабўйи, Об, Енисей, Лена дарёлари ва Сибир).

Тор маънода Туркистон деб асосан, Марказий Туркистон тушунилади.

ТУРОН (форсча “турон” - туркийлар деган маънони англатади) - туркий халқлар яшайдиган ҳудудларни билдирувчи ижтимоий, тарихий-этник атама.

“Турон” атамаси бундан 3000-2500 йиллар муқалдам қўлланила бошланган. “Авесто”да чорвачилик билан шуғулланувчи қабилалар турлар деб, турлар юрти эса Турон деб аталган. “Турон” атамаси ёнида, у билан бирга, унинг маънодошлари сифатида “Турк юрт”, “Турк эли”, VII асрдан бошлаб эса “Туркистон” атамалари ёзма битикларда учрайди. Турон туркий халқларнинг жаҳоний ҳамда ижтимоий-этник бирлигини ифодаловчи асосий тушунча ва ном сифатида XX асргача етиб келган.

Туронни географик-тарихий таърифлаганда, унинг ҳудудлари Тинч океанидан Ўрта ер денгизидаги Эгей-Адриатикагача, Шимолий Муз океанидан Тибет, Химолай тоғларигача, Шимолий Ҳиндистондан Анадולי (ҳозирги Туркия) гача бўлган ҳудудларни, мазкур ҳудудда яшовчи туркий халқлар Ватанини билдиради.

ХУННЛАР - Шимолий Хитой ҳудудларидан то Волгабўйи даштларига қадар чўзилган ҳудудларда кўчманчилик билан ҳаёт кечирувчи туркий қабилалардан бири.

УРУҒ - бир аждоддан тарқалган қон-қариндошларнинг жамоа бўлиб уюшуви натижасида шаклланган кишилар уюшмаси. Тирикчилик ташвишида ташқи душманлардан сақланиш истаги кишиларнинг қон-қариндошликка асосланган бирлашувини тақозо этган. Шу йўл билан кишиларнинг тенг ҳуқуқлилиги, асосий ишлаб чиқариш қуролларининг умумий мулклиги, жамоа меҳнати ва истеъмол қилишнинг умумийлиги таъминланган, никоҳ ва диний маросимлар тартибга солиб турилган. Кишиларнинг уруғ-уруғ бўлиб яшаш тарзига ўтишлари бундан 40-35 минг йил илгари содир бўла бошлаган.

ЭЛ - бу атама энг қадимги туркий сўзлардан ҳисобланади. Эл аввало бир жойнинг одамлари маъносини билдиради; Хоразм эли, Қошқар эли. Бир қабиллага мансуб кишиларга қўлланилади; қипчоқ эли, манғит эли. Эл сўзи баъзан халқ, миллат маъноларида ҳам ишлатилади. XX аср бошларида “Эл байроғи” газетаси ҳам чиққан. Юрт, мамлакат маъноларида ҳам қўлланилади. Масалан, қозоқ эли деганда қозоқ халқини ҳам, Қозоғистон Республикасини ҳам тушунишимиз мумкин. Ёки бўлмаса, чет эллар деганда, хорижий халқларни ҳам, хорижий мамлакатларни ҳам англаш мумкин.

Эл иборасида, шунингдек, иттифоқ, тотувлик, аҳиллик маънолари ҳам бор. Эл ёвнинг зиддидир. “Эл бўлди”, деганда дўстлашди, бирлашди маъноси англашилади. Элнинг ана шу маъносидан элат атамаси келиб чиққан.

ЭЛАТ - кишиларнинг тил, ҳудуд, иқтисодий ва маданий жиҳатдан тарихан таркиб топган бирлиги. Элатнинг келиб чиқишига бир-бирига яқин бир неча қабилаларнинг уюшуви асос бўлган. Уни халқнинг миллат бўлиб шаклланишидан олдинги босқичи деб ҳам атайдилар.

Тил жиҳатдан бир ёки ўзаро яқин қабилаларнинг уюшуви элат бўлишнинг асосий шаклидир. Бир қабиланинг бошқаси томонидан истило қилиниши натижасида, бир неча қабилалар аралашиб, элат пайдо бўлган. Масалан, француз элати галл, герман қабилаларининг римликлар билан ўзаро аралашувидан шаклланган.

Элат ўз қиёфасини сақлаб қолиши учун ҳамда равнақ эта бориб, халқ ва миллат даражасига етиши учун ҳам ўз давлатига эта бўлиши шарт. Ўз давлатисиз элат йўқ. Бўлса-да, элат шаклида узоқ яшай олмайди, ҳукмрон элат уни ўзига “ютиб” юборади.

ЭРОН - Амударёдан жануб томон ёйилган ҳудудлар. “Авесто”да Эрон ҳақида гап кетганда кўчманчи чорвадор турларга қарши ўлароқ, деҳқончилик билан шугулланувчи уруғ ва қабилалар юрти тушунилган.

Чорвадор орийларнинг шимолий минтақалардан келиб Эрон адирларига ўрнашиб қолган жойлар “Авесто”да “Ариана” деб номланган. Эрон-Ариана сўзининг янги шакли.

ЭТНИК ЖАРАЁН - келиб чиқиши бир-бирига яқин бўлган турли қабила ва элатларнинг асрлар давомида қўшилиб, аралашиб бориш жараёни.

ЭТНОГЕНЕЗ (юнонча “ethnos” - халқ, “genesis” - туғилиш) - бирон бир халқнинг келиб чиқиш жараёни.

ЭТНОНИМ - бирон бир халқ номи.

ЎЗБЕК - “Ўзбек” атамасининг келиб чиқиши хусусида фанда икки хил ёндашув мавжуд: биринчи гуруҳ тадқиқотчилар “Ўзбек” атамасининг келиб чиқишини Олтин Ўрда хони Ўзбекхон (1312-1342) билан боғласалар, иккинчи гуруҳ олимлар “ўзбек” атамаси ўрта асрларда Дашти Қипчоқда яшовчи кўчманчи халқларнинг бошқаларга тобе бўлмаган, “ўзига бек”, “ўз-ўзига бек”, талқинидан келиб чиққан деб ҳисоблашади.

Юқоридаги тахминлардан иккинчиси тарихий ҳақиқатга яқинроқ. Чунки “Ўзбек” атамаси қабилалар уюшмаси ва шу қабилаларга қарашли ерларнинг номи сифатида Ўзбекхонга қадар ҳам қўлланилган. Жумладан Мирзо Улуғбек ўзининг “Тарихи арбаъ улус” асарида “ўзбек улуси Ўзбекхонга берилди” деб қайд қилади. Бундан ташқари Ўзбекхондан олдин ҳам шу номда бир неча тарихий шахслар ўтган. Жумладан, XIII- аср бошларидаги Озарбайжон ҳукмдорининг исми ҳам Ўзбек Отабек бўлган.

Мовароуннаҳр ерларида яшовчи аҳоли ҳали “ўзбек” номи билан юритилмай тарихий манбаларда умумий ном билан “туркийлар” деб юритилар эди. “Ўзбек” атамасининг пайдо бўлиши тарихан олиб қараганда Мовароуннаҳр ҳудудларидан четда, шимолда Дашти Қипчоқ ерларида пайдо бўлган эди. Дашти Қипчоқ ерларида ўрта асрларда кўчманчи чорвадор ўзбек қабилалари кенг майдонда истиқомат қилишар эди. Тарихий

манбаларда “Ўзбек” атамаси XIII - аср охирига тааллуқли асарларда илк бор учрайди. XV - асрда Дашти Қипчоқда (ҳозирги Қозоғистон ва Фарбий Сибир чўлларига тўғри келади) Абулхайрхон (1428-1468) томонидан Кўчманчи ўзбеклар давлатига асос солинади. Қудратли ўзбеклар давлати шу даврлардан бошлаб Мовароуннаҳрдаги сиёсий жараёнларга аралаша бошлайдилар. Абулхайрхоннинг невараси Муҳаммад Шайбонийхон (1451-1510) даврида ўзбекларнинг инқирозга учраётган темурийлар давлатига тазйиқи янада кучаяди. Оқибатда Мовароуннаҳрдаги темурийларнинг сиёсий тарқоқлигидан унумли фойдаланган Шайбонийхон бошлиқ кўчманчи ўзбеклар бу ерларни истило этиб, сиёсий ҳокимиятни қўлга оладилар. Энди тарихий манбаларда Мовароуннаҳрни кўчманчи ўзбеклар эгаллаб олганлиги учун мазкур ерларни ўзбеклар юрти, шу ерда азалдан яшаётган туркий аҳолини ҳам умумий ном билан ўзбеклар деб юритила бошланди. Бундан шундай хулосага келиш керакки, Мовароуннаҳрда ашаётган халққа ўзбек номи XVI - асрдан бошлаб берилди.

Юқорида таъкилланганидек, XI-XII асрларга келиб ўзбек халқи халқ сифатида шаклланиб, ўзининг антропологик-этник хусусиятини олиб бўлган эди. Ана шу халқ ўзининг “Ўзбек” номини XVI - асрга келганда олади. “Ўзбекистон” сиёсий атамаси 1924-1925 - йилларда Ўрта Осиёда ўтказилган миллий-ҳудудий давлат чегараланишидан сўнг пайдо бўлган.

ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЭТНИК ШАКЛЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ - ўзбек халқи икки хил тил (туркий ва форсий)да сўзлашувчи қабила ва элатларнинг аралашishi ва қоришувидан таркиб топган бўлиб, бу икки тилда сўзлашувчи жамоаларнинг этник жиҳатдан дастлабки аралашуви сўнги бронза даври (мил. авв. II - минг йилликнинг охири)да юз берди. Бу даврни ўзбек халқи этногенезининг бошланиши, яъни **биринчи босқичи** деб ҳисоблашимиз мумкин. Сўнги бронза давридан бошланган ассимиляция жараёни антик даврга келиб (мил.авв. IV-II асрлар), ўзбек халқига хос иқтисодий хўжалик, этномаданий ва антропологик тип бирликларини ўзида мужассамлаштирувчи, ўтроқ ҳаётга мослашган туркий ҳудудий майдон таркиб топди, ўзбек халқига хос антропологик типнинг макон ва замони аниқланди. Оқибат натижада милoddан олдинги II-милодий I

асрлар давомида туркий тилли элат таркиб топди. Бу даврга **ўзбек халқи этногенезининг иккинчи босқичи** сифатида қараш мумкин.

Ўзбек халқи этногенезининг учинчи босқичи илк ўрта асрлар даврини ўз ичига олади (Милодий IV-VII асрлар). Илк ўрта асрлар даври кушонлар империяси ва Қанг давлатининг инқирозидан бошланади. Ўрта Осиё ҳудудларига туркийгўй хионийлар, кидарийлар, эфталийлар ва Турк ҳоқонлиги кириб келди ва улар билан бирга кириб келган қабилалар таркибида қарлуқ, чигил, тухси, аргун, турк, калгатай, мусабозори каби туркий забон қабилалар кўп эди. Ю.А.Якубовскийнинг таъкидлашича, бу даврда Ўрта Осиёнинг бирор жойи қолмадики, у ерларга туркий қабилалар кириб бормаган бўлса.

Моварауннаҳр ерларини араблар эгаллагач, улар бу заминга туркий қабилаларини мунтазам кириб келишини тўхтатиш йўлини қидирдилар. Бу заминга олдинроқ кириб келиб ўрнашиб қолган туркийларнинг ўтроқлашиши жадаллашди. Натижада, бутун VIII - аср давомида Мовароуннаҳр ҳудудларида яхлит туркий этник қатлам, жонли туркий тил муҳити вужудга келди. Маҳаллий суғдий забон аҳоли орасида туркийлашиш жараёни жадаллашди. IX-X асрларда Мовароуннаҳрда гарчи сиёсий ҳокимият сомонийлар қўлида бўлсада, Мовароуннаҳр ва Хоразмда туркий этник қатлам кучли этник асосга эга бўлди. Бу кучли этник асосни ўтроқлашган турғун турклар ташкил этарди. Бу даврга даврга ўзбек халқи этногенезининг **тўртинчи босқичи** сифатида қараш мумкин. Қорахонийлар даврида Моварауннаҳр ва Хоразмда сиёсий ҳокимият туркий сулоалалар қўлига ўтиши муносабати билан ўзбек халқи этногенезининг якунловчи **бешинчи босқичи** бошланди. Ўзбекка хос туркий этнос минтақада қарор топди. Элатга хос барча этник омиллар рўёбга чиқади. Демак, ўзбек элати халқ сифатида XI-XII асрнинг биринчи ярмида узил-кесил шаклланди.

Ўзбек халқининг шаклланиши билан унинг этник тарихи бошланади. Ўзбек халқининг этник тарихи ҳам узоқ давом этадиган тарихий жараён бўлиб, бу жараён минтақада капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг қарор топа бошлаган давргача, яъни XIX-асрнинг охири XX-асрнинг бошларигача давом этди. XX-аср бошларидан ўзбек миллатининг шаклланиш жараёни бошланди. Бу тарихий жараён ҳозиргача давом этмоқда.

ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЭТНИК АСОСИНИ ТАШКИЛ ЭТГАН ҚАДИМГИ ҚАБИЛА ЭЛАТЛАР - қадимги Хоразмликлар: Улар Амударёнинг қуйи оқимида, ҳозирги Хоразм вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларида яшаганлар. Сугдийлар (Сўғдиёналиклар): Зарафшон дарёси ҳавзаси, ҳозирги Самарқанд, Бухоро ва Қашқадарё воҳаларида яшашган. Бақтрияликлар: Улар ҳозирги Тожикистоннинг жанубий-ғарби, Афғонистоннинг шимали ва Сурхондарё вилояти ўрнида яшашган. Чоч (Шош)ликлар: Сирдарёнинг ўрта ҳавзаси, ҳозирги Тошкент вилояти ва Қозоғистоннинг жанубий ҳудудларида истиқомат қилишган. Шунингдек, Марғиёналиклар ва Парфиёнлар ҳозирги Туркменистон ва Эрон ҳудудларида истиқомат қилишган.

Юқорида номлари келтирилган қабила-элатлар Ўрта Осиёдаги ўтроқ-зироаткор аҳоли бўлиб, дарё воҳаларида деҳқончилик, хунармандчилик билан шуғулланиб, бир-бирлари билан ўзаро қизғин савдо-иқтисодий ҳамда маданий алоқада бўлишган. Мазкур ўтроқ аҳолининг кўчманчи чорвадор аҳоли билан ҳам алоқалари теран бўлиб, кўчманчи аҳолидан энг кўпсонлиси Саклар, Массagetлар ва Парн-дахлар эди. Улар асосан Амударё ва Сирдарёнинг ўнг ва сўл соҳилларидаги саҳроларда чорвачилик билан шуғулланишган

ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЭТНИК АСОСИНИ ТАШКИЛ ЭТГАН ТУРКИЙ ҚАБИЛА-ЭЛАТЛАР - ўзбек халқининг этник шаклланишида туркий қавмларнинг ўрни ниҳоятда катта ҳисобланади. Турк этносининг илк Ватани жанубий шарқий Урал тоғидан то Жанубий Сибирнинг шарқий чегарасигача бўлган ҳудудлар ҳисобланиб, бу этник қатламнинг Ўрта Осиёга кириб келиши бронза даври (мил. авв. II минг йиллик) дан бошланиб, то милодимизнинг XI-XII асрларига қадар давом этган. Ушбу даврлар оралиғида Мовароуннаҳр ва Хоразм ҳудудларига кетма-кет бир неча туркий қабилаларнинг кириб келиши кузатилади. Даврий жиҳатдан уларни қуйидаги тарзда қайд қилишимиз мумкин: Юэчжилар (мил.авв. II-I асрлар), Хионийлар (милодий IV аср), Кидарийлар (IV-V асрлар), Эфталийлар (V аср), Туркийлар (VI-VII асрлар), Қарлуқ, Жикил, Яғмолар (IX-X асрлар), Ўғузлар, Қорахитойлар (XI-XII асрлар).

Бир неча асрлар мобайнида Мовароуннаҳрда туркий тил устунлиги ўрнагилиб, анъанавий Хоразмий, Сўғдий ва Бахтарий

тиллар сиқиб чиқарилди ва маҳаллий аҳоли тили туркийлашиб кетди.

ҚАБИЛА - этник бирлик. Уруғ ва қабила атамалари кўпинча бир маънода ишлатилиб кетилсада, тарихий нуқтаи назардан бу унчалик тўғри эмас. Қабила қон-қариндош, тилдош ва диндош бир неча уруғнинг уюшмасидир, шунингдек бир уруғ табиий равишда кўпайиб, атрофидаги уруғларни бўйсундириб, ўз таркибига синдириб юбориши оқибатида қабила тарзида шакланган бўлиши мумкин.

Қабила уруғларга бўлинишидан ташқари ўз ҳудудига, ягона қабилавий (шева) тилига, қабила кенгашига ва ҳарбий бошлиғига эга бўлади. Қабила кишилик жамияти ишлаб чиқаришнинг бирмунча илғорроқ формаларига, яъни ибтидоий термачилик ва овчиликдан деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчиликка ўтган пайтда вужудга кела бошлайди.

Шу ўринда тарихий ва бадий адабиётларда тез-тез такрорланиб турадиган “ўзбек халқи 92 уруғ (қабила)дан ташкил топган” деган фикрни ҳам ҳолисона талқин қиладиган бўлсак, бу фикрларга XVIII асрда тузилган “Тарихий Муқимхоний” китоби ва шоир Турди шеърларида келтирилган 92 рақами асос қилиб олинади. Маълумки, “Тарихий Муқимхоний”да фақат Бухоро хонлиги ҳудудида яшовчи қабилалар тилга олинади. Турди Фароғий ҳам шу диёрдаги туркий қабилаларни назарда тутади. Ваҳоланки, Бухоро хонлигининг ҳудуди Зарафшон воҳаси ва Туркистоннинг бир бўлагини ташкил этарди, ундан ташқари Хива хонлигида, Фарғона водийси, Тошкент воҳаси, Дашти Қилчоқ, Етгисув, Шарқий Туркистон, Олтой, Кавказда ҳам туркий қабилалар яшарди, булар “Тарихи Муқимхоний”га кирмай қолган, Турди Фароғий эса буларни назарда тутмаган. Қозоқлар ўтмишда 300 дан, қорақалпоқлар 130 дан, туркманлар 100 дан ортиқ қабила уруғлардан ташкил топган экан, узоқ этник тараққиёт йўлини босиб ўтган ўзбек халқининг 92 қабила-уруғдан таркиб топган деб хулоса чиқариш ҳали тадқиқотталаб масалалардан биридир.

ЗАРДУШТИЙЛИК

“АВЕСТО” - ўрта форс тилидан “Апастак” ёки “Асос” деб таржима қилинади. Ўрта Осиёнинг ажралмас қисми ҳисобланган

Туронзамин ҳудудларида шаклланган қадимий дин-зардуштийликнинг муқаддас китобидир. Унда ўзбек, тожик, туркман, озарбайжон, форс, афгон ва бошқа халқларнинг ибтидоий ва қадимий ахлоқий тасаввурлари, коинот ва ердаги дунёнинг яратилиши билан боғлиқ тушунчалар, афсона ва ривоятлар, фалсафий-ахлоқий қарашлар ўз ифодасини топган.

Фанда зардуштийлик ва унинг муқаддас китоби “Авесто” пайдо бўлган ҳудуд Мидия деб ҳисобловчи “Ғарбий” назария ва бу таълимотнинг бешиги Бақтрия, Суғдиёна, Фарғонадан иборатдир деб тасдиқловчи “Шарқий” назария мавжуд. Зардуштийликни Хоразм билан боғловчи назариянинг илмий адабиётда жуда кўп тарафдорлари бор. “Авесто”да зардуштийларнинг муқаддас олови-“азар-хурра” биринчи марта ёқилган мамлакат, ҳамда Ахурамазда Зардуштга намоён бўлган мамлакат сифатида “Арёнам вайжо” эслатиладики, “Авесто”да келтирилган географик-иқлимий шароитлар кўпроқ Хоразмга мос келади. Шунингдек, “Авесто”да Ахурамазда томонидан яратилган мамлакатлар санаб ўтилган. Биринчи ўринда “Арёнам-вайжо” (Хоразм) туриб, “гўзалликда у билан дунёда ҳеч нарса тенглаша олмайди” дейилади. Кейин “одамларга ва чорвага бой Гава (Сўғд)”, “Қудратли ва муқаддас Моуру (Марғиёна)”, “Байроқлари баланд кўтарилган мамлакат Баҳди (Бақтрия)” таърифланади. Юқоридаги маълумотларга асосланиб, “Авесто” Ватани Ўрта Осиё эканлиги ҳақида хулоса чиқаришимиз мумкин.

“Авесто” дастлаб 21 китобдан иборат бўлган. Бизгача унинг айрим қисмларигина сақланиб қолган. Бу қадимги қисмлар Ясна, Виспарат, Яшт ва Видевдат деб номланади.

АВЕСТО ТИЛИ - Замонамизгача етиб келган Авесто қисмлари милоднинг III-VII асрларида таҳрир қилинган. “Авесто” боблари “пахлавий”-ўрта форс алифбоси асосида 48 та белгили ёзувдан иборатдир.

Зардуштийлик дини Аҳмонийлар салтанатининг (мил.авв.VI-IV аср) давлат динига айлантирилган. Зардуштийликнинг ғоялари матнлари милоддан аввалги IV асрда тўпланиб, 21 китоб қилинади. Абу Райҳон Берунийнинг ёзишича “Подшо Доро ибн Доро ҳазинасида 12 минг қорамол терисига тилло суви билан битилган бир нусха бор эди. Искандар оташхоналарни вайрон этиб, уларда хизмат қилувчиларни ўлдирган вақтида уни куйдириб юборди. Шунинг учун ҳам Авестонинг 3/5 қисми йўқолиб кетди”.

Сосонийлар (224-651) даврига келиб “Авесто” тили “ўлик”, тушунарсиз бўлиб қолган, ammo тўпламда эски сўзлар ва тушунчаларнинг ҳаммаси сақланган. “Авесто” тили эроний тилларнинг энг қадимги шеваларидан бири бўлган ва, олимлар фикрига кўра, қадимги форс тилига нисбатан анча олдинги босқичда, милoddан аввалги II минг йилликнинг охири-I минг йилликнинг бошларида пайдо бўлган.

“Авесто” биринчи бўлиб, XVIII асрда француз олими Анкетил Дюперрон томонидан 1771 йилда таржима қилинган. Унинг қўлидаги “Авесто” қўлёзмалари XIII асрга оид бўлган.

АНАХИТА (НОҲИД) - зардуштийликда ер-сув, ҳосилдорлик, фаровонлик илоҳи.

АРДВИСУРА - зардуштийларнинг дарё ва сув худоси. “Авесто” нинг яшг китобидаги 5-боб унга бағишланган (“Ардвисура-яшг”).

АХРИМАН - зардуштийлик динида зулмат, очлик, ўлим, гуноҳ ва қабихликлар илоҳи.

АХУРАМАЗДА - зардуштийлик динининг бош худоси, эзгулик худоси, инсонга доимо яхшиликни раво кўрувчи илоҳий куч.

ВАРА - “Авесто” да девор билан ўралган тўртбурчакли макон.

ВАРНА - зардуштийликда ғанимлар яшайдиган юртлар.

ВИДЕВДАТ - “Авесто” китобининг бизгача сақланиб қолган қисми бўлиб, Видевдат китоби “Авесто”нинг бирмунча ёш, лекин тўлиқ сақланган китобидир. У 22 бобдан иборат бўлиб, унда “девларга қарши кураш” қоидалари ҳақида гап боради.

ВИС - “Авесто” да уруғ жамоаси.

ВИСПАРАТ - “Авесто”нинг бизгача етиб келган энг қадимги қисмларидан бири. 21 китобдан иборат бўлиб, унда зардуштийларнинг байрамлар ва диний маросимларда ижро этиладиган айрим мадҳиялари тўпланган.

ВИШТАСП - зардуштийлик динига кириб, Заратуштрага ҳомийлик қилган Эрон вилоятларидан бири Баҳди ҳукмдори.

ГОВМАРД (форсча “гов” - сигир, “мард” - одам, йигит) - зардуштийлик фалсафасига кўра дастлабки ягона одам. Бу образ қадимги юнонлар миф (асотир)ларида кентавр (боши одам, танаси буқа) тарзида учрайди.

ГОТАЛАР (ГАТЛАР) - “Авесто” нинг энг қадимги қисми бўлиб, пайгамбар Заратуштранинг “муқаддас мадҳиялари” ва диний насиҳатларидан иборат. Готаларда Заратуштранинг архаик

(қадимги) ибора ва терминлари сўзма сўз Ясна китобига киритилган.

ДАХЬЮ - “Авесто”да қабилалар иттифоқи. Дахью шунингдек, вилоят, мамлакат маъносини ҳам англатган.

ЗАНД - “Авесто” оягларининг форс тилида битилган шарҳлари.

ЗАНТУ - “Авесто” да қабила жамоаси.

ЗАРАТУШТРА - зардуштийлик динининг бош ислоҳотчиси. Тарихий шахс. Заратуштранинг туғилган жойи аниқ эмас. Олимларнинг тахминий фараз қилишларича, у Туронзамин вилоятларидан бирида, яъни Хоразм ёки Суғдиёнада қоҳинлар оиласида туғилиб ўсган. У Спитама уруғидан бўлиб, отасининг сими Порушасп, онасининг исми Дугдова бўлган. Тахминан милоддан аввалги 630-553 йилларда яшаб ўтган. Дарий тилида “уштра” - туя, “зарат” - кекса сариқ туя маъносиди. Заратуштра-туячи, туячилар авлодидан деган маънони билдиради. Заратуштра ўз замонасининг истеъдодли шоири, илоҳиёт билимдони, файласуф олими бўлган. У ягона худога ишонишгина жамиятни янги тараққиёт босқичига кўтара олади, деб ҳисоблар эди. Заратуштра 40 ёшига тўлганда эзгулик худоси Ахурамазда назарига тушади ва шундан бошлаб Ахурамазда динининг пайгамбарига айланади.

КАВИ - “Авесто” да мамлакат сардори, мамлакатни идора қилган шахс. Яъни диний ва дунёвий ҳокимият эгаси.

КАРШАРВАР - зардуштийлар таълимотига кўра, дунё еттита табиий иқлим, каршарвар - қисмларга бўлинган. Ўрта форс тилида “кишвар” - мамлакат демакдир. Бу сўз - ибора кейинги давр халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётида “етти иқлим” тарзида кўплаб ишлатилади.

МИТРА - зардуштийлик динида қуёш ва ёруғлик худоси, деҳқонлар ва чорвадорлар ҳимоячиси, ҳосил ва маъмурчилик ва тўкин-сочинликни таъминловчи, Ахурамазда билан одамлар ўргасидаги асосий воситачи бўлган. Митра жангчи йигит қиёфасида тасвирланган.

НМАНА - “Авесто” да катта патриархал оила жамоаси.

НОУС - зардуштийларда одам суяклари солинадиган остонлар сақланадиган махсус бино.

ОСТАДОН - зардуштийларнинг дафн маросимида тегишли одам суяклари сақланадиган сопол идиш, сандиқча.

ПАЙҒАМБАР - форсча сўз бўлиб “эзгулик ҳақида хабар берувчи” деган маънони англатади.

“ПАТИ” - “Авесто” да ота маъносида ишлатилган сўз. Оила бошлиғи-нманапати, уруғ оқсоқоли-виспати, қабила бошлиғи-зантупати, мамлакат сардори (ҳукмдори)-дахьюпати деб юритилган.

САСТАР - “Авесто” га кўра мамлакатни мамлакат ҳукмдори (кави) нинг ҳарбий саркардаси. Мамлакат ҳарбий ҳолатда бўлган кезларда унинг зиммасига ҳарбий қўмондонлик вазифаси юклатилган. Састар мамлакат округларидан бирини бошқариши ҳам мумкин бўлган.

СПИҒАМА - Пайғамбар Зардушт келиб чиққан уруғнинг номи.

“ҲАНЧАМАНА” - “Авесто” китобига кўра эзгулик худоси Ахурамазда яратган мамлакатларда оқсоқоллар кенгаши. Ҳозирги тилимизда бу сўз “анжуман” тарзида сақланган.

ҲАОМА - зардуштийлик динида муқаддас ичимлик. У зардуштийлик ибодатхоналари қошида махсус ўсимликлардан тайёрланган ва ибодат кунларида ичилган.

ҲАРА - зардуштийларнинг муқаддас тоғи, дунёдаги энг баланд чўққили тоғ.

ХУМО - бахт ва бойлик илоҳи. Кўзга кўринмас жаннат қуши. Зардуштийлар эътиқодига кўра, Хумо қуши кимнинг бошига соя солса, ўша киши бахтли ва бой бўлади деб ҳисоблашган.

ЧИНВОТ - зардуштийлар эътиқодига кўра нариги дунёдаги қил кўприк.

ЯСНА - “Авесто” китобининг бизгача етиб келган қадимги қисмларидан бири. Ясна китоби 72 бобдан иборат бўлиб, улардан 17 таси-“Готлар” пайғамбар Заратуштранинг “муқаддас мадҳиялари”дан иборат.

ЯШТ - “Авесто” китобининг бизга етиб келган энг қадимги қисмларидан бири. Яшт китоби 21 бобдан иборат бўлиб, унда ёзувсиз замонлардаги эроний қабилаларнинг диний тасаввурлари, афсонавий қаҳрамонлар ва худоларга бағишланган мадҳиялар тўпланган. У қадимги қабилаларнинг оғзаки ижоди асосида пайдо бўлган.

МАВЗУ: ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИ ВА УНИНГ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ

АББОСИЙЛАР - Араб халифалари сулоласи бўлиб (749-1258), бу сулолага Муҳаммад Пайгамбар (570-632) нинг амакиваччаси Абул Аббос ас-Саффоҳ (749-754) асос солган. Аббосийлар сулоласи беш аср яъни 749 йилдан 1258 йилгача ҳукм сурган. Халифа Ал Мансур (754-775) халифалик пойтахтини Дамашқдан Боғдодга кўчирган. Шунинг учун ҳам тарихий адабиётларда Боғдод халифалиги деган тушунча ҳам кенг ишлатилади.

Мовароуннаҳр ерлари ҳам халифаликка бўйсунган. Сомонийлар давридан бошлаб (874-999) Мовароуннаҳр мустақилликка эришиб халифалик таркибидан чиққан.

Аббосийлардан 38 киши халифа бўлган. Охирги халифа Мустасимни (1242-1258) Чингизхоннинг невараси Хулагухон 1258 йилда Боғдодни эгаллаб тахтдан туширган. Аббосийлардан бўлган энг машҳур халифлар: Абулаббос Саффоҳ (750-754), Мансур (754-775), Маҳдий (775-785), Хорун ар Рашид (785-809), Амин (809-813), Маъмун (813-833), ... Мустасим (1242-1258)

АГЕМА - македониялик Искандарнинг махсус отлиқ кўшини.

АЖАМ - араблар ўзлари босиб олган ҳудудлардаги бошқа халқларни, жумладан Яқин ва Ўрта Шарқ, асосан ҳозирги Эрон ҳудудларини шундай атаганлар.

АЛЕКСАНДРИЯ - Александар Македонскийнинг Шарққа юришлари оқибатида босиб олинган ҳудудларда барпо этилган шаҳарлар. Александрия номидаги шаҳар Шарқнинг бир қанча мамлакатларида мавжуд бўлиб улар қадимда Александрия (Мисрда), Александрия Эсхата (Чекка Александрия), Александрия Марғиёна (Туркманистонда), Окс Александрияси, Александрия Ария (Эронда) деб номланган.

АНСОРЛАР - ислом тарихида 622 йилда Маккадан Мадинага кўчиб келган мусулмонларга ва уларнинг пайгамбари Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламга ёрдам берган ислом динини қабул қилган мадиналик авс ва ҳазраж қабилаларининг аъзоларига нисбатан қўлланиладиган ном. Ансорлар Маккадан кўчиб келган мухожирлар билан бирга илк мусулмонлар жамоасини ташкил этишган.

АНТИК ДАВР (лотинчадан “антик” - қадимги демақдир) - Ўрта Осиё тарихида милоддан аввалги IV асрдан (юнон-македон истилосидан) бошлаб милодий V асрга қадар бўлган давр антик давр деб юритилади.

АНЬСИ - қадимги Хитой манбаларида Эрон (Парфия) шундай номланган.

АРАКС - Амударёнинг қадимги номи. Юнон тарихчилари (Геродот) асарларида Амударё шундай номланган.

АРК - қадимги давр, ўрта асрларда ҳамда сўнги даврда Ўрта Осиё ҳудудидан шаҳарларнинг ҳокимлар жойлашган ички қисми, яъни “ўрда” арк дейилган. Аркда асосан ҳукумат идоралари, амалдорларнинг уйлари, девонхона, танга зарб қиладиган зарбхоналар арк ичида бўлган. Одатда ички шаҳар-арк ҳам мудофаа девори билан ўраб олинган.

АРШАКИЙЛАР - ҳозирги Туркменистоннинг жануби ва Эрон ҳудудларида милоддан аввалги 250 йилдан милодий 224 йилга қадар ҳукмронлик қилган Парфия давлатидаги сулола. Сулолага дах қабиласининг бошлиғи Арнак асос солганлиги учун шундай номланган. Аршакийлар давлатининг илк пойтахти Ашхобод яқинидаги Нисо шаҳри бўлган. Кейинчалик у Эрондаги Ктесифонга кўчирилган. Парфия давлати Митридат II (123-87) даврида жуда кучайиб, Шарқнинг қудратли давлатига айланади. Салавкийлар қўшини тор-мор этилиб, Эрон ва Месопотамия ҳудудлари подшоликка қўшиб олинади. Парфия давлатининг ғарбга томон кенгайиши Рим империяси билан урушни келтириб чиқарди. Милоддан аввалги 53 йилда Карри жангида Ород II (55-36) Римнинг машҳур саркардаси Карасс қўшинларини қақшатқич мағлубиятга учратади. Парфия давлати Фаластин, Сурия, Шарқий Кичик Осиёни ҳам ишғол этиб замонасининг энг буюк давлатига айланади. Милодимизнинг биринчи асрдан Парфия давлати аста секин инқирозга юз тута бошлайди. Аршакийлар сулоласи Эрон Сосонийлар сулоласи томонидан 224 йилда тугатилади.

Парфия давлати подшолари: Аршак (250-247), Тиритад (248-211), Артабан I (211-191), Прианат (191-176), Фраат I (176-170), Митридат I (170-138), Фраат II (138-128), Артабан II (128-123), Митридат II (123-87), Фраат III (87-57), Ород II (57-36), Митридат IV (128-147), Вологез III (148-192), Вологез V (208-222), Артабан V (222-224).

АТРАБОН - оташпарастларнинг ибодатхоналарида доимо ёниб турадиган муқаддас олов - “азархурра”га ўтин ташлаб, кулини олиб турадиган кохин.

АФРИҒИЙЛАР - Хоразмда 305-995 йилларда ҳукмронлик қилган сулола. Африғийларнинг пойтахти дастлаб Тупроққалъа, кейинчалик Кот шаҳри бўлган. Абу Райхон Беруний ўзининг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорлик-лар” асарида африғийлар сулоласига оид 21 та хоразмшоҳ номини тилган олган.

Африғийлар маданияти Хоразмда қўлдорлик тузуми емирилиб, феодал муносабатлар ўрнатила бошлаган даврда (IV-VI асрлар) вужудга келган. Унинг шаклланишида саҳродаги кўчманчи қабилалар катта таъсир кўрсатган.

712 йилда Хоразмни араблар эгаллашга муваффақ бўладилар. Хоразмда янги дин ва ислом маданияти ёйила бошлади. Сиёсий ҳокимият араблар қўлига ўтган бўлса-да, ҳудуд бошқарувида маҳаллий феодал аристократиянинг ўрни сақланиб қолган. Африғийлар сулоласининг охириги вакили Жафокаш Абу Абдуллоҳ Муҳаммад 995 йилда Шимолий Хоразм (Урганч) амири Маъмун ибн Муҳаммад томонидан пойтахт Кат шаҳри эгаллангач тахтдан ағдарилади.

АФРОСИЁБ - милоддан аввалги VIII-VII асрларда бунёд этилган шаҳар харобалари. У ҳозирги Самарқанднинг шарқий чеккасида жойлашган. Бу Самарқанднинг энг қадимги қисмидир.

АҚИНАК - ҳанжар.

АҲМОНИЙЛАР - милоддан аввалги 558-330 йилларда Эронда ҳукмронлик қилган сулола. Сулолага милоддан аввалги VIII аср охири VII аср бошларида Элам яқинидаги Парсуа ҳудудида яшаган қадимги форс қабилаларининг бошлиғи, орийларнинг нуфузли сардорларидан бири Аҳмон асос солган. Кир II (мил.авв. 556-530) ва Доро I (мил. авв. 522-486)лар даврида Ўрта Осиё ҳудуд-лари ҳам Аҳмонийлар сулоласига бўйсундирилган. Аҳмонийлар салтанатига Македониялик Искандар Зулқарнайн (мил.авв 356-323) милоддан аввалги 330 йилда барҳам беради.

Аҳмонийлар сулоласининг вакиллари: Кир II (558-530), Камбиз (530-522), Доро I (522-486), Ксеркс I (486-465), Артаксеркс I (465-424), Ксеркс II (424), Согдиан (424-423), Доро II (423-404), Артаксеркс II (404-358), Артаксеркс III (358-338), Арсес (338-336), Доро III (336-330).

БАДАВИЙ - саҳройи, кўчманчи араблар.

БАНДАР - порт; кема тўхтайдиган жой.

БАНТАК - илк ўрта асрларда эркак қуллар тоифаси.

БАРГУСТИВОН - қадимда жанговор отлар устига ёпиладиган ёпинчиқ, ҳимоя воситаси.

БАҚТРИЯ - географик ҳудуд. Қадимги Бақтрияга ҳозирги Жанубий Ўзбекистон (Сурхондарё), Жанубий-Ғарбий Тожикистон ва Шимолий Афғонистон ерлари кирган. Илк ўрта асрлар даврига келиб қадимги Бақтрия ерларида кўчманчи туркий қабила-тоҳарлар кенг ёйилиши муносабати билан Тоҳаристон деб юритилган.

БАҚТРИЯ ЁЗУВИ - милоддан аввалги IV аср охиригача қадимги Бақтрия ҳудудларида оромий ёзуви ишлатиб келинган. Кейин Бақтрияда маҳкама тили ва ёзуви юнонча бўлган. Кейин милоддан аввалги III-II асрлар чегарасида оромий ва қадимги юнон алифбосига асосланиб Бақтрия ёзуви ишлаб чиқилади. Бизгача юздан ортиқ бақтрия ёзуви намуналари ва сўзлари етиб келган. Бақтрия ёзуви топилмалари асосан милоддан аввалги I-аср ва милодий I асрларга тааллуқли бўлиб, бақтрия тили ва ёзуви унча яхши ўрганилмаган.

БЕҲИСТУН БИТИКЛАРИ - Шимолий Эронда, Кирмоншоҳ шаҳри яқинида, тоғ оралиғидан ўтган қадимги савдо йўли ёқасидаги қояга аҳмонийлар ҳукмдори Доро I (522-486) нинг тошга қадимги форс, элам ва аккад тилларида ёздирган зафарномаси. Унда қадимги Шарқ ва Ўрта Осиёнинг қадимги халқлари (хоразмликлар, бақтрияликлар, марғиёналиклар, саклар) ҳақида маълумотлар келтирилган.

БОЛАСОҒУН - Чу воҳасида, ҳозирги Тўқмоқ шаҳридан 24 км. жанубий-ғарбда жойлашган улкан ўрта аср шаҳари. X асрда Қорахонийлар, сўнгра Қорахитойлар давлатининг пойтахти бўлган. Мўғуллар уни Го-балиқ (яхши шаҳар) деб атаганлар. XVI асрда қалмоқлар хуружи оқибатида вайрон этилган.

БУДДАВИЙЛИК - пайдо бўлиши тарихий даврига кўра, биринчи жаҳон дини ҳисобланиб, у бундан 2600 йил аввал шимолий-шарқий Ҳиндистонда вужудга келган. Унинг асосчиси шаҳзода Сиддхартха Гаутамадир. Сиддхартха вафотидан сўнг Будда ("Нурланган", "Олий ҳақиқатга эришган", "Ҳақиқат нажоткори") деб аталган. Буддавийлик динининг номи ана шундан олинган.

Буддавийлик динининг муқалдас китоби “Трипитака” (“Уч сават донолик”) деб аталади. Буддавийлик таълимотининг асосини “тўрт олий ҳақиқат” ташкил этади:

1. Азоб-уқубатлар мавжудлиги ҳақидаги таълимот;
2. Азоб-уқубатларнинг сабаблари мавжудлиги ҳақидаги таълимот;
3. Азоб-уқубатларнинг бартараф бўлиши ҳақидаги таълимот;
4. Азоб-уқубатлардан қутулишнинг нажот йўли борлиги ҳақидаги таълимот.

Бу дин эрамиз бошларида Ўрта Осиёга ҳам кенг ёйила бошлади. Кушонлар салтанати (I-IV асрлар) ва ʻЭфталийлар даврида будда дини давлат дини даражасига кўтарилган ва Ўрта Осиё ҳудудларига кенг тарқалган. Будда дини Ўрта Осиё орқали Шарқий Туркистон, Мўғилистон ва Хитойга ёйилган.

БУДУН - турк хоқонлиги даврида кўчманчи чорвадор аҳоли.

БУХОРХУДОТ - илк ўрта асрларда Бухоро маҳаллий ҳукмдорлари. 707-708 йилларда Бухорони араблар босиб олганидан кейин бухорхудо ҳукмдорларлиги ўз мавқеини йўқотди. VII аср охири-VIII аср бошларида Бухорода Бидун, Туғшода, Буниёт ва Сикун исмли бухорхудо ҳукмронлик қилганлар.

БУҒРОЛАР - X-XI асрларда қорахонийлар хоқонлигининг гарбий қисми (Еттисув, Қошғар ва Жанубий Қозогистон)ни хоқон номидан идора қилган сулола хонларининг лақаби. Унинг йирик вакиллари Абдулкарим Сотуқ Буғрохон ва унинг набираси Хорун ибн Мусо даврида Еттисув ва Қошғардаги кўпчилик туркий халқлар ислом динини қабул қиладилар. Хорун ибн Мусо Сомонийлар давлатида кучайиб кетган феодал курашдан фойдаланиб, 992 йил май ойида Мовароуннаҳрни эгаллади. “Буғро” икки ўрқачли туядир. Буғро қорахонийлар давлатининг ташкил топишида муҳим рол ўйнаган яғмо қабилаларининг тотеми-аждоди ибтидоси ҳисобланган.

БУЮК ИПАК ЙЎЛИ - Фарб билан Шарқни бир неча аср мобайнида бир бирига боғлаб келган йўллардан бири бўлиб, бу йўл фанга 1877 йилда немис олими К.Рихтгофен томонидан шундай ном билан киритилди. Унга қадар бу йўл “Фарбий меридионал йўл” деб аталиб келинарди. Буюк Ипак йўли 12 минг км. узунликда бўлиб, у Сарик денгиз соҳилларидан бошланиб, Шарқий Туркистон, Марказий Осиё, Эрон,

Месопотамия, Сурия орқали Ўрта ер денгизи соҳилларигача давом этган.

Қадимги ва ўрта аср давлатларининг ҳукмдорлари Ипак йўлидаги савдони ўз назоратига олишга доимо ҳаракат қилишган. I-III асрларда Ипак йўли савдоси Кушонлар назорати остида бўлган бўлса, III-VII асрларда Ўрта Осиё ва Шарқ орқали ўтган ипак йўлининг назорати сугдийларнинг қўлида бўлган. VIII асрдан бошлаб Ипак йўлидаги савдо назорати араблар қўлига, IX-X асрларда Сомонийлар, XI-XII асрларда қорахонийлар, салжуқийлар ва хоразмшоҳлар қўлига ўтди. XIII асрга келиб, Чингизхон ипак йўлининг барча тармоқлари бўйлаб назоратни қўлга киритди. Лекин бу даврга келиб Буюк Ипак йўлидаги қизгин савдо-иқтисодий алоқаларга путур етган эди. XIV асрнинг 70-йилларидан Амир Темур сиёсий ҳокимиятни қўлга олиб, қудратли салтанатга асос солгач, эл-юртда барқарорлик таъминлади. Буюк Ипак йўлидаги савдо-иқтисодий алоқалар янгидан ривожланиш палласига кирди.

Буюк ипак йўлининг нуфузи XVI-XVII асрларга келиб пасая бошлади. Буюк географик кашфиётлар туфайли савдо-сотик қуруқлик орқали эмас, сув йўли орқали амалга оширила бошланди. Чунки денгиз орқали савдо анча хавфсиз бўлиб, бундан ташқари Осиё мамлакатларидаги ўзаро урушлар ва сиёсий беқарор вазият ҳам Буюк ипак йўлининг инқирозига сабаб бўлган.

Ипак йўли биргина иқтисодий аҳамият касб этмай, балки у диний, маданий мерос ютуқларини тарқатувчи, мамлакатлараро дипломатик алоқаларни таъминловчи йўл ҳам эди.

ВАРАХША - Бухоронинг Жондор туманида жойлашган VI-VII асрларга оид бухорхудот ҳукмдорларининг ёзги қароргоҳи.

ГИППАРХ - Искандар Зулқарнайн даврида Аҳмонийлар давлатидаги сатрап ўрнига тайинланган вилоят ҳокими.

ГИРКАН - Каспий денгизининг қадимги номи. Денгизнинг соҳилбўйи жанубий ҳудудлари эса Гиркания деб юритилган.

ГУВАКОР - илк ўрта асрларда сугдда савдогарлар табақаси.

ГЎРХОН - Қорахитой хонларининг фахрий лақаби.

ДАБИР - ўрта асрларда котиб, элчи, саркотиб маъноларида қўлланилган. Мамлакат ҳукмдорининг шахсий котиби. У дин, тарих, адабиётни пухта билиши, ажойиб услубда ёзиши ва воқеани чиройли сўзлар билан ифодалаб бериши керак бўлган. Ҳукмдорнинг бошқа ҳукмдорлар билан ёзишмаларининг юқори

сафияда битилишида дабирларнинг роли ва масъулияти катта бўлган. У дабиристонда таълим олган.

ДАБИРИСТОН - 1. Подшолик хузуридаги мирзахона. Бу ерда махсус котиблар, яъни дабирлар томонидан давлат мактуби, хужжатлари тузилган ва таҳрир қилинган.

2. Ўрта асрлар даврида Мовароуннаҳр шаҳарларидаги эски мактаб. Бундай мактабларда болалар озми-кўпми дунёвий умумий маълумот олишган. Одатда машҳур шоирларнинг девонларини ўқиб чиқишган, ёзиш ва ҳисоблашни ўрганганлар.

ДАБУСИЯ - Самарқанд ва Бухоро оралиғида жойлашган кўрғон (қалъа) лардан бири.

ДАВЛАТ - бу синфий жамиятда асосий ишлаб чиқариш воситалари эгаларининг умумий манфаатларини таъминловчи ва уни ҳимоя қилувчи сиёсий ташкилотдир. Ибтидоий жамиятда инсоният жамияти уруг-қабилачилик муносабатлари, урф-одат, расм-русмлари каби ахлоқий меъёрлар билан бошқарилган бўлса, синфий жамиятда жамият аъзолари давлатнинг (хукмрон синфнинг) ёзма эрки бўлган (ёзиб қўйилган) ҳуқуқ-қонунлар орқали бошқариладиган бўлди. Демак, давлат бу жамиятни бошқарувчи сиёсий механизмдир. Давлат эса ўз фаолиятини органлари орқали юритади. (амалдорлар апарати, суд, қўшин ва ҳ.к.).

ДЕҲҚОН - илк ўрта асрларда катта ер эгаси, хукмрон табақа. “Қишлоқ ҳокими” деган маънони англатади. Ўрта аср Европасидаги феодаллар табақасига тўғри келади.

XI-XII асрларга келиб (Қорахонийлар даврида) деҳқон атамаси илгариги нуфузли бой ер эгасига эмас, балки оддий қишлоқ хўжалигининг эркин зироаткор жамоаси аъзоларига нисбатан қўлланила бошланган.

ДИАДОХЛАР - Искандар вафотидан сўнг унинг давлатини қисмларга бўлиб, ўз қўлларига киритган лашкарбошилар, “меросхўрлар”.

ДИНГ - Мовароуннаҳрнинг деҳқончилик ҳудудларини кўчманчилар босқини ва талончилигидан сақлаш мақсадида чегара ҳудудларида қурилган кузатиш миноралари.

ДИНОР - бир мисқол яъни 4,8 гр (баъзи манбаларда 4,235 гр) оғирликда сўқилган олтин танга

ДИРҲАМ - мисқолнинг (4,8 гр.) ўндан етти қисми; 3,36 гр. га тенг. кумуш танга.

ДОДАРШИШ - милоддан аввалги 522 йилда Доро I га қарши Марғиёнада кўтарилган Фрада қўзғолонини бостирган Бақтрия сатрапи. Бу ҳақдаги илк маълумот подшо Доро I нинг Беҳистун қоясига ёздирган битикларида берилган.

ЖАЙХУН - Амударёнинг ўрта асрлардаги номи. Энг қадимий номи Ўкуз (туркийча; катта дарё) қадимги юнонлар уни бузиб Оксус (Окс) деб атаганлар.

ЖИҲОД - мусулмонларнинг ғайри динларга, яъни кофирларга қарши олиб борган муқаддас уруши жиҳод деб аталган. Жиҳодда ҳалок бўлган киши шаҳид ҳисобланиб, унга жаннат ваъда этилган. Ғалаба қилган мусулмон эса ғозий ҳисобланиб, ҳар қандай гуноҳлардан халос бўлган.

ЖИЗЪЯ - дастлаб Араб халифалигида, кейинчалик бошқа мусулмон давлатларида шариат меъёрларига кўра мусулмон бўлмаган фуқаролардан олинадиган жон солиғи. Жизъя балоғатга етганлардан олинган. Қариялар ва аёллар, болалар, қул ва ғадолар ундан озод этилган.

ЖУББА - пишиқ қилиб тикилган, узун ва енглик чопон. Ўқ ўтмас камзул.

ЗАКОТ (араб. тозаланиш) - ислом динининг беш асосий талабларидан бири бўлиб, мол-мулк ва даромаддан бериладиган садақа, ҳайр-эҳсон, солиқ. Шариатга мувофиқ, муайян бойликка эга бўлган катта ёшдаги мусулмон закот беради. Закот миқдори пул даромадларининг қирқдан бир улушига тенг. Деҳқонлар ва чорвадорлардан олинадиган закот миқдори бирмунча юқори бўлган. Закот камбағаллар, етим-есирлар, касаллар ва ҳеч кими йўқ аёллар ўртасида тақсимланиши лозим бўлган.

ЗАРИАСП - “Олтин от”, қадимги Бақтрия давлатининг пойтахти. Шимо-лий Афғонистонда жойлашган (Балх).

ЗУЛҚАРНАЙН - Александр (Искандар) Македонский (356-323) нинг лақаби. Шарқ тарихий қўлёзмаларида у Искандар Зулқарнайн яъни “Шоҳли Искандар” деб ҳам юритилади. Искандарнинг шоҳи бўлганлиги ҳақида ғарб ва шарқда турли хил ривоятлар юрсада, унинг бундай лақаб олишига тарихий шарт-шароитлардан келиб чиқиб хулоса чиқариш мақсадга мувофиқ. Маълумки, Искандар Мисрни босиб олганда (Мил. авв. 332 йил) Миср кохинлари уни Қуёш худоси Амоннинг ўғли деб эълон қилганлар. Мисрликлар анъаналарига кўра, худо Амон сиймоси икки шоҳли бош кийимида тасвирланган. Искандарга

Миср аслзодалари икки шоҳли олтин бош кийим кийдирган бўлишлари мумкин. Шунингдек, ўша милоддан аввалги IV асрларда тарихчи ва географ олимларга маълум бўлган жойларнинг катта қисмини Искандар забт этишга муваффақ бўлади. Шарқ тарихчиларининг тахминиди у Мағриб (Ғарб)дан то Машриқ (Шарқ)қача бўлган юртларнинг ҳукмдори бўлган. Искандар қуёш худоси Амоннинг ўғли ва Мағрибдан Машриққача бўлган халқларнинг шоҳаншоҳи сифатида давлат тантаналарига, қабул маросимларига қадимги подшоларнинг тож кийими сифатида икки шоҳли олтин диадема(бош кийими) кийиб чиққан. Бу подшоларга хос расмий одат ҳукмдорнинг аслида шоҳи борлигини эмас, балки унинг улуғворлигини, қудратини намоиш этган.

ИЛОҶ - ҳозирги Тошкент вилоятининг жануби, Оҳангарон дарёси ҳавзала-рининг илк ўрта асрлардаги номи. Илоқнинг пойтахти Тункат шаҳри бўлган.

ИТИЛ - Волга дарёсининг қадимги ва ўрта асрлардаги номи.

“ИСКАНДАРИ СОНИЙ” - Муҳаммад Хоразмшоҳни (1200-1221) сарой мулозимлари шундай ном билан улуғлашган.

ИХШИДЛАР - илк ўрта асрларда Суғд ва Фарғона ҳукмдорлари.

ИҚТОЪ - ўрта асрларда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида ҳукмдор томонидан феодалга катта хизматлари эвазига инъом қилинган чек ер. Одатда иқтоъ умрбод берилмай, ҳукмдор уни истаган вақтида қайтариб олиб, бошқа бировга бериши мумкин бўлган.

КАДИВАР - қишлоқ зироткор жамоасининг феодал деҳқонларга қарам бўлиб қолган, ерсиз, қуллик асоратига туширилган қисми.

КАМПИРАК - илк ўрта асрларда Бухоро воҳасини кўчманчилар ҳужумидан ҳимоя қилиш мақсадида қурилган, 300 км дан ошиқроқ масофага чўзилган мудофаа иншооти.

КАТАПУЛЬТ (МАНЖАНИҚ) - қадимда душман мудофаасини, қалъа деворларини бузиш учун ишлатилган тош отар қурол, механизм.

КАШОВАРЗ - илк ўрта асрлардаги оддий, эркин зироатчи қўшчилар.

КИДАРИЙЛАР - милодий V аср бошларида Мовароуннаҳрнинг ички вилоятларига Ўрта Осиёнинг шимолий-шарқидан кўчиб келган туркийзабон кўчманчи қабилалар.

КИРОПОЛЬ (КУРУШКАТ) - ривоятларга кура, Кир II қурдирган шаҳар. Харобалари Ўратепа яқинидаги Нуртепа ўрнида жойлашган.

КУДУНГАР - матоларга охор (бўёқ) берувчи хунарманд.

КУШОН ДАВЛАТИ - милодимизнинг I-IV асрларда Ўрта Осиё, Афғонистон, шимолий-ғарбий Ҳиндистон ва шимолий-шарқий Эрон худудларида ҳукмронлик қилган сулола. Ўзбек давлатчилиги тарихида Кушонлар давлати салтанат (империя) даражасига кўтарилган дастлабки давлат бирлашмасидир.

Кушон давлатига жанговар хунн қабилаларининг таъқиб натижасида Шимолий-шарқдан Юнон-Бақтрия давлатига милоддан аввалги 140-130 йилларда бостириб кирган юэчжи қабилалари асос солганлар. Сугдиёна ва Бақтрияга келиб ўрнашган юэчжилар Ҳюми, Шуанжи, Гуйшуан, Хисэ ва Думи каби йирик, бир-бирига қариндош хонадонлардан иборат эдики, улар ўртасида ҳокимият учун курашда Гуйшуан хонадони ғолиб чиқади ва Гуйшуан (Кушон) подшолигига асос солинади.

Кушон подшоларининг шажараси қабила сардори Герайдан бошланади. Унинг вориси Кудзулла Кадфиз (15-51) ва Вима Кадфизлар даврида (51-78) кушон подшолари мустақил давлат сифатида ўз номларида мис, олтин ва кумуш тангалар зарб этишни бошлайдилар. Канишка даврида (78-123) Ҳиндистоннинг жанубий вилоятлари, Хоразм, Чоч, Фарғона ва ҳатто Ғарбий Хитой ҳам Кушон давлати таркибига киритилади. Буддизм дини давлат динига айлантиради. Давлатнинг пойтахти Далварзинтепадан (Сурхондарё вилоятида) Пешавор (Ҳиндистон-Покистон) га кўчирилади. Канишка подшолик қилган даврда Кушон салтанати Осиёдаги энг йирик давлат даражасига кўтарилган. Нумизматик манбаларда Канишқадан кейин Васишка (4 йил подшо бўлган), Хувишка (32 йил подшо бўлган), Васудева (34 йил подшо бўлган) каби подшоларнинг номлари сақланган бўлиб, улар ушбу давлат тарихида кескин ажралиб турадиган из қолдиришмаган.

Милодий IV асрнинг охирига келиб ички низолар, ғарбдан сосонийлар давлати ва шимолдан кўчманчи туркий қабилалар берган зарбалар натижасида Кушон подшолиги батамом емирилади ва барҳам топади.

КЎХАК - Зарафшон дарёсининг ўрта асрлардаги номи.

МАЛИКШОҲ - илк ўрта асрларда Тоҳаристон ҳукмдорларининг унвони.

МАРКАЗЛАШГАН ДАВЛАТ - мамлакатнинг барча ҳудудида ягона ҳукмдор ҳокимияти ўрнатилган давлат. Тарихда Сомонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар ва Амир Темур давлатини марказлашган давлатлар қаторига киритишимиз мумкин

МАРОҚАНДА - Самарқанднинг юнон тарихчилари асарларидаги номи.

МАРҒИЁНА - Ҳозирги Мари шаҳри атрофидаги тарихий ҳудуд. Мурғоб дарёси бўйлари. Парфия билан Суғдиёна оралигида жойлашган.

МАҒРИБ - Ғарб. Ғарбий ва Шимолий Африка яъни Тунис, Жазоир ва Марокашнинг ўрта асрлардаги умумий номи. Машриқ-Шарқ.

МИСҚОЛ - ўрта асрларда 4,8 граммга тўғри келадиган оғирлик ўлчов бирлиги.

МОВАРОУННАҲР - арабча сўз бўлиб, луғавий маъноси дарё орқасидаги ер деган маънони англатади. Араблар Ўрта Осиёни босиб олгандан кейин Амударёдан шимолга қараб чўзилган Ўрта Осиё ерларини Мовароуннаҳр деб атаганлар

МОНИЙЛИК ДИНИ - Ватанимиз ҳудудларида зардуштийлик дини билан бир қаторда ислом динидан олдин мавжуд бўлган динлардан бири. Асосчиси Моний ибн Фатак (216-277) дир. У Эроннинг Тайсафун (Ктесифон) шаҳри яқинида туғилган. Моний Эрон, Марказий Осиё ва Ҳиндистон бўйлаб сафар қилиб, зардуштийлик, буддавийлик, брахманлик динлари ва бошқа диний таълимотлар билан ганишиб уларнинг баъзи томонларини ўзида сингдирган Монийлик диний таълимотини яратади. Бу таълимот бошқа мамлакатларда ҳам қизиқиш уйғота бошлайди. Жумладан, сосонийлар шоҳи Шопур I (239-272) бу таълимотни қувватлаб, Монийни саройга таклиф этади. Моний 242 йилда ўз таълимотини биринчи марта баён этиб ваъз ўқийди. Шопур I ушбу таълимотни христианлик ва бошқа маҳаллий динларга қарши қўймоқчи бўлади. Бироқ Зардушт кохинлари бу дини таълимотга кескин қарши чиқадилар. Моний муваффақиятсизликка учраб, Эрондан қочишга мажбур бўлади ва ўз ғояларини Ўрта Осиёда тарғиб қила бошлайди.

Моний таълимотида борлиқнинг асосини иккита қарама-қарши дунё- ёруғлик, яхшилик, руҳ олами билан зулмат, ёвузлик, материя оламининг ўзаро кураши ташкил этади. Биринчи оламда худо, иккинчисида шайтон, иблис ҳукм суради. Икки олам кураши фалокат билан тугайди, натижада материя ҳалокатга учрайди, руҳ озодликка чиқади. Моний таълимотига кўра, бу дунё ёвузлик дунёсидир. Монийлик ҳаётда зоҳирона яшашни тарғиб қилган. Улар гўшт истеъмол қилмасликлари, фаний дунёнинг ўткинчи молига қўл урмасликлари лозим бўлган. Моний тарафдорларининг шиори “Кимки бой бўлса, кейин қашшоқ бўлиб садақа сўрайди ва абадий азоб чекади”.

Моний 273 йилда Эронга қайтади ва шоҳ Баҳром I (273-276) нинг топшириғига кўра ҳибсага олиниб, зиндонбанд қилинади. 277 йилда қатл этилади.

Монийлик таълимоти Моний ўлимидан кейин кенг тарқалади. У Ўзбекистон, Шарқий Туркистон ҳудудларидан ташқари, Италия Испаниядан то Хитойгача ёйилган. VIII асрда бу дин Уйғур хонлигида ҳукмрон динга айланади. Аммо кейинчалик монийлик ислом дини таъқибига учрайди ва аста секин барҳам топади.

Моний ўрта аср Шарқ шеъриятида машҳур наққош ва рассом сифатида ҳам кўп тилга олинган.

МУҚАННА (ниқобдор) - араб истилочиларига қарши кўзғолон (769-783 йиллар) раҳбари Ҳошим ибн Ҳакимнинг лақаби. Тарихий маълумотларга кўра Ҳошим ибн Ҳаким ҳокимият учун кураш жараёнида зиндонга ташланади. Зиндонда у қасалликка чалиниб, юзига чечак тошиб, юзи хунук бўлиб қолади. Юзини халқдан яшириш мақсадида оқ ниқоб тақиб олган ва шунинг учун муқанна лақабини олган. Уни Ҳошим ул аъвар-бир кўзли Ҳошим деб ҳам аташган.

МУШРИФ - (араб) юқоридан туриб кўрувчи, ўрта асрларда ўзига хос давлат назоратчиси, мушриффи калон-бош давлат назоратчиси.

НАХШАБ - Қашқадарё воҳаси этагининг қадимги номланиши (ҳозирги Қарши воҳаси). Нахшаб ҳақидаги дастлабки маълумотлар V аср Хитой йилномасида қайд этилган.

НАФ - илк ўрта асрларда Суғд шаҳар ва қишлоқ аҳолиси.

НАУТАКА - Қашқадарё воҳасининг шарқида жойлашган қадимги вилоят.

НИШОПУР - Машҳаддан ғарбда, шимолий-шарқий Эроннинг йирик шаҳарларидан бири. Тоҳирийлар давлатининг (821-873) пойтахти, шунингдек IX-XIII асрнинг биринчи чорагида Хуросоннинг марказий шаҳри. Уч марта 1153 йили кўчманчи ўғуллар, 1221 йили мўғуллар талофати ва 1250 йилги қаттиқ zilзила оқибатида тамоман вайрон бўлган. Янги Нишопур эски Нишопурнинг ғарбий тарафида барпо қилинган.

ОЗОД - илк ўрта асрларда Суғд мулкдор зодагонлари табақаси.

ОЗОДКОР - илк ўрта аср Суғд хунармандлари табақаси.

ОРОМИЙ ЁЗУВИ - оромийлар милоддан аввалги II минг йилликнинг охири I минг йилликнинг бошларида Ғарбий Осиёда (Сурия, Фаластин, Месопотамиянинг шимолий-ғарбида) яшаган халқлар бўлиб, улар финикий алифбоси асосида ўз алифболарини яратганлар. Ҳарfli ёзув ўзлаштирилиши осон бўлганлиги сабабли бу ёзув бошқа ҳудудларга ҳам тарқала бошланган. Ана шу оромий ёзуви асосида шарқ халқлари алифбоси шаклланган. Оромий ёзувларидан қадимги форс ёзуви, ундан эса қадимги бақтрия, хоразм ва суғд ёзувлари келиб чиққан. Оромий ёзуви ва унга асосланган бошқа ёзувлар алфавити 22 та ундош ҳарф-белги асосида қурилган.

Суғд ёзуви асосида қадимги турк ёзуви пайдо бўлган. Ундан уйғур, мўғул ва манжур ёзувлари ўсиб чиққан. Уйғур ёзувидан бошлаб эса, сўз тузилишида унли ҳарфларни ифодалаш ҳам бошланган. Бу тажрибадан мўғул ва манжур ёзувлари фойдаланиб, ўз ёзувларига унли товушларни киритишган.

ПАРАК - Чирчиқ дарёсининг илк ўрта асрлардаги номи

ПАРФИЯ - географик ҳудуд. Туркменистоннинг жануби ва Шимолий-Шарқий Эрон ерларига тўтри келади.

ПАРФИЯ ДАВЛАТИ - қаранг: Аршакийлар сулоласи.

ПОЛИТИМЕТ - Зарафшон дарёсининг қадимги номи. Тилшунос олимлар фикрига кўра, Зарафшон сўзининг ўзи Авесто тилидан келиб чиққан бўлиб, “раошана” (ёруғ, равшан, ойдин) сўзи Зарафшонга айланган.

САДРЛАР - Мовароуннаҳрда Қорахонийлар ҳукмронлиги заифлашгач, Бухорода XII асрнинг иккинчи ярмидан диний ва дунёвий ҳокимиятни ўз қўлига олган рухонийлар вакиллари.

САЛАВКИЙЛАР ДАВЛАТИ - Яқин ва Ўрта Шарқдаги йирик давлат. Александр Македонский тузган империя таназзулга учрагач, милоддан аввалги 312 йилда унинг лашкарбошиларидан

бири Салавк I Никатор томонидан асос солинади. Салавк Мидия, Сузиана, Форс, кейинчалик Бақтрия ва Сугдиёнани босиб олган ва бу шарқий вилоятларга ўғли Антиохни ноиб қилиб тайинлайди (Антиох Салавкнинг Спитаменнинг қизидан бўлган ўғли эди). Мил. авв. III. аср ўрталарида Салавкийлардан мустақил Юнон-Бақтрия ва Парфия давлатлари ташкил топади.

САЛЖУҚИЙЛАР - 1038-1194 йилларда Яқин ва Ўрта Шарқда ҳукмронлик қилган сулола. Сулола номи кўчманчи турк-ўғиз қабиласи бошлиғи Салжуқ (922 йилда вафот этган) номидан олинган. XI аср бошларида Ғазнавийлар давлатидаги ижтимоий қарама-қаршиликлардан фойдаланган салжуқийлар Хуросонни эгаллаб, Салжуқийлар давлатини барпо этадилар. Салжуқийларни Хуросон ва Эрон ҳудудларидан Хоразмшоҳ Такаш (1172-1200) 1194 йилда сиқиб чиқаргач, улар ғарбга чекиниб Кичик Осиёда (ҳозирги Туркия ҳудудларида) яна бир асрдан кўпроқ ҳукмронлик қиладилар. (Туркия тилининг бизга тушунарли бўлишининг сабаби ҳам шунда).

Салжуқийлар сулоласининг вакиллари: Тўғрулбек (1038-1063), Алп Арслон (1063-1072), Маликшоҳ (1072-1092), Маҳмуд (1092-1094), Беркёруқ (1094-1105), Муҳаммад (1105-1118), Султон Санжар (1118-1157).

САРКОР - ишбоши, назоратчи, бирор ишнинг (қурилиш, экин-тикин ва ҳ.к.) тепасида турувчи, подшо, хон ва феодалларнинг хўжалигини бошқарувчи мансабдор.

САРРОФ - ўрта аср шаҳар кўчалари ва расталарида ўтириб, кишиларнинг йирик пулларини майдалаб, қимматбаҳо буюмларини пулга алмаштириб берувчи шахс. Саррофлар чет элдан келган савдогарларнинг пулларини маҳаллий пулларга алмаштириб бериш, қимматбаҳо тошларнинг баҳосини аниқлаш, айрим кишиларнинг омонат пулларини, буюмларини маълум муддатгача сақлаб бериш каби ишлар билан ҳам шуғулланганлар.

САТРАПЛИК - Аҳмонийлар, Салавкийлар, Парфия ва Сосонийлар давлатларида сатрап бошчилигидаги ҳарбий-маъмурий округ, вилоят. Сатрапликларга сатрап (ҳоким)лардан ташқари ҳарбий бошлиқлар ҳам тайинланган. Ҳозирги Ўрта Осиё ҳудудларида ҳам ўша даврда алоҳида сатрапликлар ташкил этилган. Ҳар бир сатраплик белгиланган миқдорда солиқ тўлашга мажбур бўлган.

САФФОРИЙЛАР - Саффорийлар давлатида (873-900) ҳукмронлик қилган сулола. Сулола вакиллари ака-ука Ёқуб ибн Лайс (873-879) ва Амир ибн Лайслар (879-900) асли мисгарлик (саффорий) бўлганликлари учун шундай номланган. Улар Хуросонда Тоҳирийлар давлатини яғдариб ҳокимиятни эгаллаганлар. 900 йилда Сомонийлар амири Исмоил Сомоний билан жангда Амир ибн Лайс енгилгач, бу сулолага барҳам берилади.

САҲОБАЛАР (араб.- ҳамроҳ, дўст) - Муҳаммад Пайгамбарнинг яқин ёрдамчилари, сафдошлари. Илк ислом даврида Мадинадаги мусулмонлар жамоасида мухожирлар ва ансорлардан бир гуруҳи Муҳаммад пайгамбарга яқин турган, унинг маслаҳатчилари сифатида хизмат қилган. Улар саҳоба (кўпликда асҳоб) деб ном олган ва ислом тарихида обрўли шахслар сифатида танилган.

СКУНҲА - Аҳмонийлар подшоҳи Доро I га қарши кўзғолон кўтарган саклар сардори. Бу ҳақдаги илк маълумот подшоҳ Доро I нинг Беҳистун қоясига ёздирган битикларида берилган.

СОМОНИЙЛАР - Ўрта Осиёда 875-999 йилларда ҳукм сурган феодал давлат. Сомонийлар сулоласи келиб чиқиши жиҳатидан Сосонийлар давлатининг (224-651) машҳур саркардаси турк Баҳром Чубиннинг авлодларидан бўлган. Баҳром Чубинга ўз даврида давлат олдидаги катта хизматлари учун Балх ва Термиз оралиғидаги ерлар иқто сифатида берилган, у эса бу жойларга ўз яқинларини жойлаштирган. Сомонхудоёт Балх атрофининг йирик мулк эгаси-аслзодаларидан бири бўлиб, унинг набиралари халифа Хорун ар-Рашид (785-809)нинг Хуросондаги ноиб ўғли Маъмунга садоқат билан хизмат қилганлар. Маъмун 813 йилда халифалик тахтини эгаллаб, 819 йилда Сомонхудоётнинг набираларига Мовароуннаҳр вилоятларини бошқаришни топширади. Сомонийлардан Нух ибн Асаддан бошланган мамлакатни мустақил бошқаришга интилиш Исмоил Сомоний даврида ниҳоясига етади. Бухоро шаҳри давлат пойтахтига айлантирилади. X асрнинг биринчи ярми бу давлатнинг гуллаган давридир. Мовароуннаҳр, Хуросон, Шимолий ва Жанубий Эронни ўз ичига олган ҳамда Хоразм, Сейстон, Журжон ва Табаристон (Мозондарон) бу давлатга итоат этган. Сомонийлар даврида Бухоро, Самарқанд, Марв, Нишопур Урганч, Хирот, Балх энг йирик ва савдо-ҳунармандчилик тараққий этган шаҳарлар булган.

992 йили Қорахоний турклари Бухорони босиб олади, 996 йили Сомонийларнинг Зарафшон ҳавзаси шимолидаги ерларнинг ҳаммаси турклар қўлига ўтади, 999 йили турклар Бухорони ишғол этиб, Сомонийлар давлатини тамом тугатадилар ва ҳокимиятни тўлиқ қўлга оладилар.

Сомоний ҳукмдорлари: Нух ибн Асад (819-842), Аҳмад ибн Нух (842-865),

Наср ибн Аҳмад (865-888), Исмоил ибн Аҳмад (888-907), Аҳмад ибн Исмоил (907-914), Наср II ибн Аҳмад (914-943), Нух ибн Наср (943-954), Абдумалик ибн Нух (954-961), Мансур ибн Нух (961-976), Нух II ибн Мансур (976-997), Мансур (997-998), Исмоил II (998-1005).

СОСОНИЙЛАР - милодий 224-651 йилларда Эронда ҳукмронлик қилган сулола. Форсларнинг Сосон уруғидан бўлган Бобак бу сулоланинг асосчисидир. Унинг ўғли Ардашер I 224 йилда бўлиб ўтган жангда Парфия шоҳи Артабан V қўшинларини енгади ва давлат чегараларини кенгайтириш сиёсатини бошлайди. Шопур I давридан бошлаб Сосонийлар тахтига чиққан сулола вакиллари “шоҳаншоҳ” унвонига эга бўлганлар. III асрнинг иккинчи ярми ва IV асрларда Сосонийлар Эрони Шарқдаги энг қудратли давлатга айланган. Унинг сарҳадлари шарқда Ҳинд дарёсигача, шимолда Амударёгача, ғарбда Византия империясигача ёйилган улкан майдонни эгаллаган. V аср ўрталаридан бошлаб Сосонийлар давлати Ўрта Осиё ҳудудидан бостириб кирган кўчманчи қабилалар-кидарийлар ва эфталийлар зарбаси натижасида кучсизланиб, хатто эфталийларга ўлпон ҳам тўлашга мажбур бўлишган. Сосонийлар давлатига узил-кесил зарбани 651 йилда араб боқинчилари бериб, бу давлат барҳам топади.

Сосонийлар давлатининг энг машҳур ҳукмдорлари: Ардашер I (224-239), Шопур I (239-272), Шопур II (309-379), Хурмузд III (458-459), Перўз (459-484), Балаш (484-488), Кубод (488-531), Ҳусрав I Анушервон (531-579), Яздигирд III (629-651).

СТРАТЕГ - юнончадан ҳарбий қўмондон, бош қўмондон демакдир. Қадимги давлатларда (Македония, Салавкийлар давлати) ҳарбий қўшин ва флот, мудофаа қўмондони.

СУЛТОН - ҳукмдор, подшоҳ, мусулмон ҳукмдорларининг унвони. VIII аср охирида Боғдод халифаси Хорун ар-Рашид саройида давлатнинг барча ишларини бошқарувчи бўлган

ишончли дўсти Қозим ибн Яҳёни унга бўлган катта ҳурмат ва ишонч белгиси сифатида султон деган янги унвон билан мукофотлайди. X асрдан бошлаб ислом мамлакатларида ҳукмдор султон деб атала бошланган. XI асрда салжуқийлардан бошлаб султон унвони мустақил сулола ҳукмдорларига берилган. Бу унвонни биринчи бўлиб, 1051 йили салжуқийлардан Тўғрулбек халифа Қойимдан олган.

СУҒД ЁЗУВИ - қадимги Суғдиёна аҳолиси томонидан яратилган ёзув бўлиб, у оромий алифбоси асосида милоддан аввалги III-II асрларда пайдо бўлган. Милодий I-IV асрлардан бошлаб, Суғд ёзувлари Суғдиёна ҳудудларидан ташқари, Фарғона водийсида, Тошкент воҳасида ва Еттисувда кенг тарқалган. Бу жараён Суғдийларнинг янги ерларни ўзлаштириш фаолияти ва савдогарларнинг Буюк Ипак йўлидаги ҳаракатлари билан боғланган. Шунинг учун ҳам суғд тилидаги ёзма ёдгорликлар Марказий Осиё, Қозоғистон, Шарқий Туркистон, Покистон ва Мўғилистон тупроғидан топиб текширилган. Эрамик бошларидан то XI асрнинг биринчи чорагига қадар ёзилган қўплаб ноёб ёзма ёдгорликлар Суғд ёзуви орқали бизга етиб келган.

Суғд ёзуви қадимги уйғур, муғул, манжур ва турк ёзувларининг пайдо бўлишига асос бўлди.

Араблар истилоси натижасида Ўрта Осиёга араб тили ва ёзуви кириб келди ва суғд тили аста-секин муомаладан чиқиб, ишлатилмайдиган тилга айланди. Ҳозирда суғд тили ўлик тилга айланган бўлсада, тилимизда қадимги суғдча сўзлар сақланиб қолган.

СУҒДИЁНА - географик ҳудуд. Қашқадарё ва Зарафшон дарёлари ҳавзаси. Ҳозирги Тожикистоннинг Панжикент тумани, Ўзбекистоннинг Самарқанд, Қашқадарё ва Бухоро вилоятлари ўрнига тўғри келади.

ТАЛАНТ - қадимги Юнонистон, Миср, Месопотамия, Сурия ва Эронда ишлатилган оғирлик ва йирик пул ўлчов бирлиги бўлиб, 1 талант 6 000 дирҳамга тенг бўлган. Оғирлик ўлчов бирлиги сифатида талантнинг миқдори турли мамлакатларда турлича бўлган. Масалан: қадимги Юнонистонда 1 талант 26.2 кг бўлса, Эронда 1 талант 33,655 кг га тўғри келган.

ТОҲАРИСТОН - Амударёнинг ўрта ва юқори оқимидаги икки соҳилини ишғол этган ерларнинг ўрта асрлардаги номланиши. Ҳозирги Шимолий Афғонистон, Жанубий Ўзбекистон ва Жанубий Фарбий Тожикистон ҳудудларига тўғри келади. Бу

худудлар қадимда Бақтрия деб юритилган. Милодий V аср бошларида ушбу худудларга кўчманчи тохар қабилалари келиб жойлашгач Тоҳаристон номини олган.

ТОҲИРИЙЛАР - Тоҳирийлар давлатини бошқарган сулола. Халифалик тахти учун курашда Маъмун ибн Хорун ар-Рашид Тоҳир ибн Ҳусайиннинг ёрдами билан ғолиб чиқади ва миннатдорчилик сифатида 819 йилда уни Хуросон ва Мовароуннаҳр ерларига ноиб қилиб тайинлайди. Орадан кўп ўтмай, у халифага бўйсунмай мустақил сиёсат юргиза бошлайди. Ўзига қарашли ерларни халифалиқдан мустақил деб эътон қилади. Тоҳирийлар сулоласи 873 йилда кўтарилган “ғозийлар” қўзғолони натижасида ағдариб ташланади ва ҳокимиятни Соффорийлар эгаллайдилар.

Сулола вакиллари: Тоҳир ибн Ҳусайин (821-822), Талҳа ибн Тоҳир (822-830), Абдуллоҳ ибн Тоҳир (830-844), Тоҳир ибн Абдуллоҳ (844-862), Муҳаммад ибн Тоҳир (863-873), Ҳусайин ибн Тоҳир (873-874).

ТУДУН - турк хоқонлигининг унга қарам ўлкалардаги ноиблари устидан назоратни кучайтириш мақсадида юборган вакиллари. Улар вилоятларда божу-ясоқларни жамғариш устидан назорат қилар ва уларни хоқон қароргоҳига жўнатиш билан шуғулланарди.

УММАВИЙЛАР - араб халифалиги сулоласи (661-750). Асосчиси маккалик йирик савдогар ва қурайшийлар зодағони Абу Сўфиённинг ўғли Муовиядир. Абу Сўфиён Муҳаммад Пайғамбарнинг узоқ қариндоши Умайя шажарасидан бўлиб, унинг ўғли Муовия дастлаб халифаликнинг Суриядаги ноиби эди. Али халифалиги даврида (656-661) унга бўйсунмаслик сиёсатини бошлаган ва у вафот этгач, араб зодагонларининг ёрдамида халифалик тахтини эгаллайди. Халифалик пойтахтини Дамашққа кўчиради. Шунинг учун ҳам тарихий адабиётларда уммавийлар даври Дамашқ халифалиги деб ҳам юритилади. 747-750 йилларда Абу Муслим раҳбарлигидаги қўзғолон натижасида охириги уммавийлар вакили Марвон II (744-750) тахтдан туширилади ва ҳокимият Аббосийлар қўлига ўтади.

Уммавийлар сулоласи вакиллари: Муовия (661-680), Язид (680-683), Марвон I (683-685), Абдумалик (685-705), Волид (705-715), Сулаймон (715-717), Умар II (717-720), Язид II (720-724), Ҳишом (724-743), Волид II (743-744), Марвон II (744-750).

УРХУН-ЕНИСЕЙ ЁЗУВЛАРИ - қадимги турк руник ёзувлари, тош, металл, ёғоч ва бошқа буюмларга ўйиб битилган қадимги туркий ёзувлар. Бу ёзувлар V-VIII асрларга (баъзи манбаларда VIII-X асрларга) мансуб деб ҳисобланилади. Урхун ва Енисей дарёлари ҳавзасидан топилганлиги сабабли шу ном билан юритилади. Ташқи кўринишидан гот (қадимги герман) ёзувига ўхшаш бўлганлиги учун руник ёзув деб ҳам аталади.

Урхун-Енисей ёзувларининг туркий халқларга мансуб эканлигини биринчи марта француз олими Ж. П. Абель Ремюза (1820), сўнгра рус олими Н. М. Ядринцев (1889) исботлаган эдилар.

Урхун-Енисей ёзувларининг келиб чиқиши ҳақида мутахассислар ўртасида тан олинган ягона фикр йўқ. Бу ҳақдаги нисбатан кенг тарқалган мулоҳазаларга қараганда, мазкур ёзув ўзининг келиб чиқишига кўра суғд ва пайлавий ёзувлари орқали оромий ёзувига бориб тақалади. Урхун-Енисей ёзувларининг пайдо бўлиши жойи ва вақти ҳам ҳозирча узил-кесил ҳал қилинган масала эмас.

УСТРУШОНА - Суғдиёнанинг шарқий томонида жойлашган илк ўрта асрлардаги тарихий вилоят. Ушбу вилоятнинг ғарбий қисмини Ўзбекистоннинг Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ташкил этади. Унинг шарқий қисми эса Хўжанд вилояти эса Тожикистон ҳудудларига тўғри келади. Илк ўрта асрларда Уструшона вилояти 18 та туман (рустак)дан ташкил топган бўлиб, улар тепасида турган ҳукмдорлар афшинлар деб аталган. Биринчи бор Уструшона номи илк ўрта аср Хитой манбаларида учрайди. Бунга кўра Уструшона IV-V асрлардаёқ мустақил ҳокимлик сифатида тилга олинади. Араб географларининг хабарларига қараганда, Уструшонанинг бош шаҳри Бунжикат (ҳозирги Шаҳристон) бўлган. Уструшона дастлаб эфталийлар, сўнгра VI асрнинг иккинчи ярмидан Турк ҳоқонлиги тасарруфига киритилган.

УШР - мусулмон мамлакатларида натура шаклида ундирилган солиқ. Ушр солиғи ҳар йили деҳқончилик, чорвачилик, балиқчилик маҳсулотлари ва бошқалардан олинган.

ФАЛАНГА - оғир найзалар билан қуролланган пиёда аскарларнинг ҳарбий тартиб тузилиши. Тарихда илк бор бундай қўшин спарталиклар томонидан тузилган. Македония фалангаси сафининг узунаси 26 та қатор жангчилардан иборат бўлган.

ФАРСАҲ - Шарқда, жумладан Ўрта Осиёда қадимдан ишлатилиб келган масофа ўлчов бирлиги. Бир фарсаҳ 9-12 минг кадамга ёки 6-8 км га тенг бўлган.

ФАРҒОНА - Уструшона вилоятининг шимолий-шарқида, Сирдарёнинг юқори ҳавзасида жойлашган тарихий вилоят. Ҳозирги Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларига тўғри келади. Фарғона дастлаб тарихчи Геродотнинг “Тарих” асарида “париканийлар юрти” номи остида эслаб ўтилади. Фарғона сўзи суғд манбаларида “Фраганик” шаклида ёзилиб, “тоғлар орасидаги водий, атрофи берк сойлик” маъносини англатади. Хитой манбаларида “Дайюан, яъни Даван” деб юритилган. Дайюан ҳам “тоғлар орасидаги водий” маъносини беради. Фарғона тарихий ҳудудида ташкил топган илк давлат бирлашмаси Довон давлати бўлиб, у милoddан аввалги III асрдан - милoddий II асрлар оралигида мавжуд бўлган.

ХАЛИФА - ўринбосар, ноиб, муовин. Муҳаммад Пайғамбар вафотидан сўнг вужудга келган Араб халифалигининг (632-1258) диний ва дунёвий бошлиғи. Биринчи тўрт халифа Абу Бакр (632-634), Умар (634-644), Усмон (644-656) ва Алилар (656-661) “ал-Хулафо ар-рошидун” - тўғри йўлдан борувчи халифалар номи билан машҳур бўлганлар.

ХАНДАҚ - қалъа теварагига қазилган ва сув тўлатилган зовур; махсус мудофаа иншооти.

ҲАРАМ - подшо, хонларнинг хос жойи, ичкари ҳовли, бошқалар учун кириш ман этилган жой.

ХИРОЖ - Яқин Шарқ ва Ўрта Шарқ мамлакатларида, жумладан Ўрта Осиёда давлат томонидан ундирилаётган ер солиғи. Хирож Ўрта Осиёда VII асрда араблар томонидан жорий қилинган. Хива хони Муҳаммад Раҳим I (1806-1825) хирожни пул билан ундиришни жорий қилган. Бунда хирож олинган ҳосилнинг миқдоридан эмас, балки ер эгасининг хўжалиги ва ер майдонига қараб олинган. Қўқон хонлиги Россия томонидан босиб олингандан кейин хирож бу ерда ҳам натура ўрнига пул билан йиғиладиган бўлган.

ХОРАЗМШОҲЛАР - Хоразмда исломдан олдин ва исломдан кейин қуйидаги тўртга хоразмшоҳлар сулоласи ҳукмронлик қилган: Афригийлар (305-995), Маъмунийлар (995-1017), Олтинтош сулоласи (1017-1034) ва Анушгегинлар сулоласи (1077-1231).

996 йилгача Хоразм икки қисмга-Шимолий Хоразм (пойтахти Урганч) ва Жанубий Хоразм (пойтахти Кат) га бўлинган эди. Шимолий Хоразмдаги Маъмунийлар сулоласи вакили Маъмун

ибн Муҳаммад 995 йилда ҳар иккала Хоразмни бирлаштириб, Хоразмшоҳ унвони билан идора қила бошлади. Унинг вориси Маъмун ибн Маъмун даврида Хоразмнинг қудрати янада ошди. Урганчда “Маъмун академияси” фаолият юрита бошлади.

1017 йилда Хоразмни Маҳмуд Ғазнавий босиб олиб, ўзининг бош ҳожиби Олтинтошни Хоразмшоҳ унвони билан Хоразм ҳокими этиб тайинлади.

1044 йилда Хоразм Салжуқийлар давлатига қўшиб олинди. Салжуқийларнинг Хоразмдаги ноиби Ануштегин (1077-1097) Салжуқийларга итотатўйлик билан хизмат қилди. Лекин унинг вориси Қутбиддин Муҳаммад (1097-1127) ўзига “Хоразмшоҳ” унвонини олиб Салжуқийлардан мустақил ҳолда юртни идора қила бошлайди. Отсиз (1127-1156), Эл Арслон (1156-1172), Такаш (1172-1200) ва Муҳаммадлар даврида (1200-1221) Хоразмшоҳлар давлати Шарқнинг энг йирик ва қудратли давлатига айланади.

1221 йилда Чингизхон бошлиқ мўғул босқинчилари Хоразмшоҳларнинг йирик шаҳарлари қаторида пойтахт Урганчни ҳам босиб оладилар. Муҳаммад Хоразмшоҳ юртни ўз ҳолига ташлаб қочишдан бошқа чора топа олмайди. Сўнгги Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангуберди (1221-1231) мўғул босқинчиларига қарши деярли ўн йил курашган бўлсада, бироқ унинг уринишлари муваффақиятсиз чиқади. Жалолиддиннинг вафоти билан Хоразмшоҳлар сулоласи ҳам барҳам топади.

ХУРОСОН - ҳозирги Афғонистоннинг шимолий, Эроннинг шимолий-шарқий ва Жанубий Туркменистондан то Амударёгача бўлган ҳудудларнинг ўрта асрлардаги номи. Дастлаб Марв, кейинроқ Хирот шаҳри Хуросоннинг маркази бўлган.

ЧОКАР - Ўрта Осиёда илк феодализм даврида феодалларга қарашли бўлган қуролли йигитлар гуруҳи.

ЧОРИЁРЛАР - Муҳаммад Пайғамбар вафотидан сўнг Араб халифалигида ҳокимият тепасида турган дастлабки тўрт халифа Абу Бакр (632-634), Умар (634-644), Усмон (644-656) ва Али (656-661) ларни мусулмонлар орасида чориёрлар деб аташ расм бўлган. Улар “Хулафо ар-рошидин”, яъни тўтти йўлдан юрувчи халифалар дейилган.

ЧОЧ - тарихий географик ҳудуд. Сирдарёнинг ўрта ҳавзаси, ҳозирги Тошкент вилояти ва Жанубий Қозоғистон ерларига тўғри келади. Чоч атамаси қадимги ёзма манбаларда милоддан аввалги I минг йилликнинг 2-ярмидан бошлаб учрайди. Бу ўлкада

қадимдан “Авесто” да номи келтирилган турлар ва қадимги форсий тилдаги қоятош битикларига кўра, кўчманчи саклар яшаганлар. Араблар бу ҳудудларни Шош деб аташган.

ШАҲРИСТОН - ўрта асрларда Шарқдаги шаҳарларнинг маркази, яъни мудофаа деворлари билан мустақамланган шаҳарнинг марказий қисми. Шаҳристонда сарой, жомеъ масжиди, ёпиқ ёки очиқ бозор, бош майдон-регистон, муҳим маъмурий бинолар, ҳукмдор ва унинг яқинларининг қўрғонлари, шунингдек оддий аҳоли хонадонлари жойлашган.

ШИ - Тошкентнинг қадимги хитой манбаларидаги номи.

ШОД (ШАД) - турк хоқонлиги даврида ўн минг кишилик кўшин кўмондони. Туманбоши.

ШОҲ ЙЎЛИ - Эрон Аҳамонийлари сулоласи даври (мил.авв. VI-IV асрлар) да мавжуд бўлган муҳим савдо йўлларида бири бўлиб, у Эрон пойтахти Суза шаҳрини Месопотамия, Яқин Шарқ ва Кичик Осиё мамлакатлари билан боғлаган. Подшо Доро I буйруғи билан йўлларда бекатлар, карвонсаройлар, қудуқлар қурилиб, савдогарларни отлиқ соқчилар томонидан қўриқлаб бориш хизмати жорий қилинган.

ШУРАТ - Сомонийлар давлатида давлат бошлиғи амир томонидан ўзини ҳимоя қилиш учун турк ғуломларидан ташкил этилган махсус сарой гвардияси. Гвардия бошлиғи эса Соҳиби шурат дейилган. Соҳиби шурат ҳарбий ишлар вазири ҳам ҳисобланган.

ЭЛЛИНЛАШТИРИШ - қадимги юнонлар ўзларини эллинлар, юртини эса элада деб аташган. Эллинлаштириш деганда Юнон-Македон истилосидан сўнг Шарққа юнон маданиятининг ёйилиши ва аралаш маданиятнинг —юнон ва маҳаллий шарқ маданиятининг ташкил топиши жараёни тушунилади.

ЭЛОҚХОНЛАР - Мовароуннаҳр ва Еттисувда 999-1212 йилларда ҳукмронлик қилган Қорахоний ҳукмдорларининг унвони. Элоқхонлар аслида Еттисув ва Қошғарда яшаган яғмо турк қабиласига мансуб бўлган. Қорахонийлардан Наср ибн Али 999 йилда Бухорони эгаллайди ва Элоқхонлар ҳукмронлигига асос солади.

ЭРШИ - милoddан аввалги III-милодий II асрларда мавжуд бўлган Довон (Фарғона) давлати пойтахтининг хитой манбаларидаги номи.

ЭФТАЛИЙЛАР - Ўрта Осиё ва унга яқин мамлакатлар халқларининг этногенези ва тарихида муҳим роль ўйнаган йирик қабилалар уюшмаси. Уларнинг келиб чиқиши ҳақида турли фикрлар баён этилган. А.Н.Бернштамнинг фикрича, эфталлийлар таркиб топган ерлар ўрта ва қуйи Сирдарё ҳамда Амударёнинг юқори ҳавзасидир. С.П.Толстов эса уларни Орол бўйларидан келиб чиққан деб ҳисоблайди. Гарчи Эфталлийларнинг таркиб топиш жойи қатъий аниқланмаган бўлса-да, улар туркий этник элементлар аралашган Ўрта Осиёлик қабилалар негизида шаклланганлиги маълум. Тахминан 457 йили Вахшунвор (Ахшунвор) Эфталон бошчилигидаги эфталлийлар Чағониён (Сурхондарё вил.Термиз шаҳридан шимолидаги ерлар) Бадахшон ва Тоҳаристонда ўз ҳокимиятини ўрнатдилар.

ЮНОН-БАКТРИЯ ПОДШОЛИГИ - милоддан аввалги 250 йилдан 140-130 йиллар орасида мавжуд бўлган давлат. Салавкийлар давлатида ака-ука Селевк II ва Антиох Гиераклар ўртасида ҳокимият учун ўзаро кураш авжига чиққан бир пайтда Салавкийларнинг Бактриядаги ноиби Диодот ўзини мустақил деб эълон қилади. Янги ташкил топган давлатнинг ҳудуди Бактрия ерларига тўғри келсада, уни бошқарган подшолар асли келиб чиқиши юнонлардан эди. Шунинг учун ҳам бу давлатнинг номи Юнон-Бактрия деб юритилади. Юнон-Бактрия давлати тарихан қисқа вақт 120 йил яшаган бўлсада, ўзбек давлатчилиги тарихида муҳим ўрин қолдирди. Ҳунармандчилик, савдо-сотиқ, шаҳарсозлик маданияти гуллаб яшнади. Маҳаллий ва юнон маданиятининг қўшилиб кетишидан ўзига хос эллинизм маданияти таркиб топди.

Юнон-Бактрия давлатига милоддан аввалги 140-130 йилларда шимолий-шарқдан Ўрта Осиё ҳудудларига кириб келган кўчманчи юэчжи қабилалари барҳам беради. Юнон-Бактрия ҳукмдорлари: Диодот I (250-...), Диодот II (...-230), Евтидем (230-199), Деметрий (199-167), Евкратид (167-155), Глиокол (155-140).

ЮЭЧЖИЛАР - қадимги хитой манбаларига кўра юэчжи қабилалари милоддан аввалги IV-III асрлар чегарасида Монголия ҳудудида яшовчи хуннларнинг қўшнилари бўлишган. Милоддан аввалги III асрнинг иккинчи ярмига келиб юэчжилар жуда катта кучга айланганлар ва хуннларнинг бошлиғи уларга ўлпон тўлашга мажбур бўлган. Аммо бир оз вақт ўтгач хуннлар сардори Маодун хуннларни кучли ҳокимият остида бирлаштириб, бу кўчманчи

қабилаларни қудратли кучга айлангирди. Милоддан аввалги 176 йилда хунн лашкарбошиларида бири юэчжиларни жангда мағлубиятга учратади. Маодуннинг ўғли Лаошин мил.авв. 174 йилда юэчжиларни яна тор-мор келтиради ва ҳукмдорини ҳам ўлдириб бош чаноғидан май қадахи ясагтиради. Мағлубиятга учраган кўчманчи юэчжилар ғарбга-Шарқий Туркистон ва Ўрта Осиё ҳудудларига кириб кела бошлайдилар. Аммо бу ҳудудларида юэчжилар хитой манбаларидан “усун” деб аталувчи кўчманчи чорвадор қабилалар билан тўқнаш келадилар. Ўзаро урушларда охир оқибат усун қабилаларининг қўли баланд келиб, юэчжи қабилалари Тяньшань, Фарғона ва Помир тоғлари оша Шимолий Ғарбий Ҳиндистон ва Бақтрия ерларига кириб келадилар.

Юэчжи қабилалари ҳақида маълумотлар фақат қадимги ва ўрта аср хитой манбаларида сақланган. Қадимги юнон-рим тарихчилари (Страбон, Помпей Трог) асарларида эса бу ном умуман учратилмайди. Афтидан улар юэчжиларни бошқа номда атаган бўлсалар керак. Улар Юнон-Бақтрия давлатининг қулаши ҳақида берган маълумотларида эса асианлар, пасианлар, тохарлар, сакараулар ҳақида ёзадилар.

Юэчжиларнинг келиб чиқиши ҳақида тадқиқотчилар ўртасида яқдил фикр йўқ. Баъзи олимлар юэчжиларни массагетларнинг авлоди деб ҳисобласалар (С.П.Толстов), баъзилар уларни тохарларнинг авлоди деб ҳисоблайдилар (И.Маркварт, Э.Пуллейбленк). Таниқли ўзбек олими академик А.Асқаров фикрига кўра юэчжилар скиф-сак қабилалари иттифоқига кирувчи тохарларнинг Хитойча номланишидир. Юэчжиларнинг географик жойлашуви, моддий ва маданий ҳаёт даражасига қараб туркий қабилалардан деб ҳисоблаш мумкин. Жумладан, япон олими К.Еноки “милоддан аввалги III асрлардаги юэчжилар жойлашган ўрни ва хўжалик ҳаётига кўра VI асрдаги турклар билан жуда ўхшаш” - деб қайд қилади.

“ЯБҒУ ҲОҚОН” - турк хоқонлигининг ғарбга қилган юришларига бошчилик қилган Истемига берилган унвон.

ЯКСАРТ (ТАНАИС) - Сирдарёнинг юнон-рим тарихчиларининг асарларидаги қадимги номи.

ҚАДИМГИ БАКТРИЯ ДАВЛАТИ - антик давр тарихчилари (Милетлик Гекатей, Геродот, Ктесий, Диодор) асарларида эслатиладиган, Ватанимиз ҳудудида вужудга келган энг дастлабки давлат бирлашмаларидан бири. Ёзма манбалардаги келтирилган

маълумотлар ва кейинги йилларда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида қўлга киритилган ашёвий далилларга асосланиб, қадимги Бақтрия подшолиги милоддан аввалги VII-VI асрларда мавжуд бўлган деб хулоса чиқариш мумкин. Книдлик Ктесий (V-IV асрлар) китобида Оссурия подшоси Ниннинг Бақтрияга қилган ҳарбий юришлари баён этилиб, шунингдек у Бақтрия аҳолисининг кўплиги ва катта шаҳарларга бойлигини таъкидлаб ўтади. Тарих отаси Геродот Аҳмонийлар подшоси Кир II нинг ҳарбий юришлари ҳақида ёзиб, - “Кир II Лидияни ўзига тобе этгач унинг олдида Бобил, Бақтрия халқи, саклар ва мисрликлар турар эди”, деб маълумот келтиради. Бундан шуни хулоса қилишимиз мумкинки, Геродот Бақтрияликларни ўша пайтнинг қудратли давлатлари Миср ва Бобил билан бир қаторда кўяди. Тарихчи В.Гейдер эса Қадимги Бақтрия ўзининг куч-қудрати жиҳатидан бошқа ён қўшниларидан анча устун туриб, улар орасида алоҳида мавқени эгаллаган дейди.

Тарихчи олимларнинг фикрига кўра, Бақтрия подшолиги ҳудуди қадимги Бақтрия ўлкасига қараганда бирмунча каттароқ ҳудудни эгаллаган. Археологик ва ёзма манбаларга қараганда Бақтрия таркибига гарчи ҳар доим бўлмаса ҳам бир муддат Марғиёна ва Сугдиёна ҳудудлари ҳам кирган. Бақтриянинг табиий бойликлари унинг қўшниларига ҳам маълум бўлган. Жумладан, қадимги муаллиф Диодор Бақтрия подшоси Оксиартнинг жуда бой хазинаси ҳақида маълумот беради. Шунингдек, Бадахшон лаъли шарқда жуда қадрланиб, Миср фиръавнлари ва Бобил подшоларининг саройларини безашда кенг фойдаланилган.

Қадимги Бақтрия подшолиги аҳмонийлар давлати томонидан тугатилади. Олимлар буни кўпроқ Кир II нинг милоддан аввалги 545-540 йиллардаги Ўрта Осиё ҳудудларига юришлари билан боғлайдилар.

ҚАДИМГИ ХОРАЗМ ДАВЛАТИ - Ўрта Осиёда Аҳмонийлар истилосига қадар мавжуд бўлган Вағанимиз ҳудудидаги илк давлат бирлашмаларидан бири. Қадимги Хоразм давлати ҳақида ёзма маълумотлар жуда кам бўлиб, булар асосан антик давр муаллифлари томонидан берилган узук-юлуқ маълумотларгина холос. Қадимги Хоразм давлати ҳақидаги дастлабки маълумотни Милетлик Гекатей ва Геродот беради. Геродот: -“Осиёда ҳамма томони тоғлар билан ўралган ўлка бор. Бу тоғлар бешта дарага эга. Бир замонлар бу ҳудудлар хорасмияликларга тегишли бўлган.

Ҳозир эса бу ҳудудларда хорасмияликлардан ташқари гирканлар, парфияликлар, саранглар, таманайлар ... яшашади. Бу ўлкадан баланд тоғлардан сув олувчи катта Акес дарёси оқиб ўтади. Дастлаб дарё бешта тармоққа бўлиниб, бу ерда яшовчи халқларнинг ерларини суғоради”, - дейди. Геродот берган мазкур маълумот кўп йиллардан бери қатор олимлар томонидан турлича талқин қилинади ва ҳозиргача бу “Катта Хоразм” ҳақида турлича фикрлар билдирилиб келинмоқда.

Баъзи олимлар Геродот ёзган Акес бу Амударё десалар (С.П.Толстов, Я.Я.Фуломов), баъзилар уни Тажан (И.Маркварт) деб ҳисоблашади.

Тарихий ёзма манбалар (“Авесто”) ва антик давр тарихчилари асарларида келтирган географик жой номларини солиштирган ҳолда олимларнинг аксарияти Қадимги Хоразм давлати ҳозирги замонавий Хоразм воҳасидан анча катта ҳудудни ўз ичига олишини ва бу давлат бирлашмасининг маркази бирмунча жанубий ўлкалар (Марв-Хирот)га тўғри келишини таъкидлашади.

“Авесто” да Ванҳви Даити дарёси бўйидаги Аръянам Вайчах ўлкаси ва у ерда қиш узоқ давом этиши ҳақида маълумот бор. И.Марквартнинг фикрича “Авесто”даги Аръянам-Вайчах (Арийлар ўлкаси) бу “Катта Хоразм” билан бир нарса, Ванҳви Даити эса бу-Амударёдир. Бу фараз ҳозирда кўпчилик олимлар томонидан қабул қилинган.

“Катта Хоразм” давлати ҳақида бирмунча батафсилроқ маълумотни археологик тадқиқотлар натижалари беради. XX асрнинг 40-йиларидан ҳозирги Хоразм ва Қорақалпоғистон ҳудудларида С.П.Толстов раҳбарлигида олиб борилган кенг кўламли экспедициялар натижасида бу ҳудуддан жуда кўп моддий ашёвий манбалар топилди. Бу милоддан аввалги VIII-IV асрлардаги Қадимги Хоразм ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаёт ҳақида кўплаб ечимини кутаётган саволларга жавоб топиб берди. Археологлар томонидан топиб ўрганилган ўндан ортиқ қадимий шаҳар қолдиқлари, қалъалар, шунингдек, йирик суғориш каналларининг кўлами бу ҳудудда давлатчилик белгилари мавжудлигини яққол кўрсатади. Зеро бу даражада кенг кўламли йирик қурилишларни аҳолини умумий сафарбарликка жалб қила оладиган сиёсий ҳокимият мавжуд бўлганидагина барпо этиш мумкин.

ҚАДИМГИ ХОРАЗМ ЁЗУВИ - Ўрта Осиё халқларининг энг қадимги ёзувларидан бири. Хоразмдаги Катта Ойбуйирқалъа шаҳар харобасидан топилган хум сиртига ёзилган ёзув ҳозирги пайтда ушбу ҳудудда топилган ёзувларнинг энг қадимгиси деб ҳисобланмоқда. Археологик маълумотларга кўра, бу ёзув милоддан аввалги V-IV асрларга тегишлидир. Милоддан аввалги IV-III асрларга оид яна бир қадимги Хоразм ёзуви Қуйқирилганқалъадан топилган сопол идишининг сиртида сақланган. Бу манба ягона “аспабарак”-“отлиқ”, “чавандоз” маъносига таржима қилинган.

Олимларнинг ҳисоблашларича, милоддан аввалги III асрда оромий алифбоси негизида мустақил хоразм ёзуви кашф этилади ва бу ёзув узоқ йиллар мобайнида муомалада бўлади. Хоразм тили қадимги форсий тилнинг шарқий эрон лаҳжасига яқин бўлган. Эрамизнинг VI-VII асрларидан бошлаб бу тил ва ёзув аста секин истеъмолдан чиқа бориб, VIII-IX асрларга келганда умуман тушунарсиз ўлик тилга айланган. Қадимги Хоразм тилидаги баъзи бир сўзлар ҳозирги Хоразм шеvasида сақланиб қолган.

Хоразм ёзуви ёдгорликлари милодий I-VIII асрлар оралигида зарб этилган Хоразм шоҳлари тангаларида, Тупроққалъадан топилган Хоразмшоҳларнинг архивида, Тўққалъа ёдгорлигидан топилган оссуарийлар сиртида, Миздахкон ёдгорликлари мажмуасидаги Говурқалъадан топиб ўрганилган.

ҚАНҒДЕЗ - милоддан аввалги III-милодий III асрларда мавжуд бўлган Қанғ давлатининг пойтахти. “Авесто”да қайд этилган тур қабилаларининг сиёсий ва диний маркази, қароргоҳи Қанқа деб келтирилади. Қанқа шаҳар харобаси ҳозирги Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида жойлашган. Хитой тарихчилари бу шаҳарни Битъян деб аташган.

ҚАНҒУЙ - Хитойликлар тушунчасида Даван (Фарғона)дан ғарбда жойлашган юрт. Ҳозирги Тошкент воҳаси, Чимкент вилояти ва Сирдарёнинг қуйи ҳавзасидаги ерлар. Милоддан аввалги III аср ўрталарида бу ҳудудларда Қанғуй (Қанғ) давлати ташкил топади. Унга кўчманчи сак қабилалари асос соладилар. Милоддан аввалги II асрдан бошлаб Қанғуй давлати қудратли давлатга айланади ва қўшни юртларга нисбатан мустақил сиёсат юргиза бошлайди. Бу давлат бирлашмаси милодий III асрларга келиб парчаланиб кетади.

ҚОРАХОНИЙЛАР - Ўрта Осиёда, асосан Мовароуннаҳр ва Шарқий Туркистон ҳудудларида Сомонийлардан кейин 999-1212 йилларда ҳукмронлик қилган мусулмон туркий сулола. Уни барпо этишда қатор туркий қабилалар иштирок этиб, булардан қарлуқ, чигил ва яғмо қабилалари етакчи бўлган. Асосчиси яғмо қабиласидан чиққан Абдулкарим Сотуқ Бугроҳон (Қорахон). Яғмолар X аср ўрталарида ислом динини қабул қилганлар. 992 йилда Хорун ибн Мусо Сотуқ Бухорони, 996-999 йилларда унинг вориси Наср I Мовароуннаҳрни бутунлай босиб олди. Қорахонийлар давлати пойтахти дастлаб Қошғар, кейин Боласоғун, Ўзган шаҳарлари бўлиб, кайинчалик яна Қошғарга кўчирилган. XI асрнинг 60-70 йилларда Қорахонийлар ички сиёсий кураш ва Салжуқийлар тазйиқи остида заифлашиб, кучсиз давлатга айланиб қолади. 1212 йили қорахонийларнинг сўнгги вакили Қилич Арслон Муҳаммад Хоразмшоҳ томонидан ўлдирилган.

ҚОРАХИТОЙЛАР - XII асрнинг 30-40 йилларида Мовароуннаҳрнинг ўтроқ деҳқончилик воҳаларига бир неча маротаба босқинчилик юришлари уюштирган кўчманчи туркий қабилалар. Қорахитойларнинг келиб чиқиши ҳақида фанда ягона фикр мавжуд эмас. Баъзи тадқиқотчилар уларни Сибирнинг тунгус аҳолисига, бошқалар эса мўғулларга мансуб деб ҳисоблайдилар. XII аср бошларида улар Еттисув вилоятини ишғол этиб то Енисей дарёсигача бўлган ерларни ўз ичига олган каттагина давлатни барпо этадилар. Боласоғун бу давлатнинг пойтахтига айлантирилган. Подшоҳлари “гурхон” деб юритилган. Қорахитойлар давлатини XIII асрда бошларида Муғул истилочилари тугатади.

ҲАЗНАВИЙЛАР - 977-1187 йилларда Ўрта Шарқ (Шимолий шарқий Эрон, Афғонистон ва Ғарбий Ҳиндистон)да мавжуд бўлган давлатнинг ва уни бошқарган сулоланинг номи. Ҳазнавийлар давлатида туркий сулола ҳукмронлик қилган. Асосчиси сомонийларнинг лашкарбошиси Алптакин. У 962 йил қўл остидаги гуломларига таяниб, Ҳазна вилоятида ўз ҳокимиятини ўрнатди. Унинг вориси Сабуктегин (977-997) ва Маҳмуд Ҳазнавийлар даврида (998-1030) Ўрта Шарқнинг энг қудратли давлатига айланган.

Ҳазнавийлар давлати равнақ топган даврда саройда ва шаҳарларда буюк олимлар яшаб, ижод этганлар (Беруний, Утбий,

Абулфазл Байҳакий, Гардизий, Фирдавсий ва бошқ.) Масъуд I даври (1030-1041)да Хоразм қулдан кетди, Мовароуннаҳрнинг катта қисмини Қорахонийлар тортиб олди. XII асрнинг 70-йилларида ғурийлар Ғазнавийларни Шимолий Ҳиндистонга сиқиб чиқардилар, Лаҳор уларнинг кейинги пойтахти бўлди. 1187 йилда ғурийлар Лаҳорни ҳам босиб олиб бу давлатга барҳам бердилар.

Ғазнавийлар сулоласининг вакиллари: Алптегин (962-977), Собиқтегин (977-997), Исмоил (997-998), Маҳмуд Ғазнавий (998-1030), Масъуд (1030-1041), Мавдид (1041-1048), Масъуд II (1049), Али Абуҳасан (1049-1051), Абдурашид (1051-1099), Масъуд III (1099-1115), Шерзод (1115-1116), Баҳромхон (1117-1153), Ҳусравшоҳ (1153-1160), Ҳусрав Малик (1160-1187).

ҒАЗАВОТ - дин учун кураш. Исломда ғайри динларга қарши мусулмонларнинг муқаддаслаштирилган уруши.

ҒОЗИЙ - ислом дини учун ғайри динларга қарши муқаддас уруш-ғазовот иштирокчиси. Шариатга кўра, бундай урушда оти ва қурол-яроғи бор ҳар бир мусулмон эркак қатнашиши шарт бўлган. Камбағаллар, қуллар, ногирон ва кексалар бундан озод этилган.

ҒУЛОМЛАР - 1.Ўрта асрларда мусулмон мамлакатларидаги қуллар.

2.Аббосийлар ҳалифалиги даврида Маъмун ҳукмронлиги даврида (813-833) чет эллардан сотиб олинган ёш қуллардан тузилган отлиқ аскарлар гвардияси.

3.Ўрта асрларда бошқа мусулмон давлатларида ҳам сарой гвардияси аскарлари ғуломлар деб аталган.

ҲАЙИЛБОШИ - отлиқ аскар бўлинмасининг бошлиғи. Сомонийлар ва Салжуқийлар даврида сарой ғуломларидан тузилган отлиқ гвардия бошлиғи.

ҲАРКОН (ЖУРЖОН) - Каспий денгизининг урта асрлардаги номи. Денгизнинг жанубий соҳилбўйи ҳудудлари Гургон ёки Журжония деб юритилган.

ҲИЖРИЙ ЙИЛ ХИСОБИ (арабча “ҳижрат” - кўчмоқ сўзидан) - мусулмонлар йил ҳисоби. Муҳаммад Пайгамбарнинг Маккадан Мадинага 622 йил 16 июлда кўчиши билан боғлиқ. Шу санадан мусулмон календарининг биринчи йили бошланади.

Ҳижрий йилни милодий йилга ўтказиш учун уни 0,97 га кўпайтириб яхлитлаш ва 622 ни қўшиш керак. Масалан, Абу

Райхон Беруний ҳижрий 362 йилда туғилган. $362 \times 0,97 = 351,14$; $351 + 622 = 973$. Демак, Беруний таваллуди милодий 973 йил.

Милодий йилни ҳижрий йилга утказиш учун ундан 621 ни айириш ва чиққан сонни 1,03 га кўпайтириш ва яхлитлаш лозим. Масалан: Алишер Навоий таваллуд топган 1441 йилни ҳижрийга ўтказиш учун қуйидаги амал бажарилади:

$$1441 - 621 = 820. 820 \times 1,03 = 844,6.$$

Барча натижалар тақрибий, бир йилга фарқ қилиши мумкин.

ҲОҚОН - турк, хитой, мўғул ҳукмдорлари унвони. Ҳоқон атамаси биринчи маротаба 312 йилга оид бўлган Хитой йилно-маларида учрайди. Дастлаб жужан қабилалари бошлиқлари ҳоқон деб аталган. VI аср ўрталаридан Турк ҳоқонлиги ҳукмдорлари ҳам ҳоқон номини олган, кейинчалик бошқа турк қабилалари ҳукмдорлари ҳам ўзларини ҳоқон деб атай бошлаганлар.

МАВЗУ: МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ҲАЁТИДА ЮЗ БЕРГАН УЙҒОНИШ ДАВРИ

АШЪАРИЯ – калом илмидаги оқимлардан бири бўлиб, унинг асосчиси Абулҳасан Али ибн Исмоил ал-Ашъарий (873-915)дир. Бу таълимот Қуръон ақидаларига суянган ҳолда, жаннат ва дўзахни азалий мавжуд, инсонда ирода эркинлиги йўқ, аммо ўз қилмишлари учун Аллоҳ олдида жавобгар, деб қарайди.

Ал-Ашъарий таълимоти билан Могуридий таълимоти ўртасида худди шофеий ва ҳанафий мазҳабидаги каби кескин фарқлар бўлмаган, буларнинг ҳар иккиси ҳам ҳанафий мазҳаби учун курашган алломалардир.

“БАЙТ УЛ-ҲИКМА” - Донишмандлар уйи. Араб халифаси Маъмун ибн Хорун ар-Рашид замонида (813-833) Боғдодда ташкил этилган ислом Шарқининг ўша даврдаги фанлар академияси. Буюк ватандошларимиздан ал-Хоразмий (786-850) ва Аҳмад ал-Фарғонийлар (797-865) Маъмун академиясида фаолият юритганлар.

БАЙТУЛЛОҲ - Макка ислом динининг ягона марказига айланганидан кейин Оллоҳнинг уйи-Каббага берилган ном.

ЖОМЕЪ МАСЖИДИ - жума намози ўқиладиган масжид.

“ЗИЖ” - астрономик жадвал.

“ИККИНЧИ МУАЛЛИМ” - билимли, маърифатли, фикр мулоҳазалари ва мантиғининг теранлиги туфайли Шарқда Абу

Наср Форобий (873-950)га Аристотель (Арасту)дан кейинги “Муаллим ус-соний”, “Иккинчи муаллим” номи берилган.

КАЛОМ (араб.-сўз, нутқ) - илоҳиётнинг илк шакли. Араб халифалигида VIII асрда пайдо бўлган. IX асрга келиб Ўрта Осиёда ҳам кенг тарқалган. Калом тарафдорлари мугакаллимлар дейилган. Калом асосчиси Абдулҳасан ал-Ашъарий (873-935) муътазилийларга қарши қаттиқ кураш олиб борган ва ўз таълимоти билан суннийлик мазҳабини мустаҳкамлаган. Мантиқ ва фалсафадан фойдаланиб калом илми бўйича ўз мазҳабини яратган.

КАЛОМ ИЛМИ - эътиқод тўғрисидаги билимлар, яъни ақлий далиллар ва мантиқий услубдан фойдаланиб, иймон ва эътиқодга боғлиқ бўлган муаммоларни изоҳловчи фан. Исломи динининг ғоявий асослари бўлмиш, яратиш, қайтадан тирилтириш, Оллоҳнинг борлиги ва иймон чегаралари, жабру ихтиёр, хайру шаър (яхшилик ва ёмонлик), тангрининг зоти ва сифатлари ва унинг каломи (Қуръон) каби масалалар, калом илмининг асосий мазмунини ташкил этади. Туркистонда Абулҳасан Ашъарий мазҳаби бўйича самарқандлик Абумансур Мотирудий ва қашқадарёлик ан-Насафийлар калом илмининг намоёндалари бўлганлар.

МАДРАСА (арабча “дараса” ўрганмоқ) - дарс оладиган, ўқиладиган жой демакдир. Мадрасалар мусулмонларнинг ўрта ва олий ўқув юрти. Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида ҳозирги вақтда мадрасаларда давлат муассасалари ходимлари ҳам тайёрланадиган бўлиб кетди.

Мадрасалар дастлаб VII-VIII асрларда Исломи дини уламолари мусулмон илоҳиёти масалаларини шарҳлаб бериб турадиган марказ сифатида пайдо бўлди. IX-XIII асрларда мадрасалар Исломи дини тарқалган мамлакатларда, жумладан Ўрта Осиёда ҳам пайдо бўлиб, мадраса учун махсус бинолар қурила бошланди. Мадрасаларни ҳукмдорлар, йирик ер эгалари ва давлатманд кишилар ўз маблағлари ҳисобидан қурдирганлар.

Мадрасаларга диний мактабни битирган болалар қабул қилинган. Мадрасаларда таълим уч босқичда; бошланғич (адно), ўрта (авсат) ва юқори (аъло) билимларда олиб борилган.

Мадрасаларда диний билимлардан ташқари тиббиёт, аруз илми, фалсафа, жугрофия ва бошқа фанлар ҳам ўргатилган. Талабалар дарсни ўзлаштиришларига қараб мадрасаларда 15-20 йиллаб ўқиганлар.

МАСЖИД (арабча “сажада”) - эгилиш, итоат этиш, сажда қилиб юзини ерга тегизиш) сўзидан олинган бўлиб, “сажда қилинадиган, ибодат қилинадиган жой” маъносини билдиради. Маҳаллалардаги масжидлар шу ер аҳолиси кундалик намоз ўқиш учун, жаъмоа масжидлари эса кундалик намоз билан бирга жума ва ҳайит намозлари учун мўлжалланган ва уларга шаҳарнинг марказидан энг яхши жойлар ажратиб берилган. Баъзи масжидлар қошида бошланғич мактаб бўлиб, болалар ўқитилган. Масжидлар диний тарғибот вазифасини ўтаган бўлса ҳам, уларда бошқа турли масалалар ҳам ҳал этилган; оилавий можароларни ҳал этиш, урушганларни яраштириб қўйиш, ножўя иш қилганларни тўғри йўлга солиш каби.

Масжидлар ёнида баланд миноралар биттадан тўрттагача қурилган. Булар кўпроқ масжидни беазаги учун бунёд этилган.

МАЗҲАБ - оқим, йўл, таълимот. Шариат мазҳаблари-исломда ҳуқуқ тизимлари ва йўналишлари. VIII-IX асрларга келиб шариатнинг шаклланиши жараёнида, яъни фикҳ-ҳуқуқшунослик соҳасида бир неча мазҳаблар вужудга келган. Ҳозирги вақтда суннийликда тўртта мазҳаб - ҳанафийя, моликия, шофиъия, ҳанбалия; шиаликда эса жаъфария, исмоилия, зайдия мазҳаблари сақланиб қолган. Суннийликдаги тўрттала мазҳаб тенг ҳисобланади. Йирик мусулмон университетларида тўрт мазҳаб бўйича алоҳида дарс ўқитилади. Мазҳаблар умуман диний ҳуқуқ доирасидан чиқмаган ҳолда, шариат масалаларида энгилроқ ёки қаттиқроқ ҳукм чиқаришлари билан бир биридан фарқ қиладилар. Ҳозир ислом мамлакатларида асосан ҳанафийя (Туркия, Покистон, Ҳиндистон, Мовароуннаҳр, Волгабўйи, Сибир, Шимолий Кавказ, Қрим), моликия (Тунис, Жазоир, Ливия, Марокаш), шофиъия (Миср, Индонезия ва ҳ.к.), ҳанбалия (Саудия Арабистони) мазҳаблари кенг тарқалган. Шиалик тарқалган мамлакатлар (Эрон, Ироқ, Яман)нинг ҳуқуқий ҳаётида эса жаъфария мазҳаби ўз мавқеини сақлаб келмоқда.

МАҚБАРА - қабр устига қурилган ёдгорлик биноси, мавзолей. Марқад, турбат деб ҳам юритилади. Ўрта Осиёдаги мажусийлар (оташпарастлар), буддавийлар, насронийлар қабрларига қурилган архитектура ёдгорликлари оддий кўринишга эга. Лекин ислом дини таъсирида вужудга келган мақбаралар ҳашаматли, мураккаб иморатлар сифатида тараққий этган. Исломда қабр устига ёдгорлик қўйиш, унга сифиниш ман этилган бўлса ҳам, IX асрдан бошлаб

мақбаралар қуриш одат тусини олган. Кейинги асрларда, асосан, подшоҳлар, машҳур ислом дини олимлари, шайхлари қабрлари устига турли мақбаралар қурилди. Дастлаб мақбаралар оддий кўринишга эга бўлган бўлса, йиллар ўтиши билан мақбаралар тобора катта ва кўркам, хашаматли қилиб барпо этила бошланганки, Исмоил Сомоний, Аҳмад Яссавий, Амир Темур, Шоҳи Зинда, Тожмаҳал каби улугвор мақбаралар меъморчилик санъатининг юксак намуналаридир. Улар бугунги кунда халқ усталари, меъморлари яратган ноёб архитектура дурдоналаридир.

“МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ” - 1004 йилда Хоразмнинг қадимий пойтахти Гурганжда Хоразмшоҳ Маъмун ибн Маъмун томонидан ташкил этилган академия. Бу академия (“Маъмун академияси”)нинг асосини Абу Наср ибн Ироқ (X а.-1034), Абулхайр ибн Ҳаммор (991-1048), Абу Саҳл Масиҳий (970-1011), Абу Райхон Беруний (973-1048), Абу Али ибн Сино ва бошқалар ташкил этган. 1017 йилда Маҳмуд Фазнавий Хоразмни босиб олгач “Маъмун академияси” ўз фаолиятини тўхтатган. Олимларнинг кўпчилиги Фазна шаҳрига мажбуран олиб кетилган.

Хоразмнинг қадимги пойтахти Гурганч ҳозирда Кўҳна Урганч деб номланиб, у Туркменистоннинг Тошҳовуз вилоятида, бугунги Хива шаҳридан тахминан 100 км. масофада жойлашган. Маҳаллий халқ Кўҳна Урганчни кўпроқ “360” деб атади. Ривоятларга қараганда бу шаҳарда ўтмишда 360 та шайх, мутафаккир ва олиму-фузало ўтган экан. Уларнинг орасида шу даражада етуқлари бўлган эканки, хатто улар Амударё сувини орқасига оқизиш қобилиятига эга бўлишган. Мазкур 360 та аллома “Маъмун академияси” довругининг халқ хотирасида ривоят шаклидаги кўриниши бўлса ажаб эмас...

1997 йил 11 ноябрда Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг “Хоразм Маъмун академиясини тиклаш тўғрисида”ги Фармони эълон қилиниб, мазкур фармонга биноан, бу академия ўз таркибида археология, тил ва адабиёт, биология бўлимлари ташкил қилинди ва аждодларимизнинг исми ва руҳига лойиқ иш олиб бориш каби хайрли ишларни бошлади.

БМТнинг ЮНЕСКО ташкилоти Ўзбекистон Республикасининг таклифи билан 2005 йилда Маъмун академиясининг 1000 йиллиги анжуманини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди ва бу юртимизда тантанали равишда кенг нишонланди.

МОЛИКИЯ - Молик ибн Анас (721-795) томонидан асос солинган суннийликдаги ҳуқуқ мазҳабларидан бири. Бу мазҳаб тарафдорлари ҳуқуқ масалаларида рационалистик усулга, яъни Қуръон ва ҳадисларни ақлга асосланган ҳолда талқин қилишга қарши чиққан. Дастлаб Ҳижоз ва Мадинада, кейин бошқа мамлакатларда тарқалган. Ҳозирда Тунис, Жазоир, Марокаш, Ливия ва айрим Африка мамлакатларида тарафдорлари бор.

МУЪТАЗИЛИЙЛАР - (араб.-ажралиб чиққанлар, узоқлашганлар) - илк исломда илоҳиёт оқимларидан бирининг тарафдорлари. Бу оқим VIII аср уртасида араб ҳалифалигида пайдо бўлган. Асосчиси Восил ибн Ато (699-748). Аббосий халифалардан Маъмун (813-833), Мутаъсим (833-842) ва Восиқ (842-847) ҳукмронлиги даврида муътазилийлар таълимоти халифаликда расмий эътиқод сифатида танилган. Мутаваккил (847-861) даврида эса бу таълимот таъқиқланган ва қаттиқ таъқиб остига олинган. Муътазилийлар антик фалсафа ва мантиқнинг усул ҳамда тушунчаларини илоҳиётга тадбиқ этиб, тасаввуфни инкор этишга уринганлар. Қуръон ва сунна таълимотини ақл-идроққа мос талқин этишни илоҳиёт асосларидан бири деб эътироф этганлар, исломга рационалистик элементларни киритишга уринганлар. Муътазилийларнинг таълимоти ва бир қанча диний-фалсафий йўналишлари кейинчалик пайдо бўлган калом илми-ашъария ва мотурудиянинг ютуғи бўлиб қолди.

Бу оқим доимий равишда таъқиб қилинганлиги туфайли Ироқ ва Эронда XI-XII асрларда, Мовароуннаҳрда XIII-XIV асрларга келиб йўқолиб кетган. Унинг охириги вакилларида бири Замаъшарий эди. Лекин у ҳам умрининг охирида муътазилийлар сафидан чиққанлигини эълон қилган.

РЕНЕССАНС (фр. Renaissance - уйғониш) - айнан қадимий мумтоз юнон маданияти, фани, фалсафасининг тикланиши. Антик (қадимги) даврга хос ҳаётни ҳис этишга яқин, лекин ўрта асрлардаги каби моддийликни гуноҳ деб ҳисоблаб ундан воз кечишни ҳам инкор этилиши. Янгича ҳиссиётларнинг, ҳаёт нашидасини сезишнинг пайдо бўлиши демакдир.

Шарқ ренессанси ва Фарб ренессанси мавжуд. Шарқ ренессанси IX-XII ва XIV-XV асрларни ўз ичига олса, Фарб ренессанси XIII асрдан бошланади. Фарб ренессанси кўпинча уйғониш даври деб ҳам юритилиб, унинг илк куртаклари Италияда пайдо бўлган. Томаззо Компанелли, Франческо Петрарка, Жованни Бокачолар уйғониш даври маданиятининг асосчилари эдилар.

СУННА - Муҳаммад Пайғамбарнинг кўрсатмалари ва оятлари ҳақидаги ҳадислар, ривоятлар. Исломда фақат Муҳаммад ибрати, анъанаси деб эътироф этилиб, Қуръони Каримдан кейинги муқаддас манба ҳисобланади. Сунна VII аср ўрталаридан йиғила бошланган.

СУННИЙЛИК - ислом динидаги иккита асосий йўналиш (иккинчиси шиалик) дан бири ва энг кенг тарқалгани. Мутахассисларнинг ҳисоблари бўйича, жаҳондаги барча мусулмонларнинг қарийб 90 % суннийликка (қолган 10 % и шиаликка) мансуб. Бу йўналиш VII асрнинг иккинчи ярмида Арабистонда вужудга келган. VIII-XII асрларда араб халифалигидаги диний-сиёсий курашлар жараёнида исломдаги энг йирик йўналиш сифатида шаклланган. Суннийлар Қуръон билан бирга суннага эътиқод қиладилар. Суннийликда 4 та ҳуқуқ мазҳаби мавжуд (ҳанафия, моликия, шафиъия ва ҳанбалия). VIII аср охири ва IX аср бошларида суннийлик доирасида тасаввуф, XVIII-XIX асрларда илк даврдаги соф исломга қайтиш тарафдорлари бўлган диний-сиёсий оқим-ваҳобийлик оқими вужудга келган. Суннийлик билан шиалик ўртасида ҳокимият масаласида, айрим диний маросим ва анъаналарда бирмунча тафовутлар бор.

СУФИЙЛИК (ТАСАВВУФ) - мусулмонларни ҳалолликка, покликка, тенгликка, инсон қадр-қимматини ерга урмасликка чорловчи, ҳар кимни ўзининг ҳалол меҳнати билан яшашга, бошқаларнинг кучидан фойдаланмасликка даъват этувчи таълимот.

Суфийлик сўзининг келиб чиқиши ҳақида турлича фикрлар мавжуд. Суфий муаллифлари кўпинча унинг келиб чиқишини “соф бўлмоқ” маъносида талқин қиладилар. Фарбий Европа тадқиқотчилари XX асрга қадар унинг келиб чиқишини юнонча “софия”-ҳикмат сўзидан келиб чиққан деган фикрга мойил бўлишган. Эндиликда ўрга аср мусулмон олимлари таъкидлаган бу сўзнинг “суф” (жун) сўзидан келиб чиққанлиги ҳақидаги фикрлари умум қабул қиладиган фикр ҳисобланади. Чунки суфийларнинг асосий белгиси дағал жундан кийим кийишлари эди.

Суфийликка асос бўлган таркидунёчилик кайфиятлари деярли ислом билан бир даврда юзага кела бошлаган. Мовароуннаҳрга суфийлик Эрон орқали кириб келган. Мовароуннаҳрда жуда кенг

тарқалган сўфийлик оқими Шайх Абу Ёқуб Юсуф Ҳамадоний (1049-1140) мактабидан бошланган. Юсуф Ҳамадоний мактаби икки тармоққа ажралган эди.

Биринчи оқимга Юсуф Ҳамадонийнинг машҳур шогирди Абдуҳолиқ Ғиждувоний (1103-1179) ва кейинчалик бу оқимга Хожа Баҳоуддин Нақшбандлар (1318-1389) муршидлик қилишган.

Иккинчисига Шайх Аҳмад Яссавий (1041-1116) ва унинг шогирдлари асос солишган. Яссавия ва Нақшбандия тариқатлари кейинчалик ўзаро яқинлашиб, бирлашиб кетган.

ТАРИҚАТ - тасаввуф қоидаларига амал қилиб яшаш, яъни, комил инсон даражасига эришишни кўрсатувчи тўғри йўл.

ТАФСИР - умумий маънода бирон нарсани шарҳлаш, талқин қилиш. Ислом анъанасида Қуръони Карим, ҳадиси шариф ва бошқа диний манбаларни талқин қилиш, шарҳлаш.

ФАРЗ - шариатда ҳамма мусулмонлар бажариши шарт бўлиб, қатъий далиллар, яъни оят ва ҳадислар билан исботланган диний ҳукмлар. Масалан, намоз, рўза, ҳаж, закот.

ФИҚҲ - ислом ҳуқуқшунослиги, шариат қонун-қоидаларини ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи ислом илоҳиётининг бир соҳаси.

ХАТИБ - одатда масжидда жума ва диний байрам кунлари, яъни ҳайит намозлари пайтида хутба ўқийдиган диндор.

ХУТБА - жума ва улуғ айём кунлари масжидда имом-хатиб томонидан айтиладиган ояту ҳадислар, панду насиҳатлар. Шунингдек, ўрта асрларда халифа ва маҳаллий ҳукмдор номини тилга олиб имом томонидан ўқиладиган дуо ҳам хутба деб аталган.

ХОНАҚОҲ - шайх ва дарвешлар зикру само қиладиган хона, масжид. Ислом дини тарқалиши билан юзага келган. Дарвишлар, зиёратчилар учун тунаш жойи сифатида масжид, мақбараларнинг бир қисми тарзида қурилган. Кейинчалик маҳалла, қишлоқ масжидларининг намоз ўқиладиган хонаси ҳам хонақоҳ деб аталган.

ХҲЖА - ижтимоий табақа. Хўжаларнинг келиб чиқиши ҳақида турли фикрлар мавжуд. Баъзи маълумотларда хўжалар дастлабки тўр халифа —Абу Бакр, Умар, Усмон ва Алилардан тарқалган дейилса, бошқа манбаларда арабларнинг истилочилик юришларида бошчилик қилган саркардаларнинг насли деб ҳисобланади. Хўжалар ислом оқсуяк табақаси сифатида маълум имтиёзларга эга бўлганлар. Улар кўп ҳолларда ўлим, тан жазоси,

урушларда қатнашиш ҳамда солиқ тўлашдан озод этилганлар. Хўжалар қизини оддий фуқарога бериш ман этилган.

ШАРИАТ - луғавий маъноси арабчадан “йўл” демакдир. Илк исломда жамиятни ҳуқуқий бошқариш Қуръон асосида олиб борилган. Кейинроқ мусулмонларнинг барча ижтимоий-иқтисодий, диний фаолиятини қамраб олувчи қонунлар мажмуасига эҳтиёж туғилди. Ислом ҳуқуқшунослари бир неча аср мобайнида шариат қоидаларини ишлаб чиққанлар. Шариатга Қуръони карим, Ҳадиси шариф, ижмоъ ва қиёс асос қилиб олинган. Ушбу шариат манбаларда тавсия этилган амаллар, ибодатлар мажмуига шариат дейилади. Шариат ислом дини ҳуқуқ тизими. Унда соф ҳуқуқий масалалардан ташқари, ахлоқий нормаларга ҳам қонун туси берилган.

Исломда суннийлик ва шиаликдаги шариат тизимлари ўртасида тафовутлар бор. Суннийликда ҳанафия, моликия, шофиъия ва ҳанбалия мазҳабларининг шиаликда эса жаъфария, исмоилия мазҳабларининг ўзига хос ҳуқуқий тизими мавжуд.

Шариат ҳозирги замон дунёсининг энг йирик ҳуқуқий тизимларидан бири бўлиб қолмоқда ва у оила, жамият, давлат миқёсидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қоидаларни ўз ичига олган. Шариат-мусулмон киши учун у дунёга келишидан то ўлишигача юриш-туриш қоидаларини белгиловчи тўғламдир.

Шариат ҳуқуқий тизим сифатида XI асрда ўзининг ҳозирги такомил даражасига етиб борган.

Шариат илмлари тўққизта фанни ўз ичига олади:

1. Илм ат-Тафсир-Қуръони каримни ўрганувчи фан;
2. Илм ул-Ҳадис-Ҳадисшунослик фани;
3. Илм ул-Калом-диннинг гоъвий-назарий асосларини ўрганувчи фан;
4. Илм усулул-Фикҳ-фикҳ манбалари ва асосларини ўрганувчи фан;
5. Илм ул-Фикҳ-фикҳ тармоқлари, амалий фикҳ ҳақидаги фан;
6. Илм ул-Фароиз-марҳум мулкларининг унинг меросхўрлари ўртасидаги тақсимоти ҳақидаги фан;
7. Илм ут-Тажвийд-Қуръонидаги оятларни тўғри ўқиш қоидаларини ўрганувчи фан;

8. Илм ул-Қироат-Қуръон оятлари қайси қорилар орқали қандай ривоят қилиб ва қандай ўқилиб келгани ҳақидаги фан;

9. Араб тили ва адабиёти.

ШАЙХ (араб. - кекса, оқсоқол) - арабларда исломдан илгари уруғ, қабила бошлиқлари, катта оила оқсоқоллари шайх деб аталган. Кейинчалик эса ислом дини тарқалган мамлакатларда аввал билимдон кишилар, олимлар, сўнгра рухонийлар, уламолар, кейинчалик тасаввуф тариқатидаги пирлар, эшонлар ва муқаддас жойларнинг мутасаддилари ҳам шайх деб юритилган.

“ШАЙХ УР-РАИС” - Абу Али ибн Синога Шарқда берилган унвон.

ШИАЛИК - исломдаги асосий йўналишлардан бири. Ўзининг кенг ёйилиши жиҳатдан суннийликдан кейинги иккинчи ўринда туради. Шиалик VII аср ўрталарида халифа Али ҳокимияти тарафдорларидан иборат сиёсий гуруҳ сифатида вужудга келган. Шиалар суннийлар каби Қуръони Каримни илоҳий деб эътироф этадилар, лекин халифалар даврида унинг айрим қисмлари тушириб қолдирилган деб ҳисоблайдилар. Суннада эса улар фақат Али номи билан боғлиқ ҳадисларни тан олганлар ва шундай ҳадислардан иборат мустақил тўплам “Ахбор”ни тузганлар.

Шиалар суннийлар каби Макка ва Мадинани “муқаддас” ҳисоблаш билан бирга, Карбало, Нажаф шаҳарларида жойлашган йирик шиа имомлари қабрларини ҳам зиёрат қиладилар.

Ҳозир жаҳондаги мусулмонларнинг 10 фоизи шиаликка мансуб. Шиалик ҳозирги вақтда Эронда ҳукмрон эътиқод ҳисобланади. Ироқ, Ливан, Афғонистон, Ҳиндистон, Покистон, Тожикистон ва Озарбайжонда ҳам шиалар бор.

ШОФИЪИЯ - суннийликдаги диний ҳуқуқий мазҳаблардан бири. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Идрис аш-Шофиъий (767-820) асос солган. Ҳозирда Сурия, Миср, Индонезия, Шарқий Африка ва Жанубий Араб мамлакатларида бу мазҳаб ҳуқуқ тизимига амал қилувчилар бор.

ҚАЛАНДАР - сўфийлик йўлига кириб, меҳнат қилмасдан дарбадарлик, гадолик ва ҳайр-эҳсон йўли билан кун кечирувчи кишилар фаолияти. Қаландарлар муайян жамоа (сулук) ларга бирлашиб, унинг ғояларини тарғиб этганлар. Нақшбандия, Яссавия, Қубравия, Қадария қаландарликнинг машҳур сулукларидандир.

ҚАРМАТИЙЛАР - шиа мазҳабидаги Исмоилийларнинг асосий шаҳобчаларидан бири бўлиб, IX аср охирида Ироқда пайдо бўлган. Сурия ва Яманда кенг тарқалган. Улар асосан деҳқонлар, кўчманчи бадавийлар ва ҳунармандлардан ташкил топган. Ислом қонун-қоидаларига итоат этмаганлар, уларда масжид бўлмаган, муслмонлар зиёратгоҳи Каъбага зиёратни, унга сизинишни бидъат, бутнарастлик деб ҳисоблаганлар. 899 йили Баҳрайнни босиб олиб, ал-Аҳсо (Шарқий Арабистон)да ўз давлатларини тузганлар. Уларнинг раҳнамоси Ҳамдам ибн ал-Ашъаснинг ўғли Абу Тоҳир Сулаймон (914-943) даврида қарматийлар 930 йили ҳаж вақтида Маккага бостириб кириб, шаҳарни талон-тарож қилганлар, бир неча минг ҳожиларни ва Макка аҳолисини қатл этиб, асир олганлар. Каъбани вайрон қилиб, қора тошни иккига бўлиб, Баҳраинга олиб кетганлар, фақат 20 йилдан кейин қатта тавон эвазига у Маккага қайтариб берилган.

Кейинги асрларда қарматийлар қаттиқ таъқиб остига олинганлар.

ҚОЗИ - шариатда судья, ҳуқуқий ишларни ҳал этувчи вазифасини бажарувчи мансабдор. Қози, шунингдек васийликка, васиятнинг бажарилишига, мерос тақсимотига тегишли ишларни амалга оширган. Қозилар ҳукми қатъий бўлиб, улар устидан фақат хон ва амирга шикоят қилишган. Қозикалон энг юқори даражадаги қози бўлиб, у ҳамма қозилар устидан назорат қилган. Қози-ул қуззот - қозикалон ўринбосари ҳисобланган.

ҚОРИ - Қуръони каримнинг барча сураларини ёд олган ва қироат билан ўқийдиган киши. Қориларни тайёрлайдиган мактаблар – “дорул-ҳуффоз” деб юритилади.

ҚУРЪОНИ КАРИМ - Қуръони Карим Ер юзи муслмонларининг дастурамали, диний аҳкомлар манбаи. Муҳаммад Пайғамбаримиз 40 ёшга тўлган вақтларида Ҳақ таоло Жаброил алайҳиссалом орқали пайғамбарлик ваҳийсини юбора бошлаган. Қуръони Каримнинг биринчи ояғи ҳам шу ондан нозил қилина бошланган. Қуръони Каримнинг саҳифаларини жам қилиш ва тўлиқ китоб шаклига келтириш Муҳаммад Пайғамбар вафотидан кейин бошланиб, бу иш халифа Усмон замонида (644-656) якунланади. Шу даврда яратилган Қуръоннинг тўртта нусхасидан биттаси Туркистонга ҳам етиб келган бўлиб, у ҳозирда Мовароуннаҳр диний идораси кутубхонасида сақланмоқда.

Қуръони Каримда 114 та сура, 6236 та оят бор.

ҲАДИС - ислом дини таълимоти бўйича Қуръони Каримдан кейин турадиган иккинчи муқаддас манба бўлиб, Муҳаммад Пайғамбарнинг ҳаёти ва фаолияти, шунингдек унинг диний ва ахлоқий кўрсатмаларини ўз ичига олади. Пайғамбар бирон гап айтган ёки бирор ишни қилиб кўрсатган бўлса, ёхуд бошқаларнинг ўзларига қилаётган бирон ишини кўриб, уни маън этмаган бўлса, шу ҳолатнинг ҳар бири суннат ҳисобланади. Ана шу ҳатти-ҳаракатлар ёки кўрсатмалар ҳақидаги ривоят ҳадис деб юритилади.

ҲАНАФИЯ - суннийликдаги ҳуқуқ мазҳабларидан бири. Абу Ҳанифа ан-Нуъмон (VIII асрда яшаган) асос солган. Ироқда вужудга келиб, ислом тарқалган барча мамлакатларда жумладан Хуросон ва Мовароуннаҳрда ҳам кенг тарқалган. Бурҳониддин Марғилонийнинг “Ҳидоя” тўплами бу мазҳабнинг асосий тўпламларидан бири сифатида танилган. Абулҳасан Али ибн Исмоил ал-Ашъарий (873-915) ва Абу Мансур Муҳаммад ибн ал-Моғуридийлар ҳам ушбу мазҳабнинг йирик вакиллари бўлишган. Ҳанафия қонунлари нисбатан юмшоқроқ ва қўлайроқлиги, халқларнинг маҳаллий анъаналарини эътиборга олганлиги сабабли кенг ёйилган. Суннийлик йўналишига мансуб бўлган мусулмонларнинг учдан бир қисмидан кўпроғи бу мазҳабга киради. У бир неча араб давлатларида, Африканинг айрим мамлакатларида, Туркия, Ҳиндистон, Хитой, Покистон, Бангладеш, Афғонистон, Ўрта Осиё, Татаристон мусулмонлари орасида кенг тарқалган.

ҲАНБАЛИЯ - суннийликдаги диний ҳуқуқий мазҳаблардан бири. Аҳмад ибн Ҳанбал асос солган. Ҳанбалия ҳуқуқ тизими ўта торлиги, ҳар қандай кўринишдаги “янгилик”ка, диний масалаларда эркин фикр юритишга қаршилиги, шариат нормаларига риоя этишда қатъийлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам бу мазҳаб кенг тарқалмаган. X асрда Эронда, XII асрдан XV асргача Сурия ва Фаластинда ҳанбалия издошлари кўп бўлган. Ундан кейинги асрларда тарафдорлари камайиб кетган. XVIII асрда пайдо бўлган ваҳҳобийлар ҳанбалия тарафдорлари бўлиб чиққанлар. Ваҳҳобийлар Саудия Арабистонида ҳокимиятни қўлга олгач (XX асрнинг 20-йилларида), Ҳанбалия қонунларини амалга киритганлар. У ерда бу мазҳабнинг илк исломга хос қонунлари ҳозир ҳам амалда. Ҳанбалия Саудия Арабистонидан бошқа мамлакатларда кам учрайди.

АБДУХОЛИҚ ФИЖДУВОНИЙ (1103-1179) - тасаввуфнинг йирик намоёндаси, машҳур авлиё, Хожাগон номи билан шуҳрат қозонган Ўрта Осиё тариқатининг асосчиси ва раҳномаси. Бухоро яқинидаги карвон йўлларида бўлмиш Фиждувон қишлоғида имом оиласида туғилган. Отаси Абдул Жалил асли Рум (Византия) диёридан бўлиб, Фиждувоннинг машҳур имомларидан бўлган. Абдуҳолиқ машҳур тасаввуф Юсуф Ҳамадоний (вафоти 1141 й) га шогирд тушиб, ундан халифалик фирқасини олади. Устоз ва шогирд биргаликда Боғдод, Балх, Исфаҳон, Марв, Самарқанд шаҳарларида бўлиб, тасаввуф илмининг сир-асрорларини эгаллаганлар.

Хожа Абдуҳолиқ Фиждувоний Шарқ фалсафий тафаккури тарихида ўз ўрнига эга. Унинг дунёқараши тасаввуф силсилаларидан бири Хожাগон халқасида шаклланган. Халқ оммаси-оддий раъйат билан яқинлашиш ва уларнинг диний эътиқолига хизмат қилиш бу тариқатнинг асоси эди. У оламшумул раvнақ топган Нақшбандия тариқатининг ҳам асосчиси дир. Ёзма манбаларда Хожа Абдуҳолиқнинг “Шайхушшуюх” (Шайхлар шайхи) даражасига кўтарилгани қайд этилади. Бу улуг унвон Жомий ва Навоийлар томонидан Хожа Юсуф Ҳамадоний, Хожа Аҳмад Яссавий сингари улуг пирларга нисбатангина қўлланилган.

Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389) Абдуҳолиқ Фиждувонийни ўзига устоз деб билган ва унинг таълимотини янада ривожлантирган.

Хожа Абдуҳолиқ Фиждувонийдан “Рисолаи тариқат”, “Рисолаи соҳибия”, “Васиятнома”, “Зикри Абдуҳолиқ Фиждувоний”, “Рисолаи Шайхушшуюх Ҳазрати Абу Юсуф Ҳамадоний”, “Мақомати Хожа Юсуф Ҳамадоний” каби асарлар мерос бўлиб қолган.

АБУ АЛИ ИБН СИНО (980-1037) - жаҳон фани ва маданиятига улкан ҳисса қўшган машҳур энциклопедист олим. У Шарқда “Шайхур раис”, Фарбда Авиценна номи билан машҳур бўлган. Бухоро вилоятининг Ромитан туманида жойлашган Афшона қишлоғида туғилган. 10 ёшида Қуръонни ёд олган. Фалсафа илмини устози Абу Абдуллох Ноғийидан тиб илмини Ҳасан ибн Нуҳ ал-Қумрийдан ўрганади. 16-17 ёшида машҳур табиб бўлиб таналади. 1000 йилда Хоразмга боради ва Урганчдаги “Маъмур академияси”да ижод қилади. 1017 йил Маҳмуд Фазнавий Хоразмни эгаллагач, ундан қочиб Обивард, Тус, Нишопур

орқали Журжонга келиб, Қобус ибн Вушмгир саройида табиблик қилади. 1019-1021 йили Ҳамадонда вазирлик қилади, лекин ҳоким билан келишмай қолиб, 4 ой қамоқда ётади. 1023 йил Исфаҳонга қочади. Ўзаро феодал урушлар натижасида Исфаҳон, Рай, Ҳамадон шаҳарлар орасида сарсон саргардонликда ҳаёт кечиради. Ҳамадонда 57 ёшида қулунж касалидан вафот этган.

Ибн Сино асарлари 280 дан ортиқ. Булардан 43 таси тиббиётга оид. Асарларидан бизга 160 га яқини етиб келган. Энг йирик асарлари: “Ал қонун фиттиб”, “Китоб аш-шифо”, “Китоб лисон ал-араб”, “Китоб ан-нажот”. Қиссалари: “Донишнома”, “Саломон Ибсол”, “Қиссат ат-Тайр”.

АБУ НАСР ФОРОБИЙ (873-950) - буюк мутафаккир-файласуф. Сирдарё қирғоғидаги Фороб шаҳрида туркий қабилалардан бўлган оилада туғилган. Унинг ўткир зеҳни ва хотирасини сезган отаси Боғдодга кўчиб келади. Дамашқ, Ҳалаб, Ҳаррон шаҳарларини кезиб, у ерлик олимлар суҳбатини олади.

Аристотель, Афлотун (Платон) каби қадимги юнон файласуфлари асарлари билан танишади. Натижада унинг атрофига шогирдлар тўпланади ва у мадрасаларда дарс бера бошлайди. Шундай буюк мутафаккир бўлишига қарамай Форобий фақирона ҳаёт кечирган, ҳатто ёзишга қоғоз ва чироғига ёғ топа олмаган вақтлари бўлган. У Аристотел асарларига жуда кўп шарҳлар ёзади ва бу шарҳлар Шарқ олимларини тушуниш қийин бўлган юнон фалсафаси билан таништиради ва шунинг учун ҳам Шарқда Форобий “Муаллим ус-соний” (Иккинчи муаллим) номини олган. Форобий мусиқа соҳасида ҳам билимдон бўлиб, жуда кўп куйлар яратган, ҳатто мусиқа куйларини ҳарфлар билан ифодалаш (нота)ни дастлаб Форобий топган ва “қонун” деган чолғу асбоби яратган.

Форобий илм-фаннинг турли соҳаларига доир 160 дан ортиқ асар ёзган бўлиб, шулардан 119 та асари бизгача етиб келган. “Аристотелнинг метафизикаси мақсадлари ҳақида”, “Мусиқа китоби”, “Бахт-саодатга эришув ҳақида”, “Рисола фи аъзон инсон” (Инсон аъзолари ҳақида рисола), “Сиёсат ал-мадония”, “Жамиятни ўрганиш ҳақида китоб”, “Китоб маойиш ва-л-хуруб” (Ҳаёт ва уруш ҳақида китоб), “Уюн ал-масал” (Масалалар чашмаси), “Рисола фи фусус ал-ҳикам” (Ҳикмат гавҳарлари ҳақида рисола) унинг машҳур асарларидир.

АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ (973-1048) - буюк қомусий олим. Ўз замонасининг ҳамма фанларини пухта эгаллаб олган ва бу

фанлар тараққиётига улкан ҳисса қўшган улкан сиймо. Хоразмнинг қадимги пойтахти Кот шаҳрида туғилган. Жаҳоннинг бир нечта тилларини билган. 22 ёшида Рай шаҳрига, 995 йилдан кейин Журжонга Қобус ибн Вушмгир саройига келади ва шу ерда ўзининг машҳур асари “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарини ёзади. 1000-1017 йилларда Хоразмдаги “Маъмун академияси”да фаолият кўрсатади. 1017 йил Маҳмуд Ғазнавий Хоразмни эгаллагач, Беруний бошқа олимлар билан Ғазнага олиб кетилади ва олимнинг бу ердаги фаолияти анча сермаҳсул бўлади. Ғазнада вафот этади.

Берунийнинг илмий мероси 152 китоб ва рисоладан иборат. Афсуски буларнинг бизгача 28 тасигина маълум. Энг йирик асарлари: “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Ҳиндистон”, “Қонун ал-Маъсудий”, “Минералогия”, “Геодезия”, “Сайдана”

АҲМАД ИБН КАСИР АЛ-ФАРҒОНИЙ (797-865) - Фарғонада таваллуд топган буюк астроном, математик ва географ. Шарқда “Ҳосиб” (математик) деган лақаб олган. Илм йўлида Боғдодга кетиб қолади ва шу ерда яшайди. Халифа Маъмун (813-833) даврида Боғдодда ва Дамашқ яқинидаги расадхоналар унинг раҳбарлигида қурилган. “Маъмун академияси”да кўплаб кашфиётлар қилган. 812 йилги қуёш тутилишини олдиндан айтиб берган, ернинг думалоқлигини исботлаб берган. Нил дарёси сувини ўлчайдиган янги асбоб “миқёс жадид” ни яратди. Унинг астрономияга оид асарлари XII асрдан Европа тилларига таржима қилиниб, бир неча асрлар мобайнида Шарқ ва Ғарб олимлари томонидан қўлланма сифатида ишлатиб келинган. Боғдодда вафот этган.

“Сомовий ҳаракатлар ва юлдузлар фанининг мажмуаси ҳақида китоб”, “Астролябия ҳақида муқаммал китоб”, “Астролябия санъати ҳақида”, “Мажастийга кириш фасллари рисоласи”, “Ой Ер устида ёки унинг остида бўлган пайтдаги вақтларни ўрганиш ҳақида рисола”, “Етти иқлим ҳисоби”, “Мармарнинг хизмати ҳақида китоб” асарларининг муаллифидир.

1998 йил октябрда буюк Ватандошимизнинг 1200 йиллик юбилеи юртимизда кенг нишонланди.

АҲМАД ЮГНАКИЙ (XII-XIII асрлар) - машҳур шоир, Югнак қишлоғида туғилган. Бу номдаги қишлоқ Самарқанд атрофи, Фарғона водийси ва Сирдарё бўйларида бўлган. Аҳмад онадан кўзи ожиз туғилади.

Адиб Аҳмад Югнакий салоҳиятли шоир ва одоб-ахлоқ муаллимидир. Ундан бизгача фақат “Ҳибат ул-ҳақойиқ” (Ҳақиқатлар туҳфаси) достони етиб келган холос. Асар 484 мисрадан иборат. Унинг ҳозиргача 3 та тўлиқ қўлёзмаси ва 2 та айрим парчалари сақланиб қолган.

Достонда туркий элатларга исломий одоб қоидалари, маънавий-ахлоқий камолот сирларидан таълим берилади. Биригчи боб “Илм манфаати ва жаҳолатнинг зарари ҳақида” деб аталиб, унда илм ҳақида жуда ҳикматомуз сўзлар айтилган. Асарнинг қолган бобларида инсоннинг юксак фазилатларини таърифлаш, нуқсонларини қоралашга, саҳоват, камтарлик, инсонпарварлик, кечиримлилиқ бўлиш тарғиб қилиниб, инсонга хос ҳамма салбий ҳислатлар қораланади. Китобда Қуръон ва ҳадислардан жуда кўп мисоллар келтирилади.

АҲМАД ЯССАВИЙ (Кул Хожа Аҳмад Яссавий) (1041-1166) - машҳур мутасаввиф шоир, тасаввуфнинг энг йирик намоёндаларидан бири. Туркистон (Ясси) шаҳрида туғилган. Бухорода Юсуф Ҳамадонийдан тасаввуф таълимоғини ўрганган. Туркистонга қайтиб келиб, шайх, пир сифатида шуҳрат қозониб, Ислом, унинг қонун-қоидалари, азиз авлиёларига эътиқодни тарғиб қилувчи диний оқимнинг куйчиси, машҳур шоири сифатида кенг шуҳрат қозонди. Унинг шеърлари “Девони ҳикмат” номи билан 900 йилдан буён қўлдан-қўлга ўтиб, оддий халқ орасида ўқилиб келмоқда. Бу ҳикматлар Ислом мафкурасининг содда ифодаси бўлиб, уларда золимлар танқид қилинган. Аҳмад Яссавий ижоди қадимги ўзбек адабий тили ва ўзбек шаърияти санъатини ўрганишда муҳим ёдгўрлик ва манбалардан бири ҳисобланади.

Аҳмад Яссавийнинг ҳисобсиз муридлари бўлган. Унинг йўлини Сулаймон Боқирғоний, Маҳдуми Аъзам, Машраб, Сўфи Оллоёр, Аҳсаний каби бир қанча шоирлар давом эттирганлар.

БАҲОУДДИН НАҚШБАНД (1318-1389) - йирик авлиё ва тариқат раҳнамоларидан, нақшбандия тариқати асосчиси ва раҳнамоси. Бухоро яқинидаги Касри Орифон деган қишлоқда туғилган. Бухорода таҳсил олади. Хожа Муҳаммад Самосий уни ўзига ўғил қилиб олади. Кейин Амир Кулолнинг кўлида тарбия олиб, сўнг етти йил Мавлоно Ориф ва 12 йил Халил Ото деган авлиёлар суҳбатида бўлган. Икки марта ҳаж қилган. Ҳаждан қайтишида Нишопур ва Ҳиротнинг улуғ машойиҳлари билан

учрашиб, бир муддат Марвда яшади. Сунг Бухорога қайтиб, қолган умрини шу ерда ўтказди ва шу ерда вафот этди.

Баҳоуддин Нақшбандийнинг “Ҳажнома” номли ваъз ва насиҳатлардан иборат мажмуаси, “Далил ул-ошиқин” (Ошиқлар далили) ва “ал-Аврод Баҳойя” (Баҳоуддин вирдлари) номли тасаввуфга оид асарлари бор.

БУРҲОНУДДИН АЛ-МАРҒИНОНИЙ (1123-1197) – машҳур фақиҳ Али ибн Абу Бакр ибн Абдулжалил ал-Фарғоний ар-Риштоний ал-Марғиноний 1123 йил 23 сентябрда Марғилонда туғилган. Дастлабки таълимни Марғилонда олиб, кейинчалик Самарқандга кўчиб борган ва ўша ерда яшаган. Унинг ислом оламидагина эмас, балки бутун инсоният олдигаги буюк хизмати шундан иборатки, у ислом динининг тенги йўқ таҳлилчиси ва талқинчиси, бу дин қомусий мазмунининг изоҳчиси ва тарғиботчиси бўлган. Фикҳга оид бир қатор йирик асарлар яратган. Бу асарлар қаторига “Бидоят ал-мунтаҳий” (“Бошловчилар учун дастлабки таълим”), “Кифоят ал-мунтаҳий” (“Яқунловчилар учун тугал таълим”), “Китоб ул-мазид” (“Илми зиёда қилувчи китоб”), “Манослик ул-ҳаж” (“Ҳаж маросимлари”), “Мажмуа ул-навозил” (“Нозилда бўлган нарсалар тўплами”), “Китоб ул-фароиз” (“Фарзлар китоби”), “Китоб ул-машоих” (“Шайхлар ҳақида китоб”), “Мазийдун фи фуруъил-ҳанафия” (“Ҳанафия мазҳабига қўшимчалар”), “Бидоят ул-мубтадий” асари учун 8 жилдлик шарҳ, “Ал-Ҳидоя” (“Кифоят ул-мунтаҳий” учун ёзилган 4 жилдлик шарҳ) ва бошқалар киради. Бу китоблар номларининг ўзиёқ ал-Марғиноний ислом динининг асосий масалаларини нақадар кенг қамраб олганлигидан далолат беради.

Ал-Марғинонийнинг бутун ислом оламида машҳур бўлган шох асари “Ал-Ҳидоя” 1178 йилда Самарқандда ёзилди.

ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ (810-870) - Бухорода туғилган. 825 йили оталари ва биродарлари билан ҳаж сафарига бориб, у ерда қолиб кетган. У ерда илмларини такомиллаштириб, пайғамбаримиз ҳадисларини тўплаш, тартибга солиш, улардан қайсилари тўғри, қайсилари пайғамбарга тааллуқли эмаслигини аниқлаш мақсадида Макка, Мадина, Шом, Миср, Фаластин, Ироқ шаҳарларини кезиб, ранжу-машаққатлар билан жами 600 минг ҳадис тўплаб, булардан 100 минг “саҳиҳ” ва 200 минг “ғайри саҳиҳ” ҳадисларни ёд олганлар. 600 минг ҳадисдан 7265 тасини “Жомеъ ис-саҳиҳ” (Ишончли тўплам) китобига киритдилар.

Имом ал-Бухорийнинг машҳур асарлари 15 та бўлиб, улардан энг йириклари “Жомеъ ис-саҳиҳ” (Ишончли тўплам), “Ал-Адаб ал-муфрад” (Адаб ҳақида ягона китоб), “Ат-Тарих ас-сағир” (Кичик тарих), “Ат-Тарих ал-асват” (Ўртача тарих), “Ат-Тарих ал-кабир” (Катта тарих) ва “Ат-тафсир ал-кабир” (Катта тафсир) асарларидир.

1998 йил октябрда Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллик юбилеи ўтказилди.

ИМОМ АТ-ТЕРМИЗИЙ (824-894) - машҳур муҳаддислардан бири. Унинг бобоси Марвлик бўлган. Кейин Термизга кўчиб келган. Ёшлигидан илм ва ҳадисга қизиқиб, Ҳижоз, Ироқ ва Хуросонда ўқиган. Умрининг охирида касал бўлиб, кўр бўлиб қолган. 70 ёшида Термизда вафот этган. Ат –Термизийдан жуда кўплаб Ислом олимлари дарс олганлар. Абу Исо ат-Термизийнинг асарлари: “Китоб ал-жомеъ” (Ҳадислар мажмуаси китоби), “Китоб илол” (Иллатлар китоби), “Китоби тарих”, “Китоб аш-шамоил ан-набийя” (Пайғамбарлик аломатлари китоби).

1995 йилда Имом ат-Термизийнинг 1200 йиллиги кенг нишонланди.

МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙ (1075-1144) - машҳур олим, муфассир, тилшунос, шоир ва ёзувчи. Хоразмнинг Замахшар қишлоғида туғилган. Урганч, Бухоро мадрасаларида таълим олади. Бу ердан Хуросон ва Исфаҳонга боради. Салжуқийлар саройида хизмат қилади. Хоразмга қайтиб, қағтиқ касал бўлиб, бир оёғидан ажралади. Соғайгач, илм олиш учун Бағдодга жўнайди, у ердан Маккага ўтади. Икки йилдан кейин ватанига қайтиб, бир қанча вақт ўтгач, Шомга ва яна Маккага боради. Маккада яшаб у ерда тафсирга оид “ал-Каншоф” (Ошкор қилувчи) асарини тугатади ва “Жоруллоҳ” (Оллоҳнинг қўшниси), “Араблар ва ғайри араблар устози”) унвонига эга бўлади. Сўнг юртига қайтиб, Хоразмда вафот этади.

Маҳмуд Замахшарий 50 дан ортиқ асар ёзиб қолдирган. Энг йирик асарлари “Ал-Кашшоф”, “Асос ал-балоғат” (Балоғат асослари), “Ал-Фоиқ фи ғариб-ил-ҳадис” (Ҳадислардаги нотаниш сўзларни ўзлаштирувчи), “Ал-Муфассал” (Араб грамматикасига бағишланган), “Муқаддимат ул-адаб (Хоразмшоҳ Отсизга бағишланган), “Тоғлар, жойлар ва сувлар ҳақида китоб”, “Нотиқлик асослари”, “Арузда ўлчов”.

МАҲМУД ҚОШҒАРИЙ (XI аср) - туркшунослик илми асосчиси, қомусий олим. 1029-1038 йиллар орасида Қошғарда туғилган. Кейин Бухоро ва Нишопурда таълим олган. Кўп йиллар туркий қабилалар орасида кезиб, илмий кузатишлар олиб борган ва тўплаган бой маълумотлари асосида ўзининг машҳур “Девон луғот-ит-турк” асарини ёзган. Бу асарда ўша даврда туркий тилдаги сўзлар ва иборалар тўпланган ва улар арабчага таржима қилиниб, изоҳлаб берилган. Аввал сўзлар келтирилиб, кейин ўша сўз ишлатиладиган жумла, мақол ва шеърлар берилади. Асарга Маҳмуд Қошғарий тузган дунё харитаси, дунёнинг доира шаклидаги тасвири ҳам илова қилинган. Унинг марказида Марказий Осиё жойлашган. XI аср география илмининг намунаси бўлмиш бу харита Қошғарийнинг қомусий олимлигининг далилидир.

Ҳозирги замон жаҳон илмий жамоатчилиги бу олимни қиёсий тилшуносликнинг асосчиси деб тан олмоқда.

МОТУРИДИЙ АБУ МАНСУР МУҲАММАД ИБН МУҲАММАД (870-944) - ислом динининг назарий, фикҳ асослари ва манбаларини ўрганадиган соҳаси бўйича ҳанафий мазҳабининг йирик фақиҳи (ҳуқуқшуноси), калом илмида янги бир йўналиш-мактаб яратган йирик аллома. Самарқанд яқинидаги Мотурид маҳалласида туғилган. Мотуридийнинг калом соҳасида ихтиро этган таълимоти кейинчалик “мотуридия” номи билан шуҳрат қозониб, мусулмонлар орасида Мовароуннаҳрда кенг тарқалади. Унинг асарларида қарматийлар, рафовизийлар ва муътазиллийлар таълимотлари рад этилади.

Қуръон тафсири, калом, фикҳ илми усуллари соҳасида бир қатор китоблар ёзиб қолдирган. Улардан “Китоб ал-усул” (Фикҳ асослари китоби), “Китоб таъвилот ал-Қуръон” (Қуръон тафсири китоби), “Шарҳ Фикҳ ал-акбар”, “Китоб ат-тавҳид” (Худонинг ягоналиги ҳақида), “Китоб ал-мақолат” (Мақоллар китоби), “Маъуз аш-шароиф” (“Қонуншуносликдаги етишмовчиликлар”), “Таъвилот аҳл ас-сунна” энг машҳурлари ҳисобланади.

2000 йил 17 ноябрда Буюк Ватандошимиз таваллудининг 1130 йиллиги Самарқанд шаҳрида кенг нишонланди.

МУҲАММАД ИБН МУСО АЛ-ХОРАЗМИЙ (783-850) - машҳур математик ва астроном. Хивада туғилиб, Боғдода вафот этган. Боғдодаги “Байтул ҳикма”да фаолият юритиб, унга мудирлик қилган. 20 дан ортиқ асар ёзган бўлиб улардан 10 таси бизгача етиб келган.

“Китоб ал-Жабр ва ал-муқобала” (Тиклаш ва қиёслаш амаллари) асари математиканинг алоҳида бўлимига айланиб, алгебра деб аталадиган бўлди. Шу асар туфайли “ал-Хоразмий” номи XII аср бошларида лотинча таржимада Алгоритм шаклини олди ва ҳозирги замон ҳисоблаш математикасининг асосий атамасига айланди. Ал-Хоразмий шунингдек, “Қуёш соати ҳақида рисола”, “Китоб сурат ул-арз” (Ер сурати), “Устурлоб ҳақида рисола”, “Тарих рисоласи”, “Муסיқа рисоласи” каби асарларнинг муаллифидир.

Мамлакатимиз халқлари 1983 йилда ал-Хоразмий таваллудининг 1200 йиллиги тантанали нишонланган.

НАЖМИДДИН ҚУБРО (Аҳмад ибн Умар Хивақий 1145-1221) - тасаввуфнинг Марказий Осиёдаги йирик намоёндаларидан, буюк авлиё, донишманд, тасаввуфнинг қубровия тариқати асосчиси. Хоразмнинг Хивак шаҳрида туғилган. Болалик пайтидаёқ илм иштиёқида Мисрга боради. У ерда Рузбеҳон Ваззон ал-Мисрий (вафоти 1188) деган олимдан дарс олади. Рузбеҳон уни ўелидек яхши кўриб, ҳатто қизини никоҳлаб беради. Кейин Хуросоннинг шаҳарларига келиб, у ерлик ўлкан мутасаввуфлардан тасаввуфга оид илмларни эгаллайди. Кейин Мисрдаги устози ва қайнотаси Рузбеҳон маслаҳати билан Вагани Хоразмга қайтиб келиб хонақоҳ қуради ва шогирдлар тарбиялаш билан шуғулланади. “Қубровия” ёки “заҳабия” тариқатига асос солди. Зикрни овоз чиқармай ижро этишни шу тариқат жорий қилган. У зот ҳар қандай муаммоли масалани ҳал қилиб берар ва ким баҳслашса, голиб чиқар эди. Шунинг учун Кубро (Буюк) номини олган. Нажмиддин Кубро дунё ҳирсу ҳавасидан, икир-чикирларидан четда тургани учун Абулжаноб деб аталган.

Машҳур шайх 1221 йилда Урганчни қамал қилган мўғул босқинчиларига қарши “ё Ватан, ё шарофатли ўлим!” хитоби билан халқни жангга, ватан мудофасига бошлади ва босқинчилар қиличи тифида шарофатли ўлим топди.

“Фавотиҳ ул-жамол ва фотиҳ ул-жалол”, “Ал-Усул ал-ашара” (Ўн асос ёки усул), “Рисолат ул-хоъиф ил-хаъим мин лаумон ал-лаъим”, “Рисолат ал-одоб-ил-зокирин” (Зикр қилувчиларнинг одоби ҳақида рисола) асарларининг муаллифидир.

ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ (XI аср) - туркийзабон шоир, олим ва мугафаккир. Еттисув ўлкасидаги Кузўрда (Боласоғун) шаҳрида 1016-1021 йиллар орасида туғилган. Асл исми Юсуф, “Қутадғу

билиг” асари бағишланган Қорахонийлар хони Тамғачхон Абу Али Ҳасан ибн Арслонхон (1075-1103) унга Хос Ҳожиб (Эшик оғаси) мартабасини берган ва шу ном билан шуҳрат қозонган. Юсуф Хос Ҳожиб ўша давр араб, форс тиллари ва адабиётини мукамал эгаллаган. Булардан ташқари, қадим турк ёзма адабиёти, туркий халқлар оғзаки ижодини ҳам яхши ўрганган. Шоир ҳақида ягона манба унинг 1069-1070 йилларда ёзиб тугатилган машҳур асари “Қутадғу билиг” (Саодатга йўлловчи билим) китобидир.

Достон 6500 байтдан иборат. Маснавий тарзида араб имлосида ёзилган. Асар “Шоҳномаи туркий”, “Адаб ал-мулк” (Подшоҳлар одоби) ва “Ойин ал-мамлакат” (Мамлакатни идора этиш қоидалари) номлари билан шуҳрат қозонди.

“Қутадғу билиг” авом халқ учун эмас, ҳоқон ва беклар, яъни юртнинг ҳукмдорлари учун ёзилган. Уларга тўғри йўл кўрсатиш асарда бош мақсад қилиб қўйилган. Асарда юнон ва Шарқ илми нуҷуми, ҳандаса, табобат сирлари, дунё тузилиши ва инсоннинг руҳига оид маълумотлар ҳам кўп.

МАВЗУ: МУҲАММАД ХОРАЗМШОҲ ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИДА ИНҚИРОЗИЙ ҲОЛАТ, МЎҒУЛЛАР ИСТИБДОДИНИНГ ЎРНАТИЛИШИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

БАРОТ - подшо ёки хон тарафидан элчилар, чопарлар ва бошқа ходимлар ва хизматчиларга бериладиган оқлиқ (имтиёз) қоғози.

БОСҚОҚ - мўғул хонлари тарафидан босиб олинган мамлакатларга юборилган махсус мансабдор. Улар маҳаллий ҳокимлар фаолияти ва ҳатти-ҳаракатларини кузатиб борганлар. Босқоқлар аҳолини рўйхатга олиш, ўлпон ва солиқлар йиғиб олиш билан ҳам шуғулланганлар.

ЕТТИСУВ - тарихий-географик вилоят. Ҳозирги Қозоғистон Республикасининг шарқи, Балхаш ва Иссиққўл оралиғидаги ҳудуд. Тяньшан ва Олой тоғ тизмаларидан бошланиб, Балхаш кўлига қуйиладиган еттита дарёнинг ҳавзаси бўлганлиги учун шундай ном олган. Еттисув ўлкаси кўчманчи туркий қабилаларнинг азалий юрти ҳисобланиб, тарихда Чиғатой улусининг маркази ҳам Еттисув бўлган.

ЁМ - ўрта асрларда тахминан бир кунлик йўлда элчилар ва чопарлар тўхтаб ўтиши учун қурилган бекат. Бу ерда қўноқларга озиқ-овқат, тунаш учун жой, от-уловга ем хашак берилган. Жўнаб кетиш олдида отлари алмаштириб ҳам берилган.

ЖЕТЕ (ЖЕТА) - мамлакат номи. XIV асрнинг ўрталарида Чигатой улуси икки қисмга бўлиниб кетганидан кейин Етгисув ва Чу воҳалари ва Шарқий Туркистонни ўз ичига олган унинг шимолий-шарқий қисми тарих китобларида Мўғулистон ёки Жете номи билан аталган. Мовароуннаҳр чигатойлари Шарқий Туркистон ва Етгисув мўғулларини қароқчи, қолоқ маъносида ҳам жета деб аташган.

ЖЎЖИ УЛУСИ - Чингизхон империясининг бўлиниши натижасида 1224 йили унинг катта ўғли Жўжихонга теккан мулк, улус.

Жужи улуси Иртишдан Урал тоғларигача ва ғарбда мўғул оти туёқлари етган ергача бўлган ўлкаларни қамраб олган. Жануб томондан Чигатой улуси билан чегарадош бўлган. XIII аср ўрталаридан Жўжи улуси Олтин Ўрда деб аталган.

ИНЖУ - марварид. Мўғулистонда ўрта асрларда бадавлат кишиларнинг шахсий мол-мулки. Эрон, Кавказорти мамлакатлари ва Ўрта Осиёда хон хонадони аъзоларига ва уларнинг навкарларига тегишли мол-мулки.

КЕШИК - Чингизхоннинг махсус гвардияси. Бу гвардия ботир ҳарбий бошлиқлардан иборат бўлиб, у жангга жуда кам сафарбар этиларди. Кешик фавқулудда содир бўладиган хавф-хатарга қарши ташлаш учун доимо жанговар ҳолатда тутиб турилар эди.

НЎЁН - бир туман (10 минг киши) қўшин қўмондони. Қадимги турк ва мўғул қўшинларида шахзода ва султонлар нўён деб аталган. XIV-XVI асрларда энг нуфузли амирларгина нўён бўлишган.

ОЛТИН ЎРДА - тарихий манбаларда Жўжи улуси деб ҳам юритилади. XIII асрнинг 40-йилларида Жўжининг ўғли Ботухон (1208-1255) томонидан босиб олинган Шарқий Европа Жўжи улусига қўшилгач, ташкил топган давлат Олтин Ўрда деб аталган. Олтин Ўрданинг пойтахти дастлаб Астрахан яқинидаги Сарой Боту, кейинчалик эса Волга бўйидаги Сарой Берка шаҳарлари бўлган. Олтин Ўрда хонлари қуйи Дунай ва Фин қўлтиғидан Иртиш ҳавзаси ва Обгача, Қора, Каспий ва Орол денгизлари, ҳамда Балхаш кўлидан Новгород ерларигача бўлган ҳудудларда

хукмронлик қилишган. XV асрнинг 20-йилларида Олтин Ўрдадан Сибир хонлиги, Қозон хонлиги (1438), Қрим хонлиги (1443), Нўғой хонлиги (1440), Астрахан хонликлари ва Рус ерлари (1480) ажралиб чиққан.

ПАЙЗА - мўғул ҳоқонлари томонидан ўзларига хизмат кўрсатган кишиларга, айрим катта ер эгалари ва савдогарларга бериладиган олтин, кумуш, жез ва ёғочга маълум бир имтиёзлар битилган битик. Бундай пайзага эга бўлган кишилар аҳолидан турли хил йиғим ва тўловларни талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга бўлганлар.

САРБАДОРЛАР - XIV асрда Хуросон ва Мовароуннаҳрда мўғуллар ва маҳаллий феодалларга қарши кўтарилган халқ озодлик ҳаракати қатнашчилари. Сўзма сўз маъноси “ўз бошини дорга тикканлар”. Сарбадорлар ҳаракати даставвал Хуросонда бошланди. Хуросоннинг ғарбий қисмида улар мўғуллар хукмронлигини тугатиб, мустақил Сарбадорлар давлатини барпо этадилар. Бу давлатнинг маркази Сабзавор шаҳрида бўлиб, 1337 йилдан 1381 йилга қадар қарийб 45 йил ҳукм суради.

ТУМАН - мўғулча ўн минг деган маънони англатади. Ўн минг аҳолиси бўлган ёки ўн минг кишилиқ қўшин етказиб бериш имкониятига эга бўлган музофот, яъни округ. Шунингдек, ўн минг отликдан ташкил топган қўшин ҳам туман деб аталган.

УЛУС - тор маънода маълум бир уруғ, қабила яшаб турган сарҳадни ифодалаган; кенгроқ маънода эса хон ва унинг оила аъзоларига тегишли ерлар ва уларга бўйсунувчи ҳамда шу ерда истиқомат қиладиган аҳолини қамраб олган маълум бир сарҳад тушунилган. Тарихий манбаларда Жўжи улуси, Нўғой улуси, Шайбон улуси, Ўзбек улуси, Чигатой улуси каби улуслар мавжудлиги ҳақида маълумотлар мавжуд.

УЛУФА - Ўрта Осиёда ҳарбий қўшин ва лашкар ихтиёридаги от-улов учун аҳолидан тўпланадиган натурал солиқ. Жангчиларга бериладиган маош ҳам улуфа деб аталган. Улуфа атамаси тарихий манбаларда XII асрдан маълум.

ХОН - туркий халқлар ва мўғул хукмдорларининг унвони. Дастлаб қабила бошлиғи, кейинчалик олий хукмдорни англатган. Салжуқийлар ва Хоразмшоҳлар даврида вилоят ва шаҳар ҳокими, мўғул феодал империясида улус бошлиғи хон деб аталган. Мўғуллар империяси инқирозидан сўнг ташкил топган давлатларда олий хукмдор насаб жиҳатидан Чингизхонга

қариндош бўлса, хон, подшоҳлик қилмаган Чингизийлар эса султон деб юритилган. Бухоро, Хива ва Қўқон хонлари ҳам ўзларининг келиб чиқишини Чингизхонга боғлаганлар ва шунинг учун ҳам исmlарига хон рутбасини қўшиб юритганлар.

ХОНБАЛИҚ - мўғулча “хон шаҳри” деган маънони англатади. Хитойнинг мўғуллар ҳукмронлиги, яъни Юань сулоласи (1260-1368) давридаги пойтахти (Пекин).

ЧЕРИК - қўшин, аскар. Ўрта асрларда Мўғулистон, Дашти Қипчоқ ва Ўрта Осиёда ҳарбий юриш вақтида вилоят, ўлка ва улуслардан ёрдам учун тўпланадиган номунтазам қўшин. Черикни тўглаб келиш тавочиларнинг зиммасида бўлган.

ЧИГАТОЙ УЛУСИ - Чингизхон томонидан 1224 йилда иккинчи ўғли Чигатой ва унинг авлодларига мерос қилиб берилган вилоятлар. Ҳудуди Мовароуннаҳр, Еттисув ва Шарқий Туркистондан иборат бўлган. Кўчманчи тарзда ҳаёт кечирувчи мўғуллар ўтроқ аҳолини бошқариш учун тажрибага эга эмас эдилар. Шунинг учун ҳам Чигатой улусини бошқариш хоразмлик Маҳмуд Ялавоч (1225-1238) ва унинг ўғли Масъудбекка (1238-1289) топширилган. Ўзлари эса улусдан келадиган даромадларнинг асосий қисмини олиш билан қаноатланганлар. Чигатой улусининг ҳукмронлигига Амир Темур ҳокимиятга келгач барҳам берилган.

Чигатой улуси хонлари: Чигатой (1224-1242), Хара Хулагу (1242-1247), Есу Мункэ (1247-1252), Хара Хулагу (1252 иккинчи марта), Орқина Хотун (1252-1261), Олғуйхон (1261-1266), Муборак (1266), Бароқ (1266-1271), Никпай (1271-1272), Туға Темур (1272-1291), Дувахон (1291-1306), Кунчек (1306-1308), Талику (1308-1309), Кебекхон (1309), Эсонбуқо (1309-1318), Кебекхон (1318-1326 иккинчи марта), Дува Темур (1326), Тармаширин (1326-1334), Чангши (1334), Бузан (1334-1338), Есун Темур (1338-1346), Донишмандча (1346-1348), Боёнқули (1348-1359), Шоҳ Темур (1359), Туғлуқ Темур (1359-1370)

ШУЛЕН - мўғуллар ҳукмронлиги даврида давлат хазинаси учун ундириладиган озиқ-овқат солиғи. Шулен ҳар бир подадан икки яшар қўй, қимиз учун ҳар минг отдан бир бия ҳисобида олинган.

ЯСО (ЁСОҚ) - 1. Чингизхон (1151-1227) томонидан жорий қилинган қонун-қоидалар тўплами. Фуқаролар ясога, яъни қонун-қоидаларга қандай амал қилаётганини назорат қилиб турувчи кичик мансабдор ясовул деб аталган.

2. Мўғул империяси, хусусан Олтин Ўрда давлати томонидан итоат эттирилган халқлардан нагура билан ундириладиган солиқ тури ҳам ясоқ деб юритилган.

3. Бухоро хонлигида (Шайбонийлар даврида) аҳолининг меҳнат мажбурияти. Бу мажбурият аҳолини каналлар, зовурлар қазिशга, йўл ва кўприклар қуришга, ем-хашак йиғишга жалб этишни назарда тутарди. Мажбуриятни ўташга жалб этилганлар ўз меҳнат қуролилари билан келардилар, ўзлари ҳисобидан овқатланар эдилар.

ҚОРАУНОС - XIII-XIV асрларда Етгисув ва Шарқий Туркистон мўғуллари Мовароуннаҳр аҳолисини шундай аташган. Қораунас аралашган, чатишган, дурагай, метис деган сўзларга маънодош.

ҚОПЧУР - кўчманчи халқлардан ва қабилалардан ундириладиган солиқ. Қопчур солиғининг миқдори юз бош ҳайвондан бирини, баъзан қирқдан бирини ташкил этган.

ҚОРАҚУРУМ - Ўрхун дарёси (Мўғулистон) бўйидаги шаҳар. 1230-1260 йилларда мўғуллар империясининг пойтахти. XV асрдан ўз мавқеини йўқотган.

ҚУЛЗУМ ДЕНГИЗИ - Каспий денгизининг ўрта асрлардаги номи.

БАДРИДДИН ЧОЧИЙ (1285-1345) - Мўғуллар босқини туфайли ўзга юртларга бош олиб тарки ватан этган шоир, адиб, олим ва мугафаккирларимиздан биридир. У Чоч (Тошкент)да таваллуд топган, Самарқанд ва Бухорода йигитлик йилларини ўтказди. Чочий 1333 йилларда Маккадан қайтишда Деҳлида тўхтайтиди ва мўғуллар зулми ҳукм сураётган ўз она Ватанига қайтиб келишга журъат қила олмасдан ўша ерда қолиб кетади. У Ҳинд султони Туғлуқ Муҳаммад (1325-1351) саройида хизмат қилган. Чочий Мовароуннаҳрда яшаган кезларида туркий тилда шеърлар битган. Ҳиндистондаги фаолияти давомида ўша даврнинг асосий адабий тилларидан бўлган форс-тожик тилида ижод қилган. У 6 минг байтлик лирик девон тузган, 35 минг байтлик “Шоҳнома” асарини яратган. Ундан бизгача ўлимидан бир йил муқаддам тузилган “Шарҳи қасоиди Бадри Чочий” етиб келган. Унда 70 дан зиёд қасида, кўпгина рубоийлар, қиъга ва ғазаллар жамланган.

Бадриддин Чочий буюк сўз санъаткорларидан биридир. Унинг шеърлари жуда мураккаб ва чуқур мазмунда битилган бўлиб, атоқли ҳинд олими Фиёсуддин ибн Жалолиддин Мустафо Чочий асарларини китобхонларга етказиш мақсадида, уларга шарҳ

сифатида “Кашфул асрор” (Сирларнинг очилиши) (1840-41) асарини ёзган.

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ (1207-1273) - улуғ аллома ва мутафаккир. Асли Балхда туғилган бўлиб, отаси Баҳоуддин ўз даврининг машҳур кишиларидан бўлиб, у Нажмиддин Кубронинг шогирди эди. Мўғуллар истилоси туфайли Жалолиддин Румий отаси билан ватанидан чиқиб кетишга мажбур бўлади ва Кичик Осиё (Кўния) га бориб ўқийди ҳамда мударрислик қилади. У форс-тожик, араб ва туркий тилларда ижод қилиб, ўзининг машҳур асарларини яратди.

Жалолиддин Румий ўзининг 27 минг байтдан иборат “Маснавий Румий” асарини қарийб ўн йил давомида ёзиб тугаллаган.

Жалолиддин Румий айни замонда буюк файласуф ҳам бўлган. У “Мавлавий” номи билан аталувчи тасаввуф мактабининг асосчисидир. Файласуфнинг “Маснавийи маънавий” ва “Фиҳи мо фиҳи” (унда қандай бўлса, бунда ҳам шундай) асарларида ҳурфикрлилик ва назарий тафаккур, тараққиёт муаммолари илгари сурилади. Унинг фалсафий дунёқарашидаги асосий ғоя зўрлик ва зулми қоралаш, ҳақиқат ва адолатни тараннум этишдан иборатдир.

ПАҲЛАВОН МАҲМУД (1248-1326) - Хоразмлик машҳур шоир, мутафаккир ва файласуф. Унинг таржимаи ҳолига оид маълумотлар жуда кам сақланган. У Хива яқинида ҳунарманд оиласида дунёга қелади. Ўзи ҳам пўстиндўзлик, телпакдўзлик касби билан шугулланган. У халқ орасида Паҳлавон Маҳмуд номи билан танилган, чунки жисмоний жиҳатдан бақувват бўлган. Ривоятларга қараганда, у дунёнинг жуда кўп мамлакатларини кезган, манман деган полвонлар билан кураш тушган. Лекин бирор марта бўлса ҳам унинг кураги ерга тегмаган. Ҳикоя қилишларича, Паҳлавон Маҳмуд бир жангда Ҳиндистон шоҳи Рой Ропой Чўнани ўлимдан қутқариб қолади. Бунинг эвазига ҳинд шоҳи қачонлардир Ҳиндистонга асир тушган хоразмликларни озод қилади. Оташин ватанпарвар Хива яқинида мўғулларга қарши жангда курашиб ҳалок бўлган Хоразм аскарларининг қабри устига мақбара қурдиради.

Айни замонда Паҳлавон Маҳмуд илм-маърифат билан қизиқади, бадий ижод билан шугулланади. Маълумотларга қараганда, Паҳлавон Маҳмуд “Канз ул-ҳақоиқ” номли маснавий

ёзган. Асар бизгача етиб келмаган. У газал, рубоий, маснавий жанрида самарали ижод қилган шоир сифатида ҳам тилга олинади. Шоирнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари унинг рубоийлари мазмунида акс этган.

Паҳлавон Маҳмуд қабри ҳозирда Хива шаҳрининг Ичан қалъа комплексида жойлашган бўлиб, унинг номидаги мақбара халқимизнинг муқаддас зиёратгоҳига айлантирилган.

РАБҒУЗИЙ (XIII аср охири-XIV аср бошлари) - Бурхониддин ўғли Носируддин Рабғузий ватанимиз тарихида ўз муносиб ўрнига эга. У Хоразмнинг Работи Ўғиз деган жойида таваллуд топган. Рабғузий тўғрисида маълумот берувчи унинг “Қиссаи Рабғузий” асаридан бошқа ҳеч қандай маълумот бизгача етиб келмаган.

Рабғузий бу асарини 1311 йилда ёзиб тугаллаган. Асарда ҳикоя қилинган Одам, Шис, Идрис, Нуҳ, Ҳуд, Солиҳ, Иброҳим, Исҳоқ ва бошқа пайғамбарлар, Ҳорут ва Морут каби фаришталар тўғрисидаги ривоятлар шоир иқтидори ва истеъдодининг юксаклигидан далолат бериб қолмасдан, айти пайтла у илк ўзбек бадиий прозасининг дастлабки намунаси сифатида ҳам қимматлидир.

МАВЗУ: АМИР ТЕМУР. ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ ТИКЛАНИШИ ВА ЮКСАЛИШИ

АВАНГАРД - Амир Темур қўшинининг манглай (олдинги) қисми.

АЙЛ - Амир Темур қўшинида ўн кишилиқ ҳарбий бўлинма.

АМИР - Ислом динини қабул қилгунга қадар арабларда амир сўзи қабила бошлиғи, ҳарбий бошлиқ деган маъноларни билдирган. Араблар кўп жойларни босиб олиб, ўз динларини ўтказганларидан сўнг, Араб халифалигига қарам бўлган мамлакатларни бошқариш учун тайинланган ҳокимни, қўшин кўмондони ва йирик лашқарбошиларни амир деб аташган. Мўғул истилосидан сўнг Олтин Ўрдада, кейин Ўрта Осиё ва Эронда мўғул ва турк қабилалари бирлашмаси-улус бошлиғининг унвони ҳам амир деб юритилган. Соҳибқирон Амир Темурнинг унвони ҳам амир деб аталган. Ҳозирда Амир унвони араб подшоларининг ўғилларига берилади (масалан Саудия Арабистонида). Маккага зиёрат учун борувчи катта гуруҳ йўлбошчилари ҳам Амир деб аталади.

АСТРОБОД - Журжон (Гургон)нинг катталиги жиҳатидан иккинчи шаҳри. Каспий денгизининг жанубий-шарқий гарафида, Мозандарон чегарасида жойлашган.

“АФЛОТУНИ ЗАМОН” - Улугбек Расадхонасида фаолият юргизган машҳур астроном ва математик Қозизода Румийни замондошлари шундай ном билан улуғлашган.

БАЛХ - Афғонистоннинг шимолидаги ўрта аср шаҳри. (Қадимги Бақтра).

БАННО - ўрта асрларда иморат қурувчи уста.

БАРИД - 1. Чопар, хат элтувчи, почталъон. Сомонийлар давлат бошқаруви тизимида барид девони мавжуд бўлиб, у мактубот ва ахборот, яъни почта вазирлиги ҳисобланган.

2. XIV-XVI асрларда Ўрта Осиё халқларида кенг қўлланилган масофа ўлчов бирлиги бўлиб, икки фарсаҳ, яъни тахминан 12 км. га тенг йўл бўлган.

БАРОТ - 1. Подшоҳ, хон гомонидан бирор солиқ ёки жаримадан озод этиш;

2. Маълум шарт билан бирор мулк ёки мансабни эгаллаш, халқдан солиқ тўлаш ёки пул, ғалла, ем-хашак олиш учун берилган махсус ёрлиқ ёки гувоҳнома. Бундай гувоҳнома олган киши баротдор деб аталган.

БЕГОР - Ўрта Осиёда ўрта асрларда мавжуд бўлган мажбурий ишлаб бериш мажбурияти бўлиб, меҳнаткаш халқ хон ва маҳаллий ҳукмдорлар тарафидан давлат ва феодалларнинг турли қурилишларида текинга 12 кунлик ишлаб бериш мажбурияти (ҳашар).

БОРУ - қалъа девори; қалъа деворининг ўқ отишга мўлжалланган махсус мустаҳкам қисми.

БУРОНГОР - Амир Темур қўшинида асосий жанговар қисмнинг ўнг қаноти.

ДОРУҒА - ҳарбий маъмур. Бирон бир вилоят ёки шаҳарнинг ҳокими.

ЁСОЛ - қўшин сафи. Ёсол тузиш-қўшинни юриш, кўрик ёки жанг олдидан сафга тизиш.

ЖАРИБ - ўрта асрларда амалда бўлган ер ўлчов бирлиги. Бир жариб 968 кв. метрга тенг бўлган. Бир жариб тахминан бир танобга тенг.

ЖУВОНГОР - Амир Темур қўшинида асосий жанговар қисмнинг сўл (чап) қаноти

ИЗОФА - Амир Темур қўшинининг заҳира (резерв) қисми.
ЙИЛДИРИМ - Усманий Турклар султони Боязид (1389-1402) га берилган лақаб.

КАДХУДО - қишлоқ ва шаҳар оқсоқоли.

КАНБУЛ - Амир Темур қўшинида қўриқчи аскарый қўшилма.

КЎРАГОН - Хон куёви. Чингизхон авлодига уйланган шахс.

ЛАВВОҲ - китоб лавҳаларини тайёрловчи уста.

ЛАНГАРХОНА - мусофирхона. Ўрта асрларда йўловчи мусофир, сайёҳ ва зиёратчилар тунаб, дам олиб ўтадиган жой, гарибхона.

МОНИЙИ СОНИЙ (ИККИНЧИ МОНИЙ) - машхур мусаввир Камолиддин Беҳзод (1455-1535)га замондошлари томонидан берилган унвон.

МОЧИН (ЧИНМОЧИН) - ўрта асрларда Хитойнинг номи.

МУЗАФФАРИЙЛАР - 1313-1393 йилларда жанубий Эронни идора қилган маҳаллий сулола. Амир Темур томонидан тугатилган.

МУЗОРИЙ - экин майдонларга ишлов берувчи ёлланма зироатчи.

МУТРИБ - муסיқашунос, созанда.

МУҲАССИЛ - солиқ ундирувчи амалдор.

НАСТАЪЛИҚ ХАТИ - араб мумтоз хати услубларидан бири бўлиб, унда ёзилган ёзувларнинг 5/6 қисми эгри, 1/6 қисми эса тўғри чизиклар асосида ёзилади.

РАИЯТ - солиқ тўловчи халқ, қора халқ.

РАСАДҲОНА - осмон жисмлари тадқиқоти учун махсус жиҳозланган илмий муассаса ва шу муассаса жойлашган бино. У аҳоли орасида “Нақши жаҳон” деб ҳам юритилган.

РУМ - Рим империясининг ўтмишда Шарқ ва Ўрта Осиёда кенг тарқалган номи. Милодий IV-асрда Рим империяси парчалангач, “Рум” атамаси Византия империясига (395-1453) нисбатан ишлатиладиган бўлди. XIII-XV асрларда мусулмон тарихчилари Византияни Рум деб атаганлар.

САДРИ АЪЗАМ - вақф мулкларини бошқарувчи.

САНАД - Самарқанддаги Улуғбек мадрасасида камида 15-16 йил таҳсил олиб, унинг дастури бўйича фанларни тўла ўзлаштирган ва имтиҳонли сабоқларда ўз билимини намойиш эта олган толиби илмларга бериладиган шаҳодатнома.

САҲҲОФ - китоб муқоваларини тайёрловчи уста.

СЕЙИСТОН - Эроннинг Афғонистон билан чегарадош шарқий вилояти. Милoddан аввалги II асрда қўчманчи сак

қабилалари шимолдан Херируд ва Гилманд дарёлари оралигидаги вилоятларга келиб жойлашишган ва шундан бошлаб бу ҳудудлар Сакистон (Сейистон) деб юритиладиган бўлган.

СЕКСТАНТ - осмон ёритқичларининг баландлигини белгилаш учун мўлжалланган кўзгу-қайтаргичли асбоб.

СОҲИБҚИРОН - Қуёш тизимидаги катта сайёралардан иккитасининг бир-бирини тўсиши (қирон) пайтида туғилган одам. Ривоятларга қараганда, Амир Темур икки шарофатли юлдуз-Захро ва Муштарий сайёралари бир-бирларига яқинлашган пайтда туғилган экан. Мунажжимларнинг фикрига кўра, бундай одам бахтли, улуғ мартабали бўлиши муқаррар саналган. Амир Темурнинг Соҳибқирон деб аталаши ҳам шундан. Соҳибқирон сўзининг асл маъноси “бахтиёр подшоҳ”, “қудратли подшоҳ” демакдир.

“СУЛТОН УЛ-ҲАТТОТИН” - ҳаттотлар султони. Машҳур ҳаттот Султонали Машҳадий (1432-1520) замондошлари томонидан шундай ном билан улуғланган.

СУЮРҒОЛ - бирор ҳукмдор томонидан алоҳида хизмат кўрсатган шахсларга берилган инъом. Унинг эгаси давлат солиқларидан озод этилиб, олган даромадларидан ўз ихтиёрича фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган.

Илгари (XIV аср охири-XV аср бошларида) ва айниқса XVI асрнинг бошлари ва иккинчи ярмида ерни суюрғол тарзида инъом этиш вақтинча тусда бўлиб, ер мерос бўлиб ўтмас эди. XVII-XVIII асрларда эса вақтинча берилган ерлар доимий мулкка ўта бошлади ва бу мулкка эгалик ҳуқуқи ворисларга ҳам ўтказиладиган бўлди.

ТАВОЧИ - XII-XVII асрларда Ўрта Осиё ва Эронда хон ва подшоҳлар саройида хизмат қилган олий ҳарбий мансабдор. Тавочи зиммасига ҳарбий юриш кўзда тутилганда тобе вилоятлардан озиқ-овқат, от-улов, белгиланган миқдорда лашкар тўплаб келиш ва юриш билан боғлиқ бошқа вазифалар юклатилган.

ТАМҒА - савдо божи. Савдогарлардан олинадиган солиқ.

ТАРХОН - I. Мўғуллар ва Темурийлар даврида тожу-тахт олдида кўрсатган алоҳида хизматлари учун алоҳида имтиёзга эга бўлган амир. Тархон ёрлиғи эгаси хон ҳузурига бемалол кира олган, солиқлардан озод этилган ва тўққиз мартагача жинояти кечирилган, ўзи ва авлоди ҳам солиқлардан озод этилган.

2. Ўрта асрларда туркий халқлардаги ер эгаси - феодал.

3. Ўрта Осиё хонликларида феодалларнинг давлат солиқларидан озод қилинган ер-сув, мол-мулклари.

ТЕМУРИЙЛАР - 1370-1507 йилларда Мовароуннаҳр, Афғонистон, Эрон, Озарбайжонда ҳукмронлик қилган сулола. Асосчиси машҳур саркарда ва йирик давлат арбоби Амир Темури У XIV асрнинг 40-йилларида Чигатой улусида кучайиб кетган феодал тарқоқлик оқибатида ҳокимият тепасига келган. Самарқанд ва Хирот Темурийлар давлатининг пойтахти бўлган. 1405 йилда Амир Темури вафотидан сўнг унинг салтанатини ўғиллари ва набиралари икки қисмга бўлиб идора бошладилар. Шохрух Мирзо (1409-1447 йилларда), Улуғбек (1447-1449 йилларда) ва Абу Саидлар (1451-1469 йилларда) бир вақтнинг ўзида ҳам Хуросон, ҳам Мовароуннаҳрнинг олий ҳукмдорлари бўлишган.

Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган темурийлар:

Халил Султон 1405-1409

Мирзо Улуғбек 1409-1447

Абдулатиф 1449-1450

Абдуллоҳ Мирзо 1450-1451

Абу Саид 1451-1469

Султон Аҳмад 1469-1494

Султон Маҳмуд 1494-1496

Бойсунқур 1496-1497

Султон Али 1497-1500

Хуросонда ҳукмронлик қилган темурийлар:

Шохрух 1409-1447

Мирзо Улуғбек 1447-1449

Абулқосим Бобур 1449-1457

Султон Маҳмуд 1457-1459

Ҳусайн Бойқаро 1469-1506

Бадуиззамон 1506-1507

ТИМ (ТОҚ) - ўрта асрларда усти ёпиқ бозор.

ТУЗУК - қонун; Турк-мўғул халқлари орасида амалда бўлган қонун-қоидалар.

УСТУРЛОБ - юлдуз ва сайёраларнинг ўрни ва баландлигини ўлчайдиган астрономик асбоб.

ФУЛУС - майда мис чақа.

ХАЗОРА - Амир Темури қўшинида минг кишилик ҳарбий бирлашма.

ЧАҚИРИМ - ўрта асрлардаги масофа ўлчов бирлиги. 1.06 километрга тенг

ШИКОР - ов.

ШОМ - Сурия мамлакатининг ўрта асрлардаги номи.

ЯСОВУЛ - дастлаб Чингизхон томонидан жорий қилинган қонун-қоидалар тўплами-ясога фуқаролар қандай амал қилаётганини назорат қилиб турувчи кичик мансабдор шундай аталган. Кейинчалик ҳукмдорнинг шахсий топшириғини бажарувчи шахс ҳам ясовул деб юритила бошланган.

ЯССИ - ҳозирги Қозоғистон Республикасидаги Туркистон шаҳрининг ўрта асрлардаги номи.

“ЎЗ ДАВРИНИНГ ПТОЛОМЕЙИ” - Улуғбек Расадхонасида фаолият юргизган машҳур астроном ва математик Али Қушчини замондошлари шундай ном билан улуғланган

ҚОЗОҚЛИК - тож-тахтга даъвогарлик қилиб юрган бирон шаҳзоданинг ўз мақсадига эришиш ниятида бошқа бирон соҳиби салтанатнинг хизматини ўтаб юрган кезларидаги турмуш тарзи. Амир Темури бир пайтлар шу ният билан Мўғулистон ва Ссийстон подшоҳлари хизматида бўлган.

ҚОРА-ҚУЮНЛИЛАР СУЛОЛАСИ - 1380-1468 йилларда Ироқ ва Озарбайжонда ҳукмронлик қилган туркманлар сулоласи. Қора Юсуф туркман (1388-1420) 1388-1389 йилларда Арманистон, Ироқ ва Жанубий Озарбайжон сарҳадларида Амир Темури лашкарларига қарши жанглари олиб борган. У Амир Темуридан енгилиб Турк султони Боязид саройига қочиб паноҳ топган. Шу сабабли Амир Темури ва Боязид ўртасида келишмовчилик келиб чиққан. Қора Юсуф ўз юртига фақат 1406 йилда Амир Темури вафотидан кейин қайтган.

ҚУТВОЛ (қут ҳиндча – “қалъа” волий арабча – “ҳоким”) - қалъа ҳокими демақдир.

ГУЛ - Амир Темури кўшинининг марказий қисми.

АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ (1414-1492) - машҳур форс-тожик шоири, мутасаввуф, нақшбандия тариқатининг йирик намояндасидан бири. Нишопур яқинидаги Жом шаҳрида туғилиб, Ҳиротда яшаган ва “Низомия” мадрасасида ўқиб, ўз даврининг таниқли тил, адабиёт олимларидан таҳсил олади. Кейинчалик Самарқандга келиб, Улуғбек мадрасасида Қозизода Румий, машҳур исломшунос Фазлуллоҳ Абуллайс Самарқандийлардан фақат тил ва адабиётнигина эмас, риёзиёт,

фалакиёт, фалсафа, фикҳ, дин асослари, ҳадис ва тафсир илмларини чуқур ўрганган. Ҳиротга келиб тасаввуф йўлига кирди ва шайх Саъдуддин Қошғарийни (вафоти 1456) ўзига пир деб билди. Саъдуддининг таълимоти Нақшбандия таълимотига яқин бўлиб, у ўз муридларини ислом динининг асосий ақидаларига амал қилиш билан бирга ҳалол меҳнат билан яшашга чақирди. Жомий ўз пирининг қизига уйланади. Ва аста-секин нақшбандия тариқатининг йирик вакили ва тарғиботчиси сифатида танилади. 1469 йилда Ҳусайин Бойқаро Ҳирот тахтига чиққанидан кейин Жомийнинг мавқеи жуда ортиб кетди. Султон Ҳусайн ва унинг кўп авлодлари Жомийга ўзларини мурид деб эълон қиладилар. Жомий 1472 йилда ҳажга борган ва сафар давомида Нишопур, Сабзавор, Бистом, Дамғон, Қазвин, Ҳамадон, Қарбало, Боғдод, Дамашқ, Ҳалаб, Табриз каби шаҳарларда бўлди. Унинг жуда кўп ери бўлган, подшолик ишларида ўз маслаҳатлари билан қатнашиб турган, ҳукмдорлар у билан ҳисоблашганлар. 1476-77 йилларда 25 ёшли Навоий Жомийни ўзига пир деб танийди. Жомий вафот этганда бутун Ҳирот халқи мотам тугган. Дафн маросимини Навоий бошқарган.

Жомий ўз асарларини форс тилида ёзди. У араб тилини ҳам жуда яхши билган. Навоий маълумотларига қараганда, Жомий ўзбек тилини ҳам яхши билган. Баъзи олимлар Жомий асарларини 100 га яқин десалар, Навоий унинг 38 та асарини санаб ўтган. Унинг асарлари фалсафа, тасаввуф, тилшунослик, адабиётшунослик, санъат соҳаларига, назм ва насрнинг ҳар хил жанрларига оиддир. Ўзининг “Ҳафт авранг”, “Силсилат уз-заҳаб”, “Тухфат ул-аҳрор”, “Сухбат ул-аброр”, “Ҳирадномаи Искандарий”, “Нафоҳат ул-унс” асарларида Жомий юксак хулқ-атвор ғояларини тарғиб қилади.

АЛИШЕР НАВОЙИЙ (1441-1501) - буюк ўзбек шоири, адиби ва тилшуноси, мутафаккир ва давлат арбоби. Ҳиротда туғилган. Отаси Фиёсуддин Муҳаммад ўғлининг тарбиясига жиддий эътибор беради. Алишернинг шеърятдаги илк устозлари Мир Саййид Қобулий ва Муҳаммад Али Фарибийлар бўлган. 1452 отаси вафот этади ва шу йили Ҳирот тахтига чиққан Абулқосим Бобур Алишер ва унинг мактабдош дўсти Ҳусайинни саройга, ўз тарбиясига олади. 1466-1468 йилларда Самарқандда таълим олди. Ёшлигида юртига истеъдодли шоир сифатида танилган Алишер Навоийни 1469 йилда Ҳусайин Бойқаро Ҳирот тахтига ўтиргач, 1469 йилда

уни Самарқанддан чақириб олиб, муҳрдорлик вазифасига, 1476 йилда вазирлик лавозимига кўтариб, унга “Мири Кабир” (Улуғ амир) унвонини беради. Бу лавозимдан Навоий халқ манфаати, мамлакат ободонлиги, маданият равнақи, адолат тантанаси учун фойдаланади.

Ҳиротда “Ихлосия” мадрасаси, дарвешлар учун “Халосия” хонақоҳи, беморлар учун “Шифоҳия” касалхонаси, “Дор ул-ҳуффаз” (Қорихона) “Сафоия” ҳаммомини қурдирган. Хондамир ёзишича Навоий ўз маблағига 52 та работ, 19 та ҳовуз, 9 та ҳаммом, Астрободда “Мир саройи” ва “Жомъ масжиди”, Марвда “Хусравия” мадрасасини қурдирган. Унинг кутубхонасида 70 дан ортиқ ҳаттот ва мусаввирлар қўлёзмаларни кўчириш ва уларни безаш билан шуғулланган. Навоий ўзи қурдирган муассасалардаги мударрис ва талабаларни маош билан таъминлашни ўз зиммасига олган. Ўз ҳузурига илм аҳлини чорлаб, ёш истеъдодларни тарбия қилиб, уларга шароит яратиб берган. 1487 йили Навоий Астрабод ҳокими этилди. Бу ерда икки йил ҳокимлиги даврида Ҳиротдаги савобли ишларини давом эттирди.

Алишер Навоий форсийда-Фоний, туркийда-Навоий тахаллуси билан 30 дан ортиқ йирик бадиий асарлар ёзган.

Дастлаб Навоий ўзининг илк девони “Бадаий ул-бидоя” (Бадиийлик ибтидоси)ни тузди. 1483-1486 йилларда ўзининг шоҳ асари “Ҳамса” ни ёзди. Асар 50 минг мисрадан иборат бешта дostonни ўз ичига олади: “Ҳайрат ул-аброр” (Яхши кишиларнинг ҳайратланиши), “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъаи сайёр” (Етти сайёра) ва “Садди Искандарий” (Искандар девори). Кейин иккинчи девони “Наводир ун-ниҳоя” (Баҳад нодирликлар) яратилди. 1492 йилда шоир ўзининг лирик шеърларини жамлаб “Чор девон” мажмуасини тузди. Унинг таркибига қуйидаги тўртта тўплам киритилган: “Фаройиб ус-сиғар” (болалик ажойиботлари), “Наводир уш-шабоб” (Йигитлик даври нодирликлари), “Бадойеъ ул-васият” (Ўрта ёш бадиалари), “Фавоид ул-кибор” (Кексалик фойдалари).

Навоий қаламига оид насрий асарлар қуйидагилардир: “Зубдат ут-таворих” (Тарихлар қаймоғи), “Ҳолати Саййид Ардашер”, “Ҳолати Паҳлавон Маҳмуд”, “Ҳамсат ул-матаҳаййирин” (Беш ҳайратга қолганлар), “Насоим ул-муҳаббат” (Муҳаббат шабадалари), “Мезон ул-авзон” (Вазнлар ўлчови), “Муфрадот” (Фардлар), “Ситтаи зарурия” (Олти зарур нарса), “Фусули арбаа”

(Тўрт фасл), “Лисон ут-тайр” (Куш тили), “Муҳокамат ул-луғатайин” (Икки тил муҳокамаси), “Маҳбуб ул-қулуб” (Қалблар маҳбуби), “Тарихи мулуки ажам” (Ажам (Эрон) подшолари тарихи).

КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД (1455-1537) - буюк мусаввир ва миниатюрасоз, Алишер Навоийнинг шогирди. Нафис санъат тасвир (миниатюрасозлик) соҳасида “Беҳзод мактаби”ни яратган улуг сиймо. Унинг миниатюралари тириклигидаёқ ва ундан сўнг муслмон Шарқда ва Фарбда қимматли санъат асарлари дея баҳоланиб, “Монийи соний” (Иккинчи Моний), “Шарқ Рафъэли” деб ном олган.

Ҳиротда туғилган. Ота-онадан жуда эрта етим қолиб, болаликдан машҳур ҳиротлик мусаввир Амир Рухуллоҳ (Мирак Наққош) қўлида тарбия топади. 1487 йили Беҳзод Ҳусайин Бойқаро фармони билан Ҳиротдаги салтанат кутубхонасига бошлиқ этиб тайинланади. 1507 йили кўчманчи ўзбек қабилалари хони Муҳаммад Шайбонийхон Ҳиротни эгаллайди. Беҳзод унинг саройида ижодий ишни давом эттиради. Шайбонийхон ҳам унга шарт-шароитлар яратиб беради. 1510 йил Ҳирот Сафавийлар томонидан босиб олинди. 1512 йилда Исмоил Сафавий Беҳзодни бир неча шогирдлари билан салтанат пойтахти Табризга олиб кетади ва унга ижод қилиш учун барча шароитларни яратиб беради. 1514 йили Табриз яқинида Усмоний турклар билан бўлган жангда сафавийлар мағлубиятга учраганидан кейин, Беҳзодни турклар ўлжа қилиб олиб кетмасин деб, атоқли ҳаттот Шоҳ Маҳмуд Нишопурий билан бирга бир ғорда яшириб ҳам қўядилар.

1522 йили Исмоил Сафавий Беҳзодни Табриздаги кутубхонасига бошлиқ этиб тайинлайди. 1537 йили Беҳзод Ҳиротдаги жияни ва шогирди Рустам Алининг оғир беморлигини эшитиб, уни кўриш учун бу ерга келади, жияни вафот этган бўлади. Кўп ўтмай шу йили ўзи ҳам оламдан ўтади.

Камолиддин Беҳзоднинг 30 га яқин расм ва расмлар туркумидан иборат асарлари мавжуд.

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР (1483-1530) - ўзбек мумтоз адабиётининг йирик вакили, тарихчи олим. Ҳиндистонда 332 йил ҳукм сурган Бобурийлар салтанатининг асосчиси, теурий ҳукмдорларининг сўнгги намоёндаларидан бири. Отаси Умаршайх Мирзо Амир Теурунинг набираси. Бобур Андижонда сарой муҳитида ўқиб, тарбияланди. Отаси вафотидан сўнг 1994 йил ўн

икки ёшида Фарғона тахтига ўтирди. Амир Темур давлатини қайта тиклаш учун 1495-1496 йилларда Самарқандга муваффақиятсиз юриш қилди. 1497-1498 йилларда Самарқандни эгаллади. Кейин Андижонда унга қарши исён кутарилгач, орқага қайтишга мажбур бўлди. 1500 йилда Самарқандни иккинчи марта эгаллади. Алишер Навоий билан хат ёзишди. Шайбонийхон билан курашда муваффақиятсизликка учраб, Самарқандни ташлаб кетишга мажбур бўлди. Шайбонийхон 1504 йилда Андижонни ҳам эгаллагач, Бобур жанубга йўл олиб, Қобулда ўз ҳокимиятини ўрнатди. 1505-1512 йилларда Мовароуннаҳрға қайтишга уриниб кўрди, аммо муваффақиятга эриша олмади. 1519-1535 йилларда Ҳиндистонни қўлга олиш мақсадида жанглар олиб борди. 1526 йили Панипат жангида Ҳиндистон султони Иброҳим Лодий билан ва 1527 йилда Читора ҳокими Рана Санга билан бўлган жангларда ғалаба қозониб, Ҳиндистонда ўз ҳукмронлигини ўрнатди.

Бобур 1530 йил декабрда Агра шаҳрида вафот этди, кейинчалик унинг ҳоки васиятига биноан 1533 йилда Қобулга олиб келиб дафн этилди.

Унинг илмий-адабий мероси “Бобурнома”, “Хатти Бобурий”, “Мубаййин” (Баёнот берувчи), “Ҳарб иши” ва “Мухтасар” каби асарлардан иборат.

ЛУТФИЙ (1366-1465) - Лутфуллоҳ Лутфий атоқли ўзбек шоири, мутафаккири, ўзбек мумтоз адабиётининг йирик намоёндаси. Ҳиротнинг Деҳиканор мавзеида туғилиб, шу ерда яшаб, ижод этган. Куръони карим ва ҳадисларни, араб ва форс тилларни, адабиётини чуқур ўрганган. Алишер Навоий ва Жомийлар билан яқин мулоқотда бўлган. Ўз асарлари билан Хуросон ва Мовароуннаҳр адабий муҳитида чуқур из қолдирган Лутфийни Навоий “Маликулкалом” (Сўз подшоси) деб атаган эди.

Лутфий ҳам ўзбек, ҳам форс тилида ижод этган. У бир қанча дostonлар битган бўлса ҳам бизга фақат “Гул ва Наврўз” дostonи етиб келган. Навоий Лутфийнинг маснавий билан ёзилган ўн минг байтдан ортиқ “Зафарнома” номли дostonи борлигини, лекин у оққа кўчирилмай, шуҳрат қозонмаганини ёзади. Манбаларда Лутфий ахлоқ-одобга оид “Машкун ул-ҳақойиқ” номли асар ёзгани ҳам қайд этилади.

МУҲАММАД СОЛИҲ (1455-1535) - ўзбек шоири, тарихчи ва давлат арбоби. 1455 йилда Хоразм ҳокими Нур Саидбек оиласида туғилган. Шу ерда бошланғич маълумот олгач, Ҳиротга келиб,

Абдурахмон Жомийдан таҳсил кўрган. 1490 йилгача Хуросонда Ҳусайин Бойқаро хизматида бўлиб, кейинчалик Бухоро ва Самарқандда темурийлар, 1499 йилдан бошлаб, Шайбонийхон хизматида бўлган ва “амирулумаро”, “маликушшуаро” унвонларига сазовор бўлган. Шайбонийхоннинг ҳарбий юришларида қатнашган. 1500 йил Шайбонийхон Бухорони эгаллаб, унга Муҳаммад Солиҳни ҳоким қилади. У Чоржуй, Нисо вилоятларида ҳам ҳокимлик қилган. 1507-1510 йилларда Ҳиротда яшаб, олим ва шоирлар билан ҳамкорлик қилади. Шоир 1535 йил Бухорода вафот этади.

Муҳаммад Солиҳнинг девони бизгача етиб келмаган. Унинг бизгача етиб келган “Шайбонийнома” номли назм билан ёзилган достони тарихий, этнографик ва географик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эгадир. Достон 880 мисра ва 76 бобдан иборат бўлиб, 5-6 йиллик темурийлар ва шайбонийлар тарихини ўз ичига олади.

РУИ ГОНСАЛЕС ДЕ КЛАВИХО (вафоти 1412 йил) - Кастилия ва Лион (Испания) қироли Генрих III (1390-1406) нинг Амир Темур саройига юборган элчиси. У бадавлат ва нуфузли оқсуяк оиладан чиққан. Отаси ҳам, ўзи ҳам қирол саройида йирик мансабда туришган. У қирол Генрих III нинг вафотидан (1406) кейин она шаҳри Мадридга кетиб қолади ва умрининг охиригача шу ерда истиқомат қилади.

Клавихонинг Амир Темур юртига қилган элчилик саёҳати 1403 йилнинг 22 майида бошланиб, ўн беш ой деганда Самарқандга етиб келади. Унинг Амир Темур ҳузурига қилган элчилик саёҳати жуда узоқ ва машаққатлар билан тўла сафар бўлди. Клавихо ва унинг ҳамроҳлари Испаниянинг жануби-шарқидаги Кадис шаҳридан елканли кемада Ўрта ер денгизи бўйлаб суздилар, сўнгра Стамбул, Трабзон, Арзирум, Табриз, Техрон, Машҳад, Марв ва Балх орқали Термизга, ундан Кеш орқали 1404 йилнинг 31 августида Самарқандга етиб келадилар.

Руи Гонсалес де Клавихонинг Амир Темур салтанатига қилган саёҳати тафсилотлари ҳақида ёзиб қолдирган “Кундалик”лари ватанимиз тарихига оид қимматли ва нодир тарихий манба ҳисобланади. “Кундалик”да ўша вақтларда Амир Темур қўл остидаги мамлакатлар ва шаҳарларнинг умумий аҳволи, халқнинг кун кечириши, Темур ва унинг яқинлари ташаббуси билан барпо этилган бинолар: қасрлар, масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар, савдо расталари, дўконлар, устахоналар; Темурийлар давлатининг

Хитой, Ҳиндистон, Олтин Ўрда, Мўғулистон ва бошқа мамлакатлар билан сиёсий ва савдо алоқалари, Темур саройида амалда бўлган тартиб-қоидалар ва ниҳоят, соҳибқироннинг хотинлари ва уларнинг мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни ҳақида эътиборга молик маълумотлар келтирилган.

УЛУҒБЕК МУҲАММАД ТАРАҒАЙ (1394-1449) - машҳур давлат арбоби ва буюк олим. Отаси Амир Темурнинг ўғли Шохруҳ Мирзо эди. 1447 йилда Шохруҳ Мирзо Ҳирот тахтини қўлга киритгач Мирзо Улуғбекни 1449 йилда Мовароуннаҳрга ҳукмдор қилиб қўяди. Улуғбек табиатан илм кишиси бўлганлиги сабабли давлат ва ҳарбий ишларга камроқ эътибор бериб, илм-фанга берилиб кетади. 1417-1420 йилларда Самарқандда ўз номидаги мадраса қурдиради. Бу мадраса фан ва маданият ўчоғига айланади. 1424-1428 йилларда Самарқанднинг Кўҳак деган жойида расадхона қурдиради. Улуғбек астрономия мактаби вужудга келади. Бу расадхонада ўз даврида мўъжиза ҳисобланган “Зижи жадиди Кўрагоний” деб аталган юлдузлар жадвали яратилади (1438). Улуғбек геометрия, тригонометрия ва математика билан ҳам шуғулланган. У Марказий Осиё халқлари тарихига оид “Тарихи арбаъ улус” (Тўрт улус тарихи) асарининг муаллифидир. Улуғбек шунингдек мусиқа илмига оид “Рисола дар илми мусиқа” ва Балужий, Шодиёна, Ахлоқий, Табризий, Усули равон, Усули отлиғ куйларини ҳам ижод қилган.

ҚОЗИЗОДА РУМИЙ (1360-1437) - йирик математик ва астроном. Кичик Осиёнинг Бурса шаҳрида (ҳозирги Туркиядаги шаҳар) туғилган. Хуросон ва Мовароуннаҳрда билим олган. Тахминан 1400 йилларда илм истаб ва илмий фаолиятини давом эттириш учун Самарқандга келади. (Амир Темурнинг Усмонли Туркларига қарши ҳарбий юришлари пайтида олиб келинган деган маълумотлар ҳам бор).

Амир Темур саройида бош астроном Мавлоно Аҳмаддан таълим олган. Мирзо Улуғбекнинг аниқ фанларга қизиқишига таъсир кўрсатган ва унга устозлик қилган. Улуғбек астрономик мактабининг яратилишида Қозизода Румийнинг хизмати жуда катта бўлган. Унинг ташаббуси билан Гиёсуддин Жамшид Коший ва бошқа олимлар Самарқандга таклиф қилинганлар. Улуғбек мадрасасида математика ва астрономиядан маърузалар қилган ва “Афлотуни замон” номини олган. Мирзо Улуғбек унинг дарсларида иштирок этган. Қозизода Румий Улуғбек расадхонаси

қурилишининг раҳбарларидан бири бўлган. Коший вафотидан сўнг мадрасанинг бошқарувчиси бўлган. Улуғбекнинг барча илмий тадбирларида, жумладан “Зижи Кўрагоний”ни тузишда иштирок этган.

Қозизода Румий “Рисола фи-л-ҳисоб” (Ҳисоб ҳақида рисола), “Шарҳи Мулаххис фи-л-ҳайъа” (Астрономияга оид “Қисқача рисола”нинг шарҳи), “Шарҳи ашкол ат-таъсис” (“Асосланган жумлалар” га шарҳ), “Рисолат ул-жайб” (Синус ҳақида рисола), “Мисоҳа” (Ўлчаш), “Шарҳ ат-тазкира”, “Рисола фи илм ил-ҳайъа” (Астрономия илми ҳақида рисола) каби ўнлаб асарларнинг муаллифидир.

МАВЗУ: ЎЗБЕК ХОНЛИКЛАРИ ДАВРИДА ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ПАРОКАНДАЛИК ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

АВАРИЗОТ - уруш пайтида деҳқонлардан ва шаҳарликлардан йиғиб олинadиган фавқулodда солиқ. Аваризод кўп ҳолларда пул тарзида ундирилган.

АВЛИЁ - ислом динида Оллоҳга яқин киши, ҳомий, “баңдаларнинг ҳомийси” маъноларини билдиради. Авлиё худонинг алоҳида илтифотидан баҳра олиб, илоҳий қудратга эга бўлган, одамларнинг ҳаётига, турмушига таъсир кўрсата оладиган киши ҳисобланган. Мана шунинг учун ҳам мусулмон авлиёларининг мозорларига сифинишган ва улардан мадад сўрашган.

АВРАНГБАРДОР - хон ва амирларнинг хизматкорларидан бири бўлиб, ҳарбий юриш пайтида хон ёки амир ёнида юрадиган киши. Аврангбардорнинг вазифаси тахти равон, яъни кўчма тахтни олиб юришдан иборат бўлган.

АЛАФ ПУЛИ - Ўрта Осиё хонликларида яйлов, бедазор, мевали боғ ва узумзорлардан олинadиган солиқ.

АДРА - Хива хонлигида суғорилмайдиган ерлар.

АМИН - 1. Бухоро амирлигида туман ёки қишлоқ оқсоқоли.

2. Хонлиқлар даврида бозорда сотувчилардан солиқ ундирувчи мансабдор.

АМИРИ ШИКОР - хонларнинг овини ташкил этувчи амалдор.

АМЛОК - 1. Хонлиқлар даврида давлат ерлари.

2. Ер эгалиги тури; мулклар, ер-сув, киши тасарруфидаги нарса ва буюмлар амлок деб юритилган. Хонлиқларда феодал ер

эгалигининг бир тури бўлиб, давлат олдидаги хизматлари учун шаҳзодалар, лашкарбошилар ва амалдорларга инъом қилинган ер-сув амлок дейилган.

АМЛОКДОР - Бухоро амирлигига қарашли энг кичик маъмурий бўлинма-амлокни бошқарувчи киши. Амлокдорлар бой табақа вакилларидан бўлиб, бек томонидан тайинланган. Амлокдорга бир неча қишлоқ қарам бўлган. Амлокдор қўлида котиб, мироб, амин, оқсоқоллар хизмат қилганлар. Амлокдорлар ўз ерларини деҳқонларга ижарага берганлар. Амлокдорлар хирож йиғиш, деҳқонлар етиштирадиган ҳосилни ҳисобга олиш, солиқ тўламаганларни жазоланш, жарима солиш каби ишлар билан шуғулланганлар.

АРБОБ - XVIII-XX аср бошларида Бухоро амирлигидаги қишлоқ ва шаҳарларда маҳалла бошлиғи, оқсоқол, қишлоқ мироблари бошлиғи.

АТТОР - дастлаб атир-ула ва бошқа хушбўй пардоз-андоз моллари сотувчи кишига нисбатан ишлатилган. Хонликлар даврида кундалик ҳаётда керак бўладиган барча майда-чуйда моллар билан савдо қиладиганлар ҳам атторлар деб юритилган.

АФАНАК ПУЛИ - Хива хонлигида бегар мажбуриятини ўташ ҳақида хабар берганлик учун тўланадиган ҳақ.

АШТАРХОНИЙЛАР (ЖОНИЙЛАР) СУЛОЛАСИ - Бухоро хонлигида Шайбонийлар сулоласининг ўрнига келган иккинчи сулола. 1556 йилда Астрахан (Ҳожитархон) хонлиги Россия томонидан босиб олингач, Жўжихон наслига мансуб бўлган Астрахан хони Ёрмуҳаммад ўз оила аъзолари ва қариндошлари билан Бухорога келади. Бухоро хони Искандархон (1561-1583) Ёрмуҳаммад ва унинг ҳамроҳларига ўз мамлакатидан бошпана беради. Ёрмуҳаммадхоннинг ўғли Жонибек Султонга ўз қизи Зухраҳонимни хотинликка беради. Шу никоҳдан уч ўғил (Динмуҳаммад, Боқимуҳаммад, Валимуҳаммад) дунёга келади. Бухоро хони Абдулмўмин ўлдирилгандан сўнг Шайбонийлар наслдан валиаҳд йўқлиги учун Жонибекнинг ўғли 1601 йилда Боқимуҳаммад хон тахтига ўтиради. Шундан сўнг Бухоро хонлигида Аштархонийлар (жонийлар) сулоласининг ҳукмронлиги бошланади.

Ўзбек давлатчилиги тарихида Аштархонийлар даври давлатчилик асосларининг емирилиши, феодал тарқоқлик ва парокандаликнинг кучайиши билан характерланади.

Сулола вакиллари: Боқимуҳаммадхон (1601-1605), Валимуҳаммадхон (1605-1610), Имомқулихон (1611-1642), Нодирмуҳаммадхон (1642-1645), Абдулазизхон (1645-1680), Субхонқулихон (1680-1702), Убайдуллахон (1702-1711), Абулфайзхон (1711-1747), Абдулмўмин (1747-1748), Убайдуллахон II (1748-1753)

АХЪЯ - Хива хонлигида сугориладиган ерлар.

АЪЛАМ - диний ва қозихона унвони. Шариат илмида етук бўлган олимларга берилган. Аълам мадрасаларда дарс бериши шарт бўлган.

БАДАХШОН - Амударёнинг юқори оқимида, унинг ҳар икки соҳилида жойлашган тоғлик мамлакат. Файзобод унинг пойтахти бўлган.

БАКОВУЛ - Бухоро амирлигида сарой ошхонасини бошқарадиган амалдор.

БИЙ (БЕК) - I. кўчманчи ва ярим кўчманчи туркий халқларнинг, жумладан ўзбекларнинг уруғ оқсоқолларига берилган унвон. Бийлар XVIII-XIX асрларда йирик ўзбек қабилаларига бошчилик қилиб, фақат марказий ҳокимиятга итоат этган. Хонлар улар билан муросада бўлишга ҳаракат қилиб уларга турли унвонлар бериб, мансабларга тайинлашган. Бий унвони авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтган.

2. Ўрта Осиё хонлиқларида муайян туман ёки шаҳар ҳокими.

БОБУРИЙЛАР - Ҳиндистонда 1526 йилдан 1858 йилга қадар ҳукмронлик қилган сулола. Унга Темурийлардан Заҳриддин Муҳаммад Бобур асос солди. Бобурийлар Ҳиндистонда 332 йил ҳукмронлик қилишди. Охириги Бобурий Баҳодиршоҳ II (1837-1858) ни инглиз мустамлакачилари тахтдан ағдариб Ҳиндистонни ўз мустамлакасига айлантирадилар.

Бобурийлар сулоласининг вакиллари: Бобур (1526-1530), Хумоюн (1530-1556), Акбаршоҳ (1556-1605), Жаҳонгир (1605-1628), Шоҳжаҳон (1628-1658), Аврангзеб (1659-1707), Баҳодиршоҳ (1707-1712), Жаҳондоршоҳ (1712-1713), Фаррух Сияр (1713-1719), Муҳаммадшоҳ (1719-1748), Аҳмадшоҳ (1748-1754), Оламгир (1754-1760), Шоҳ Олам (1760-1788), Бидар Бахт (1788), Шоҳ Олам (1788-1806), Акбар II (1806-1837), Баҳодиршоҳ II (1838-1858).

БОТМОН - Шарқ мамлакатларида жумладан, Ўрта Осиёда қадимги даврда ва ўрта асрларда мавжуд бўлган оғирлик ўлчов

бирлиги. Турли даврларда турли жойларда ботмоннинг миқдори ўзгариб турган. Масалан: XIV-XV асрларда у тахминан 20 кг га тенг бўлган. XIX асрда ботмон Хивада 20,16 кг дан 40,95 кг , Фарғонада 131,44 кг дан 163,800 кг гача, Тошкентда 171,99 кг га тенг бўлган.

Ўрта Осиёда ботмон шунингдек ер ўлчови сифатида ҳам қўлланилган, яъни бир ботмон оғирликдаги буғдой сепилиши мумкин бўлган ер бир ботмон ҳисобланган. Бу тахминан бир гектарга тенг ўлчов бирлиги бўлган.

БУХОРО ХОНЛИГИ - Темурийлар давлатининг инқирозидан бошлаб Ватанимиз тарихининг Хонликлар даври бошланди. Бухоро хонлиги расман 1510 йилдан 1920 йилгача мавжуд бўлди. Бухоро хонлигида учта сулола ҳукмронлик қилди. Булар: Шайбонийлар сулоласи (1510-1601), Аштархонийлар сулоласи (1601-1753) ва Манғитлар сулоласи (1753-1920). Шайбонийлар ва Аштархонийлар сулоласидан чиққан ҳукмдорлар насл-насаби жиҳатидан Чингизхон (1151-1227) нинг узоқ авлодлари ҳисобланардилар. Шунинг учун ҳам улар “хон” унвони билан юритилганлар. Бухоро пойтахт қилиб белгиланиши туфайли давлатнинг расмий номи тарихий адабиётларда Бухоро хонлиги номини олди. Манғитлар сулоласи маҳаллий қабилалардан чиққан бўлиб, Чингизхонга қариндош ҳисобланмас эди. Шунинг учун ҳам сулола вакиллари ўзларини “хон” эмас, балки “амир” деб атадилар. Давлатнинг расмий номи ҳам Бухоро Амирлиги деб юритилди. Охириги Бухоро амири 1920 йилда тахтдан ағдарилади.

ВАҚФ ЕРЛАРИ (арабча луғавий маъноси тўхташ, пауза) - ўрта асрларда масжид, мазор, ханақо, мадраса ва мақбаралар учун ажратилган ерлар. Бундай ерлар мусодара этилган, давлат ҳамда йирик ер эгалари томонидан ҳаётияти этилган ерлар ҳисобига вужудга келтирилган эди. Масжид, мадраса, қабристонларнинг асосий сарф-харажатлари, шунингдек, талаба, мударрис ҳамда мутаваллиларга бериладиган нафақа ва маошлар ҳаммаси вақф ерларидан олинадиган даромад ҳисобидан қопланар эди. Вақф мулкларини мутаваллилар бошқарганлар.

Ҳозирда Ўзбекистонда вақфлар тугатилган. Аммо хорижий Шарқдаги барча мусулмон мамлакатларида ҳозиргача вақф мавжуд.

ГАЗ - Шарқ мамлакатларида тахминан 62 см дан-91 см га тенг бўлган узунлик ўлчов бирлиги.

ДАРБОН - Бухоро амири қароргоҳи эшигида турувчи соқчи.

ДАФТАРДОР - Қўқон хонлигида хоннинг шахсий даромади ҳисоб-китобини олиб боровчи амалдор. Дафтардор ҳазиначига ахборот бериб турган.

ДАШТИ ҚИПЧОҚ - Сирдарёнинг қуйи оқими ҳамда Тяньшаннинг ғарбий ёнбағридан Днепр дарёсининг қуйи оқимларигача бўлган ҳудудларнинг XI-XVI асрлардаги номи. Бу ерларда кўчманчи қипчоқ қабилалари яшагани учун шундай ном олган.

ДЕВОНБЕГИ - девон бошлиғи. Ўрта асрларда солиқ йиғувчи муассаса бошлиғи бўлиб, кейинчалик унга мамлакатнинг барча молия ишлари юклатилган.

Бухоро хонлигида девонбеги бош вазир бўлиб, хондан кейинги иккинчи шахс ҳисобланган. Хонликнинг молия-ҳазина ишларини бошқарган. Солиқлар ундирилиши устидан назоратни ҳам девонбегилар олиб борган.

ДЕВОРЗАН - пахсакаш, лой ва гиштдан девор урувчи.

ДЕГРЕЗ - чўяндан қозон қуювчи.

ДОДҲОҲ - Ўрта Осиё хонликларида юқори мартабалардан бири бўлган. Бухоро амирлигида амир саройининг юқори лавозимларидан бири бўлиб, у Бухородаги юқори хизмат доирасидаги 10 тоифа (даража) даги мансаб ҳисобланган. Унинг вазифасига амир номига ёзилган ариза-шикоятларни қабул қилиб олиш ва уларнинг эгаларига ёзма ёки оғзаки жавоб қайтариш бўлган. Шунингдек у элчиларни қабул қилиш, элчилик юмушларини ташкил этиш ва хатто шахсан элчи сифатида бошқа мамлакатларга бориб келиш каби тадбирларни ҳам амалга оширгани маълум.

ДОРУҒА - I. Ҳоким. Мўғуллар, темурийлар ва шайбонийлар ҳукмронлиги даврида доруғалар вилоят, шаҳар ҳокими бўлишган. Уларнинг зиммасига вилоят ва шаҳарни идора қилиш, мудофаа қилиш, аҳолини рўйхатга олиш, улардан солиқ ундириш вазифалари юклатилган.

2. Миршаблар бошлиғи. Сўнгги ўрта асрларда Ўрта Осиё хонликларида миршаблар бошлиғи доруға деб юритилган.

ДОРГОҲ - Шайбонийлар ҳукмронлиги даврида олий давлат идораси. Доргоҳ тепасида хон турган.

ЖИРОВ - қорақалпоқларда ўлан, достон айтувчи бахши.

ЖОНИЙЛАР СУЛОЛАСИ - қаранг: *Аштархонийлар сулоласи*.

ЖУЛ - Бухоро амирлигида уруш учун олинадиган солиқ тури.

ЖУФТИГОВ - қўш ҳўкиз ёрдамида бир кунда ҳайдаладиган ер (8-9 гектарга яқин)

ЖўЙБОРИ ШАЙХЛАРИ - Бухоро яқинидаги Жўйбор қишлоғидан чиққан шайхлар хонадони. Улар ўзларининг келиб чиқишини ота томонидан Муҳаммад пайғамбар авлодларига, она томонидан эса Чингизхон ва Жўжига улар эдилар. Аслзодалик ва тасаввуф тариқатидаги мавқеига кўра Жўйбор шайхлари сомонийлар давридан бошлабоқ давлат ишларида муҳим мансабларни эгаллаб келар эдилар. XVI асрнинг иккинчи ярмидан жўйборий шайхлари Бухоро хонлигида катта таъсир кучига эга бўлганлар. Шайх Муҳаммад Ислоом (1493-1563), кейинчалик унинг ўғли Шайх Абубакр Саъд Бухорода шайхулислом лавозимини эгаллаганлар.

ИНОҚ - туркий сўз бўлиб, дўстона, яқин одам, ишончли вакил, ишончли мансаб эгаси маъноларини англатган. Одатда иноқлар хоннинг энг яқин маслаҳатчилари бўлишган. Хива хонлигида иноқлар йирик амалдор, яъни қабила бошлиғи ҳисобланган. Иноқлар ҳузурда қушбеги, меҳтар ва оталиқдан иборат кенгаш бўлган ҳамда улар амалий тадбирлар ишлаб чиқишда хонга ёрдам берганлар.

Бухоро амирлигида иноқ юқори 11 тоифадаги мартабалардан ҳисобланган. Иноқнинг вазифаси амир фармойишларини беклардан бошқа табақага етказишдан иборат бўлган.

ИСФАҲОН - Фарбий Эрон (Ироқи Ажам) нинг йирик шаҳарларидан; Сафавийлар давлати (1502-1736) нинг пойтахти.

ИХРОЖОТ - Бухоро хонлиги (Шайбонийлар) даврида давлат муассасалари, қўшин ва хон хонадони харажатларини қоплаш учун тўланадиган солиқ.

ИЧАН ҚАЛЪА - Хива хонлигининг пойтахти Хива шаҳрининг ички қалъаси; Шаҳристон. Ичан қалъада хон саройи, аслзодалар яшайдиган маскан, мақбара, мадраса, масжидлар жойлашган. Унинг умумий майдони 26 гектар. Деворининг узунлиги 2200 метр.

“ЙИФИМ СОЛИҚ” - Қўқон хонлигида кўчманчи қабилалардан олинадиган солиқ-закот тури. У закот тўламайдиган бойлар ва улар қариндошларининг бекка берадиган 9 буюмдан иборат инъомларидан иборат бўлган.

КАФСАН - хон отларининг ем-хашаги учун аҳolidан олинадиган солиқ.

КИТОБДОР - Бухоро амирлигида амир кутубхонаси ва барча вилоятлар китобдорлари бошлиғи.

КОРАНДАЛАР - Қўқон хонлигида ҳосилнинг ярмини олиш учун ёлланиб ишловчи деҳқонлар.

КЎКАЛДОШ - олий ҳукмдорга ва расмий сулолага энг яқин кишилардан тайинланган. Одатда кўкалдошнинг ижтимоий моҳияти расмий сулоланинг бирон вакили билан бир онани эмганлик билан тушунтирилади. Демак кўкалдош доргоҳнинг энг ишончли кишиларидан ҳисобланиб, унга топшириладиган вазифалар ҳам шу қадар нозик ва масъулиятли бўлган. Кўкалдош хон сиёсатига фуқароларнинг муносабатини ўрганган ва бу сиёсатнинг даҳлсизлиги таъминлаган.

КЎЧМАНЧИ ЎЗБЕКЛАР ДАВЛАТИ - Жанубий-Ғарбий Сибирда Абулхайрхон асос солган (1428) давлат. Пойтахти Тура шаҳри бўлган. Абулхайрхон жуда қисқа вақт ичида майда қисмларга бўлиниб кетган Шайбон улусининг катта қисмида ўз ҳукмронлигини ўрнатишга эришган. 1468 йилда Абулхайрхон вафот этгач бу давлат парчаланиб кетади. Фақат унинг набираси Муҳаммад Шайбонийхон XV асрнинг 80-йилларида бу давлатни қайта бирлаштиришга муваффақ бўлади ва Темурийлар давлатига истилочилик юришларини бошлаб, Темурийлардан ҳокимиятни тортиб олишга муваффақ бўлади.

МАНҒИТЛАР СУЛОЛАСИ - Бухоро хонлигида ҳукмронлик қилган Аштархонийлар сулоласидан кейинги учинчи сулола. Аштархонийлар сулоласи давридаёқ ўзбек қабилаларидан манғитлар ва қўнғиротларнинг саройдаги нуфузи баланц эди. Абулфайзхон даврида (1711-1747) манғитлардан бўлган Муҳаммад Ҳакимбий барча шаҳзодалар оталиқларининг бошлиғи деб тан олинади. 1740 йилда Нодиршоҳ бошлиқ Эрон қўшинлари Бухорога бостириб кирганида Муҳаммад Ҳакимбий Нодиршоҳ томонига ўтиб кетади. Эронга таслим бўлиш ҳақидаги шартнома имзолангач, Муҳаммад Ҳакимбий Бухородаги энг нуфузли шахсга айланиб қушбеги (бош вазир) лавозимини эгаллайди. Бутун ҳокимият амалда унинг қўлида тўпланди. 1743 йилда Муҳаммад Ҳакимбий вафот этгач, “қўғирчоқ хон”га айланган Абулфайзхон унинг ўғли Муҳаммад Раҳимбийга бош вазирлик лавозимини беришга мажбур бўлади. Муҳаммад Раҳимбий Бухоро аслзодалари ва руҳонийларининг қўллаб-қувватлаши билан 1753 йилда ўзини Бухоро хони деб эълон қилади. Бироқ, манғитлар

хон наслига мансуб бўлмаганлиги учун ундан кейинги манғит ҳукмдорлари ўзларини хон деб эмас, амир деб атаганлар. Охирги Бухоро амири Олимхон 1920 йилда большевиклар томонидан уюштирилган сунъий “инқилоб” натижасида тахтдан ағдарилган.

Манғитлар сулоласи вакиллари: Муҳаммад Рахимхон (1753-1758), Дониёлбий (1758-1785), Шоҳмурод (1785-1800), Амир Ҳайдар (1800-1826), Амир Насрулло (1826-1860), Амир Музаффар (1860-1885), Абдулаҳадхон (1885-1910), Амир Олимхон (1910-1920).

МЕҲТАР - 1. форсча “улуғ”, “катта” деган маънони англатиб, хон ва подшоҳга тегишли бирон кичик муассаса, корхона бошлиғи; масалан: меҳтари кутубхона, меҳтари тушакхона.

2. Ўрта асрларда сарой созандаларининг бошлиғи, етакчи созанда. Темурийлар замонида меҳтарлар ногорачилардан кейинчалик сурнайчилардан тайинланган.

3. Бухоро амирлигида закотчилар бошлиғи. Қўқон ва Хива хонликларида давлат хизматчиси.

МИНГБОШИ - ҳарбий ва маъмурий унвон. Қўқон хонлигида хондан кейинги ўринда турувчи мансаб. Асосан ҳарбий ишлар билан шуғулланган ва у Қўқон армиясига қўмондонлик қилган. Хива хонлигида мингбошилиқ энг кичик амал ҳисобланган. Ўрта Осиё Чор Россияси томонидан босиб олингунига қадар Тошкент, Оқмасжид каби шаҳарларнинг ҳокимлари ҳам мингбоши деб аталган. Чор Россияси ҳукмронлиги йилларида Тошкент даҳаларининг бошлиқлари ҳам мингбоши деб юритилган.

МИРЗАБОШИ - саройнинг йирик мансабдорларидан бири. Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлигида амир саройида девонхона ҳокими бўлиб, мирзалар бошлиғи ҳисобланган.

МИРОБ - Ўрта Осиё ҳудудидаги давлатларда, хусусан хонликларда сув тақсимоти ва суғориш тизими устидан назорат қилувчи шахс. Мироблик мансаби авлоддан авлодга ўтган. Кузда мироблар учун деҳқонлардан миробона солиғи ундирилган.

МИРОХУР - Бухоро амирлигида юқори босқичдаги б-даражали мансаб бўлиб, олий ҳукмдорга тегишли йилқи, от-улов ва уларнинг таъминоти билан шуғулланган. Мирохур дастурхончи ва парвоначидан кейинги мансабдор шахс ҳисобланган.

МИРШАБ - Ўрта Осиё хонликлари шаҳарларида жамоат тартибини сақловчи лавозим бўлиб, одатда шаҳарнинг кечки

хўжайини мири-шаб деб ҳам юритилган. Миршаб ўз ишига асосан кечкурун соат 6 дан кейин киришган, чунки бу даврда барча шаҳар бозорлари ёпилиб, бир соатдан сўнг шаҳар дарвозалари беркитилиб, шаҳар сув қуйгандек жим-жит бўлган. Тунги тартиб-қонидани бузган фуқаролар миршабхонага келтирилиб жазоланганлар.

МОЛ - Темурийлар даврида ва кейинчалик ўзбек хонликлари даврида деҳқонлардан олинадиган ер солиғи-хирож. XVI-XVIII аср ёзма манбаларида бу солиқ тури “молижиҳот” ёки “мол ва жиҳот” деб ҳам юритилиб, асосан маҳсулот тарзида ҳосилнинг 1/3 қисми ҳажмида тўланган. Аммо баъзи бир пайтлар вазиятга қараб ҳосилнинг 1/4, 1/5, 1/2 миқдорида ҳам ундирилган.

МОЛИ ОМОН(ОМОН ПУЛИ) - ўрта асрларда маълум шаҳар талон-тарож қилинган ёки аҳолидан унинг эвазига моли омон (товон) олинган.

МУЛКИ ХУРРИ ҚОЛИС - Бухоро хонлигида мавжуд бўлган мулк ер эгалигининг иккинчи бир тури. У давлат хизмати билан боғлиқ бўлиб, бундай ерлар урушларда жасорат кўрсатган ёки ҳукмдорнинг алоҳида топшириқларини бажаришда намуна кўрсатган шахсларга бериш натижасида вужудга келган. Ерларга эга бўлган кишиларга махсус ёрлиқлар берилган ҳамда улар барча солиқлардан озод этилганлар.

МУНШИ - Ўрта Осиё хонликлари даврида хонлар ва айрим ҳокимларнинг шахсий котиби. Мунши лавозимига одатда, маълумотли ва чиройли ёзадиган кишиларгина олинган.

МУТАВАЛЛИ - вақф муассасаларининг бошлиқлари. Мутаваллилар садрларга бўйсунганлар.

МУФТИЙ - мусулмон дунёсида олий мартабали руҳоний. Муфтий диний-ҳуқуқий масалаларни изоҳлаш, талқин этиш, шариатни тадбиқ этиш масалаларида ҳал қилувчи ҳуқуққа эга. Муфтий қозикалон мураккаб деб ҳисобловчи турли диний ва ҳуқуқий масалалар бўйича шариатга асосланиб фатво (қарор) чиқарган. Бу фатво унинг ёки бир неча муфтийнинг муҳри билан тасдиқлангач, қозига берилар эди. Қози бу фатвога асосланган ҳолда ҳукм чиқарган.

Шарқнинг мусулмон мамлакатларида муфтийлик ҳукумат тайинлайдиган расмий лавозим ҳисобланади.

МУХТАСИБ - мусулмон мамлакатларидаги амалдор. Кўпинча сайидлардан тайинланган. У аҳолининг урф-одатларга амал қилиши

ҳамда бозорлардаги нарх-наво ва ўлчов-асбобларининг тўғрилиги устидан назорат олиб борган. Айни пайтда мухтасиб амалдорлар ва ҳатто дин пешволари орасида ахлоқий қоидаларга қанчалик муносабатда бўлинаётганлиги масаласи билан ҳам шуғулланган. Бухоро амирлигида мухтасиб раис деб ҳам юритилган.

МУШРИФ - Бухоро амирлигида хонга инъом этилган буюмларни ҳамда ҳарбий анжомларни рўйхатга олган, солиқ тушумларини ёзиб борган амалдор.

МУШРИФОНА - Ўрта Осиё хонликларида ҳосилни текширувчи ва унинг миқдорини аниқловчи амалдорга тўланадиган ҳақ.

“НАЖМИ СОНИЙ” - иккинчи юлдуз. Эрон шоҳи Исмоил Сафавийнинг Бобурга кўчманчи ўзбекларга қарши курашда ёрдам бериш учун 1513 йилда юборган саркардаси амир Аҳмаднинг лақоби.

НАҚИБ - ўзларини Муҳаммад Пайғамбарнинг авлодлари деб ҳисоблайдиган сайидлар жамоаларининг етакчилари, раҳбарларининг лавозими. Нақиб лавозим сифатида араб халифалиги даврида вужудга келган бўлиб, ҳукмрон доиралар нақиб орқали сайидлар жамоалари билан муомала қилганлар.

Шайбонийлар даврида нақиб мансабининг аҳамияти янада кучайган ва девонбегидан кейинги иккинчи муҳим давлат мансабига айланган. Нақиб хоннинг энг яқин ва ишончли кишиларидан ҳисобланган. Расмий қабул маросимларида унинг олий ҳукмдор чап томонидан биринчи бўлиб жой олиши нақибнинг саройда тутган юксак мақомидан далолат беради. Хоннинг фармон-ёрлиқларида ҳам нақиб номи биринчи бўлиб зикр этилган. Давлатнинг ички ва ташқи сиёсати ва ҳарбий масалаларда олий ҳукмдорнинг биринчи маслаҳатчиси сифатида қаралган нақибларга масъулиятли элчилик вазифалари ҳам юклатилган.

ОСИЁ ПУЛИ - тегирмон пули ҳам дейилган. Бухоро амирлигида ҳар бир сув тегирмонидан йилига 20 тангадан 100 тангагача бўлган миқдорда олинадиган солиқ.

ОТАЛИҚ - отасининг ўрнини босмоқ мазмунини берувчи мансаб. Дастлаб Салжуқийлар сулоласи даврида (1038-1194) ҳукмдор эътиборини қозонган кишиларга берилган. Оталиқнинг вазифаси шаҳзода ёки хонзодаларни тарбиялаш ва улар ихтиёридаги улусни балоғатга етганларига қадар бошқаришдан

иборат бўлган. Тарихда баъзи оталиқлар ҳокимиятни ўз қўлларига олган ҳоллари ҳам бўлган. Чунончи Аштархонийлар сулоласи даврида (1601-1753) Балхда Маҳмудбий оталиқ (XVIII аср бошларида), Манғитлар сулоласи ҳукмронлиги даврида (1753-1920) Бухорода Муҳаммад Раҳим оталиқ (1753-1758) мана шундай йўл билан ҳокимиятни эгаллаган эдилар.

ОТЛАНУВ - Хива хонлигида аҳолининг хон овида қатнашиш учун ланкарликка келиш мажбурияти.

ОФТОБАЧИ - Ўрта Осиё хонликлари даврида саройда ҳукмдорнинг қўлига сув қуювчи шахс бўлиб, юқори мавқега эга бўлган лавозимлардан бири ҳисобланган. Офтобачи давлат ишлари билан шуғулланувчи мансабдор ҳам бўлган. Масалан, Қўқон хонлигида Худоёрхон даврида Абдурахмон офтобачи масъулиятли давлат топшириқларини адо этган.

ОШЛИҚ СОЛИФИ - уруш пайтида аҳолидан йиғиладиган солиқ.

ПАРВОНАЧИ - XVII-XVIII асрларда Бухоро хонлигида мавжуд бўлган мансаб, вазир муовини, фармон ижро қилувчи. Парвоначи хон фармонлари, ёрлиқлари ва бошқа расмий ҳужжатларини ёзиб, тегишли кишиларга етказиб турган. Юқори мансабга тайинланган амалдор парвоначи томонидан битилган фармонни уч кун мобайнида ўз салласига қистириб юриши лозим бўлган.

ПОНСАД - Ўрта Осиё хонликларида қўлланилган ҳарбий унвон. Понсад 500 кишидан иборат отрядга қўмондонлик қилган. Қўқон хонлигида мавжуд бўлган мансаблар ичида 16- ўринда, ҳарбий унвонлар орасида эса мингбошидан кейинги ўринда турган.

САДРЛАР - инъом этилган вақф мулкларини бошқарувчилар. Вақф муассасаларининг бошлиқлари бўлган мутаваллилар садрларга бўйсунганлар. Садрларнинг вазифа ва ҳуқуқлари вақф ёрлиғи шартларида қайд этиб қўйилган. Садрлар вақф хўжалиғи даромадининг маълум қисмини олганлар.

САЙИД - Муҳаммад Пайғамбарнинг неваралари, Алининг ўғиллари Хасан ва Хусаннинг бутун авлодлари исмига қўйиладиган фахрий унвон. Сайидларнинг қизига уйланган кишининг фарзандлари ҳам сайид ҳисобланган. Манғитлар сулоласининг сўнги вакили Сайид Олимхон ҳам она томондан Алининг авлоди ҳисобланган.

САЎФУТ - Хива хонлигидаги асосий солиқ тури-ер солиғи.

САРДОБА - қудуқ ёки ҳовуз устига пишган гиштан баланд қилиб, гумбазсимон шаклда қурилган иншоот бўлиб, унга зиналар орқали тушилган. Сардоба ичида ҳаво айланиши яхши бўлгани учун жазирама иссиқда ҳам унинг ичи салқин, суви эса ниҳоятда муздак бўлган. Сардобалар асосан қарвон йўлларида қурилган.

САРКОР - Қўқон хонлигида иноқ билан бирга ҳазинага тушадиган маҳсулотни сақлаб туриш вазифасини бажарган амалдор.

САРОЙ ҚУТВОЛИ - Бухоро хонлигида (Аштархонийлар даврида) давлат томонидан гайинланган махсус амалдор бўлиб, давлат қурилишларига жавобгар бўлган. У арқ қурилишлари, қалъа деворлари ва иморатларини таъмирлаш ишлари билан шуғулланган ва унга жавоб берган.

САФАВИЙЛАР - Темурийлар салтанатининг инқирози натижасида Эронда вужудга келиб, 1502-1736 йилларда ҳукмронлик қилган сулола. Асосчиси Исмоил Сафавий (1502-1524). Табриз (Озарбайжон) бу давлатнинг пойтахти деб эълон қилинган. Аббос I (1587-1629) ва Сафи I (1629-1642)лар даврида Сафавийлар давлати ўз қудратининг чўққисига кўтарилган. Бу давлатнинг таркибига Эрондан ташқари Озарбайжон, Арманистоннинг бир қисми, Афғонистон, Ироқ Арабистони ва бошқа ҳудудлар кирган. Аббос I даврида пойтахт Исфаҳонга кўчирилган.

Сафавийлар сулоласини 1736 йилда Нодиршоҳ Афшор (1736-1747) босиб олади.

Сафавийлар сулоласининг вакиллари: Исмоил I (1502-1524), Тахмосп (1524-1576), Исмоил II (1576-1577), Муҳаммад (1578-1587), Аббос I (1587-1629), Сафи I (1629-1642), Аббос II (1642-1666), Сулаймон (1666-1694), Султон Хусайин (1694-1722), Тахмосп II (1722-1732), Аббос III (1732-1736).

СЎҚИШ СОЛИҒИ - ҳар бир кўчманчининг ўз хўжайинига сўйиб бериши керак бўлган солиқ.

ТАНОБ - Ўрта Осиё хонликларида экин майдонларини ўлчаш учун ишлатиладиган юза бирлиги. 1 таноб-3600 метр куб. Таноб турли ерда турлича бўлган: бир гектарнинг олтидан бирдан то ярим гектаргача бўлган ер майдони.

ТАНОБЧИ - Ўрта Осиё хонликларида ҳосилдан олинадиган солиқлар ҳажмини белгиловчи амалдор.

ТАНОБОНА - Бухоро амирлигида тоқзор, йўнғичқа (беда) ва мевали дарахтзорлардан йилда бир марта тўланадиган солиқ тури. XIX аср бошларида ҳар таноб ердан бир тиллодан, ёки 40 танга танобона ундирилган.

ТАНҲО - XVI асрдан бошлаб хонликларда давлат ерларини асосан ҳарбий хизматда бўлган кишиларга инъом этиш усули. Бундай инъомга сазовор бўлган киши ернинг ўзига эмас, шу ердан олинадиган даромаднинг эгаси бўлган. XIX асрнинг биринчи чорағига келганда Бухоро амирлигида танҳодорларнинг сони 36 минг нафарга етган. Энг кичик танҳо ери 3-5 гектарни ташкил этган.

ТАШТҲОНА - Ўрта асрларда подшолар саройида идиш-тавоқ ва бошқа меҳмондорчилик анжомлари сақланадиган хона.

ТОШ - ўрта асрлардаги масофа ўлчов бирлиги. 8 чақиримга яқин, 8,5 километр атрофидаги масофа.

ТОҒОР СОЛИҒИ - қўшиннинг таъминоти учун тўланадиган озиқ-овқат солиғи.

“ТУТУН ҲАҚИ” - Қўқон хонлигида кўчманчи қабилалардан олинадиган солиқ-закот тури. Бу баҳор келганда янги ўтлоқларга кўчипдан олдин хонадон бошига биттадан қўй билан олинадиган солиқ.

ТЎЛҒАМА - душман қўшинларининг қанотини айланиб ўтиб, орқадан ҳужум қилиш жанг услуби. Шайбонийхон бошлиқ кўчманчи ўзбеклар темурийлар билан бўлган жангларда шу ҳарбий тактикани қўллаб, қатор жангларда темурийларни саросимага туширганлар.

ТЎПЧИБОШИ - ҳарбий лавозим. Ўрта Осиё хонликларида ҳарбий ишларни бошқарган шахс. Бухоро амирлигида иккита тўпчибоши унвони бўлган; бири “тўпчибошийи лашкар” номи билан аталиб, Бухоро гарнизонининг бошлиғи бўлган. Уни “вазири ҳарб” - ҳарбий вазир ҳам дейишган. Иккинчи тўпчибоши пойтахт қалъасининг комендантга бўлган. Уни тўпчибошийи арки-оли, яъни қалъа артиллериясининг бошлиғи деб аташган.

ТЎҚСОБО - ҳарбий унвон. XVI-XVIII асрларда Ўрта Осиё хонликларида хон байроғини қўриқлаган махсус ҳарбий қисм бошлиғи. XIX асрда 500 кишилик ҳарбий қисм бошлиғи.

УДАЙЧИ - асли “ҳидоятчи” бўлиб, Хива ва Қўқон хонликлари, ҳамда Бухоро амирлигида саройда тантанали маросимларни ташкил этувчи ва уни ўтказишга жавобгар

шахсининг лавозими бўлиб, у Бухоро амирлигида доимо амир ҳузурида бўлиб, давлат ишлари ҳақида амирга доимий ахборот бериб турган. Шунингдек, унинг хизматига бошқа давлатлардан келган элчилар ва давлат вакиллари хон олдига бирга ҳамроҳлик қилиб олиб кериш юклатилган. Бошқа амалдорлардан фарқ қилиш учун ҳасса тутган.

ХИВА ХОНЛИГИ - Хоразм ҳудудларини Шайбонийхон 1505 йилда эгаллашга муваффақ бўлган эди. Шайбонийхон вафот этгач (1510) Хоразмнинг муътабар зотлари мамлакат тахтига Чингизхоннинг набираси Шайбон авлодларидан бўлган Берка Султоннинг ўғли Элбарсхонни ўтқозишга қарор қиладилар. Берка Султон Муҳаммад Шайбонийхон хонадонига қариндош ҳисобланар эди. Кўчманчи ўзбеклар сулоласининг биринчи вакили Элбарсхон даврида (1511-1516) пойтахт Вазир шаҳридан Урганч шаҳрига кўчирилади. Амударё ўз ўзанини ўзгартириб шимолга-Орол денгизига қараб оқа бошлагач, Араб Муҳаммадхон (1602-1621) пойтахтни Кўхна Урганчдан Хива шаҳрига кўчиради. Пойтахт Хива шаҳри қилиб белгиланиши муносабати билан давлатнинг расмий номи тарихий адабиётларда Хива хонлиги деб юритила бошланди.

Хива хонлиги 1511 йилдан 1920 йилгача мавжуд бўлиб, унда иккита сулола алмашди. Булар Кўчманчи Ўзбеклар сулоласи (1511-1770) ва Кўнғиротлар сулоласи (1770-1920).

Кўнғиротлар сулоласининг вакиллари: Муҳаммад Амин (1770-1790), Аваз (1790-1804), Элтузар (1804-1806), Муҳаммад Рахимхон (1806-1825), Оллоқулихон (1825-1843), Рахимқулихон (1843-1846), Муҳаммад Аминхон (1846-1855), Абдуллахон (1855-1856), Кутлугмуродхон (1856), Саид Муҳаммадхон (1856-1864), Муҳаммад Рахимхон II (1864-1910), Асфандиёрхон (1910-1918), Саид Абдуллахон (1918-1920).

ХОН ЯСОВУЛИ - Бухоро хонлигида сулола ички муносабатларига оид тадбирлар, чунончи олий ҳукмдор билан шаҳзодалар ўртасидаги алоқаларни тегишли тартиб асосида йўлга қўйиш ишини бошқарган. Шаҳзодаларни хон томонидан қабул қилиш, уларнинг илтимос ва арзларини хонга етказиш ҳам хон ясовулининг вазифаси доирасига кирган.

ФАРРОШ - асл маъноси “гилам тўшовчи”. Ҳукмдорлар ва феодал аслзодалар ҳузуридаги кичик сарой хизматчиси ҳисобланган. Унинг зиммасига меҳмон кутиш учун зарур бўлган

барча анжомларни ҳозирлаш вазифаси юклатилган. Шунингдек, вақт ўгиши билан унинг маъноси ҳам кенгайиб борган. Жумладан, сўнги ўрта асрларда Бухоро амирлигида амир ошхонасининг бошлиғи, бош пазанда маъносида қўлланилган бўлса, Хива хонлигида сарой ҳовлиларини супурувчи маъносида, ҳамда Ўрта Осиёдаги мадраса ва масжидларда супуриб-сидириб турувчи, гиламлар ва тўшакларни тўшовчи хизматкор маъносида ҳам қўлланилган.

ЧИБИК ПУЛИ - Хива хонлигида оммовий ишларда қатнашишдан озод этилгани учун тўланадиган ҳақ.

ЧОПАР ПУЛИ - хонликларда солиқ йиғиш хабарини етказганлик учун тўланадиган солиқ.

ЧОРИКОР - ҳосилнинг тўртдан бир улушига ишловчи шахс. ХХ асрнинг бошларига қадар феодаллар ва бойларнинг ерларини ижарага олиб экин экувчи ва ерда ишловчи ерсиз деҳқон. Агар деҳқон ерга ўз от улови билан ишлов берса, ҳосилнинг иккидан бир қисмини олган.

ЧУХРА, ЧЕҲРА - хон хузурида хизмат қилувчи маҳрам. Шарқда хонларнинг гвардияси (сарой соқчилари) ҳисобланган махсус ҳарбий қисм. Ушбу қисмда хизмат қилиш учун зодагон, аслзода ва юқори табақа вакиллари фарзандлари олинган. Улар хон ҳокимиятини сақлаш ва унга содиқ бўлиш руҳида тарбияланган. Чухра асосан хон қароргоҳини қўриқлаган.

ЧУХРАБОШИ(ЧУХРА ОҒАСИ) - хоннинг шахсий сарой соқчилари (чухра) бошлиғи. Чухра оғаси хон саройида хизмат қилган. Бу лавозим хон эътиборини қозонган шахсгагина берилган.

ШАЙБОНИЙЛАР - Бухоро хонлигини идора қилган учта сулоланинг биринчиси. Асосчиси Муҳаммад Шайбонийхон (1451-1510). Шайбонийхон Темурийлар давлатидаги инқироздан фойдаланиб қисқа муддат ичида ҳокимиятни ўз қўлига олишга эришади. Насаби жиҳатдан Шайбонийлар Чингизхонга бориб тақаладилар. Шунинг учун ҳам сулола вакиллари ўзларини хон деб атаганлар ва давлат ҳам тарихий адабиётларда пойтахт Бухородан нисбат олиниб XVI асрнинг 60-йилларидан Бухоро хонлиги деб юритила бошланган. Шайбонийлар Мовароуннаҳрда деярли бир аср (1500-1599) ҳукмронлик қиладилар. Кейин ҳокимият Аштархонийлар сулоласи қўлига ўтади.

Шайбонийлар сулоласининг вакиллари: Шайбонийхон (1500-1510), Кўчкунчихон (1510-1530), Абу Саид (1530-1533),

Убайдуллахон (1533-1539), Абдулло (1539-1540), Абдулатиф (1540-1550), Наврӯз Аҳмадхон (1551-1556), Пирмуҳаммад (1556-1561), Искандархон (1561-1583), Абдуллахон II (1583-1598), Абдулмўмин (1598-1599), Пирмуҳаммад (1599-1601).

ШАЙХУЛИСЛОМ - мусулмон мамлакатларидаги ислом ташкилотлари бошлиғи-олий дин вакили унвони. Мусулмон жамоаси бошлиғи.

Бухоро хонлигида Шайхулислом энг олий диний лавозим ҳисобланган. Шайхулислом давлат лавозими бўлиб, уни эгаллаган шахс мусулмон қонунлари билан шугулланади, қозилик ишлари, турмуш ва давлатни бошқариш меъёрларини ишлаб чиқади, давлат қарорларининг тўғрилигини Қуръон ва Сунна билан қиёслайди зарур бўлса, уларни тўлдиради ва тузатади. Бу лавозим авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтган.

Шайхулислом хўжалар авлодидан бўлиши лозим бўлган (Қўқон хонлигида).

ШИФОВУЛ - чет эл элчиларини қабул қилиш бўйича махсус хизмат бошлиғи.

ЭШИКОҒАБОШИ - хон доргоҳидаги хавфсизлик, тартиб-интизом, келди-кетди назорати мутасаддиси ҳисобланган. Чап эшикоғаси, ўнг эшикоғаси каби ички тақсимоти ҳам бўлган. Бу лавозим вакиллари уруш пайтларида ҳукмдорнинг энг муҳим топшириқларини ҳам бажариб борганлар.

ЯКСАРА - хонлиқлар даврида ишчи ҳайвонлардан олинадиган йиғим. У ҳар бир жуфт от ёки ҳўкизлардан бир ботмон ғалла миқдорида ундирилган. Кимнинг иш ҳайвони бигта бўлса, шу миқдорнинг ярмисини (нимсара) тўларди.

ЯРИМЧИ - Хива хонлигида хон ва бошқа хусусий мулк ерларида ҳосилнинг ярмини олиш шарти билан ерларга ишлов берувчи деҳқонлар.

ҚИЗИЛБОШЛАР - Эрон Сафавийлар давлати лашкарларининг номи. Исмоил Сафавий аскарлари ўн иккита қизил йўлли салла ўраб юришар эди. 12 та қизил йўл шиа имомларининг шарафига қизилган эди. Шу сабали бу лашкар шундай ном олган.

ҚОЗИКАЛОН - хонлиқларда суд ишларига етакчилик қилувчи амалдор.

Бухоро амирлигида пойтахт қозиси, ҳамда давлатнинг олий қозиси. Амир аралашмайдиган барча қозилик ишларига раҳбарлик

қилувчи олий давлат лавозими. Қозикалон “шариатпаноҳ” деб ҳам аталган. Қозикалон ҳузурида аълам ва 12 муфтийдан иборат девон тузилган. Унинг вазифаси жиной ишларни синчиклаб кўришдан иборат бўлган.

“ҚУББАТУЛ ИСЛОМ” - яъни “ислом динининг гумбази”. Бухоро шаҳрига бутун жаҳонда ва Шарқда мусулмон дунёсининг мўътабар маркази сифатида тан олиниб берилган ном.

ҚУШБЕГИ - 1. Қуш ови ёки давлат бошлиғининг ов сафари ва у билан боғлиқ масалалар мутасаддиси;

2. XIX асрдан бошлаб Хива хонлиги, Қўқон хонлигида хоннинг биринчи вазири. Бухоро амирлигида эса қушбеги мансаби олий мансаб бўлиб вазири бузрук деб ҳам юритилган. У бош вазир ҳисобланган. Қушбегига барча вилоятларнинг ҳокимлари, беклари бўйсунганлар ҳамда амир пойтахтда бўлмаган вақтида у хонликнинг барча ишларини бошқарган. Пойтахт Бухоро шаҳри ва вилоятини ҳам қушбеги бошқарган. Қушбеги мансабидан кейин оталиқ мансаби турган.

ҚЎНАЛФА - хонликларда элчилар ва амалдорларга кўчиб ўтиш учун жой бериш мажбурияти.

ҚЎХНА УРГАНЧ - X-XIII асрларда Хоразм давлатининг пойтахти бўлган шаҳар. 1221 йилда шаҳарни Чингизхон қўшинлари вайрон этадилар. XVI аср охирида Амударё ўзанини ўзгартиргач, Абулғозихон (1643-1663) Янги Урганч шаҳрига асос солган эди. Шундан кейин қадимги шаҳарнинг номи Қўхна Урганч бўлиб қолган. У ҳозир Туркманистоннинг Тониховуз вилоятида жойлашган бўлиб, XII-XIV асрнинг ёдгорликлари Фаҳриддин Розий, Султон Такаш, Нажмиддин Қубро мақбаралари, жомеъ масжиди, минораси ҳамда карвонсарой қолдиқлари ҳозиргача сақланган.

ҚЎҚОН ХОНЛИГИ - Фарғона водийси ва унга туташ ҳудудлар XVIII аср бошларига қадар Бухоро хонлиги таркибига кирар эди. 1711 йилда Минг қабиласи бошлиқлари Бухородан ўз мустақилликларини эълон қиладилар. Минг қабиласи йўлбошчиларидан бири Шоҳрухбий (1911-1721) ҳукмдор деб эълон қилинади. Тепакўрғон унинг қароргоҳига айлантирилади. Абдулкаримбий даврида (1733-1750) хонлик пойтахти Қўқон шаҳрига кўчирилади. Қўқон хонлиги 1711-1876 йилларда ҳукмронлик қилиб, Олимхон (1798-1810) ва Умархонлар даврида (1810-1822) Фарғона водийсидан ташқари Шарқий Туркистон,

Олой, Тошкент ва шимолда Оқмачит қалъасигача бўлган худудлар хонликка бўйсундирилади. Охирги қўқон хони Худоёрхон (1865-1875)га қарши кўтарилган Пўлатхон кўзғолонини (1873-1876) бостириш баҳонасида келган чор Россияси қўшинлари кўзғолонни бостириб, Қўқон хонлигини ҳам тугагадилар ва Туркистон Генерал Губернаторлигига қарашли Фарғона вилоятини ташкил этадилар.

Қўқон хонлари: Шохруҳбий (1709-1721), Абдурахимбий (1721-1733), Абдулкаримбий (1733-1750), Абдурахимхон (1750), Эрдона (1751-1762), Бобобек (1752-1753), Сулаймон (1762-1763), Норбўтабек (1763-1798), Олимхон (1798-1810), Умархон (1810-1822), Муҳаммад Алихон (1822-1842), Шералихон (1842-1844), Мурод (1844), Худоёрхон (1845-1858, 1862-1863, 1865-1875), Худойқулбек (1865 (14 кун), Маллахон (1858-1862), Султон Саидхон (1863-1865).

“ҚЎРА БОШИ” - Қўқон хонлигида кўчманчи қабилалардан олинадиган солиқ-закот тури. У чорвадорлардан моли бошига ва қўрасига қараб олинар эди. Бу закот қишда моллар қўраларида турганида йигиб олинар эди.

ҚЎРЧИБОШИ - қурол-аслаҳа хизмати бошлиғи

ҚЎШ - ҳарбий юришлар пайтида ҳукмдор қароргоҳи, ўрду, лагер.

ҚЎШ ПУЛИ - Бухоро амирлигида XX аср бошларида ҳар бир жуфт иш ҳайвони ҳисобидан олинадиган солиқ тури.

ҲАЧИ - Хива хонлигида ҳимоя дамбалари қуриш ва уларни мустаҳкамлашда қатнашиш мажбурияти.

ҲОЖИБ - Хива ва Қўқон хонликларида дарвозабон ҳожиб деб аталган. Бухоро амирлигида эса дарвозабон дарбон деб юритилган.

ҲАШАМ - ҳукмдорга яқин кишилар.

МАВЗУ: ЧОР РОССИЯСИНING ТУРКИСТОНДА ИСТИЛОЧИЛИК СИЁСАТИ. МУСТАМЛАКАЧИЛИК БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИНГ БОСҚИНЧИЛИК МОҲИЯТИ

АВЛИЁТА - ҳозирги Қозоғистондаги Туркистон (Жамбул) шаҳри. Бу ерда Аҳмад Яссавийнинг қабри ва мақбараси жойлашганлиги учун шундай номланган. 1864 йилда чор қўшинлари генерал Верёвкин қўмондонлигида Авлиётани қамал

қиладилар. Мудофаачилар таслим бўлмасалар Аҳмад Яссавий мақбарасини тўпга тутиш талаби қўйилгач, қалъа мудофаачилари муқаддас қадамжонинг вайрон бўлишини хоҳламай таслим бўладилар. Туркистон босиб олингач, Верёвкин барибир Хўжа Аҳмад Яссавий мақбарасидаги ноёб тарихий осори-атиқаларни талон-тарож қилиб Россияга жўнатиб юборади.

АМУДАРЁ БЎЛИМИ - Чор Россияси 1873 йилда Хива хонлигини ўзига бўйсундириб, Гандимиён шартномаси имзолангач, 1874 йилда Хива хони фаолиятини назорат қилиб туриш учун тузилган бўлим. Амударё бўлимининг қароргоҳи Петроалександровск (ҳозирги Тўрткул) да жойлашган бўлиб, Россия ва Туркистон Генерал губернаторлиги билан Хива хонлиги ўртасидаги муносабатлар шу ердан туриб бошқарилган. Амударё бўлими 1917 йилга қадар фаолият кўрсатди.

БИРИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ - дунёнинг ривожланган капиталистик мамлакатлари ўртасида мустамлака ерларини қайта тақсимлаш ва янги ерларни босиб олиш масаласида келиб чиққан инсоният тарихидаги биринчи қирғинбарот уруш. Бу уруш тўрт йилдан ортиқ давом этиб (1914 йил августдан-1918 йил ноябргача), унда ўзаро душман иккита иттифоқчи кучлар-Антанта ва учлар Иттифоқига кирувчи давлатлар иштирок этди. Чор Россияси ҳам Антанта иттифоқининг аъзоси сифатида Шарқий Европа ва Болқон ярим оролида ўз позицияларини мустақкамлаб олиш мақсадида урушга кирган эди. Лекин урушнинг дастлабки кунлариданоқ Россиянинг урушга тайёр эмаслиги аён бўлиб қолди ва рус қўшинлари шарқий фронтда немис қўшинлари томонидан қатор мағлубиятларга учратилди. Туркистон ўлкасининг моддий ва одам ресурслари ҳам Россия империясининг таркибий қисми сифатида жаҳон урушига фаол тортидилар. Гарчи Туркистон аҳолиси ҳарбий хизматга сафарбар этилмаган бўлсаларда, улар фронт орти ишлари учун мардикорликка олиниб, уруш қийинчиликларини ўз бошидан ўтказдилар.

ВАССАЛ - 1. Илк ўрта асрларда Ғарбий Европада хўжайин(сеньор, феодал)га қарам бўлган хизматкор (деҳқон).

2. XIX асрнинг иккинчи ярми-XX аср бошларида бир давлат томонидан иккинчи давлатни сиёсий жиҳатдан ўзига тўла қарам қилиб олиб, у ерда ўз сиёсатини юргизиш вассаллик деб аталган. Масалан: 1868 йилда Чор Россияси Бухоро Амирлигини, 1873

йилда Хива хонлигини босиб олгач, имзоланган шартномага кўра, бу иккита хонлик Россиянинг вассалига айлантирилган.

ВЕРНИЙ - ҳозирги Олмаота шаҳри. Туркистон Генерал Губернаторлигига қарашли Еттисув вилоятининг маркази бўлган.

ГАНДИМИЁН ШАРТНОМАСИ - Хива хонлиги билан Чор Россияси ўртасида 1873 йил 23 августда имзоланган шартнома. Ушбу шартномада “Онҳазрат Хива хони Россия билан сулҳ ва дўстлик шартномасини имзолайди ҳамда император олий ҳазратларининг олий ҳомийлигида бўлади”-дея таъкидланган эди.

Сулҳ бўйича Хива хонлигига 2,2 млн. рубл миқдорда товон солинади. Бу пайтда хоннинг хазинаси деярли бўшаб қолган бўлиб, бу пул Хива халқидан йиғиб олинадиган бўлди.

Гандимиён (Хива яқинидаги қишлоқ) шартномасига кўра, Хива хонлиги чор маъмурларига тамомила тобеъ бўлган кичик вилоятга айлантирилади. Чунки хонликка қарашли Туркменистон ерлари, Чоржуй, Амударёнинг ўнг соҳилидаги ерлар Туркистон Генерал губернаторлиги таркибига киритилиб, бу ерда Каспийорги вилояти ташкил этилади.

ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОР - Россия Империяси (1721-1917)да маҳаллий маъмуриятнинг 1703-1917 йиллардаги олий мансаби; фуқаролик ва ҳарбий ҳокимиятга эга бўлган. Россияда 1775 йилда ўтказилган губерния ислоҳотига кўра, Россия губерния (ўлка ва вилоят)ларига раҳбарлик қилган мансабдор шахс. Чор Россияси томонидан Туркистон хонликларидан босиб олинган ҳудудларда 1867 йил Туркистон Генерал губернаторлиги ташкил этилади. К.П.Кауфман (1867-1881) унинг биринчи генерал-губернатори этиб тайинланади.

КАПИТАЛИЗМ (лот. “capital” - бойлик, неъматлар) - жамият тараққиётидаги муҳим босқичлардан бири, феодализмдан кейин тарих саҳнасига чиққан ижтимоий-иқтисодий тузум.

Капитализм шунинг учун ҳам феодализмни енгиб, унинг ўрнини эгалладика, у ўзидан олдинги ижтимоий босқичга нисбатан инсон фаолиятига жуда кенг йўл очди, моддий ва маънавий тараққиёт учун янги имкониятларни юзага келтирди. Шу сабабли капитализм инсоният тарихида мисли кўрилмаган кашфиётлар ва ихтиролар даври бўлди. XVI-XX асрлар мобайнида инсоният ўзининг капитализмгача бўлган тарихи давомида яратган моддий ва маънавий бойликларидан кўпроқ неъматлар яратди, фан, техника ва технологияни инсоният ҳаётининг негизи ва

келажак тараққийетининг пойдеворига айлантирди. Тўғри, капитализм даврида илгариги даврларга қараганда мисли кўрилмаган даражадаги мустамлакачилик босқинлари, турли кўзғолонлар ва қонли урушлар содир бўлди (биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари). Лекин, умуман олганда, капитализмнинг бунёдкорлик моҳияти унинг бузғунчилик тарафларидан кўпроқ, зўрроқ ва кучлироқ эканлиги тарих тажрибаси асосида тасдиқланди. Бу, айниқса, капитализмнинг социализм билан 1917-1991 йиллар давомидаги мусобақасида яққол кўзга ташланди, капитализмнинг социализмдан шак-шубҳасиз устун эканлиги маълум бўлди ва социализм XX асрнинг 80-йилларидан бугун жаҳон бўйлаб барбод бўла бошлади.

КЎКТЕПА ҚИРҒИНИ - Чор Россиясининг эркесвар туркманлар ерини босиб олиш жараёнида рўй берган энг йирик жанглардан бири. 1879 йилда генерал Лазарев қўмондонлигидаги қисмлар Кўктепага ҳужум қилиб қақшатқич мағлубиятга учрайди. Босқинчиларнинг янги кучларига 1877-1878 йиллардаги Россия-Туркия урушида “Миллий қаҳрамон”, “Болгария халоскори” деб улуғланган генерал-лейтенант М.Д.Скобелев бошлиқ қилиб тайинланади.

Скобелев қўшини билан туркманлар ўртасида 1881 йил январ ойида ҳал қилувчи жанг бошланди. Руслар ҳеч қачон Кўктепа остонасидек кескин қаршилиққа дуч келишмаган эдилар. Буни воқеаларнинг гувоҳлари ҳамда муаррихлар тан олишади. Туркман ватанпарварларига жасур Тўкма сардор бошчилик қилган.

Академик В.В Бартольднинг ёзишича “Йигирма кунлик қамалдан сўнг 1881 йилнинг 24 январида Кўктепа қалъаси штурм билан ишғол қилинди, сўнг талон-тарож қилиш учун аскарлар ихтиёрига тўрт кун муҳлат берилди. Қалъани забт этиш чоғида руслар ўлган ва ярадорларни бирга ҳисоблаганда, 10 мингдан ортиқ одамани йўқотди. Бу русларнинг Ўрта Осиёдаги жангларидаги энг катта талофати эди. Кўктепа жангида Туркистонда биринчи марта русларнинг байроғи ва замбарағи ўлжа олинди”.

ИМПЕРИЯ - қадимда ва ўрта асрларда, шунингдек, XX аср бошларигача монархия давлатларининг номи. Империянинг бошлиғи император бўлиб ҳисобланади. Император аввало кенг кўламда ўзининг таркибига (босиб олиш йўли билан) бошқа давлат ва халқларнинг ҳудудларини киритган; айрим

империяларнинг таркибида бир нечга қиролликлар бўлган. Тарихда Александр Македонский (Искандар Зулқарнайн) давлати (мил.авв. 334-323), Рим давлати (мил.авв. 14-милодий 476 йиллар), Византия (395-1453), Франклар давлати (800-843), Герман давлатларининг “Муқаддас Рим империяси” (962-1806), Усманийлар давлати (1299-1923) ва Европанинг қатор катта-кичик давлатлари империя деб юритилган. Россияда империя Пётр I давридан (1721 йилдан) то монархия қулагунигача (1917 йил октябр) мавжуд бўлган. Империя давлати кўпинча мустамлака қилинган ҳудудлардан ташкил топади ва янги ерларни босиб олиш ҳисобига кенгайиб боради.

КОНКА - тўрт ёки олтита от билан ҳаракатлантириладиган бир вагонли, тор изли шаҳар транспорти. Тошкентда дастлабки конка XIX асрнинг охирида қурилиб, Хадра билан Темир йўл вокзали орасида қатнаган. Ундан 1915 йилгача фойдаланилган.

МАРДИКОРЛИККА ОЛИШ - Россия империяси Антанта иттифоқида Германия ва Туркияга қарши 1914 йилдан биринчи жаҳон урушига кирди. Рус қўмондонлиги урушда нўноқлиги, уқувсизлиги туфайли ўринсиз қурбонлар бериб, Россиянинг урушга тараддуди пухта бўлмаганлигини кўрсатди. Дўпписи тор келиб қолган рус қўмондонлиги уруш оғирлигини мустамлакалар елкасига ортиб, уларни эзиш сиёсатига ўтди. Император Николай II имзо чеккан ва 1916 йил 25 июнь кўни эълон қилинган “Империядаги рус бўлмаган эркак аҳолини ҳаракатдаги армия районида муҳофаза иншоотлари ва ҳарбий алоқа йўллари қуриш учун олиб бориладиган ишларга, шунингдек, давлат мудофааси учун зарур бўлган бошқа ҳар қандай ишларга жалб қилиш ҳақида” фармон чиқарди. Мардикорликка олиш тўғрисидаги бу фармонга кўра Туркистон, Сибир ва Кавказ халқларидан 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган эркакларни сафарбар қилиш кўзда тутилган эди.

Сафарбарлик тўғрисидаги фармоннинг эълон қилиниши ва мардикорликка олинувчилар рўйхатини тузиш жараёнидаги адолатсизликлар ва қонунбузарликлар аҳоли ўртасида кескин норозиликларга ва тарихда машҳур 1916 йилги халқ кўзғолонларига сабаб бўлди.

МУСТАМЛАКА ТАРТИБИ - урушиб босиб олинган ҳудуд аҳолисининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий қарамга айлантиришга хизмат қилувчи бошқариш усули.

ОҚМАЧИТ - Қўқон хонлигининг энг шимолидаги чегара қалъаси. Ҳозирги Қозоғистоннинг Қизил-Ўрда шаҳрига тўғри

келади. Чор қўшинлари 1853 йилда Оқмачитни эгаллашларидан Ўрта Осиё хонликларини истило қилиш жараёни бошланган.

ПРОТЕКТОРАТ (лотинча “протектор” ҳомий) - замонавий сиёсий адабиётларда мустамлака мамлакатлар қарамлигининг бир шакли деган маънода ишлатилади. Бундай қарамликка тушган мамлакат гарчи ички сиёсатда бирмунча мустақиллигини сақлаб қолсада, лекин ташқи сиёсати ва мудофаа масалалари унинг устидан протекторат ўрнатган давлат ихтиёрига ўтади. Масалан; Чор Россияси Хива хонлиги ва Бухоро хонлигини ўзига қарам қилиб олгач, улар устидан ўз протекторатини ҳам ўрнатган эди. Хонлар ички сиёсатда мустақил бўлсаларда, ташқи сиёсий масалаларни рус императори рози-ризалиги билан, улар билан маслаҳатлашиб юритишга мажбур бўлганлар.

ПУД - оғирлик ўлчов бирлиги. 1 пуд 16 килограммга тенг.

ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ ГУБЕРНАТОРЛИГИ - Чор Россиясининг Туркистон хонликларидан босиб олган ҳудудларида 1867 йилда ташкил этган губернаторлиги. Туркистон Генерал Губернаторлиги дастлаб иккита вилоят (Егтисув ва Сирдарё) дан иборат эди. Босиб олинган янги ерлар ҳисобига кейинчалик Фарғона (1876), Самарқанд (1868) ва Каспийорти вилоятлари (1881) ҳам ташкил этилади. Губернаторликнинг маркази Тошкент шаҳри қилиб белгиланди. Туркистон Генерал Губернатори подшо томонидан тайинланиб, унга ўлка бошқарувида мутлақ ҳокимият ваколатлари берилган бўлиб, маҳаллий аҳоли уни “ярим подшо” деб атади.

1886 йил 12 июлда император Александр III тасдиқлаган Туркистон ўлкасини идора қилиш тўғрисидаги янги Низомга кўра ўлка бошқаруви тўртта асосий бўлимдан таркиб топган эди (маъмурий тузилиш, суд тузилиши, ер тузилиши, солиқлар ва йиғимлар). Туркистон Генерал Губернаторлиги Россияда подшо ҳокимияти ағдарилгунига қадар амалда бўлди. Октябр давлат тўнтаришидан сўнг унинг ўрнида 1918 йил апрел ойида РСФСР таркибида Туркистон Автоном Совет Республикаси (ТАСР) ташкил этилади.

Туркистон Генерал губернаторлари: К.П. Кауфман (1867-1881), М.Г. Черняев (1882-1884), Н.О. Розенбах (1884-1888), А.Б. Вревский (1889-1898), С.Духовский (1898-1901), Н.А. Иванов (1901-1904), П.Н.Тевяшов (1904-1905), Д.И.Субботич (1905-1906), Н.И.Гродеков (1906-1908), П.И.Мишченко (1909),

А.В.Самсонов (1909-1913), Флуг (1913), Мартсон (1913-1916), Ерофеев (1916), А.Н.Куропаткин (1916-1917).

ЭКСПАНСИЯ (лотинча Expansio-кентайиш, тарқалиш) - мустамлакачи давлатларнинг ўзга халқлар ҳудуди, уларнинг бойликлари ва бозорларини эгаллаш учун босқинчилик ҳаракатлари. Масалан, тарихда Буюк Британия Ҳиндистонни, Чор Россияси эса Ўрта Осиё ва Кавказ ҳудудларини ўз таъсир доирасига тушириш учун худди шундай (экспансив) ҳаракатни амалга оширганлар.

КАТОРГА - жиноятлар ва сиёсий жиноятлар учун жазонинг алоҳида тури. Озодликдан маҳрум қилишнинг алоҳида қаттиқ тартиби ва маҳкумларни оғир жисмоний меҳнатга жалб этиш билан қўшилиб кетади. Ўрта асрларда, Россияда XVIII асрнинг бошида юзага келган. Каторга (сургун) қилинганларнинг меҳнатидан қалъалар, флотлар қуришда, конларда фойдаланилган. XIX аср охири-XX аср бошларида марказий каторга турмалари тизим сифатида мавжуд бўлган. 1917 йил феврал тўнтаришидан кейин тугатилган.

МАВЗУ: ЧОР РОССИЯСИ МУСТАМЛАКАЧИЛИГИГА ҚАРШИ ТУРКИСТОНДА МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТЛАРИ. ЖАДИДЧИЛИК

АНДИЖОН ҚЎЗҒОЛОНИ - 1898 йилда Муҳаммад Али эшон (Дукчи эшон) бошчилигида Фарғона водийсида Чор мустамлакачиларига қарши кўтарилган қўзғолон. Қўзғолон маркази асосан Андижон уезди бўлганлиги сабабли тарихда шундай ном олган.

АНТАНТА (французча entente-самимий)-1904 йил Англия ва Франция ўртасида мустамлакалар учун курашдаги рақобатчи давлатлар (Германия, Австро-Венгрия)га қарши курашиш учун тузилган ҳарбий иттифоқ. 1907 йилда бу иттифоққа Россия ҳам қўшилади. Биринчи жаҳон уруши (1914-1918) асосан Антанта ва Учлар иттифоқи давлатлари ўртасида бўлиб ўтган эди.

БУРЖУАЗИЯ (французча bourgeoisie-шаҳарлик) - ўрта асрларда шаҳар аҳолиси дастлаб шундай аталган. Одатда ўрта аср европасида шаҳарлар илм-фан ва маданият, савдо-соғиқ ва ишлаб чиқариш маркази сифатида жамиятнинг зиёли, тадбиркор, савдогар ва бой бадавлат қатламларининг шаклланиши учун марказ вазифасини бажарган. Шу маънода шаҳар бой-бадавлат,

ишбилармон корчалонлар маконига айланиб, илгари барча шаҳар аҳолисига ишлатиладиган бу сўз вақт ўтиши билан фақат аҳолининг бой-бадавлат қисмига нисбатан ишлатиладиган бўлган.

Буржуазия атамаси асосан шўро даври адабиётларида кўпроқ ишлатилиб, улар таърифлаган капиталистик жамиятда ҳукмрон синф - йирик савдо-саноат, молия ва банк эгалари, ҳамда меҳнаткаш халқ меҳнати самараларидан фойдаланувчи ҳукмрон табақа сифатида таърифланган.

Шўролар даврида қатағон қилинган ватандошларимиз (зиёлилар, ёзувчи-шоирлар, давлат ва ҳукумат раҳбарлари)нинг аксарияти ўша пайтда душман синф-буржуа вакиллари деб айбланиб жисмонан йўқ қилинганлар.

“ВАБО ИСЁНИ” - 1892 йил 24 июнда Тошкентда бошланган кўзғолон. 7 июнда Тошкентда вабо билан касалланиш қайд этилгач, эпидемиянинг олдини олиш мақсадида мустамлакачи маъмурлар шаҳарга киришни чеклаб қўядилар. Вафот этганларни тиббиёт ходими кўздан кечиргандан сўнг махсус мазорга кўмиш тўғрисида буйруқ чиқарилади. Бироқ шифокор, фельдшерлар етишмаслиги туфайли келтирилган ўликлар уч-тўрт кунлаб текширилмай қолиб кетади, халқ эса ўз ажали билан ўлганларни яширинча ўзларининг қабристонига кўма бошлайди. Бундан хабар топган шаҳар маъмурлари ўликларни гўрларидан олдиришни буюрадилар. Бу эса маҳаллий халқнинг кескин норозилигига сабаб бўлади. Норозилик ҳаракати дастлаб аҳолининг бой-бадавлат зодагонларига қарши, ҳокимиятни суистеъмол қилиш билан танилган шаҳар бош оқсоқолига қарши намойиш тарзида тинч ҳолатда бўлган. Намойиш русларга қарши қаратилмаган бўлиб, бирорта рус идораси, рус дўконига бостириб кирилмаган, бирорта ҳам рус кишиси азият чекмаган. Намойишчиларга қарши шаҳар бошлиғи полковник Путинцевнинг куч ишлатиш тўғрисидаги буйруғидан кейин кўзғолон тусини олиб, унинг девонини тор-мор этишади ва ўзини калтаклашади. Кўзғолонни бостириш учун казаклар полки ва бир тўда аскар чақирилди. Улар қуролсиз оломонга ўқ узиб, кўзғолонни бостиришга муваффақ бўладилар.

ГУМАНИЗМ - инсонни биринчи ўринга қўйувчи, унинг кадр-қимматини ҳурмат қилишни, инсон камолоти учун зарур шароитлар яратиб беришни талаб қилувчи, инсон ҳаётини кадрловчи гоялар тизими.

ДУКЧИ ЭШОН ҚЎЗҒОЛONI - Муҳаммад Али (1846-1898) бошчилигида Фарғона водийсида чор мустамлакачиларига қарши

кўтарилган халқ озодлик ҳаракати. Муҳаммад Али ёшлигида Бухоро ва Самарқандда йирик эшонлар хизматида бўлиб, диний билимларни ўзлаштирди. 1882 йилда Султонхон Тўра эшон ўлиmidан сўнг, марҳумнинг васияти билан унинг ўрнига Муҳаммад Али эшон этиб тайинланади. 1887-1893 йилларда Маккаю мадинага бориб ҳаж қилади. Қайтишида Эрон, Ҳиндистон, Афғонистон ва Россиянинг қатор шаҳарларида бўлиб, замонавий билимлар ва Европа фан-техникаси ютуқларидан хабардор бўлади.

Муҳаммад Али ота касби йиқчилик, яъни дукчилик билан машғул бўлган, шунинг учун ҳам уни Дукчи эшон деб аташган (дук-эски даврларда пахта ёки жундан ип йигирадиган мосламанинг, яъни чархнинг ип ўралиб борадиган қисми).

Эшоннинг яхши феъл аत्वори, камтарона турмуш тарзи, бой ҳаётий тажрибаси ва кенг дунёқарашининг мухлислари сонини тобора ошириб боради. У яшаб турган Мингтепа қишлоғи тезда кўпларнинг қутлуғ зиёратгоҳига айланди.

Чор мустамлакачиларининг зулми ортиб борар экан Дукчи Эшон уйда Фарғона водийсининг турли бурчакларидан келган вакиллар иштирокида махсус кенгаш ўтказилиб, унда кўзғолон масаласи муҳокама қиланади ва Муҳаммад Алининг унга раҳбар бўлиши келишилади. У кўзғолонга ҳали фурсат етмаганлигини тушунтирса-да, чоризм зулmidан норози халқ ғазаб-эҳтиросга берилиб, стихияли тарзда 1898 йил 17 майда очиқ курашни бошлайди. Кўзғолончилар Андижондаги рус горнизонига ҳужум қилиб, 22 нафар солдатни ўлдирадидилар, кўпларини ярадор қиладидилар. Лекин куч мустамлакачилар томонидан бўлганлиги учун кўзғолончилар ҳал қилувчи жангларда мағлубиятга учрайдидилар. 546 киши қамоққа олинади. Шулардан 18 киши, шу жумладан Дукчи Эшон осиб ўлдирилади, 15 киши сургунга, 147 киши 20 йил, қолганлари 4 йилдан 15 йилгача қамоқ жазосига ҳукм қилинадидилар.

ЁШ БУХОРОЛИКЛАР - Бухоро жадидларининг сўл оқимидан ташкил топган партия бўлиб, тараққийпарвар ва маҳаллий буржуазия вакилларини бирлаштирган. Ёш Бухороликлар дастлаб мавжуд феодал тузумга қарши демократик ислохотлар ўтказиш тарафдорлари бўлганлар. Ёш Бухороликлар амир ҳокимиятига қарши курашда муайян тажриба орттириб, ўзбек ва тожик тилларида журналлар ташкил этганлар.

ЁШ ХИВАЛИКЛАР - Хива жадидларининг сўл оқимидан ташкил топган партия. Ўз сафида савдогарлар, майда диндорлар ва хон хизматида бўлган айрим тараққийпарвар амалдорларни бирлаштирган. Унинг илғор қисми феодал аристократия ҳокимиятини чеклайдиган ислохотлар ўтказиш, оммани маърифатли қилиш тарафдори бўлган. Умуман ёш хиваликларнинг мақсади хон ҳокимиятини чеклаб, конституциявий монархияга ўтиш, амалдорларга ойлик тайинлаш тартибини жорий этиш, “шариат бўйича тенглик”, яъни буржуазиянинг ҳуқуқларини ҳукмрон синф бўлган феодаллар билан тенглаштириш эди.

ЖАДИДЧИЛИК (арабча “жадид” - янги) - янгиланиш, янги замонавий мактаб, матбаа, миллий тараққиёт усуллари, йўллари тарафдорларининг умумий номи. Жадидчилик XIX аср охири ва XX асрнинг биринчи чорагида туркий мусулмон ўлкаларида (Қрим, Кавказ, Волгабўйи-Булғор ва Жанубий Урал хавзаси, Туркистон) шаклланиб келаётган миллий буржуазия мухитида вужудга келган. У ўша даврдан Туркистондаги миллий-озодлик ҳаракатининг мафкураси-Туркистон миллий мустақиллик мафкураси вазифасини бажарди.

Жадидчиликнинг асосий ғоя-мақсадлари: Туркистонни ўрта асрчилик, феодал тарқоқлик, диний хурофотлардан озод қилиш, “Усули қадим”ни инкор этган ҳолда ўлкани, халқни, миллатни замонавий тараққиёт йўлига олиб чиқиш, миллий давлат бунёд этиш, конституцион, парламент ва президент идора усулидаги озод ва фаровон жамият қуриш, туркий тилларга давлат тили мақомини бериш, миллий пул бирлиги ва миллий қўшин тузиш. Бу ғоя ва мақсадлар 1917-1924 йилларда “Туркистон мухторияти” (1917 йил ноябрь - 1918 йил февраль), Бухоро ва Хоразм Халқ Республикалари даврида (1920-1924 йиллар), қисқа муддатда ва қисман бўлсада амалга оширилган эди.

Қрим, Кавказ, Волгабўйи-Булғор ва Жанубий Уралдаги жадидчиликка Исмоилбек Гаспирали, Жовид Хусайинзода, Мусо Жоруллох Қозоний, Ризоуддин ибн Фаҳриддинлар раҳнамолик қилишган. Туркистонда бу ҳаракатга Маҳмудхужа Беҳбудий ва Мунаввар Қорилар, Бухорода жадидчилик ҳаракатига Абдурауф Фитрат ва Усмонхўжалар, Хива жадидларига эса Полвонниёз хожи Юсупов ва Бобоохун Салимовлар етакчилик қилганлар.

Жадидчиликнинг Туркистондаги тараққиётини қуйидаги даврларга ажратиш мумкин:

I. 1885-1895 йиллар: Г.Исмоилбейнинг “Таржимон” газетаси таъсирида Кўқонда янги-жадид усулидаги мактаблар очиш ҳаракатлари бошланиб, улар аста-секин рус-тузем мактаблари билан рақобатлаша бошлаган.

II. 1895-1905 йиллар: Қримдаги Гаспира шахридан Г.Исмоилбейнинг Бухоро ва Самарқандга ташрифи, Бухоро амири билан учрашиши натижасида 1895 йилда жадид мактабларини ташкил этиш даври-Бухорода Жўрабой, Самарқандда А.Шакурый, С.Азизий, А.Мунзим, Мулла Қилич, Тошкентда Мунаввар Қори, А.Авлонийлар, Кўқонда Ҳамза, Наманганда И.Иброт, Сўфизода ва бошқа сиймоларимиз очган жадид мактаблари ўз фаолиятларини олиб бордилар.

III. 1905-1914 йиллар жадидчиликнинг мактаб-маорифдан кенгроқ газетчилик, яъни рўзномалар ва жаридалар чоп этиш, матбаа ишларини йўлга қўйиш, илм-фан, адабиёт, маданият-маорифни миллийлаштириш босқичи.

IV. 1914-1917 йиллар жадидчиликнинг ўта ижтимоий-сиёсий йўналиш касб этиши, жадидчилик сиёсий партияларининг тузилиши ва уларнинг уч хил турли талаблар қўйиши:

1) Россиядан тўла ажралиб чиқиш; 2) Россия Федерацияси таркибида “миллий-худудий мухторият” тузиш; 3) Россия унитаризми таркибида фақат маънавий-диний мухторият ҳуқуқлари кафолатига эга бўлиш.

V. 1917 йил ноябрь-1918 йил февраль оралиғида Кўқонда “Туркистон мухторияти”нинг тузилиши ва унинг рус большевиклари томонидан қонга ботирилиб, тугатилиши.

VI. 1918-1924 йиллар-шўро тизими таркибида, маориф-матбаа ишларида “Чигатой гурунги” ни тузиш билан ажралиб туради.

VII. Туркистон парчаланиб (1924), жадидчиликнинг кейинги тараққиёти “миллий республикалар” доирасида борди. Жадидчилик асосан маданият-маориф, мактаб ва матбаа ишларида “Чигатой гурунги” ғояларини зимдан амалга оширишга, миллий озодлик ҳаракатини жонлантиришга уринди.

VIII. 1931 йилдан то 1937-38 йиллар орқали 50-йилларнинг биринчи ярмигача қатағонга учраш даври.

Туркистон жадидчилигидаги асосий ғоявий-назарий йўналиш Бехбудий, Мунаввар Қори, Фитрат, Чўлпонлар томонидан илгари сўрилган бўлиб, шўролар тузуми, компартия ғояси ва мафкурасини тўлалигича инкор этиб, ягона ва бир бутун

Туркистон халқи ва давлатини қуриш, замонавий тараққиёт йўлидан боришни таклиф этганлар. А.Авлоний, С.Айний, Хамза, Боту, Элбек, А.Икромов, Ф.Хўжаев ва бошқа жадидлар миллий ва умуминсоний демократик қадриятларга муқобилан шўро (совет) ғоя ва қадриятларига урғу беришган. Лекин шундай бўлсада охижда номлари келтирилган жадидлар ҳам ўзлари хизмат қилган шўро (совет) давлати томонидан қатағон қилиндилар.

Жадидчиликнинг тор-мор қилиниши туркий халқларнинг жаҳон миқёсида танилишини деярли бир асирга орқага сурди, уларни ҳукмрон коммунистик мафкура ва совет тузуми истибдодига қарам этилишига олиб келди. Жадидчилик ҳаракати бир аср давомида дастлаб Чор мустамлакачилиги, кейинчалик коммунистик партия тазйиқи ва исканжасида бўлиб, тўла равишда номоён бўла олмади. Зиёлилар томонидан унинг заминларини ва шаклланиш тарзини ўрганиш таъқиқ остида бўлди. Шўролар давридаги мисли қўрилмаган мафкуравий, маънавий, сиёсий ва иқтисодий тазйиққа қарамай ўзбек халқи миллий ўзига хослигини сақлаб қола билди. Жадидлар ўртага ташлаган ғояларни амалга ошириш вақти-соати келишини умид билан кутди. Бу вақт мустақиллик билан барга ҳаётимизга кириб кела бошланди. Чунки жадидларнинг ғоялари ўлмас ғоялар эди.

ЖАДИД МАКТАБЛАРИ - жадидчилик намоёндаларининг халқ маорифи ва маърифатини юксалтиришни кўзлаб, эскича таълим услубларидан воз кечиб, замонавий андозада ташкил этган мактаблари. Биринчи жадид мактабига Исмоил Гаспирали (1851-1914) 1884 йил Қримдаги Боғчасарой шаҳрида асос солган эди. Ўзи дастур тузиб, дарслик ёзди. Ана шу дарслик ёрдамида 40 кун ичида 12 ўқувчининг саводини чиқарди ва бу мактаб мусулмон ўлкаларида тез шухрат қозонди.

1893 йилда Исмоил Гаспирали Бухоро амири ҳузурида бўлиб, унга илм-фаннинг амирлик тараққиётида тутадиган аҳамиятини зўр бериб тушунтирди. Амир зўрға битта жадид мактаби очилишига розилик берди. 1898 йилда Қўқонда Салоҳиддин домла иккинчи жадид мактабига асос солди. Шу йили Тўқмоқда ҳам шу типдаги мактаб очилди. 1899 йили Андижонда Шамсиддин домла ва Тошкентда Маннон қори жадид мактабига асос солдилар. 1903 йилда Туркистон ўлкасида 102 та бошланғич ва 2 та ўрта жадид мактаблари бор эди.

ИМПЕРИАЛИЗМ - капиталистик мамлакатлар ижтимоий-сиёсий тараққиётининг бир босқичи. Европанинг саноати

ривожланган илғор индустриал мамлакатлари XIX аср охири-XX аср бошларида шу босқичга қадам қўйган эдилар. Капитализмнинг империализм босқичи мустамлакачи давлатлар ўртасида ривожланган саноатни ҳам ашё билан таъминловчи мустамлака ерларини босиб олиш учун кураш авжига чиқиши билан характерланади. 1914 йилда бошланган Биринчи жаҳон уруши ҳам мустамлакачи давлатлар ўртасида бўлинган дунёни қайтадан бўлиб олиш ва янги ерларни мустамлакага айлантириш мақсадидан келиб чиққан эди.

МАЪРИФАТ - кишиларнинг билимини, дунёқарашини ва маданиятини оширишга қаратилган таълим тарбия.

ОТИН - эски диний мактабларда қизлар ўқитувчиси. Отинлар аёллар ўртасидаги диний маросимларни ўтказишда бошчилик қилиб, уларга диний таълимот бериб, улардан тушадиган даромад ҳисобига яшаганлар.

ПАНИСЛОМИЗМ - XIX асрнинг охирида Ўрта Шарқдаги мусулмон мамлакатларида вужудга келган диний-сиёсий оқим. Асосчиси Жамолиддин ал-Афғоний (1839-1897). Панисломизм тарафдорлари мусулмонлар бирлиги ва уларни ҳалифа раҳбарлигидаги ягона мусулмон давлатига бирлаштириш зарурлиги ғоясини илгари сурганлар. Панисломизм тарафдорлари мустамлакачиларга қарши фаол тарғибот олиб борганлар, махфий ташкилотлар тузганлар, рўзномалар нашр қилганлар. Айни вақтда панисломчилар диний ислоҳчилик мавқеида туриб, ислом динини давр талабларига мувофиқ ислоҳ қилишга ҳам интиланлар.

ПАНТУРКИЗМ - XIX аср охири-XX аср бошларида Туркиянинг буржуа помещик доиралари орасида ташкил топган оқим. Пантуркизм Болқон ярим ороли, Ўрта Осиё ва Қозоғистон, Кавказорти ва Волга бўйларида яшаб, туркий тилларда сўзлашувчи халқларни Туркия ҳимояси остида бирлаштириш ва “Улуғ Турон” давлатини тузиш ғоясини олға сурган. Ўрта Осиё, Кавказорти ва Татаристон жадидлари пантуркизм ғоясидан туркий тилларда сўзлашувчи халқларни мустамлакачиликка қарши кураш йўлида фойдаланишга ҳаракат қилганлар, аммо бу ҳаракат натижасиз туғанган. Кейинчалик кўпгина маҳаллий зиёилар шўролар ҳукумати томонидан пантуркизм тамғаси билан қатағон қилинганлар.

ТОШКЕНТ ҚЎЗҒОЛОНИ - қаранг; “Вабо исёни”.

ЭШОН - Улуғ авлодларнинг ва сўфийлик оқимидаги диний раҳномаларнинг фахрий унвони. Эшонлар мусулмонлар

жамоасининг бошлиғи, мураббийси, шунингдек дарвишларнинг ҳам диний мураббийси ҳисобланган. Ўрта асрларда сўфийлик оқими раҳномаларига мурожаат қилишда уларнинг исмлари ўрнига “эшон”, баъзан “пир” сўзлари ишлатилган.

АБДУЛЛА АВЛОНИЙ (1878-1934) - атоқли маърифатпарвар, истеъдодли шоир ва мураббий. Тошкентда косиб оиласида таваллуд топган. Ўз таржимаи ҳолида ёзишича, 12 ёшидан Ўқчи маҳалласидаги мадрасада ўқий бошлаган. 13 ёшидан ёз кунлари мардикорчилик қилиб, оиласига ёрдам берган. Қиш кунлари эса дарс ўқиган. 14 ёшидан бошлаб ҳар хил шеърлар ёза бошлаган. Қримнинг Богчасарой шаҳрида чиқадиган “Таржимон” газетасини ўқиб бориб, замона воқеаларидан хабардор бўлган.

Мадрасани битириб, ўқиш ва ўқитиш усулига ислоҳ киритиб, янги типдаги мактаб ташкил этди. Ёшларга замонавий билимлар бериш, Шарқ ва Ғарб тилларини ўрганиш билан шуғулланди. А.Авлоний 1913 йилда “Турон” театр гуруҳини ташкил этди.

Мактаб ўқувчилари учун “Биринчи муаллим”, “Иккинчи муаллим” (1912), “Тарих”, “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” каби замонавий дарсликлар ёзди.

Абдулла Авлоний шеърлари эски урф-одатларга қарши, муҳаббат мавзuida, тарбия, мактаб-маориф, ахлоқ-одобга бағишланган. “Мактаб” номли шеърида мактабни инсон учун зулм, ноҳақлик, адолатсизликдан халос этувчи нажот йўли деб атайди.

Абдулла Авлоний 20 йилларда нафақат ўзбек халқи маданияти ва маърифат фаолиятида фаол иштирок этди, балки қўшни афгон халқи ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам муайян хизматлар қилди. У маълум муддат Афғонистон халқ маорифи вазири, сўнг Шўро ҳукуматининг Афғонистондаги консул-элчиси лавозимида хизмат қилди.

Умрининг охириги йилларида Ўрта Осиё коммунистик университетида дарс бериш билан бирга, ўзбек адабиётидан қатор дарсликлар ёзди. У 1934 йил 56 ёшида вафот этди.

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ (тахаллуси Жулқунбой, 1894-1938) – ўзбек романчилигининг асосчиси, Туркистон жадидлари вакили. А.Қодирий Тошкентдаги Эшонгузар маҳалласида туғилди, эски усул мактабида ўқиди, “рус-тузем мактаби”ни имтиёзли гувоҳнома билан тугаллади, мадрасада араб ва форс тилларини ўрганди, Шарқ классикларининг асарларини ўқиди. У ўзининг

шеърий тарзда ёзган дастлабки — “Бизнинг ҳолимиз”, “Менинг миллатим” асарларидаёқ Туркистон жадидчилиги ғояларига содиқ эканини билдирди. Абдулла Қодирий ўзининг бутун ижоди давомида ана шу ғояга содиқ бўлиб қолди. У ўзининг кўпгина ҳикояларида, ҳажвий асарларида, адабий-танқидий ишларида, “Ўтган кунлар” (1919-1925), “Меҳробдан чаён” романларида ўз халқининг яқин ўтмишини гавдалантирди, мамлакатни идора қилишнинг ўз умрини яшаб бўлган тартибини, миллат ва жамият манфаатларига зарарли иш кўрган хон ва унинг атрофидаги энг яқин шахслар истибдодини кескин қоралади, халқнинг сиёсий қолоқлигидан ниҳоятда ташвишланар эди. Қодирий ўз асарлари билан халқ орасида ватанпарварлик, ватанга муҳаббат уруғини сочди, миллий бирликни мустаҳкамлашга даъват этди. У оммавий миллий онгни уйғотишда муҳим роль ўйнади. Қодирий “Муштум” журналининг таъсисчиларидан бири эди. Абдулла Қодирий 1937 йилда қамоққа олиниб, “халқ душмани” деб эълон қилинди. 1938 йилда қатл этилди. 1956 йилда оқланди.

АБДУРАУФ ФИТРАТ (1886-1938) — олим, ёзувчи, Туркистон жадидчилигининг энг таниқли намояндаси, Бухоро жадидларининг мафкурачиси ва раҳбари эди. У Бухорода туғилди, шу ердаги мадрасада таълим олди, Истанбулда ҳам ўқиди ва у ерда “Бухоро таълими маориф жамияти”ни тузади. Бухородаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва илмий аҳволнинг энг яхши билимдони эди. Фитратнинг тақдири жадидчилик билан чамбарчас боғлиқдир. У октябргача бўлган даврда Туркистон халқлари адабиёти, ижтимоий ва фалсафий тафаккурининг жуда муҳим ёдгорлиги бўлмиш “Раҳбари нажот” асарини яратди. Бу асарда ўлка халқларини нодонлик ва қолоқликдан тараққиёт ва янада ривожланиш йўлига олиб чиқиш кўрсатиб берилган эди. 1917 йил февраль инқилобидан кейин у Бухоро амирлигида тузилган Ёш бухороликлар ташкилоти марказий қўмитасининг муассисларидан биридир. У Бухорода ҳуқуқий давлатчиликни жорий этишни, ўрта аср истибдодини туб маданий ва иқтисодий янгилаш, Европа намунасидаги маърифатли мустақил ҳокимият билан алмаштиришни кўзда туғувчи ислохотлар лойиҳасининг муаллифи эди. 1920 йилда, амир ҳокимияти ағдариб ташланганидан кейин, Фитрат Бухоро ҳукуматида вақф бошқарувининг мудирини, ташқи ишлар ва маориф нозири лавозимини эгаллади. 1923 йилда уни ҳокимиятни суниистеъмол

қилишда ноҳақ айблаганларидан кейин сиёсатдан узоқлашиб, ўзини илмий, муаллимлик ишига бағишлади. Ўша йилларда у бир қанча бадий асарлар “Бедил”, “Чин севиш”(1920), “Қиёмат”, “Абулфайзхон” “Ҳинд ихтилолчилари”, “Шайтоннинг тангрига исёни”, “Мунозара”, “Сайёҳи ҳиндий”, “Шарқ сиёсати”, “Сайҳа”, “Арслон”) яратди, уларда у тоталитаризм (зулмкор тартиб) куртакларини шафқатсиз равишда қоралайди.

МАҲМУДХҲЖА БЕҲБУДИЙ (1875-1919) - XX асрнинг бошларида ўзбек зиёлиларининг энг кўзга кўринган намоёндаси, жадидчилик ҳаракати раҳбарларидан бири. У Самарқандда туғилди. Самарқанд ва Бухоро мадрасаларида таълим олди, ўша ерда араб ва форс тилларини ўрганди. Кўп саёҳат қилди. Узоқ вақт Туркияда ва Мисрда яшаб, халқ таълимининг аҳволи — янги усул мактаблари, олий ўқув юртлари билан батафсил танишди. Ўзининг Петербург, Москва, Қозон ва Оренбургда бўлишини у янги усул мактаблари иш тажрибасини, уларнинг таълим-тарбия тизимини, адабиёти ва матбуот намуналарини ўрганиш билан қўшиб олиб борди. Самарқандга қайтиб келганидан кейин у фаол иш олиб боради: янги усул мактабларини очади, янги ўқув қўлланмалари ёзади. “Самарқанд” рўзномаси ва “Ойна” жаридасини чиқара бошлайди. Ўша йилларда унинг адабий истеъдоди намоён бўлади. У “Падаркуш” пьесасини ёзади. Беҳбудий кўпгина жадид нашрлари — “Садои Туркистон”, “Садои Фарғона”, “Хуршид” ва бошқа шу каби рўзнома ва ойномаларда фаол ҳамкорлик қилади. Ўзининг “Бухорода усули жадид”, “Ёшларга мурожаат”, “Туркистонда мактаб жаридаси”, “Туркистон идораси”, “Саёҳат хотиралари” сарлавҳали мақолаларида ва бошқа чиқишларида у қадимий урф-одатларга, мадрасадаги қуруқ сафсатадан иборат эски таълимга, хурофот ва нодонликка, маҳаллий ҳокимларнинг саводсизлигига ислохотчи-маърифатчи нуқтаи назаридан танқидий баҳо беради. У илғор миллатларнинг тажрибаси ва билимлари билан бойиган ҳамда буларни ўз халқи орасида жорий этишга қодир бўлган янги миллий зиёлиларни тайёрлаш қолақлик, жаҳолат ва нодонликдан кейин Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этди. У 1917 йилнинг апрелидан бошлаб мусулмон депутатлари ўлка совети раёсати аъзоси, “Хуррият” рўзномаси таҳририяти ҳайъати аъзоси бўлди. Самарқандда дастлабки миллий

сиёсий тапшиқлотлар барпо этилиши М. Бехбудийнинг номи билан боғлангандир. У улка мусулмонларининг I-IV съездларида қатнашди. Туркистон Муҳторияти тор-мор қилинганидан кейин у сиёсий фаолиятдан четлашди. Бехбудий 1919 йилда фожиали ҳалок бўлишига қадар Самарқанд совети халқ маорифи бўлимининг нозири вазифасида ишлади.

МУНАВВАР ҚОРИ (тўлиқ номи Мунаввар Қори Абдурашидхон ўғли, 1878-1931) - ёзувчи, маърифатпарвар педагог, Туркистон жадидларининг раҳбарларидан биридир. У Тошкентда мударрис Абдурашидхон оиласида туғилди. Даставвал домла Усмон мактабида ўқиди, сўнгра Тошкентдаги Юнусхон мадрасасида таҳсил кўрди, 1898 йилдан эътиборан эса Бухоро мадрасасида таълим олди. Тошкентга қайтиб келганидан кейин бир оз вақт Дархон мачитида имом бўлиб ишлади. У ўз мустақил фаолиятининг дастлабки қадамлариданоқ вужудга келаётган тараққийпарвар-ватанпарварлар (жадиллар) ҳаракати сафига кирди ва қисқа вақт ичида унинг раҳбарларидан бири бўлиб қолди. Мактаб таълимини ислоҳ этиш, халқни маърифатли қилиш ва тараққиёт йўлига олиб чиқиш тўғрисида Исмоил Гаспринскийнинг ғоясини сўзсиз маъқуллаб қабул қилди. У ўзининг бутун ҳаётини ана шу ғояни Туркистонда амалга оширишга бағишлади. Янги усул мактабларини очиш, шу мактаблар учун дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини тайёрлаш ҳамда нашр этиш, “Жамияти хайрия” ташкил қилиш унинг номи билан боғлиқдир. Бу жамият ўқувчиларга моддий ёрдам берди, улардан энг яхшиларини ўқиш учун Россия ва Туркиядаги олий ўқув юрғларига юборишни ташкил қилди. У “Хуршид” рўзномасининг (1906 йил) ношири ва муҳаррири, кейинчалик эса “Нажот” (1917 йил), “Кенгаш” (1917 йил) нашрларининг бош муҳаррири бўлди; “Садои Туркистон” рўзномаси (1914-1915 йиллар) бўлим муҳаррири бўлиб ишлади; у ана шу нашрларда босилган редакцион мақолалар, очеркларнинг муаллифидир. У миллий театр ва драматургиянинг вужудга келиш сарчашмаларида турди, артистлар тайёрлаш ишига катта ҳисса қўшди, кўпгина миллий адабиёт ва драматургия намояндаларининг маънавий мураббийси бўлди. Мунаввар Қори таниқли жамоат арбоби бўлиб, унинг сиёсий фаолияти 1916 йилдаги воқеалар жараёнида, айниқса, феврал инқилобидан кейин фаоллашди. “Шўрои Ислом” жамиятининг асосчилари ва раҳбарларидан бири бўлди, у

мусулмонларнинг I-IV ўлка съездларида қатнашди. Октябр тўнтаришидан кейин фаол сиёсий фаолиятдан четлашди, маориф соҳасида шуғулланди. У 1929 йилда 51 ёшида собиқ жадидлар гуруҳи (78 киши) билан бирга қамоққа олинди ва узоқ вақт давомида тергов қилинди. ДХК архивларида тергов материаллари “Мунаввар Қори ва бошқалар”нинг иши алоҳида ажратиб қўйилган.

ЧЎЛПОН (1897, Андижон - 1938, Тошкент) - жадид адабиётининг йирик намоёндаси, истиқлол куйчиси, янги ўзбек шеърятининг асосчиси.

Абдулҳамид Сулаймон ўгли (тахаллуси Чўлпон) 1897 йил Андижон шаҳридаги Қатортерак маҳалласида савдогар оиласида туғилди. Унинг отаси замонасининг пешқадам зиёлиларидан бўлиб, “Расво” тахаллуси билан газаллар ёзган. Чўлпон эски мактаб ва мадрасада сабоқ олган, рус-тузем мактабида ўқиган. Чўлпон 16 ёшидан бошлаб ижод қила бошлади. Унинг дастлабки асарлари “Садои Туркистон” ва “Садои Фарғона” каби жадид газеталарида ҳамда Оренбургда чиқаятган “Шўро” журналида босила бошлади. Чўлпоннинг номи тез орада Туркистон минтақасидан ташқарида ҳам машҳур бўлиб, у жадид адабиётининг йирик вакиллари билан бирига айланди.

“Ўзбек ёш шоирлари” (Тошкент, 1922) тўпламида Чўлпоннинг 14 та шеъри босилган. Унинг “Уйғониш” (1922), “Булоқлар” (1923), “Тонг сирлари” (1926), “Соз” (1935) каби 4 та шеърий тўпламлари нашр қилинган. Чўлпоннинг “Ёрқиной” (1926) ва “Гуноҳ” (1923) драматик асарлари, “Кеча ва кундуз” (1936) романи машҳурдир.

Чўлпон ўз ижодида истибод ва жаҳолат миллатнинг тараққиёт ва ҳурлигини бўғувчи иллатлар эканини бадиий акс эттирди. Чўлпон Туркистон Мухторияти ҳукуматини олқишлаб, оташин сатрлар ёзди. У ўз ижодида чоризм ва совет истибодининг бутун даҳшатларини, босқинчи қизил армиянинг талончиликларини кўрсатиб беришдан чўчимайди. Чўлпоннинг “Озод турк байрами” (1917), “Бузилган ўлкага” (1920), “Гўзал Туркистон” (1922), “Қурбон” (1923) шеърлари ва “Вайроналар орасидан”, “Чимкент хатлари”, “Йўл эсдалиги” (1921-1922) каби публицистик мақолаларида Туркистон истиқлоли курашчиларининг ёрқин образи чизилади, мустабид совет режимининг кирдикорлари фош қилинади. Хусусан, унинг Анвар пошо ўлимига бағишлаб ёзган

“Балжувон” (1922) марсияси тилларда дoston бўлди. Чўлпон ижодининг асосий мезонини Туркистон истиқлоли учун кураш ва миллий гоё ташкил қилган эди.

Чўлпон совет режими томонидан 1937 й. қамоққа олинади ва 1938 й. 4 октябрда Тошкентдаги Бўзсув бўйида Фиграт ва Қодирий билан биргаликда отиб ташланади.

УБАЙДУЛЛА ХЎЖАЕВ (тўлиқ номи Убайдуллахўжа Асадуллахўжа ўғли 1882-1938) — биринчи ўзбек адвокати, журналист, жадидлар ҳаракатининг етакчиси. У Тошкентдаги “Қорёғди” маҳалласида боғбон оиласида туғилди. Рус-тузем мактабида ўқиди, адвокатлар идорасида таржимон бўлиб ишлади. Саратов дорилфунунида олий юридик маълумот олди. Тошкентда адвокатлик соҳасида олиб борган фаолияти уни таниқли ҳуқуқ ҳимоячиси сифатида жамоатчилик орасида кенг машҳур қилди. Ўз ватани, ўз халқи тақдирига бепарво қарамайдиган, бу киши ўлкада жадидлар ҳаракатининг фаол қатнашчиси бўлди. “Садон Туркистон” рўзномасининг муҳаррири, “Туркестанский голос” рўзномасининг муҳбири лавозимида ишлаб, “Тараққийпарварлар” деб аталган жадидлар ташкилотининг таркиб топиши ва ривожланишига ҳал қилувчи таъсир ўтказди, бу ташкилот фаолиятида муҳим роль ўйнади. 1917 йил февраль инқилобидан кейин у Тошкентдаги “Шўрои Ислom” ташкилотининг раиси, Туркистон ўлкаси мусулмонлари Марказий Шўросининг котиби ва аъзоси, Бутунроссия мусулмонлари I ва II съездларининг делегати, Бутунроссия мусулмонлар Кенгаши (“Миллий Шўро”)нинг аъзоси этиб сайланди. У мусулмонлар барча тўртта ўлка съездлари раёсатининг раиси қилиб сайланган. Туркистон Муҳторияти Муваққат ҳукумати таркибида ҳарбий вазир лавозимини эгаллади. Туркистон Муҳторияти ҳукуматининг дастурий ҳужжатлари муаллифларидан бири бўлди. Истиқлолчилик ҳаракатига хайрихоҳлик билан қараган. Советлар даврида бир неча марта қамоққа олинди ва сургун қилинди. Сўнгги марта у 1937 йил баҳорида сургундан қайтиб келди. Бироқ 1938 йилда у яна қамоққа олинди ва сургун қилинди, кўп ўтмай ўша ерда вафот этди.

УСМОН ХЎЖА, УСМОНХЎЖА ПЎЛАТХЎЖАЕВ (1878-1968) - Бухородаги жадидчилик ҳаракатининг йирик намоёндаси, таниқли давлат ва жамоат арбоби.

Усмон Хўжа 1878 й. Бухоро шаҳрида туғилган. Отаси Қори Пўлатхўжа бухоролик савдогар бўлган. У дастлабки таҳсилни

Бухородаги мадрасада олди ва илк жадид мактабларидан бирини очди. 1908 йил Дўсти Ҳамидхўжа Меҳрий билан Туркияда – Истанбулда таҳсил олади. 1913 йил Усмон Хўжа Бухорога қайтади ва яна жадид мактаби очади. У 1910 йил тузилган “Тарбияи атфол” махфий ташкилотининг фаол аъзоларидан бўлади.

Усмон Хўжа ва унинг укаси Отахўжа (Отаулла Хўжаев, 1894-1938) Ёш бухороликлар партиясининг йирик намоёндаларидан эди. Колесовнинг Бухорога босқинидан сўнг (1918 йил март) Усмон Хўжа совет Туркистонига муҳожирликка кетишга мажбур бўлади. 1918 йил апрелда у Тошкентда ёш бухороликларнинг сўл эсерлар гуруҳини тузди. 1920 йил февралда Усмон Хўжа инқилобчи ёш бухороликлар партияси Туркистон Марказий бюросининг аъзоси бўлиб сайланади.

Усмон Хўжа БХСР тузилгач, молия нозири (1920), давлат назорати нозири (1921), БХСР МИҚнинг биринчи раиси (1921 йил август-декабр) каби лавозимларда ишлади. У Бухоро Халқ Республикасидан босқинчи қизил аскар қўшинларини олиб кетилиши, Бухоронинг ҳақиқий мустақиллиги учун курашади. 1921 йил декабрда Усмон Хўжа Шарқий Бухорода (Душанбе атрофида) истиқлолчилар сафига ўтади ва 1922 йил Афғонистонга ўтиб, Бухоро Республикасининг мустақил миллий армияси учун замонавий қуроллар сотиб олишга ҳаракат қилади.

Усмон Хўжа муҳожирликда Афғонистон, Польша, Эрон ва Туркияда бўлади. Усмон Хўжа энди Туркистон мустақиллиги учун курашни мафкура майдонига кўчиради. 1927-1932 йилларда у Истанбулда “Янги Туркистон” журналинини нашр қилдирди. У Туркистон тарихига оид кўплаб асарлар муаллифидир.

Усмон Хўжа 1968 й. Туркияда вафот этган.

МАВЗУ: ТУРКИСТОНДА МУСТАБИД СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ЎРНАТИЛИШИ. ИСТИҚЛОЛЧИЛИК ҲАРАКАТИ (1917-1924)

БОЛЬШЕВИКЛАР - 1903 йил РСДРПнинг II съездида партиянинг раҳбар органларига ўтказилган сайловларда В.И. Ленин тарафдорлари кўпчилик овозни олишга муваффақ бўладилар. Шу вақтдан бошлаб Ленин тарафдорлари большевиклар (кўпчилик маъносидан), унга муҳолиф бўлган кучлар меньшевиклар (озчилик) деб юритила бошланган. Партиянинг

номи ҳам 1917 йил РСДРП дан РСДРП (б) га ўзгартирилди. Большевиклар 1917 йил 25 октябрда Россияда давлат тўнтаришини амалга ошириб подшо ҳокимиятини ағдардилар. XX асрнинг 20-30-йилларида ўтказилган қатор ижобий ва салбий ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар, қурилиш ва бузғунчиликлар, қатагон ва репрессияларни ҳам айнан ана шу большевиклар амалга оширган эдилар.

“БОСМАЧИ” - Туркистон мустақиллиги учун курашган ватанпарвар кучлар шўро даври тарихшунослигида шундай ном билан юритилган. Аслини олганда Туркистон ҳудудида подшо ва советлар Россияси-большевикларга қарши қуроли кураш олиб борган туркистонликлар ўзларини “босмачилар” деб тушунишмаган. “Босмачи” деб халқ ўртасида ҳарбий соҳага алоқаси бўлмаган жиноятчи унсурлар, “ўғри” ва “безорилар тўдаси” тушунилган. Шу билан бирга бировларнинг юртини босиб олган босқинчиларни ҳам “босмачилар” деб аташ мантиқан тўғри бўлади. Бу ҳаракат ҳақида сўз юритилган 1918-1919 йилнинг ўрталаригача бўлган даврга тегишли архив ҳужжатларида ҳам “босмачи” сўзи учрамайди. Бу ҳужжатларда “қароқчи” (разбойник), “шайка”, жуда бўлмаса “босқинчи” (бандит) иборалари қўлланилган. 1919 йилнинг ўрталаридан бошлаб совет вақтли матбуотида, кейинчалик эса айрим расмий ҳужжатларда миллий озодлик ҳаракатининг моҳиятини пасайтириш, ажлодаримизнинг Россия зулми ва большевиклар ҳукмронлигига қарши олиб борган қонли курашини хаспўшлаш учун буюк давлатчи-шовинистлар томонидан “босмачи” ибораси ўйлаб топилди. Бугун бу ватанпарварлик ҳаракати раҳномолари “истиқлолчилар” деб юритилмоқда.

БХСР (Бухоро Халқ Совет Республикаси) - Бухоро Амирлигида амир ҳокимияти ағдарилгач, 1920 йил 2-сентябрда Большевиклар андозасида ташкил этилган Республика. 1921 йил сентябр ойида БХСР Конституцияси қабул қилинди. БХСРда кенг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар амалга оширила бошланди. Лекин бу ислоҳотлар мавжуд ижтимоий-сиёсий вазиятдан келиб чиқиб эмас, балки Москва большевиклари андозаси ва кўрсатмаси асосида кўр-кўрона амалга оширилгани боис аксарият ҳолларда тескари натижаларни берди. БХСР 1924-25 йилларда Туркистонда ўтказилган маъмурий-ҳудудий давлат чегараланиши муносабати билан тугатилиб янги ташкил этилган

Ўзбекистон Совет социалистик Республикаси таркибига киритилди.

МАНИФЕСТ - 1. Ҳукумат ёки давлат раҳбарининг жуда муҳим воқеа муносабати билан халққа қилган ёзма мурожаати; 2. Бирор партиянинг дастур (программа) тарзидаги ёзма мурожаати

НОЗИР - Ўрта Осиё хонликларида сарой таъминоти ва унинг харж қилинишини назорат қилиб турувчи мансабдор. XX аср бошларида Бухоро ва Хоразм Халқ Республикаларида (1920-1924 й.й.) савдо, саноат, ҳарбий ва бошқа соҳалар бўйича халқ нозирлари тайинланган бўлиб, улар ўша соҳа бўйича ишнинг боришига жавобгар ҳисобланганлар.

РСФСР (Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси). 1917 йил октябрда В.И.Ленин бошчилигида Большевиклар томонидан давлат тўнтариши ўтказилгач, Россия Империяси (1721-1917) тугагилиб, унинг ўрнида РСФСР ташкил этилди. Россия давлатининг бу расмий номи 1917 йилдан 1991 йилгача амалда бўлди. 1991 йилдан Россия Федерацияси (РФ) деб юритилмоқда.

СССР (Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи) - жаҳон сиёсий харитасида бу ном 1922 йил 30 декабрда пайдо бўлиб, РСФСР, УкССР (Украина), БССР (Белоруссия) ва ЗСФСР (Закавказье Социалистик Федератив Совет Республикаси)ларнинг иттифоқи сифатида ташкил этилади. Кейинги йилларда унинг таркибига бирин-кетин қатор “иттифоқчи” совет республикалари киритилади. ЎзССР 1925 йил майда иттифоқ таркибига қабул қилинади. 1940 йилга келганда унинг таркибидаги республикалар сони 15 тага етади. Зўравонликка асосланган бу сунъий давлат жуда қисқа умр кўриб, 1991 йилга келиб парчаланиб кетди

СредазЭКОСО (Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши) - 1921 йил март ойида РСФСР ХКК қарори билан таниқил қилинган Туркистон Иқтисодий Кенгаши (ТЭС)нинг вориси бўлиб, у 1923 й. мартда Ўрта Осиё республикалари: ТАССР, БХСР, ХХСРни иқтисодий жиҳатдан бирлаштиришга бағишланган I Иқтисодий конференцияда (1923 йил 5-6 март) ташкил қилинган В.Лениннинг ибораси билан айтганда, Иқтисодий Кенгашлар марказнинг жойлардаги “қўз-қулоғи” бўлиши керак эди. Конференцияда қабул қилинган Низомда ҳам СредазЭКОСОНинг асосий вазифаси қилиб Ўрта Осиё республикаларининг иқтисодий имкониятларини бирлаштириб, Марказ эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда социализм қурилишига

йўналтириш, деб белгиланган эди. СредазЭКОСО қарорларини барча Ўрта Осиё республикалари ҳукуматлари бажаришга мажбур эди. СредазЭКОСО ўз фаолияти давомида Ўрта Осиё республикалари иқтисодиётини Марказ манфаатларига мослаштиришга ҳаракат қилди. Ўрта Осиё республикаларининг Иттифоқ иқтисодий мажмуасидаги ўрни ва вазифаларини белгилаб берди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида пахта яккаҳокимлигининг юзага келишида, саноатни бир томонлама, чала, хом ашё шаклида маҳсулот ишлаб чиқаришга мослаштиришда СредазЭКОСОНинг “хизмати” катта бўлди. Республикаларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ривожланиш истиқболлари асосан СредазЭКОСОда ишлаб чиқилди. Марказнинг мустамлакачи тузилмаси – СредазЭКОСО республикаларни иқтисодий жиҳатдан бошқарув тизимини марказлаштиришда муҳим роль ўйнайди.

СредазЭКОСО 1934 й. 2 октябрда СССР ХКК ва ВКП(б) МҚнинг қарори билан тугатилди.

ТАСР (Туркистон Автоном Совет Республикаси) - 1917 йил октябрда Россияда подшо ҳукумати ағдарилгач, Россия империясига қаршли Туркистон Генерал Губернаторлиги (1867-1917) ҳам тугатилди. Ҳокимият большевиклар қўлига ўтгач, Туркистон ўлкасида ҳам маъмурий-ҳудудий қайта қуришлар амалга оширилиб, Туркистон Генерал Губернаторлигига қаршли ҳудудларда 1918 йил апрель ойида Совет Россияси (РСФСР) таркибига кирувчи Туркистон Автоном Совет Республикаси (ТАСР) ташкил этилди. ТАСР Конституциясида Туркистоннинг мухтор ўлка сифатида автоном ҳуқуқлари кўрсатилган бўлса-да, ўлка ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсати бевосита Москва большевиклари томонидан назорат остига олинган эди. 1924-1925 йилларда марказ томонидан ўтказилган маъмурий-ҳудудий чегараланиш натижасида ТАСР тугатилиб, унинг ўрнида миллий совет республикалари (Ўзбекистон ССР, Туркменистон ССР) ва автоном совет ўлкалари ташкил этилди.

ТУРКИСТОН БЮРОСИ (Туркбюро) - 1920 й. июлда РКП(б) МҚ томонидан ташкил қилинди ва Туркистонга юборилди. У Марказнинг Туркистондаги ишончли “мафкуравий идораси” эди. Туркистон, Бухоро, Хоразм республикаларида большевиклар ташкил қилган компартияга “ғоявий-ташкилий жиҳатдан ёрдам бериши” керак эди. Аслида, Туркбюронинг

ташкил қилинишига Ўрта Осиё республикаларидаги истиқлолчилик ҳаракатининг кучайиб бориши, ТАССР, БХСР, ХХСРдаги бир қатор раҳбар кадрларнинг миллий манфаатларини қатъийлик билан ҳимоя қилиши, республикаларда “советлаштириш” жараёнининг жадаллик билан амалга ошмаётганлиги ва энг асосийси, Марказнинг Ўрта Осиё республикаларидаги маҳаллий раҳбар кадрларга ишонмаслиги сабаб бўлган эди.

Туркбюро Марказнинг ғоявий-сиёсий таъсирини кучайтириш мақсадида партия сафларини мунтазам равишда “ёт-унсурлардан тозалаб” турди. Миллий раҳбар кадрларнинг “ғоявий софлиги”ни назорат қилди. Бу вазифани амалга ошириш учун Марказ Туркистонга мунтазам равишда “тажрибали большевиклардан” юбориб турди. Биргина 1921 й. РКП(б) МҚ Туркбюро ихтиёрига 354 коммунист-эмиссарларини юборган эди. Улар Туркистон, Бухоро, Хоразм республикаларида масъул лавозимларда ишладилар. Ўрта Осиёнинг шарт-шароитларини, урф-одатлари ва хусусиятларини билмаган бу эмиссарлар зўравонлик билан ҳокимият органларида ҳукмронлик қилдилар.

1922 й. майда РКП(б) МҚнинг Туркбюроси – РКП(б) МҚнинг **Ўрта Осиё бюроси (Средазбюро)**га айлантирилди. Унга туркбюронинг зиммасидаги барча вазифалар юкланди, шу билан бирга унинг ғоявий-сиёсий таъсир доираси янада кенгайди. Ўрта Осиёдаги миллий-ҳудудий чегараланиш, зўравонлик билан ўтказилган жамоалаштириш, сунъий саноатлаштириш, Ўзбекистонни хом ашё базасига айлантириш, мулкдорларни синф сифатида тугатиш Средазбюронинг фаол иштирокида, унинг ғоявий раҳнамолигида амалга оширилди. Ўрта Осиё республикаларидаги барча ғоявий-сиёсий тadbирлар, ўзгаришлар Средазбюронинг рухсати ва унинг раҳбарлигида қилинди. Туркбюро ва Средазбюро марказнинг Ўрта Осиё республикалари устидан назорат қилувчи махсус бошқарув органи эди. Ўрта Осиё республикалари бу ташкилотга сўзсиз бўйсунушга мажбур эдилар.

Туркбюро ва средазбюро Туркистон АССР, Ўзбекистон ССРдаги фаолияти давомида маҳаллий халқ онгига унга ёт бўлган коммунистик ғояни синғдириш билан бир қаторда миллий раҳбар кадрларга, миллий зиёлиларга нисбатан қўплаб қувғинлар ва қатагонлар уюштирди. Уларнинг миллий маданияти, ислом дини ва қадриятларини оёқосги қилинишида “бош-қош” бўлди.

1934 йил 2 октябрда СССР ХКК ва ВКП(б) МҚнинг қарори билан Средазбюро фаолияти тугатилди.

ТУРКИСТОНДА МИЛЛИЙ-ҲУДУДИЙ ДАВЛАТ ЧЕГАРАЛАНИШИ - Туркистон халқларининг азалий бирлиги ва яхлитлигини барбод қилиш мақсадида Москва большевиклари томонидан 1924-1925 йилларда ўтказилган тadbир. “Улар бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил!” шиорига амал қилиб Туркистон ўлкасида и тарихи, дини, маданияти ва тақдири муштарак бўлган халқларни бир биридан ажратиб, ҳар бирига мустақил Республика мақомини бериб, улар устидан назоратни мустаҳкамлаш учун амалга оширилган сиёсат эди. Маҳаллий давлат арбоблари (Т.Рисқулов, С.Хўжанов, С.Асфандиёров) ларнинг Туркистон ягона, бир бутун ва унинг яхлитлигини бузиш мақсадга мувофиқ эмас деб Москвага бир неча бор мурожаат қилишларига қарамай, уларнинг ташаббуслари инobatга олинмади. Миллий ҳудудий чегараланиш натижасида Туркистонда Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси (ЎзССР), Туркменистон Совет Социалистик Республикаси (ТССР), кейинроқ эса Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистон Автоном Совет Социалистик Республикалари ташкил этилди.

ТУРКИСТОН КОМИССИЯСИ, ТУРККОМИССИЯ - РКП(б) МҚ, Бутунроссия МИҚ ва РСФСР ХККнинг Туркистон ишлари бўйича комиссияси 1919 й. 8 октябрда ташкил қилинди. РКП(б) МҚ Сиёсий бюросида комиссия аъзолари қилиб В.Бокий, Ф.Голошкекин, В.Куйбишев, Я.Рудзугак, М.Фрунзе, Ш.Элиава тасдиқландилар. Улар қаторига кейинчалик маҳаллий раҳбарлардан А.Раҳимбоев, А.Тўрақулов, Қ.Отабоев, Т.Рисқулов, С.Хўжанов киритилди. Турккомиссияга чексиз ҳуқуқ берилган эди. Уларнинг асосий вазифаси қандай қилиб бўлса ҳам, Туркистонда совет ҳокимиятини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш эди. Турккомиссия бу вазифани амалга оширишда зўравонлик усулидан асосий восита сифатида фойдаланди. Фаолиятининг дастлабки куниданоқ комиссия ўзининг ҳукмини ўтказишга ҳаракат қилди. Марказдан келган комиссия аъзолари миллий раҳбар кадрларнинг Туркистон ўлкаси ва халқи манфаатларини ҳимоя қилишларига, марказ сиёсатига қарши чиқишларнинг барча кўринишларига қарши аёвсиз курашди. Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатларини тугатиш учун барча имкониятларни ишга солди. “Турк Республикаси” ва

“ТуркКомпартиясини” ташкил қилиш, Турккомиссия фаолиятини тўхтатишни талаб қилиб чиққан Т.Рисқулов, А.Тўрақулов, Қ.Отабоев каби бир қатор миллий раҳбар кадрларга нисбатан қувғинлар ва қатағонлар ўтказди. Совет ҳокимиятига хайрихоҳ бўлмаган маҳаллий аҳоли вакилларини “босмачилар”га шерик сифатида айблаб, уларни қамоқларга ташладилар, судсиз-сўроқсиз отиб ташлашгача бориб етдилар. Аслида, Туркистонда ТуркМИҚ ва ХКК эмас, балки Турккомиссия ҳукмрон эди. Республикада амалга оширилиши зарур бўлган барча ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий масалалар фақат Турккомиссия рухсати ва кўрсатмаси билан қилинди.

Ўрта Осиёдаги охириги миллий давлатлар – Хива хонлиги ва Бухоро амирлигини тугатилишида Турккомиссия “бош-қош” бўлди. Бу мустақил давлатларга нисбатан босқинчилик режалари Турккомиссия аъзолари М.Фрунзе, В.Куйбишев, Я.Рудзутак, Ф.Голошचेкинлар томонидан ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Бухоро ва Хоразмда советлар андозасидаги давлатларни (БХСР, ХХСР) ташкил қилиниши ҳам Турккомиссия “сценарийси” асосида қилинди. Турккомиссия Ўрта Осиё ҳудудида том маънодаги мустамлакачилик сиёсатини олиб борди. Туркистон, Бухоро амирлиги, Хива хонлиги бойликларининг Марказга мунтазам равишда ташиб кетилишига раҳбарлик қилди.

1920 й. июлда РКП(б) МҚ Туркистон бюроси ташкил қилиниши муносабати билан Турккомиссиянинг партиявий ваколати тўхтатилди. 1923 й. РКП(б) МҚнинг қарори билан Туркистон комиссияси бутунлай тугатилди.

ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИ - Туркистон халқларининг 1917 йил октябр давлат тўнтаришидан кейин большевиклар томонидан эълон қилинган миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши тўғрисидаги декретига мувофиқ ташкил қилган мустақил давлати. 1917 йил 26-28 ноябрда Кўқон шаҳрида Туркистон ўлка мусулмонларининг фавқулодда IV қурултойи (съезди) бўлиб ўтди. Қуриутойда 27 ноябр куни қабул қилинган қарорда шундай дейилади: “Туркистонда яшаб турган турли миллатларга мансуб аҳоли Россия инқилоби даъват этган халқларнинг ўз ҳуқуқларини ўзлари белгилаш хусусидаги иродасини намоён этиб, Туркистонни Федератив Россия Республикаси таркибидаги ҳудудий жиҳатдан мухтор деб эълон қилади, шу билан бирга мухториятнинг қарор топшиш шаклиларини

Таъсис мажлисига ҳавола этади”. 28 ноябрда таркиб топаётган янги давлатнинг 8 кишидан иборат таркибда Ҳукумати тузилади:

1. М. Тинишпаев – Бош вазир, ички ишлар вазири, II-чақириқ Давлат Думасининг аъзоси, Муваққат ҳукумат Туркистон комитетининг аъзоси, муҳандис.

2. Ислон Султон Шоаҳмедов (Шағиаҳмедов) – бош вазир ўринбосари, Бутунроссия мусулмонлари кенгаши Марказий қўмитасининг аъзоси, ҳуқуқшунос.

3. Мустафо Чўқаев – ташқи ишлар вазири, Туркистон Мусулмонлар Шўроси Марказий қўмитасининг раиси, ҳуқуқшунос.

4. Убайдулла Хўжаев – ҳарбий вазир, Бутунроссия мусулмонлар кенгаши МҚ аъзоси, ҳуқуқшунос.

5. Ҳидоятбек Юрали Агаев – ер ва сув бойликлари вазири, агроном.

6. Обиджон Маҳмудов – озиқ-овқат вазири, Қўқон шаҳар думасининг раис ўринбосари, тоғ-көн саноати муҳандиси.

7. Абдурахмон Ўразаев – ички ишлар вазирининг ўринбосари, ҳуқуқшунос.

8. Соломон Абрамович Герцифельд – молия вазири, ҳуқуқшунос.

Тайинланган вазирлардан 3 киши олий маълумотли ҳуқуқшунос, 2 киши ўрта малакали ҳуқуқшунос эканлиги Мухторият ҳукумати аъзоларининг билим даражаси юқори эканлигидан далолат беради. Мухториятнинг маркази Қўқон шаҳри қилиб белгиланади. Совет даври адабиётларида учрайдиган “Қўқон Мухторияти” ибораси ҳам шундан олинган бўлиб, бу аслида Туркистон Мухториятининг кўламини кичрайтириб кўрсатиш маъносига шундай номланган.

Ўтказилган туб ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар самараси ўлароқ Туркистон Мухторияти ҳукумати қисқа муддат ичида халқ ўртасида катта эътибор қозонди. Янги ҳукумат фаолияти фақат Қўқон ёки Фарғонада эмас, балки бугун Туркистон минтақасида яшаётган халқлар томонидан қизгин қўллаб-қувватланди. Фитрат, Чўлпон, Ҳамза Мухторият ҳукуматини мақтаб, ўтли шеърлар битишди. Фитрат Мухторият эълон қилинган кунни “Миллий Лайлатулқадримиз” деб атади.

Мухтор ҳукуматнинг халқ ўртасида обрў-эътибори ва нуфузининг ортиб бориши большевикларни ташвишга сола бошлади. 1918 йил 19-26 январда Туркистон ўлкаси ишчи, солдат

ва деҳқон депутатлари IV қурултойида Тошкент советининг раиси, большевик И.Тоболин: “Мухториятни ҳаётга тадбиқ этиш учун ҳали вақт эрга, чунки биз бу ишни амалга оширсак, мухториятнинг биринчи шарт сифатида рус қўшинлари ўлкадан чиқиб кетиши керак бўлади”, - деган эди. Қурултой Мухторият ҳукумати ва унинг аъзоларини бойлар, яъни буржуазия вакиллари деб ҳисоблаб, қонундан ташқари деб эълон қилади ва ҳукумат аъзоларини қамоққа олиш тўғрисида қарор чиқаради.

1918 йил 30 январь кечқурун Скобелев (Фарғона) шаҳридан Қўқонга дастлабки қизил армия отрядлари тўп ва пулемётлар билан етиб келди. 31 январ тушдан кейин жанг ҳаракатлари бошланиб кетади. Кучларнинг тенг эмаслиги ва қизил армиянинг яхши ҳарбий тайёргарлиги мухторият ҳимоячиларининг мағлубиятига сабаб бўлди. Қўқон шаҳри қизил аскарлар томонидан қонга ботирилди. 1918 йил 9 февралда Қўқон шаҳрида мухторият вакиллари билан большевиклар томонидан тайёрланган “тинчлик шартномаси” имзоланди.

Туркистон Мухторияти атиги 72 кун умир кўрган бўлса ҳам, у эрксевар халқимизни миллий мустақиллик ва истиқдол учун курашга даъват этди.

ФУҚАРОЛАР УРУШИ - сиёсий ҳокимият учун кураш жараёнида мамлакат фуқароларининг икки қарама-қарши муҳолиф томонга бўлиниб кетиши натижасида келиб чиқадиган уруш. Қадимги Римда республика тарафдорлари билан империя тарафдорлари ўртасидаги ўзаро урушлар (мил. авв. 44-30 й.й.), Англияда парламент тарафдорлари билан Қирол тарафдорлари ўртасидаги уруш (1640-1645 й.й.), Франциядаги республика ва Монархия тарафдорлари ўртасидаги уруш (1789-1795), АҚШда қулчиликни бекор қилиш ва уни сақлаб қолиш тарафдорлари ўртасидаги Шимолий штатлар билан Жанубий штатлар ўртасидаги уруш (1861-1865)ларни бунга мисол қилиб келтиришимиз мумкин. 1918-1920 йилларда Россияда большевиклар ҳокимиятига қарши бўлиб ўтган уруш ҳам фуқаролар уруши номини олган.

ХХСР (Хоразм Халқ Совет Республикаси) - Туркистон Генерал Губернаторлиги тугатилиб, унинг ўрнида Туркистон Автоном Совет Республикаси ташкил этилгач, большевиклар Россия андозасидаги “халқ инқилоби”ни Туркистонда амалда бўлиб келаётган хонликларга ҳам жорий қилишни (аниқроғи уни экспорт қилишни) кўзлай бошлади. Шу мақсадда 1920 йил 2-

февралда Хива хонлигида ҳам сунъий инқилоб амалга оширилиб, охирги Хива хони Саид Абдуллахон ҳокимияти ағдариб ташланди ва 1920 йил 26 апрелда Хоразм Халқ Совет Республикаси (ХХСР) эълон қилинди. ХХСРда янги Конституция қабул қилиниб, кенг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар амалга оширила бошланди. Лекин бу ислоҳотлар мавжуд ижтимоий-сиёсий вазиятдан келиб чиқиб эмас, балки большевиклар андозаси ва кўрсатмаси асосида кўр-кўрона амалга оширилгани боис аксарият ҳолларда тескари натижаларни берди. ХХСР 1924-25 йилларда ўтказилган маъмурий-ҳудудий давлат чегараланиши натижасида тугатилиб, янги тузилган ЎзССР таркибига қўшиб юборилди.

ЯИС (Янги иқтисодий сиёсат НЭП) - 1918-1920 йилларда юритилган ҳарбий коммунизм сиёсати воситасида мамлакат иқтисодий ҳаётини тиклаш мумкин эмаслигига кўзи етган большевик раҳбариятининг 1921 йил март ойидан бошлаб юритган иқтисодий сиёсати. У тарихда янги иқтисодий сиёсат (НЭП) номини олди.

ЯИС (НЭП) иқтисодиётнинг кўп тарзли бўлишини эътироф этди, эркин тижорат ва хусусий мулкчиликни эълон қилди. НЭП сиёсати натижасида майда тижоратчиларнинг катта армияси пайдо бўлди. Миллионлаб қосиб-майда ҳунармандлар мамлакат истеъмол молларининг тўртдан уч қисмини ишлаб чиқара бошлади. Натижада ишчи ва деҳқонларнинг турмуши яхшиланди, дастлабки жиддий ижтимоий тадбирлар ҳаётга жорий этила бошланди.

Янги иқтисодий сиёсат иқтисодиётнинг табиий ривожланиши ва бозор иқтисодиёти қонунилари ҳар қандай бандпарвоз шиорлар (социализм, коммунизм) дан устун туришини ҳаёт амалиётида кўрсатиб берган эди. Бироқ НЭП сиёсатининг иқтисодий эркинлик ва тадбиркорликка йўл очиб бериши аҳоли ўртасида мулкий тенгсизликни, аҳолининг табақаланишини келтириб чиқарарди. Бу эса социализмнинг принципиал тамойилларига зид бўлганлиги сабабли 20-йиллар ўрталаридан ЯИСга аста-секин барҳам берилиб, давлат монопол иқтисодиёти, мулкни социаллаштириш сиёсати жорий этила бошланди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР - 1924-1925 йилларда Москва кўрсатмаси билан ўтказилган маъмурий-ҳудудий давлат чегараланиши оқибатида 1925 йил 13 февралда Бухорода Умумўзбек советларининг I қурултойида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ташкил этилади. 1927, 1937 ва 1978 йилларда қабул

қилинган ЎзССР Конституцияларида Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқлари ёзиб қўйилган бўлсада, Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаёти тўлиқ “Марказ” ва Компартия назоратига олинди. Шунинг учун ҳам ЎзССР мавжуд бўлган 1925-1991 йиллар тарихшуносликда қарамлик йиллари деб юритилади.

ҚҰРБОШИ - ўрта асрларда Ўрта Осиё ва айрим Шарқ давлатларида дастлаб шаҳарни тунда қўриқловчи шахс, кейинчалик зиндон бошлиғи, қурол-яроғ омбори мутасаддиси. XX аср бошларида Ўрта Осиёда шўролар ҳокимияти ўрнатилганидан сўнг уларга қарши маҳаллий аҳоли томонидан миллий давлатчиликни тиклаш йўлида кураш олиб борганлар, улар большевиклар томонидан босмачилар деб аталган. Мана шу миллий-озодлик ҳаракати (истиқлолчилик) ҳаракати раҳбарларининг кўпчилиги ўзларини қўрбоши деб аташган.

ҲАРБИЙ КОММУНИЗМ - совет давлатининг фуқаролар уруши шароитидаги 1918-1920 йилларда юргизган ижтимоий-иқтисодий сиёсатидир. Аҳолининг бой қисми мол-мулкани олишни, ялпи меҳнат мажбурияти жорий этишни, йирик, ўрта ва қисман кичик саноатни тез суръатлар билан давлат ихтиёрига ўтказишни назарда тугарди. Тижорат таъқиқланди, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ортиқчасини давлатга топшириш мажбурий қилиб қўйилган.

АБДУЛЛА РАҲИМБОВ (1896-1938) - давлат ва жамоат арбоби. Хўжанд шаҳрининг Раззоқи маҳалласида савдогар оиласида дунёга келди. 1910-1912 йилда у Самарқанддаги эркаклар гимназиясида, сўнгра Тошкентдаги ўқитувчилар семинариясида билим олди (1917). У 14 та тилни билган.

А.Раҳимбоев 1919 йилдан бошлаб совет идораларида хизмат қила бошлади. ТАССР МИК раиси (1920-1922), Туркистон АССР Маориф халқ комиссари лавозимида ишлади. Унинг онгига “коммунистик ғоя” ни сингдириш учун 1922 йилда Москвага чақирилади. Марказий ҳукумат қошидаги “тайёрлов” дан сўнг А.Раҳимбоев Бухоро Компартияси ва Туркистон Компартиясининг Марказий Қўмитаси котиби лавозимларида ишлайди (1923-1924). Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш ўтказишда фаол қатнашади ва бу тadbирни қўллаб-қувватлайди.

А.Раҳимбоев 1925 йилдан Москвада яшай бошлайди. СССР халқлари Марказий нашрети бошқармаси раиси лавозимида

ишлади (1928). Сўнгра у Душанбега юборилди. Тожикистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг раиси (1934-1937) сифатида фаолият кўрсатади.

А.Раҳимбоев 1937 йилда қамоққа олинади ва 1938 йил 7 майда отиб ташланади.

АБДУҚОДИР МУҲИТДИНОВ (1892-1934) - Бухородаги жадидчилик ҳаракатининг таниқли намоёндаси, давлат арбоби. А.Муҳитдинов Бухоро шаҳрида йирик савдогар Муҳитдин Мансуров оиласида туғилди. Истанбул мадрасасида ўқиган. Отаси Бухородаги илк жадид газетаси “Бухорои шариф” ни моддий жиҳатдан таъминлаб турган, жадид мактабларига ҳомийлик қилган. Маърифатли отасининг фарзанди бўлган А.Муҳитдинов жадидлар ҳаракатида фаол иштирок этди. 1910 йилда Оренбургдаги “Вақт” газетасида унинг дастлабки мақоласи эълон қилинди.

1918-1919 йилларда А.Муҳитдинов Бухоро жадидларининг фаол аъзоси сифатида Самарқанд, Тошкент ва Москвада мухожирликда яшашга мажбур бўлди. У Туркистон Мусулмонлари бюросининг аъзоси (1919-1920) эди. Бухорода амирлик қизил аскарлар кучи билан ағдарилгач, А.Муҳитдинов Умумбухоро Инқилобий қўмитаси раиси (1920 сентябр-1921 йил сентябр), БХСР деҳқончилик нозири (1920 йил сентябрдан) каби масъул лавозимларда ишлади. А.Муҳитдинов БХСРнинг хорижий мамлакатлар билан мустақил алоқа ўрнатиш тарафдори, Бухоро Республикаси ҳудудидан босқинчи қизил аскарлар қисмларини олиб чиқиб кетишни ва Бухорода халқ милицияси каби миллий армия тузишни қатъий талаб қилган эди. 1921-1924 йилларда БХСР савдо ва саноат нозири, Меҳнат Кенгаши раиси, БХСР Нозирлар Кенгаши раисининг иккинчи муовини лавозимларида ишлади ва Бухоро Республикасининг мустақиллиги, эътиқод эркинлиги, демократик ислохотларни ёқлаб чиқди.

Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланиш ўтказилиб, Ўзбекистон ССР таркибида Тожикистон АССР ташкил қилингач, А.Муҳитдинов Тожикистон АССР ХККнинг биринчи раиси қилиб тайинланди (1925-1929). Сўнгра у Ўзбекистон ССР таъминот комиссарлигида ишлади.

А.Муҳитдинов 1933 йил 21 августда қамоққа олинди ва 1934 йил 1 июнда отиб ташланди.

АМИР САИД ОЛИМХОН (1881 йил Карманада туғган) - У 1883-1896 йилларда Петербургдаги Николаев номидаги

суворийлар мактабида таълим олади. 1898 йили Насаф (Қарши), сўнгра валиаҳд сифатида Кармана вилоятида ҳоким бўлади. 1910 йил декабрда отаси Абдулаҳадхон вафотидан кейин Бухоро тахтига ўтиради. 1920 йил август ойининг охирида М.Фрунзе қўмондонлигида қизил армия қисмларининг Бухоро амирлигига босқинчилик юришлари натижасида Амир Олимхон тож-тахтни ташлаб Шарқий Бухорога кетади. У ерда халқни қизил аскарларга қарши оммавий қўзғолонга бошлашга уринади. Бироқ, бу озодлик курашини ўз юртида қолдириб, унга бевосита раҳбарлик қилиш ўрнига Афғонистонга бутунлай ўтиб кетишни афзал кўради (1921 йил 4 март). Саид Олимхон Қобулдан туриб, Бухородаги мухолифат кучларига раҳбарлик қилади, қимматбаҳо совғалар юбориб, уларни курашга чорлайди. У мухожирликда ўзининг “Бухоро халқининг ҳасрати тарихи” номли эсдаликларини ёзади. Саид Олимхон 1944 йил 28 апрелда Қобулда вафот этади.

АНВАР ПОШО (1881 йил 14 июнда Истанбулда туғилган) - У Туркиядаги усмонлилар султони Абдулҳамид II нинг ҳукмронлигига чек қўйган 1908 йилдаги ёш турклар инқилобини амалга оширган “Иттиҳод ва тараққий” партияси раҳбарларидан бири эди. Туркияга қарашли Македонияда 1908 йил 23 июнда ёш турклар қўмитаси ҳокимиятни қўлга олгач, бу воқеалар марказида турган Анвар Пошо халқ қаҳрамонига айланиб кетди. Ҳали 27 ёшга тўлмаган Анварга генераллик (“пошо”) унвони берилди. 1913 йил январдаги ҳарбий тўнтариш натижасида Туркия тўлиқ ёш турклар қўлига ўтди. Анвар Пошо, Талъат Пошо ва Жамол Пошодан иборат учлик Туркияни бошқара бошлади. Анвар Пошо 1911-1913 йилларда Туркиянинг Италия ва Болгарияга қарши урушида қаҳрамонлик кўрсатади. У Туркиянинг ҳарбий вазири, Биринчи жаҳон уруши бошлангач эса, турк армиясининг қўмондони қилиб тайинланади. Биринчи жаҳон урушида Туркия ва унинг иттифоқчиси Германия мағлубиятга учрагач, Анвар Пошо сафдошлари Талъат ва Жамол Пошолар билан биргаликда 1918 йил 3 ноябрда Туркия ҳудудидан чиқиб кетади. 1919 йил бошларида Анвар Пошо Берлинга келади. Шу йилнинг июль ойида Истанбул ҳарбий суди уч топони ва уларнинг дўстлари Нозимни сирдан ўлим жазосига ҳукм қилади. Анвар Пошо немис коммунисти К.Радекнинг маслаҳатида биноан 1920 йил ёзида Россияга (Москвага) келади. У 1920 йил 1 -8 сентябрда Бокуда бўлган Шарқ халқлари қурултойида қатнашади. 1921 йил октябрда

Анвар Пошо Боку ва Ашхобод орқали Бухоро шахрига келди. У Бухорода Ф.Хўжаев, Аҳмад Заки Валидий Тўғон ва бошқалар билан учрашиб, босқинчи қизил аскарларга қарши курашаётган муҳолифатчилар сафига қўшилади. 1921 йил декабрдан бошлаб, Анвар Пошо Шарқий Бухородаги қурбоши дасталарига раҳбарлик қила бошлади. У Кўктошда, шарқий Бухоро ва Фарм вилоятида ҳаракат қилаётган, шунингдек, Фарғонадаги барча қурбошиларнинг қурултойини чақирди. 1922 йил март ойида Фарғона ва Самарқанд вилоятларидан тортиб то Хоразм ва Шарқий Бухорогача бўлган ҳудудда Анвар Пошо бошчилигида истиқлолчи кучларнинг умумий fronti тузилди. 1922 йил 15 апрелда Бойсун атрофидаги Кофирун қишлоғида бўлган Туркистон қурбошиларининг қурилтойида Анвар Пошо олий бош қўмондон ва сиёсий раҳбар қилиб сайланди.

1922 йил 19 майда Анвар Пошо Озарбайжон Республикаси ХКК раиси Н.Наримонов орқали Москвадаги совет ҳукуматига талабнома (ультиматум) топшириб, Бухоро, Хоразм ва Туркистондан талончи қизил аскарларни олиб чиқиб кетишни талаб қилди. Бироқ июнь ойининг ўрталарида қизил аскар қисмлари шиддатли ҳужумга ўтдилар. 1922 йил 4 августда шарқий Бухоронинг Балжувон атрофидаги Обидара қишлоғида бўлган жангда Анвар Пошо ҳалок бўлди.

АҲМАД ЗАКИ ВАЛИДИЙ ТЎҒОН (1890 й. Бошқирдистон – 1970 й., Истанбул) – туркий халқларнинг миллий мустақиллик кураши йўлбошчиси, таниқли шарқшунос ва турколог олим.

Валидий Бошқирдистонда, Уфимск губернаси, Стерлитамоқ уезди, Кузанова овулида бошқирд мулласи оиласида туғилади. У 1908-1912 йилларда Қозондаги Қосимия мадрасасида ўқийди ва 1910-1913 йиллар давомида шу мадрасада туркий халқлар тарихи ва адабиётидан дарс беради. “Турк ва татар тарихи” (Қозон, 1912) номли илк китоби унга шуҳрат келтиради. 1913 йил кузида Қозон университетининг тарих, археология ва этнография жамияти уни шарқ қўлёзмасини ўрганиш учун Фарғона водийсидаги илмий сафарга юборади. Валидий сафар чоғида 72 та қўлёзма топади ва илмий тадқиқ қилади. 1914 йил Россия ФА Марказий Осиё ва Узоқ Шарқни тадқиқ этиш халқаро жамияти йўланмаси билан у Бухоро амирлигида бўлади. Валидий Қуръони каримнинг X асрда туркий тилга ўгирилган энг қадимги ноёб нусхасини топишга муваффақ бўлади.

Валидийнинг сиёсий фаолияти 1915 йил Санкт-Петербург Давлат Думаси мусулмон фракциясида иштироки билан бошланади. У 1917 йил Россиядаги туркий халқлар миллий озодлик ҳаракатининг йўлбошчиларидан бирига айланади. 1917 йил апрелда Тошкентга келади ва Туркистондаги сиёсий жараёнларнинг марказида туради. Туркистон ўлкаси мусулмонлари Марказий Шўросининг бош қотиби ва “Кенгаш” газетасининг муҳаррири бўлди. Валидий Туркистондаги туб халқларнинг мухториятчилик ҳаракатида фаол қатнашиб, тарихий ўтмиши муштарак бўлган туркий халқларнинг бирлиги ва мустақиллиги ғоясини илгари сурди. У 1917 йил ёзида Тошкент шаҳар Думасига сайланади. 1917 йил октябрда Бошқирдистон Марказий Шўроси уни Оренбургга чақиради. 1917 йил охиридан 1920 йил бошигача у Бошқирдистон мухторияти ва бошқирд миллий ҳаракатининг етакчиларидан бири бўлди, Бошқирдистон ҳукумати бошлиғи ва ҳарбий нозир вазифасида ишлади. У 1920 йил ёзида советлар билан ҳамкорлик қилишни тўхтатди.

1920-1923 й.й. Валидий сиёсий фаолиятининг сўнгиси – Туркистон даври ҳисобланади. У Боку, Туркманистон, Хоразм орқали 1920 йил декабрда Бухоро шаҳрига келди ва Бухоро, Хоразм ва Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатига сиёсий жиҳатдан раҳбарлик қилувчи марказ тузиш учун ҳаракат бошлади. Бухорода 1921 йил августда Ўрта Осиё Миллий Мусулмон Жамиятлари Федерацияси – кейинчалик “Туркистон Миллий Бирлиги” (ТМБ) номи билан машҳур бўлган ташкилот Валидий раислигида тузилди. ТМБнинг 1921 йил сентябрда Самарқандда чақирилган 6-чи конгрессида бутун Туркистондаги қўрбоши гуруҳлари билан алоқа ўрнатиш ва ҳар бир қўрбошининг ҳузурига сиёсий маслаҳатчилар юбориш тўғрисида қарор қабул қилинди.

1923 йил февралда Валидий Туркманистон орқали Машҳад – Эронга ўтиб кетишга мажбур бўлди. Унинг ҳаётида муҳожирлик даври бошланган эди. У хорижий мамлакатларда илмий фаолият билан шуғулланди, сиёсатни тарқ этди. Истанбул университетиде турк халқлари тарихидан сабоқ берди. У турк, немис, француз, инглиз, араб, венгер, рус, бошқирд тилларида 400 дан ортиқ илмий иш эълон қилди. “Бугунги турк эли (Туркистон) ва яқин тарихи” (Истанбул, 1942-1947) ва “Хотиралар” (Истанбул, 1969) каби машҳур асарлари шулар жумласидандир. Туркистон тарихининг теран тадқиқотчиси Тўғоннинг хотиралари

“Бўлинггани бўри ер” номи билан ўзбек тилида нашр қилинган. Валидий 1970 йил 26 июлда Истанбул шаҳрида вафот этган.

БОБО ОХУН САЛИМОВ (1874-1929) - ёш хиваликлар партиясининг раҳбарларидан бири, давлат ва жамоат арбоби.

Бобо Охун Салимов (асл исми Муҳаммад) 1874 йил Гурлан беклигида қозикалон Салим Охун оиласида дунёга келди. Унинг отаси Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз)нинг пири бўлиб, ўз маблағидан Қозикалон мадрасасини қурдирган эди. Бобо Охун Хивадаги Оллоқулихон мадрасасида таҳсил олди. У араб, форс ва рус тилларини пухта ўрганали, шеърлар ёзди. 1910-1917 йилда Хива хони Асфандиёрхон саройида отаси ўрнига шайхулислом (қозикалон) лавозимини эгаллайди. 1916 йил у ёш хиваликларнинг раҳбарларидан бири сифатида Асфандиёрхон зулмига қарши қўзғолон кўтарган деҳқонларнинг фаолиятини махфий бошқарган эди. Бобо Охун Салимов хон ҳузурида мамлакатни бошқариш учун ёш хиваликлардан тузилган парламент мажлисининг раиси (1917 йил 8 апрель — 23 май). 1918-1919 йилларда у Тўрткўлда яшаб, хонликка муҳолифатда бўлди ва большевикларга яқинлашди.

Бобо Охун Салимов ХХСР тузилгач, адлия ноziри (1920-1921, 1924) лавозимида ишлади. Шунингдек, Олий Инқилоб суди ва ҳарбий трибунал раиси бўлди. РСФСР билан шартнома тузиш учун Москвага юборилган делегацияга раҳбарлик қилди (1920 йил июль-сентябрь). Хоразм Республикасининг Афғонистондаги бош консули (1921 йил ноябр - 1922 йил февраль). У Хоразм халқ маорифи мактаблари учун ёзилган “Алифбе” ва “Ўқиш китоби” нинг муаллифидир. 1924 йил апрелдаги Хоразм уламолари I қурултойининг чақирилиши ва ўтказилишига раҳбарлик қилди. У ХХСРнинг биринчи ҳукумат раиси П. Юсупов билан айрим масалаларда келишмаган бўлса ҳам, Хоразм Республикасининг мустақиллиги учун курашди. Совет режимига қарши дадил фикрлар айта олди. Шунинг учун ҳам 1925 йилдан бошлаб, у давлат ишларидан четлатилди.

Бобо Охун Салимов 1929 йил 10 май кечқурун ўз уйида совет маъмурлари томонидан отиб ўлдирилди.

ЖУНАЙИДХОН (1857-1938) - унинг асл исми Қурбон Мамед (Муҳаммад) сардор бўлиб, Хива шаҳридан 30 чақирим шимолий-ғарбда жойлашган Бадиркент қишлоғида (ҳозирги Тошҳовуз вилоятида) туркман ёвмутлари уруғининг жунайид тармоғига

мансуб мулкдор Ҳожибой оиласида туғилади. Жунайидхон 1873 йилда Хива хонлигига хужум бошлаган чор Россияси генерали Головачев қўшинига қарши курашган ёвмут йигитлари сафида бўлди. У узоқ йиллар давомида ўз уруғининг мироб, қози ва оқсоқоли бўлган. 1912 йилдан Хива хонлигига қарши қаратилган туркманларнинг турли чиқишларига раҳбарлик қилди. Хива хони Асфандиёрхон (1910-1918) уни ўз томонига оғдириб олиш мақсалида 1915 йилда бутун туркман қабилаларининг сарлори-ҳарбий қўмондон унвонини беради. Туркман уруғларининг оқсоқоллари уни жунайид уруғининг хони-Жунайидхон деб эълон қилишади. Туркманларнинг мустақил ҳарбий феодал давлатини тузишга уринган Жунайидхон 1916 йил февраль ойида пойтахт Хива шаҳри устига юриш қилади. Тошкентдан ёрдамга етиб келган Галкиннинг жазо отрядлари Жунайидхонни Қорақумга чекинишга мажбур этади. Қисқа муддат Эрон ва Афғонистонда бўлади. У 1918-1920 йилларда Хивани ўзига бўйсундириб, Хива хонлигининг мутлақ ҳукмдорига айланади. 1920 йил март ойида қизил аскарлар томонидан Хива хонлиги тугатилиб, унинг ўрнига ХХСР ташкил этилганидан сўнг, Жунайидхон совет ҳукуматига жиддий хавф сола бошлайди. Бу даврда Жунайидхон қўлида 30 минг кишилиқ қўшин бор эди.

1924 йил ноябрда совет ҳокимияти маъмурлари билан Жунайидхон вакиллари ўртасида музокаралар бўлади. Туркменистон ССР советларининг I съездида (1925 февраль) Жунайидхон ва унинг сафдошлари афв этилади. Бироқ у 1927 йил 19 сентябрда Тошҳовуз округидаги Оқтепада совет ҳокимиятига қарши қўзғолон кўтаради. Лекин унинг қўшинлари қизил аскарлар томонидан мағлубиятга учратади. У 1931 йилда Эрон орқали Афғонистонга ўтиб кетади ва 1938 йилда Ҳирот агрофида вафот этади. Унинг авлодлари ҳозир Эроннинг Ҳамадон шаҳрида яшашади.

ИБРОҲИМБЕК (1889-1932) - Шарқий Бухородаги қизил армия қисмларига қарши курашган истиқлолчилар қўшинининг бош қўмондони. Мулла Муҳаммад Иброҳимбек 1889 йилда Душанбе яқинидаги Кўктош қишлоғида ўзбек лақайлари уруғининг эсонхўжа шаҳобчасига мансуб амир амалдори Чақабой тўқсабо хонадонида туғилди. У маҳаллий мадрасада сабоқ олади. Иброҳимбек 1919 йилда Ҳисор беки ҳузурида қилган хизматлари эвазига қоровулбеги даражасига, кейинчалик Бухоро амири

томонидан мир девонбеги, тупчибоши, лашкарбоши лавозимига кўтарилган. Иброҳимбек 1920 йил сентябрда амирлик тузуми ағдарилгач, Шарқий Бухородаги қўрбоши дасталарига раҳбарлик қилди, босқинчи қизил аскарлар ва совет тузумига қарши кураш олиб борди. У Бухорода амир режимини қайта тиклашга бел боғлаган эди. 1921 йил сентябрда бўлган Бухоро қўрбошилариининг қурултойида “Ислом лашкарбошиси” деган унвонга сазовор бўлади. “Иброҳимбек–бутун Шарқий Бухородаги марказий сиймо”, деб тан олинади. 1925-1926 йилларда у ҳозирги Тожикистон ва Ўзбекистоннинг тоғлиқ вилоятларида кураш олиб боради. 1926 й. 21 июнда кескин жанглардан сўнг Афғонистон ҳудудига ўтиб кетишга мажбур бўлади. 1926-1929 йилларда Қобул яқинидаги Қалъаи Фотуда собиқ амир Саид Олимхоннинг қароргоҳида яшайди. Бироқ Иброҳимбек бошчилигидаги бухоролик муҳожирлар Афғонистондаги сиёсий курашга тортилишади, ҳарбий можароларда қатнашишга мажбур бўлишади (1928-1929). Иброҳимбек узоқ тайёргарликдан сўнг, 1931 й. 30 мартда СССР чегарасидан ўтиб, Тожикистон ССР ҳудудига киради. Бу ерда у қизил аскарларга қарши жанг қилади. Иброҳимбек 1931 й. 23 июнда совет чекистлари томонидан Боботоғда қўлга олинади ва Тошкентга олиб келинади. У 1932 й. 31 августда қатл қилинади.

КАТТА ЭРГАШ (1921) - Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракатининг дастлабки таниқли намояндаси. У Қўқон яқинидаги Бачқир қишлоғида туғилган. Қўқоннинг энг машҳур муллаларидан бири бўлган, шунинг учун уни Мулла Эргаш ҳам дейишган. Катта Эргаш чор Россиясининг Туркистонга қилган босқинчилигини кечира олмади, уларга қарши курашди. У Туркистон Мухториятининг тарафдори, унинг ҳимоячиларидан бири эди. У 1921 йил 19 декабрда ўз қароргоҳи Хонободда қизил аскарларга қарши бўлган жангда ҳалок бўлган.

МАДАМИНБЕК (1892-1920) - Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракатининг энг машҳур намояндаси. Мадаминбекнинг асл исми Муҳаммад Аминбек бўлиб, у 1892 йилда Марғилон яқинидаги Сўкчилик қишлоғида (ҳозирги Тошлоқ тумани) ўртаҳол Аҳмадбек оиласида туғилди. Мадаминбек чор Россиясига қарши ҳаракатлар қилганлиги учун қамоққа олиниб, 1914-1917 йиллар давомида Сибирнинг Нерчинск деган жойида сургунда бўлади. 1917 йилдаги февраль инқилобидан кейин у сиёсий маҳбус сифатида озод қилинади ва Марғилонга қайтиб

келади. “Шўрои Уламо” жамиятининг раҳбарлари Мадаминбекни шаҳар миршаблари бошлиғи лавозимига тавсия этишади. Мадаминбек бу лавозимда 1917 йил мартдан 1918 йил январ ойининг охиригача хизмат қилади. Совет ҳокимиятига нисбатан ишончини йўқотган Мадаминбек 1918 йилнинг эрта баҳоридан истиқлолчилар сафига ўтади. У Туркистонда миллий демократик давлат барпо қилиш тарафдори эди. “Фарғона Муваққат Мухтор ҳукумати” бошлиғи (1919 йил 22 октябрь), Холхўжа Эшон томонидан Қоравул қишлоғида 1920 йил 14 майда ўлдирилади.

МУЛЛА АБДУЛҚАҲҲОР (1884-1924) - Фарбий Бухорода қизил армия қисмларига қарши курашган истиқлолчи кучларининг бош кўмондони. У 1884 йилда Бухоро вилоятининг Гиждувон туманида туғилди. Мулла Абдулқаҳҳор Бухородаги машҳур Мир Араб мадрасасида таҳсил олади. Унинг раҳбарлигида 1920 йилнинг охирига келиб Бухоро, Кармана ва Нуротада ўнлаб қўрбоши дасталари фаолият кўрсатишди ва қизил аскар босқинчиларига қарши кураш олиб борди. Мулла Абдулқаҳҳор 4 йиллик курашлардан сўнг, 1924 йилнинг охирларида Қизилқумда бўлган тўқнашувларнинг бирида ҳалок бўлади.

МУСТАФО ЧЎҚАЕВ (Мустафо Чўқай ўғли, 1890-1941 й.й.) - Туркистон мустақиллиги учун таниқли курашчи. Қизил Ўрда шаҳрида аслзода қозоқ уруғига мансуб бўлган волост бошлиғи оиласида туғилди. Мактабда ўқиди, сўнгра Тошкентдаги рус гимназиясида таълим олди. Петербург дорилфунунининг юридик факультетини имтиёзли тугаллади. Дорилфунунни битириб чиққандан кейин Давлат Думасининг мусулмонлар фракциясида Туркистон ишлари котиби бўлиб ишлади, бу вазифани 1917 йилнинг февралигача адо этди. Петербургдан Туркистонга қайтиб келганидан сўнг сиёсий фаолиятга фаол киришди; мусулмон депутатларининг ўлка Советига раис этиб сайланди. “Улуғ Туркистон” рўзномаси таҳрир ҳайъатининг ходими, қозоқ тилида чиқадиган “Бирлик туғи” рўзномасининг бош муҳаррири бўлиб ишлади. М.Чўқаев Қўқонда ташкил қилинган Туркистон Мухторияти ҳукуматининг асосчилари ва раҳбарларидан бири эди, у даставвал Муваққат ҳукумат ташқи ишлар вазири қилиб сайланди. Тинишпаев истеъфога чиққандан кейин Туркистон Мухторияти ҳукумати раиси бўлди. Туркистон Мухторияти тор-мор қилингандан сўнг у Қўқондан қочиб, истиқлолчиларга қўшилди. 1919 йилда Туркистонни тарк этиб, 1921 йилгача

Гуржистонда яшади, кейин чет элга кетди. Туркияда, Берлинда, Париж яқинида яшади. Кувғинда Мустафо Чўқаев мусулмон муҳожирларининг шубҳасиз миллий раҳбари сифатида танилди. Парижда 1929 йилдан то 1939 йилгача “Ёш Туркистон” мажмуасини чиқарди. Бошқа нашрларда, шу жумладан, “Журнал Королевского общества Средней Азии”, “Азиатское обозрение” (Лондон) каби нашрлар билан мунтазам равишда ҳамкорлик қилди. У XX асрдаги Туркистон тарихига оид кўплаб мақолалар ва монографиялар эълон қилди, шу жумладан, “Туркистон под властью Советов” асарини (рус тилида, Парижда, 1935 йилда) чиқарди. “Истиқлол жаллодлари (1917 йил хотиралари)” китоби ўзбек тилида нашр қилинган. У Берлинда вафот этди.

НАЗИР ТЎРАҚУЛОВ (1892-1939) - давлат, сиёсат арбоби, тилшунос олим ва дипломат. Кўқоннинг Бойбўта кўприк маҳалласида ўзига тўқ қозоқ оиласида туғилди. 1913 йилда у Москвадаги савдо институтига ўқишга кирди. Талабалик йилларида ўнга яқин тилларни ўрганди. Биринчи жаҳон уруши йилларида у Фарбий фронтга сафарбар қилинади ва Белоруссияга юборилади. 1917 йил февраль инқилобидан сўнг Туркистонга қайтади. Кўқондаги Совет идораларида ишлади (1918-1919). Тез орада Тошкентга чақирилиб ТАССР МИҚнинг ҳамраиси (1919), ТАССР Маориф халқ комиссари (1920), Туркистон Компартияси МҚ масъул котиби (1920-1922) бўлиб ишлади.

Н.Тўрақулов 1922 йилда Москвага чақирилди ва совет халқлари Марказий нашриёти раиси лавозимида (1922-1928) тайинланди.

1928 йилда Н. Тўрақулов элчилик ишига жалб қилинди ва СССРнинг Хижоз давлатидаги (ҳозирги Саудия Арабистони) Бош консули ва Мухтор элчиси вазифаларида ишлади (1928-1936).

1936 йилда СССРга қайтгач, Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) ва Москва шаҳарларида яшаб, Москвадаги Шарқ халқлари тили ва адабиёти институтида ишлади (1936-1939).

Н.Тўрақулов қанчалик совет ҳукуматида, большевиклар партиясига содиқ бўлмасин, мустабид тузумнинг қонли қатағонидан қутилиб қола олмади. У 1939 йилда отиб ташланди.

ПОЛВОННИЁЗ ҲОЖИ ЮСУПОВ (1861-1936) - Хоразмда жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндаси, ёш хиваликлар партиясининг асосчиси бўлган.

Полвонниёз Ҳожи Юсупов 1861 йил Хива шаҳрида савдогар оиласида туғилган. Эски мактабда таҳсил олгач, савдо ишлари билан шуғулланган. П.Юсупов 1877 йили амакиси билан Москвада бўлади. У араб, форс, рус тилларини яхши билган. 1904 йили Туркия, Миср, Сурия мамлакатлари ва Макка шаҳрида бўлган. 1914 йили у жадидларнинг “сўл оқими” дан ажралиб чиққан ёш хиваликлар партиясини бошқаради. П.Юсупов 1917 йил 5 апрелда Хива хони Асфандиёрхонга тақдим этилган давлат бошқарувида ислохотлар ўтказиш тўғрисидаги манифест муаллифларидан бири эди. Манифестга биноан 1917 йил 8 апрелда Хива хони ҳузурида мамлакатни янгича бошқариш учун Мажлис тузилади. П.Юсуповга Россия ҳукумати ва рус қўшинлари билан муносабатларни барқарорлаштириш вазифаси юклатилди. Бироқ Асфандиёрхоннинг жадидларга қарши сиёсати натижасида у 1917 йил охиридан бошлаб икки йил Тошкентда муҳожирликда яшайди. Турккомиссия муҳожирликдаги ёш хиваликлар партиясидан Хива хонлигини ағдариб Хоразмда советлар андозасидаги янги ҳукумат ташкил қилишни режалаштиради. 1918 йил бошида Тошкентда муҳожир ёш хиваликлардан ташкил қилинган Комитет большевиклар таъсирида эди. П.Юсупов ёш хиваликлар Комитетининг раиси қилиб сайланади. Шу тариқа, большевикларга яқинлашган ёш хиваликлар партиясини ва унинг раиси П.Юсупов Хива хонлигини ағдаришда улардан “ёрдам” сўрашга мажбур бўлади. Қизил қўшинлар босқини натижасида 1920 йил февралда Хива хонлиги тугатилади. П.Юсупов 1920 йил 30 апрелда янги ташкил қилинган Хоразм Халқ Нозирлар Кенгашининг дастлабки раиси бўлиб сайланади.

П.Юсупов Хоразм ҳукуматининг раиси сифатида биринчи кундан оқ ўзининг мустақил сиёсатини олиб боради. Бироқ П.Юсуповга “ўзбошимчалик” билан иш юритишга Турккомиссия имкон бермайди. 1921 йил 6 мартда большевиклар томонидан ҳарбий давлат тўнтариши қилиниб П.Юсупов ҳукумати ағдарилади. П.Юсупов яширинишга улгуради. У фаол сиёсий кураш олиб боришдан воз кечганлиги учун большевиклар томонидан афв қилинади. Хивадаги Ичанқалъа музейида ва совет идораларида оддий ходим бўлиб ишлайди. Унинг ёзган хотиралари бор. П.Юсупов 1936 йил вафот этади.

СУЛТОНБЕК ХЎЖАНОВ (1894-1938) - давлат ва сиёсат арбоби. Сирдарё вилоятининг Туркистон туманида (ҳозирги

Чимкент вилояти) кўчманчи қозоқ чорвадор оиласида туғилди. У Туркистон шаҳрида рус-тузем мактаби ва уч йиллик шаҳар билим юртини тугатди, сўнгра Туркистон ўқитувчилар семинариясида ўқиди. У маҳаллий миллат ёшлари иштирокида тузилган “Кенгаш” яширин ташкилотининг асосчиларидан бири эди (1915-1917). Бу ташкилот чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатига қарши кураш олиб борди. У 1917 йил августдан бошлаб Тошкентда чоп этилган “Бирлик туғи” гезетасининг муҳаррири бўлди.

Ўлкада Совет ҳокимияти зўрлик йўли билан ўрнатилгач, С. Хўжанов дастлаб маориф соҳасида ишлади. 1920 йилда у Сирдарё вилояти инқилобий комитетининг раиси қилиб тайинланди. С.Хўжанов фаолиятида 1920-1924 йиллар алоҳида ажралиб туради. Айнан шу даврда С.Хўжанов Туркистон АССР ички ишлар (1920-1921), Маориф (1921-1922), ер ишлари комиссари, Туркистон МИҚ раиси ўринбосари лавозимларида ишлади.

С.Хўжановнинг қатъий муросасиз фаолияти, Совет ҳокимиятининг Туркистонда ўтказаятган сиёсатини очиқ танқид қилиши Марказ сиёсий раҳбарларига ёқмас эди. 1923 йил июнда Москвада бўлган миллий республикалар раҳбарларининг кенгашида И.Сталин Туркистон раҳбарлари қаторида С.Хўжановни ҳам кескин қоралади.

С.Хўжанов Туркистондаги энг мураккаб масалалардан бири бўлган миллий масала ва миллий-худудий чегараланиш билан жиддий шуғулланди. С.Хўжанов Ўрға Осие Федерацияси ғоясини илгари сурди. Шу билан бирга у худудий масалада фақат қозоқ халқи манфаатларини ҳимоя қилди. Шу сабабдан уни Ф.Хўжаев қаттиқ танқид қилган эди.

С.Хўжанов РКП(б) Қозоғистон комитети котиби лавозимида бир йил ишлагач (1925 йил), Москвага чақириб олинди. Худди шу вақтда Қозоғистонда “хўжановчилик” га қарши компания авж олиб кетди. 1928-1934 йилларда Москва ва Тошкентда масъул лавозимларда ишлади. 1928 йил унинг “Туркистон Совет автономиясининг ўн йиллиги” китоби нашр қилинди.

1937 йил 16 июлда С.Хўжанов қамоққа олиниб, мустабид тузум томонидан 1938 йил 8 февралда отиб ташланди.

ТУРАР РИСКУЛОВ (1894-1938) - Туркистон халқининг таниқли давлат ва жамоат арбоби.

Т.Рискулов 1894 йил Етгисув вилояти Верний уездининг Шарқий Тўрғай волостида камбағал қозоқ чорвадори оиласида

туғилди. Унинг отаси Рисқул Жилҳайдаров волост бошқарувчиси Учкемпировни ўлдиргани учун аввал Верний (ҳозирги Олмаота) шаҳридаги қамоқхонага ташланади, сўнгра Сибирга сургун қилинади (1904-1905). Ёш Турар отасининг хоҳиши билан қамоқхонага кетади. У илк сабоқни турмадаги савод чиқариш мактабида олади. Сўнгра у Авлиёота уезди Мерки шаҳридаги рус-тузем мактаби ва Пишпек (ҳозирги Бишкек)даги қишлоқ хўжалик ўқув юртини тугатади (1907-1914). Т.Рисқулов 1914 йили Тошкентга келади ва турли юмушларни бажаради. У 1916 йилда чор Россиясига қарши кўтарилган миллий-озодлик курашида фаол қатнашди. 1916-1917 йилда Тошкент ўқитувчилар институтида ўқиди.

1918-1924 йиллар Т.Рисқулов ҳаётида асосий давр ҳисобланади. Шу йилларда у Туркистон Автоном Республикасида муҳим вазифаларни бажаради: Туркистон Соғлиқни сақлаш халқ комиссари (1918-1919), Очарчиликка қарши кураш Марказий Комиссияси раиси (1918-1919), РКП(б) ТКП Мусулмонлар бюроси раиси (1919-1920), Туркистон АССР МИҚ раиси (1920 йил январь-июль), Туркистон АССР ХКК раиси (1922 йил сентябрь - 1924 йил январь) лавозимларида ишлади. Т.Рисқулов Туркистондаги очарчилик ва унинг даҳшатли оқибатларини тугатиш учун курашди, большевикларнинг маҳаллий халқларнинг очликдан қирилишига бефарқ, менсимаслик муносабатини очик танқид қилди. Т.Рисқулов бошчилигидаги айрим миллий коммунистлар Марказнинг шовинистик сиёсатини, Туркбюро ва Турккомиссиянинг зўравонлик кирдикорларини, қизил аскарларнинг босқинчилик ва талончиликларини очиб ташладилар. Ўлка Мусулмонлари бюроси раиси сифатида у “Турк Республикаси” ва “Турк Компартияси” тузиш ҳақидаги масалани Марказ сиёсий раҳбарияти олдига қўяди. Бироқ марказнинг топшириғи билан Турккомиссия Туркистон халқлари бирлашишига йўл қўймайди. Аксинча, уларни ажратиш чоратadbирларини кўради.

Туркистон халқларини бирлаштириш тарафдори бўлган Т.Рисқулов лавозимидан бўшатилиб Марказга чақириб олинади. У марказнинг назоратида: РСФСР Миллатлар иши халқ комиссарининг иккинчи ўринбосари, ушбу комиссарликнинг Озарбайжондаги Мухтор вакили лавозимларида ишлади (1920 - 1922). Бироқ, Туркистонда истиқлолчилик ҳаракати кучайиб,

сиёсий вазият кескинлашгач, у Туркистонга яна қайтарилди. Т.Рисқулов истиқлолчилик ҳаракатига қарши курашга раҳбарлик қилган совет давлат арбобларидан бири бўлишига қарамасдан, у истиқлолчилар курашининг моҳиятини тўғри тушунган ва уларга хайрихоҳлик билан қараган эди.

Марказ 1924 йил бошидан Туркистон халқларини бўлиб ташлаш мақсадида Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегаралаш ўтказиш учун тайёргарлик ишларини бошлаб юборди. Туркистон халқларининг бирлиги, Турк Республикаси ташкил қилиш тарафдори бўлган Т.Рисқулов Туркистонда туришидан Марказ манфаатдор эмас эди. Шунинг учун у 1924 йил февралда марказга яна чақириб олинади. Т.Рисқулов Коминтерн Ижроия Кўмитасининг Ўрта Шарқ бўлимида ишлади, Мўғулистон Республикасида ўз тажрибасини ўртоқлашди (1924-1926), РСФСР Халқ Комиссарлари Кенгаши раисининг муовини (1926-1937) лавозимларида фаолият кўрсатди. У қайси лавозимда ишlamасин, ҳар доим Ўрта Осиё республикалари, хусусан, Ўзбекистон ва Қозоғистон манфаатларини ҳимоя қилди.

Т.Рисқулов Туркистондаги 1916 йил қўзғолони ва истиқлолчилик ҳаракати тўғрисида ва бошқа мавзуларда бир қатор мақолалар, асарлар ёзди. Жумладан, унинг “Инқилоб ва Туркистоннинг туб аҳолиси” (1-қисм, Тошкент, 1925) асари ҳозирги кунда ҳам қимматлидир.

Т.Рисқулов 1937 йилда Москвада қамоққа олинади ва мустабид совет тузуми томонидан 1938 йилда отиб ташланади.

УБАЙДУЛЛА БОУАТДИНОВ (1887-1956) - халқ орасида Хон Махсум номи билан машҳур бўлган. Унинг бобокалони Имом эшон XVIII охири — XIX аср бошларида қорақалпоқ халқининг бирлашиш жараёнида иштирок этган. Хон Махсумнинг бобоси Отаулла Хоразм воҳасида катта нуфузга эга бўлган эшон эди, унинг ўғиллари халқ маорифи ишига бошчилик қилишган. Хон Махсум Хоразм воҳасидаги большевикларга қарши қуролли ҳаракатнинг таниқли ташкилотчиларидан бири бўлган.

ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ (1896-1938) - атоқли давлат ва сиёсат арбоби, Бухоро жадидчилик ҳаракатининг таниқли намоёндаси, ёш бухороликлар партиясининг асосчиларидан бири. У Бухоро шаҳрида йирик савдогар Убайдуллахўжа Қосимхўжа оиласида туғилди. Бухоро мадрасаларида икки йил таълим олгач, 1907-1912 йилларда Москвада хусусий муаллимлар кўлида ўқиди.

Бухорога қайтгач, 1912 йил ёш бухороликлар партиясининг, 1913 йилда партия МҚнинг аъзоси бўлди. У отасидан қолган бойликларни жадид мактаблари очишга, ёш бухороликлар фаолиятини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб туришга сарфлади.

1917 йилдан бошлаб Ф.Хўжаев ва А.Фитрат ёш бухороликлардан ажралиб чиққан “сўл қанот” га раҳбарлик қилишди. Бухорода аввал конституцион монархия, сўнгра демократик республика тузиш учун курашдилар. 1918 йил мартада Бухоро амири томонидан ёш бухороликлар қирғин остига олинганидан сўнг Ф.Хўжаев, унинг сафдошлари Бухорони тарк этишга мажбур бўлдилар. Россия большевиклари ёш бухороликлар ва унинг раҳбари Ф.Хўжаевдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга, келгусида ёш бухороликлар негизида Бухоро компартиясини тузиш, амирга қарши бўлган, большевиклар таъсиридаги ҳукуматни Туркистон Республикасида ташкил этишни мақсад қилиб қўйдилар. Унинг заминида Бухоро давлатини йўқотиб, аста-секин уни Совет давлатига қўшиб олишдек маккорона режа ётарди. 1918 йилнинг ёзида Тошкентда турган Ф.Хўжаев амирликни ағдариш учун бирдан-бир тўғри йўл М.Фрунзе қўмондонлигидаги қизил қўшинлардан “ёрдам сўраш”, деб билди. У 1920 йил январда Тошкентда ташкил топган инқилобчи ёш бухороликлар партияси Марказий бюроси раиси, “Учкун” газетасининг муҳаррири (1920 йил апрел-сентябр) бўлди. Большевиклар томонидан амир ҳокимияти ағдарилгач, 1920 йил 14 сентябрда Ф.Хўжаев бошчилигида Бухоро Халқ Нозирлар Кенгаши тузилди. Ф.Хўжаев БХСРнинг ташқи ишлар нозири (1920-1924), ҳарбий ишлар нозири (1921-1924) лавозимларида ҳам ишлади. БХСР ҳукумати бошлиғи бўлган Ф.Хўжаев биринчи кунданоқ мустақил сиёсат юргизишга, совет Россияси ва хорижий давлатлар билан тенг ҳуқуқли алоқалар ўрнатишга ҳаракат қилди. 1922 йил у Германияга чет эл савдо компаниялари ва банклари билан мустақил шартнома тузишга борди. Ф.Хўжаев Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатига ҳайрихоҳлик билан қаради.

У 1925 йил февралда Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Кенгашига раислик қилди. Марказнинг Туркбюро, Турккомиссия, РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюроси каби ташкилотлардан чўчимоди. Ф.Хўжаев “ўн саккизлар гуруҳи” нинг

ғоявий илҳомчиси эди. У Бухородаги жадидлик тарихига бағишланган “Бухоро инқилобининг тарихига материаллар” (1926) асари учун компартия томонидан танқидга учради. У Ўзбекистонда ёппасига пахта экилиши - пахта яккаҳокимлигини юзага келтириши мумкинлигини очиқ айтган эди. Ф.Хўжаев 1937 йил ёзида ЎзССР Халқ Комиссарлари Кенгаши раиси лавозимида турган чоғида Москвада қамоққа олиниб, 1938 йил 13 мартда отиб ташланади.

ШЕРМУҲАММАДБЕК (1893-1970) - Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракатининг таниқли арбоби. У Фарғонадаги Тошлоқ туманининг Гарбобо (Карбобо азизлар) қишлоғида беклар авлодидан бўлган Қўшоқвой ҳожи хонадонида 1893 йилда туғилди. А.З.Валдий Тўғоннинг ёзилишича, Шермуҳаммедбек 1916 йилда чор Россияда томонидан мардикорликка олинган ва Польша fronti ихтиёрида ишлаган. 1918 йилдан истиқлолчилар сафида турган. Унинг асосий мақсади Туркистонда ислом жумҳуриятини ташкил қилиш бўлган.

У хорижда 1942 йилда тузилган туркистонлик муҳожирларнинг “Ватанни озод қилиш” (баъзи манбаларда “Фаол”) номли яширин ташкилотининг асосчиларидан бири ҳисобланади. Дин пешвоси Мубоширхон Тарозий бу ташкилотининг бошлиғи, Шермуҳаммедбек эса ҳарбий кўшинлар бош қўмондони эди. 1943 йил март ойида Афғонистон ҳукумати ташкилот раҳбарларини, шу жумладан, Шермуҳаммедбекни ҳам қамоққа олади. У икки йил давомида Қобул қамоқхонасида тутқунликда туради. Қамоқдан чиққанидан сўнг у маълум муддат Ҳиндистонга кетади. 1951-1959 йилларда Покистонда яшайди. 1959 йилдан то умрининг охиригача Туркиянинг Адана шаҳрида ҳаёт кечиради. Шермуҳаммедбек 1970 йил 10 мартда, укаси Нурмуҳаммедбек 1983 йил 10 январда Адана шаҳрида вафот этишади. Уларнинг фарзандлари ҳозирги кунда АҚШ ва Туркияда яшайдилар. Шермуҳаммедбек муҳожирликда Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати ва ўзи бошчилик қилган мужоҳидлар фаолияти ҳақида ўзининг хотираларини ёзиб қолдирган.

ҚАЙҒУСИЗ ОТАБОВ (1887-1937) - давлат ва жамоат арбоби. Закаспий вилояти Тажан уездининг Меан овулида туман сардори Тож-Гоек оиласида туғилди. 1917 йилгача Мари шаҳрида ўқитувчи ва банк ходими бўлиб ишлади. 1917-1918 йилларда Марв уезди Советининг туркман секцияси раҳбари, уезд озик-овқат қўмитаси

раиси лавозимларида ишлади. 1919-1920 йилларда туркман овуллари совет ташкилотларида ишлади. 1920 йилда у Тошкентга чақирилди ва Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Кенгаши раиси (1920-1922) лавозимига қўйилади. У 1922 йилда Туркистон МИК IV пленумида қилган маърузасида истиқлолчилик ҳаракатини “босмачилик” эмас, балки “Туркистон халқларининг миллий озодлик ҳаракати”, “халқ кўзғолони” эканлигини очик айтиб, истиқлолчилик ҳаракатини куч билан бостиришга қарши чиққан эди. 1922 йил сентябрда Самарқанд вилоятида большевиклар режимига қарши курашаётган Баҳромбек қўрбоши билан музокаралар юритгани учун лавозимидан бўшатилади.

Қ.Отабоев “қайта тарбиялаш” учун 1922 йил кузида Москвага Сталин бошлиқ Миллатлар халқ комиссарлигига ишга чақирилади. Кейин БХСР Нозирлар Кенгаши раиси биринчи муовини (1923-1924) қилиб Бухорога юборилади.

Қ.Отабоев Туркменистон ССРни ташкил қилишда жуда фаол иштирок этади ва Туркменистон ССР ХККнинг биринчи раиси бўлди (1925 йил февраль-1937 йил июнь). Қ.Отабоев иқтисодий жиҳатдан қолоқ бўлган Туркменистонни хўжалиги ва саноати ривожланган республикага айлантириш борасида катта меҳнат қилди. Қ.Отабоевнинг қатъий талабларидан сўнг Жунаидхон афв этилган эди.

Мустабид тузумга Қ.Отабоевдек халқпарвар, катта обрўга эга бўлган раҳбар керак эмас эди. У 1937 йил июнь ойида Москвада камоққа олинди ва ўша йили отиб ташланди.

МАВЗУ: СОВЕТЛАР ДАВРИДА МИЛЛИЙ РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ “МАРКАЗ” ГА СИЁСИЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҚАРАМЛИГИ

АВТОРИТАР СИЁСИЙ РЕЖИМ (лот.au(c)toritas - ҳокимият, нуфуз, эътибор, обрў) - оммани шахсий ва давлат ҳокимиятига сўзсиз итоат қилдириш. Давлат бошқарувидаги авторитаризм бир киши (монарх, диктатор, доҳий)нинг мустабид ҳокимиятига асосланади. Одатда авторитар бошқарув усули демократия принципларига зид ҳисобланади. Унда давлат раҳбарининг шахсий нуфузи, обрў-эътиборига таяниб ҳокимият юритилади.

АГИТАЦИЯ (лот.agitatio - ҳаракатга келтириш) - оғзаки, ёзма, матбуот ёки бошқа фаолият орқали омманинг сиёсий

фаоллигини уйғотиш. Ўзаро мулоқотлар, намоёишлар, газета ва журналларда оммавий нашрлар, радио ва телевиденида чиқишлар агитация (пропаганда) воситаси бўлиши мумкин.

АГРЕССИЯ (лот. *agressio* - ҳужум) - БМТ Низомига кўра бир давлатнинг иккинчи давлат суверенитети ва чегара дахлсизлигини ноқонуний равишда бузиб, унинг ҳудудига бостириб кириши. Агрессия аксарият ҳолларда қуроли ҳаракат тарзида уюштирилади. Бир давлатнинг иккинчи давлатга қуроли ҳужуми тинчлик ва хавфсизликка қарши энг оғир халқаро жиноятчилик ҳисобланади.

Немис фашистлари қўшинларининг 1941 йил 22 июнда Шўролар давлатига бостириб кириши агрессияга мисол бўла олади.

АТЕИЗМ (фр. "theos" худо, гр. "а" инкор юкламаси) - худосизлик, худони инкор этиш. Марксизм-ленинизм ғояларига кўра худонинг мавжудлигини инкор этиш. Собиқ шўролар даврида коммунистик партия томонидан оммавий равишда тарғиб қилинган таълимот.

Маълумки, дин дунё, инсон, мавжудотларнинг келиб чиқишини, ҳаётнинг мазмуни ва маъносини, инсоннинг яшайдан мақсадлари каби саволларга жавоб берувчи дунёқараш шакли ҳисобланади.

Шўролар даврида динга қарши олиб борилган хуруж ва ҳужум, ташвиқот ва тарғибот охир-оқибатда, истибдодчилар кутган натижани бермади ва дин фақатгина қолоқликнинг, саводсизликнинг, фан ютуқларини билмасликнинг натижаси дейиш ниҳоятда юзаки фикр эканлигини, дин инсон тафаккури, маданияти, маънавияти, руҳияти, кундалик ҳаёти билан жуда мураккаб боғланганлигини кўрсатди. Дин ҳар бир жамият, давлат ва мамлакатнинг маданий, маънавий, руҳий ҳаётида ҳамма вақт маълум ўринни тутган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

БЮРОКРАТИЯ (фр. *bureau* - канцелярия, девонхона, юнон. *kratos* - ҳукмронлик) - давлат ва жамиятни халқдан ажралган ҳолда у билан ҳисоблашмасдан маъмурий буйруқбозлик йўли билан бошқариш усули. Бюрократик бошқарувда халққа берилган ваъдалар фақат қоғозда қолиб кетиб, у ҳеч қачон амалда бажарилмай қолади. Ана шу қоғозбозлик ва тўрачилик маъмурий бошқарув тузилмалардан тортиб ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларига кириб боради. Ҳукумат ва юқори ташкилотларнинг буйруқ-кўрсатмалари амалда бажарилмаган

бўлса ҳам қоғозда бажарилган қилиб кўрсатилади. Қоғозда акс эттирилган кўрсаткичлар ва ютуқлар ҳаётга тадбиқ этилмайди.

Собиқ Шўролар давлатида бюрократизм бу капиталистик жамиятга хос хусусият, социалистик тузумда бюрократизмга йўл қўйилмайди деб баландпарвоз шиорлар илгари сурилган бўлса-да, буюрократиянинг асл кўринишлари айнан шўролар жамиятида гуллаб яшнади.

ВКП(б) (Всесоюзный Коммунистический Партия (большевиков) - 1898 йилда В.И. Ленин томонидан ташкил этилган РСДРП 1917 йилдан РСДРП (б) га, 1918 йилдан РКП (б) га, 1925 йилдан эса бу партиянинг номи ВКП (б) га ўзгартирилган. 1952 йилдан 1991 йилгача эса партия КПСС (Коммунистическая Партия Советского Союза) деб юритилган.

ДИКТАТУРА (лот. diktatura - чексиз ҳокимият) - ҳокимиятни нодемократик усуллар билан амалга ошириш. Авторитар сиёсий режим. Шўролар даврида И.В. Сталин (1924-1953) диктатурлик бошқарув тартибини ўрнатган эди.

ЕР-СУВ ИСЛОҲОТЛАРИ - Ўзбекистонда мустабид совет (шўро)лар ҳокимияти ўрнатилгач, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш жараёнида 1925-1929 йилларда ўтказилган ислоҳотлар. Йирик деҳқон хўжалиklarининг тугагилиб, ўрнида майда деҳқон хўжалиklarини ташкил қилиш ва ўзига тўқ хўжалиklarни ғайриқонуний равишда “қулоқлаштириш” билан характерланади. Ер-сув ислоҳотлари қишлоқ хўжалигини зўравонлик йўли билан ялпи жамоалаштириш жараёнини тезлаштириш учун қулай шарт-шароитлар ҳозирлади.

КОЛЛЕКТИВЛАШТИРИШ (ЖАМОАЛАШТИРИШ) - қишлоқ хўжалигида мулкдорлар табақасини тугатиш мақсадида совет ҳукуматининг 1929-1933 йилларда ўтказган сиёсати. Унга кўра хусусий тадбиркор ва ўзига тўқ деҳқон хўжалиklarига қарашли ерлар давлат фойдасига тортиб олиниб, уларнинг ўрнида давлат хўжалиklари (совхоз) ва жамоа хўжалиklари (колхозлар) ташкил этилди. Ери тортиб олинган заминдорлар, бой деҳқон хўжалиklари, ўзига тўқ хонадон соҳиблари колхозлаштиришга қарши чиқиши мумкин деб, ички ишлар ходимлари томонидан халқ душмани деб эълон қилинди. “Қулоқ” қилинганлар Украина, Сибир ва Қозоғистоннинг одам яшамайдиган чўлларига, ўрмонларга сургун қилинди. “Меҳнаткашлар учун” амалга оширилган жамоалаштиришнинг мамлакат хўжалиги учун

ютуғидан кўра зарари кўпроқ бўлиб чиқди. Чунки бу тадбир ўзбек халқининг ер мулкчилиги билан боғлиқ бир неча минг йиллик тарихий анаъанасига тамомила зид амалиёт эди. Шунинг учун ҳам жамоалаштиришга қарши норозиликлар аксарият ҳолларда сиёсий тус ҳам олган эди.

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ (1939 йил сентябрь 1945 йил сентябрь) - немис фашистлари томонидан биринчи жаҳон урушидаги мағлубият ўчини олиш мақсадида дунёни қайтадан бўлиб олиш мақсадида бошланган уруш. Иккинчи жаҳон уруши инсоният тарихидаги энг қирғинбарот уруш бўлиб, у олти йил (2194 кун) давом этди. Унда 61 та давлат иштирок этди. Ҳарбий ҳаракатлар Европа, Осиё ва Африканинг 40 та мамлакати ҳудудида бўлиб ўтди. Урушга жами 110 млн. одам сафарбар этилиб, уруш йилларида 50 млн. одам вафот этди.

“ИНОҒОМОВЧИЛИК”- мустабид совет давлати жазо органлари томондан атайлаб тўқиб чиқарилган ва 1926-1931 йилларда бир қатор миллий раҳбар кадрлар ва зиёлиларни айбсиз қатағон қилинишига сабаб бўлган большевиклар режимининг бўҳтонидир. “Иноғомовчилик”нинг сабабчиси Ўз КП(б) МҚ Ижроия бюроси аъзолигига номзод, Ўз КП(б) МҚ Матбуот бўлими мудир ва ЎзССР Маориф халқ комиссари Раҳим Иноғомов эди.

Р.Иноғомов 1926 й. охирида “Ўзбекистон зиёлилари” рисоласини матбуотда эълон қилади. Унда “Октябрдаги ўзгариш ўзбек халқи учун қутилмаган воқеа бўлди ва унга ўзбек меҳнаткашлари тайёр эмас эди”. Октябргача бўлган даврда “Прус истибдодига қарши мустақиллик ҳаракатида тарихий ролни зиёлилар ўйнаган”, деган фикрни илгари суради. Шунингдек, Р.Иноғомов ўзининг бир қатор нутқларида Ўзбекистон Компартиясини Россиянинг мустамлакачилик сиёсатига қарши курашмаётганликда, Марказнинг Средазбюро, СредазЭЖОСО каби “назоратчи” органларини зўравонликда айблайди.

1926 й. 12 декабрда бўлган Ўз КП(б) МҚ Ижроия бюроси “Р.Иноғомов фаолияти” ҳақидаги масалани кўриб чиқиб, “Иноғомовчилик”ни Ўзбекистон компартиясидаги “майдабуржуачилик, миллатчиликка томон оғиш” деб баҳолади ва республика партия ташкилотларида кенг муҳокама қилиб “иноғомовчилик”ка “баҳо бериш”ни топширади. Шунга биноан барча партия ташкилотлари (округ, район, шаҳар партия

қўмиталари ва ҳатто партия ячейкалари) мажлисларида “иноғомовчилик” қораланади.

Средазбюро раиси И.Зеленский “иноғомовчилик” ҳақида ВКП(б) МҚга юборилган ахборотномасидан (1927 й. 13 январь) “Иноғомов бошчилик қилган элементлар” ҳеч қандай кучга эга эмас, лекин улар партиядо ва омма орасида жиддий таянчга эга, деб ёзган эди. 1927 й. январ ойида “иноғомовчилик” масаласи ВКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюросида махсус кўрилади. Унда “иноғомовчилик”нинг “троцкий-зиновьев оппозицияси билан ғоявий яқинлиги” “очиб берилади”.

ЎзКП(б) Марказий назорат комиссияси Президиуми 1927 й. 16 октябрда Р.Иноғомов ҳақидаги масалани кўриб чиқиб, уни партиёга қарши гуруҳбозликда айблади ва “қаттиқ хайфсан” эълон қилиб жиддий огоҳлантиради. 1927 й. қишида бўлган ЎзКП(б)нинг III съезди Р.Иноғомовни “ғоявий жиҳатдан” тор-мор қилинди деб ҳисоблайди ва уни Қашқадарё округининг энг чекка қишлоғида ишлаш учун юборади. Орадан маълум муддат ўтганидан сўнг 1930 й. 30 майда “Правда Востока” газетасида Р.Иноғомовнинг “очиқ хати” эълон қилинади. Унда “Партиянинг республикада миллий кадрлар борасидаги йўлини танқид қилганим нотўғри бўлган. Чунки мен партиёнинг миллий сиёсатини, миллий кадрларни давлат ва партиё ишларига жалб қилиш борасидаги фаолиятини яхши билмаганман”, деб тавба қилдиради.

Р.Иноғомов қарашларига қўшилган, уни давом эттирмоқчи бўлган Мавлонбеков, Эшонхўжаев ва Исомухамедовлар ҳам партиявий тазйиқ остига олинади. Чунки, улар Р.Иноғомов ишини давом эттириб, пахта етиштириш масаласида Марказ кўрсатмасини очиқдан-очиқ қоралаб, Ўзбекистонни СССРнинг “қизил мустамлакаси” деб атайдилар. 1931 й. 9 апрелда бўлган ЎзКП МҚ ва Марказий назорат комиссияси Президиуми йиғилишида “Мавлонбеков, Эшонхўжаев ва Исамухамедовларни “иноғомовчилик”да ва оғмачи гуруҳбозликда айблаб, уларга “қарши шафқатсиз кураш олиб боришни” топширади. Республикадаги барча партиё ташкилотларида уларга қарши компания бошлаб юборилади. Йиғилишларда уларнинг хатти-ҳаракатларини фракцион, гуруҳбозлик деб тан олишга ва охир-оқибатда тавба-тазарру қилишга мажбур қиладилар.

“Иноғомовчиликни” Заки Валидий Тўғон ва Мустафо Чўқаевлар ўзбек коммунистларининг “Ўрта Осиё бюросига

(Средазбюро) қарши дадил чиқиши” деб баҳолаган эдилар. М. Чўқаев Р. Иноғомовга Парижда чиқаётган “Ёш Туркистон” мажмуасида иштирок этишни таклиф қилади.

КОММУНА - Франция, Италия Бельгия, Жазоир, Сенегал ва бошқа бир қатор давлатларда қишлоқ ёки шаҳар типдаги манзилгоҳлар бўлиб, маъмурий-худудий бўлинишнинг қуйи қатламларини ташкил этади. Кўпгина мамлакатларда Коммунани бошқариш сайлаб қўйиладиган муниципал кенгашлар (муниципалитет) томонидан амалга оширилади. Ушбу кенгаш коммунал хизматлар фаолиятини ташкил этиш (соғлиқни сақлаш, таълим, сув, газ, электр билан таъминлаш, ободончилик ва бошқа соҳаларда), маҳаллий аҳамият касб этувчи бошқа жамоат ишларини ўтказиш каби вазифалар билан шуғулланади. Муниципал кенгашнинг ижрочи органи кенгаш томонидан сайланадиган ёки ҳукумат томонидан тайинланадиган мэр (ёки бургомистр) ҳисобланади.

КОММУНИЗМ - большевиклар таъбири билан айтганда капиталистик тузум ўрнига келадиган ижтимоий-иқтисодий тузум. Коммунизмнинг биринчи босқичи социализм бўлиб, ижтимоий-иқтисодий тенгликка асосланган ана шу социалистик жамият тараққиётда давом этиб коммунизмга қадам қўяди. Коммунизм-инсоният жамиятини ташкил этишнинг энг олий формаси бўлиб, унда шахснинг барча ижтимоий, иқтисодий, маиший ва ҳуқуқий эҳтиёжлари тўла қондирилган бўлади-деб таърифланган.

Коммунизмга етиш учун коммунистлар томонидан зўр бериб тарғибот ва ташвиқот қилинган бўлсада, бироқ бу жамиятни қуришнинг имкони бўлмади. Чунки инсоннинг ҳаётий эҳтиёжлари турли-туман ва чексиздир. Эҳтиёжлар тўлиқ қондириладиган жамиятни қуриш шу маънода ҳаёлий фароздан бошқа нарса эмас. Совет жамияти XX асрнинг 70-йиллари охиридан бошлаб ижтимоий-иқтисодий ҳаётни бир қадар қисқа муддат яхшилашга эришган бўлсада, коммунистик партия даҳолари ва уларга эргашган совет фуқаролари коммунистик жамият ҳали олдинда деб ҳисоблашди. 80-йилларнинг ўрталаридан эса социалистик жамият чуқур ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий инқироз кўчасига кириб қола бошладики, энди коммунизм ғояси охири йўқ, истиқболсиз ғоя эканлигини ҳар бир соғлом фикрли одам англаб ета бошлади.

КОМПАРТИЯ (КОМФИРҚА) - Собиқ Шўролар давлатида ижтимоий сиёсий, маданий, ғоявий ва мавқуравий ҳаётнинг

барча соҳаларини ўз исканжасига олган партия. Бу партия 1898-1917 йилларда РСДРП, 1917-1918 йилларда РСДРП (б), 1918-1925 йилларда РКП (б), 1925-1952 йилларда ВКП (б), 1952-1991 йилларда КПСС деб қисқартма номлар билан юритилган

КОНЦЕНТРАЦИОН ЛАГЕРЛАР - фуқаролардан иборат аҳолини ёки ҳарбий асирларни судсиз-сўроқсиз оммавий равишда қамаш жойларидир. Оддий қамоқ жойларидан фарқли ўлароқ, концентрацион лагерлар уруш даврида, мустабид террор ёки колониал тизим ҳолларида тузилади. Концентрацион лагерларга қамаш жиноий жазо мазмунига эга эмас ва айбдорни қайта тарбиялаш мақсадини кўзламайди. Дастлабки концентрацион лагерлар 1895 йилда испанлар томонидан Кубада мустамлакачиларга қарши қўзғолон бошланган пайтда вужудга келтирилган эди. Россияда концентрацион лагерлар 1918 йил сентябрида РСФСР ХКСнинг “қизил террор тўғрисида”ги қарори билан вужудга келтирилган эди. Кейинчалик улар махсус лагерлар, 30, 40, 50-йиллардаги қатағон даврида эса ГУЛАГ деб ном олиб жуда кенг тарқалди. Концентрацион лагерларда сақлашнинг асосий мақсади сиёсий ғанимларни оммавий равишда йўқ қилиш ҳисобланган.

ҚУЛОҚЛАР - қишлоқларда ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун курашган деҳқонлар ва ер эгалари шўролар томонидан муштумзўрлар-қулоқлар (русча “кулак”) деб аталганлар.

ҚУЛОҚ ХЎЖАЛИКЛАРИ - инқилобга қадар қишлоқ хўжалигида ёлланма меҳнатдан фойдаланиб хўжалик юритувчи йирик деҳқон хўжаликлари. Бундай йирик хўжаликлар 1861 йил Россияда крепостной ҳуқуқнинг бекор қилиниши туфайли айниқса тез ривожлана бошлаган эди. Улар қишлоқда ўз хўжалиklarини бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда юритувчи ишбилармон-соҳибкорлар бўлишган. Бундай хўжаликларда ёлланиб ишловчи деҳқонлар аксарият ҳолларида ўз меҳнати самарасидан манфаатдор бўлганлар.

Инқилобдан кейин бундай хўжаликлар чор (подшо) ҳукуматининг қишлоқлардаги таянчи ва меҳнаткаш деҳқонларни эзувчи синф сифатида таъқиб остига олиниб, қатағон қилинганлар. 1929 йилдан бошланган жамоалаштириш сиёсати натижасида 30-йилларнинг бошига келиб қулоқ хўжаликлари бутунлай тугатилди.

МОНОКУЛЬТУРА (юнон. monos-бир, cultura-ишов бермоқ, ҳайдамоқ) - ерга фақат бир турдаги экинни экиш ва хўжаликни

фақат шу экинни етиштиришга ихтисослаштирилиши. Шўролар даврида Ўзбекистонда пахта монокультураси жорий қилинган эди. Экин майдонларига фақат гўзанинг экилиши тупроқ структурасининг бузилиб, тупроқ эрозиясига, ерларнинг шўрланишига, кимёвий ўғитларни ҳаддан ошиқ ишлатилиши унумдорликнинг кескин пасайиб, хатто аҳоли орасида заҳарланишига олиб келган эди.

ОГПУ (Бирлашган давлат сиёсий бошқармаси) - СССР Халқ Комиссарлар Кенгаши ҳузурида 1923-1934 йилларда фаолият кўрсатган давлат хавфсизлигини қўриқлаш идораси. Кейин НКВД таркибига киритилиб, Давлат хавфсизлиги Бош бошқармаси деб ўзгартирилган.

ПРЕЗИДИУМ (лот.praesidium - раислик этувчи) - давлат, партия органларини доимий бошқариш, мажлислар, йиғилишларни олиб бориш учун тузиладиган кишилар гуруҳи, коллегияси.

РЕПРЕССИЯ (лот.repressio - эзиш) - давлат органлари томонидан қўлланиладиган қийноққа солиш тартиби, жазолаш, қувғин, қатағон, зулм.

СИЁСИЙ ҚАТАҒОНЛАР - давлат бошқарувида реакция тоналаш ишларини амалга ошириш. Бу каби репрессиялар жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари паймол этилиб, ғайриқонуний равишда озодликдан, ҳаётдан маҳрум этишларга йўл қўйилади. Собиқ Иттифоқда 1937-38, 1947 ва 1950 йиллардаги қатағонлар ҳам айнан шу реакция йўналиш бўйича олиб борилган.

СОЦИАЛИЗМ (лот.socialis - ижтимоий) - хусусий мулкни ижтимоий (умумий) мулкка айлантириш орқали эркинлик ва тенгликка, бахт ва фаровонликка эришиш мумкин деб ҳисобловчи таълимот. Социализм тарафдорлари ана шу йўл билан қурилган ижтимоий тузумни идеал (барчага манзур, оқилона) жамият деб ҳисоблаганлар. Социализмда инсон хусусий мулкдан тамомила ажратилади. Оқибатда инсон ўз индивидуал хусусиятларидан ҳам маҳрум этилади. У "омма"га айланиб, ўз "мени"ни ҳам йўқотади. Жамиятда зўравонлик, тобелик кучаяди.

XX асрнинг 20-30 йилларида СССРда, иккинчи жаҳон урушидан кейин Шарқий Европанинг барча мамлакатларида, шунингдек, Осиёнинг баъзи мамлакатларида социализм тузumi ўрнатилди. Социализм тўғрисидаги тасаввурлар дунёнинг муайян

қисмига ёйилди. Социализм қурилиши эълон қилинган мамлакатларнинг барчасида давлат мулкининг монополияси, директивали марказлаштирилган режалаштириш, шунингдек, қонунсизлик, маънавий-диний қадриятларнинг инкор этилиб оёқ ости қилиниши, ўзгача фикрловчиларга тоқат қила олмайдиган бир гуруҳ шахсларнинг якка ҳукмронлиги ва диктатураси ўрнатилди.

Тоталитар режимларнинг ҳукмронлиги иқтисодий, сиёсий ва маънавий бўҳронга (кризис-инқирозга), дунёнинг ривожланган мамлакатларидан орқада қолишига олиб келди. Ўзбекистон ҳам шу жараёндан четда қолмади. Бу ерда ҳам хунармандлар, савдогарлар, тadbиркорлар ва эркин касб эгалари тугатилди. Зўрлик асосида қурилган қулоқ қилиш, ўзбек аёлларини озодликка чиқариш, жамоалаштириш сиёсати ва бошқа кўринишдаги қагафонларни социализм қуриш йўлидаги қонуний жараён сифатида асослашга уринилди.

XX асрнинг 80-90 йиллари чегарасига келганда социализм жамиятнинг объектив тараққиёти қонуниятларига зид, охири йўқ ва сароб ғоя эканлигини юқорида келтирилган мамлакатлар халқлари ўз ҳаётларида синаб кўриб, бу ғоядан ихтиёрий ва оммавий равишда воз кечдилар.

СТАХАНОВЧИЛИК - шўролар давридаги индустирлаштириш жараёнида меҳнаткашларни саноатлаштиришга кенгроқ жалб этиш мақсадида ташкил этилган оммавий социалистик мусобақа. 1935 йил августда Донбассдаги “Центральная-Ирмино” шахтасининг кўмир қазувчиси А.Г. Стаханов ўз меҳнатини янгича ташкил этиб, бир сменада 102 тонна кўмир қазиди ва ўша вақтдаги нормани 14 ҳисса ортиги билан бажарди. Бу кўмир қазишда жаҳонда мисли кўрилмаган рекорд бўлди. Унинг кетидан бошқа шахтёрлар ва бошқа саноат тармоқларида ишловчи меҳнаткашлар ана шундай зарбдор меҳнат самараларини қайд қила бошладилар. Лекин стахановчилик ҳаракати бора-бора расмиётчиликка айлана борди. Ошириб кўрсатишлар, қўшиб ёзишлар авж олди. Аксарият ҳолларда моддий бойлик яратувчилар зўр бериб қилган меҳнатлари самарасидан манфаатдор бўлмадилар.

ТОТАЛИТАРИЗМ (лот.totalis - бутун, ҳаммаси, тўла) - бир шахс, ижтимоий синф ёки гуруҳнинг (масалан, ҳарбийлар гуруҳи) яккаҳокимлигига сўзсиз бўйсунтиришга асосланган, вақтинча ва ўткинчи сиёсий тартиб, давлатни бошқариш

шаклларида бири. Тоталитар давлат бошқарув шакли жорий қилинган мамлакатларда жамият ҳаётининг барча соҳалари устидан давлат ҳокимият органлари тўлиқ назорати ўрнатилди. Сиёсий эркинликлар бўғилиб, оммавий ахборот воситаларига цензура (давлат назорати) ўрнатилди. Эркин фикр таъқиқланади ва қатағон қилинади.

Назарий асарларда, тарғибот ва ташвиқот воситаларида социализм тарихда энг демократик, ҳуқуқий ва халқпарвар жамият дейилган бўлса ҳам, ҳаёт у тоталитаризмнинг шаклларида бири эканлигини кўрсатди. XX асрда Германияда фашистлар, Италияда Муссолини, Испанияда Франко, Хитойда Мао Цзедун, Чилида Пиночет диктатураси давридаги тоталитар тузум ижтимоий-сиёсий ҳаётга қанчалик зарар етказган бўлса, собиқ СССРда социализм қуриш жараёнидаги пролетарият диктатураси ҳам шунчалик зарарли оқибатларни келтириб чиқарган эди.

ФАШИЗМ (итал. fascismo сўзидан - fascio-бирлашма) - буржуазиянинг энг реакцион ва агрессив кучлари манфаатларини ифодаловчи ғоя. Ўтган асрнинг 20-30-йилларида Италия ва Германияда халққа ёлғон ваъдалар бериб ҳокимият тепасига келгач, фашистлар зўравонликнинг ашаддий шакллари қўлловчи ва жамият устидан ялпи назорат ўрнатувчи террористик диктатура барпо этдилар. Ташқи сиёсатда ҳужумкор, агрессив-босқинчилик сиёсатини юргиздилар.

“ҲУЖУМ” ҲАРАКАТИ - ўтган асрнинг 20 йиллари охирида, аниқроғи 1927 йилнинг баҳоридан бошланган ўзбек хотин-қизларини озодликка чиқариш (паранжи ташлаш, эркин касб танлаш, ҳуқуқий тенгликка эришиш) компанияси. “Ҳужум” ҳаракатини бошлаш, эски турмушга ҳужум қилиш, яъни ўзбек хотин қизларини озодликка чиқариш учун зарурат бор эди, бироқ бу ҳаракат большевиклар танлаган тезкорлик йўли билан эмас, аста-секин, босқичма-босқич амалга оширилиши керак эди. Большевиклар зўравонлик, маъмурий йўл билан бир йўла 100 минг аёлнинг паранжисини ташлаггирдилар. Лекин партиянинг бу сиёсати маҳаллий халқлар ўртасида (ҳатто аёллар ўртасида ҳам) норозиликни келтириб чиқарди. Энди ҳужумга қарши бўлган аёлларга нисбатан зулм ўтказила бошланди. 1927-28 йилларда бу борада Ўзбекистонда 2,5 мингдан ортиқ фаол хотин-қизлар ҳаётдан кўз юмишган.

ШОВИНИЗМ (французча “chauvinisme” - ашаддий миллатчилик) - XIX аср бошларида Францияда пайдо бўлган

“шовинизм” атамаси (Наполеон Бонапарт босқинчилик урушларининг ёрқин тарафдори бўлган аскар Н.Шовиннинг номидан келиб чиққан), эндиликда миллий экстремизмнинг намоён бўлиши маъносида ҳам ишлатилмоқда.

Айниқса буюк давлатчилик шовинизми ҳавфлидир. Чунки, у муайян сиёсий кучларнинг, кўп миллатли давлатлардаги етакчи миллатларнинг бошқа миллатларга нисбатан афзаллиги, устунлиги ғояси асосида мафкуравий, сиёсий, ва иқтисодий ҳукмронлигини билдиради.

“ҚИЗИЛ ИМПЕРИЯ” - 1917-1991 йилларда мавжуд бўлган Собиқ Совет Иттифоқига тарихчилар, бадиий ижод аҳли ва илмий зиёлилар томонидан ишлатиладиган атама. Шўролар давлатининг байроғи қизил рангда бўлганлиги учун шундай номни олган. Ғарб оммавий ахборот воситаларида бу давлат “халқлар турмаси” деб таърифланган бўлса, АҚШ президенти Р.Рейган (1980-1992) Совет Иттифоқини “Ёвузлик империяси” деб атаган эди. “Империя” сўзи лотинча сўз бўлиб, мутлақ ҳокимиятга эга ҳокимни, маҳкумлар, мазлумлар устида: чекланмаган ҳуқуққа эга, жабр-зулм ва эзишга асосланган идора этиш ва бошқариш усулини, мустамлакаларга эгалик қилувчи ва қарам халқларни асоратга солиб шафқатсиз эксплуатация қилувчи йирик тажовузкор давлатни билдиради.

“ҚОСИМОВЧИЛИК” - 1929-1930 йилларда советлар режими томонидан миллий кадрларни, зиёлиларни қатағон қилиш мақсадида атайлаб уюштирилган навбатдаги уйдирмаси эди.

1929 й. иккинчи ярмида ЎзССР Олий судининг раиси Саъдулла Қосимов қамалади. Большевиклар ҳукуматининг жазо органлари томонидан “тўқиб чиқарилган” айблов асосида бу ишга атайлаб сиёсий тус берилади. С.Қосимов билан бирга тарих ўқитувчиси Олимов, суд идораси ходимлари Мусабоев ва Спиридонов ҳам қамалади. Уларга “республикадаги миллатчи ташкилотлар билан алоқа қилганликда”, гўё С.Қосимов “ўтиришларда” “аксилнқилобчилар” билан қўшилиб “миллатчилар партиясини тузиш ҳақида фикр билдирган”, деган сохта ва асоссиз айблар қўйилади. Шунингдек, республика Бош прокурори Шарипов “панисломчиликда”, тарих ўқитувчиси Олимов “миллатчи, аксилнқилобчи ғояларни тарғиб қилувчи босмачи” сифатида, Мусабоев эса, гўё “бирор-бир динни ҳақоратлаш жиноятдир” деганликда айбланадилар. Буларга қўйилган сохта айблар

газеталарда атайлаб эълон қилиниб, халқ кўз ўнгида уларни “душманга” айлантирадилар. Ҳатто, ёлғон гувоҳларгача ўйлаб топадилар. Самарқанддаги 2-вино заводи ишчилари вакиллари судга келишиб “ишчилар номидан” судланувчиларни отиш керак деган талаб билан чиқишлари уюштирилди.

Натижада большевиклар режимининг “одил суди” сохта айблов ва сохта гувоҳлар берган кўрсатмага асосланиб С.Қосимов, Шарипов, Олимов, Мусабеков ва Спридоновларни отишга, қолганларини эса 10 йилдан қамоқ жазосига ҳукм қилади.

АКМАЛ ИКРОМОВ (1898-1938) - ўзбек халқининг давлат ва сиёсат арбоби. Тошкент шаҳридаги Ўқчи маҳалласида Икром домла оиласида туғилган. 1918 йилда Тошкент ва Наманган шаҳарларида ўқитувчилик қилди. У “Чигатой гурунги”нинг аъзоси сифатида Элхон таҳаллуси билан дастлаб совет тузумига қарши шеърлар ёзди. 1919-1920 йилларда Фарғона, Сирдарё вилоятларидаги партия ташкилотларида ишлади. 1921 йилда Туркистон КП МК котиби лавозимига сайланган А.Икромов 1922-1924 йилларда Ўзқсқада ўқиди ва коммунистик тарбия олди. 1925 йил февралда А.Икромов ЎзКП МКнинг масъул котиби, 1929 йилда Ўз КП МКнинг биринчи котиби лавозимига тайинланди. Ўзбекистон коммунистларининг етакчиси бўлган А.Икромов ўзининг фаолияти давомида совет ҳокимияти сиёсатини изчиллик билан амалга оширди. Айни шу йилларда матбуот саҳифаларида ҳурфикрликка йўл берилиб, туркийлик, истибдод хусусида муайян фикрлар кўрина бошлаганда компартиянинг масъул котиби сифатида А.Икромов “Сиёсий кўрлармиз” деган мақола билан чиқиб, шундай “оғмачиликлар”ни кескин қоралади. А.Икромов “иноғомовчилик”ка қарши бир неча бор чиқишлар қилиб, уларни “миллий оғмачиликда” айблади. 1929 йилда “Миллий истиқлол” ташкилоти аъзолари унинг ташаббуси билан қатағон қилинди. 20-йилларнинг охири - 30-йилларнинг ўрталарида бўлган бир қатор қатағонлар учун А.Икромов жавобгардир.

Бироқ большевиклар режимига сидқидилдан хизмат қилган А.Икромовни ҳам мустабид тузум аяб ўтирмади. У 1937 йил сентябрда Тошкентда ҳибсга олинади ва 1938 йил март ойида отиб ташланади.

ИНОҒОМЖОН ХИДИРАЛИЕВ (1891-1929) - давлат ва жамоат арбоби. Фарғона вилояти Наманган уезди Поп волости

Исковат қишлоғида деҳқон оиласида туғилди. 1903-1905 йилларда Попдаги, 1906-1907 йилларда Қўқондаги рус-тузем мактабида ўқиди. 1909-1917 йилларда Ўш ва Жалолобод шаҳарларидаги приставларда котиблик ва тилмочлик қилди. 1917 йил ноябрида уни Ўш шаҳар думасига аъзо қилиб сайлашади. 1919 йилдан турли Совет идораларида ишлайди. 1920 йил Қўрғонтепа туман инқилобий қўмита раиси, Фарғона вилояти партия қўмитаси раиси бўлиб ишлайди. 1922 йил февралда Туркистон АССР Ер-сув ишлари комиссари этиб тайинланади. ТАССР МИК раиси (1922-1924), ТАССР МИҚ ва ХККнинг РСФСРдаги Мухтор вакили (1924 йил январь-ноябрь) бўлиб ишлади. И.Хидиралиев 1924 йил апрель-август ойларида Лондонда бўлган Совет-Англия музокараларида иштирок этади. Ф.Хўжаев, Т.Риқулов, Қ.Отабоевлар билан ҳамкорликда большевикларнинг шовинистик сиёсатини изчиллик билан фош қилди. Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатига хайрихоҳлик билан қаради. У “ўн саккизлар гуруҳи”нинг ташкилотчиларидан бири эди (1925 й). 1926 йилда Ўзбекистон қишлоқ хўжалик банки правлениеси раиси лавозимида ишлади.

И.Хидиралиев Ўзбекистонда ер-сув ислоҳотлари жараёнидаги “қулоқларни синф сифатида тугатиш” сиёсатига қарши чиққан эди. Бироқ мустабид тузумнинг унга ўтказган руҳий тазйиқлари ва доимий таъқиб остига олишлари таъсир қилмасдан қолмади. И.Хидиралиев 1928 йил 31 декабрда Москвадаги “Национал” меҳмонхонасида ўз жонига қасд қилади.

ЙЎЛДОШ ОХУНБОБОВ (1885-1943) - давлат арбоби. Марғилон уездининг Жўйбозор қишлоғида аравасоз уста Охунбобо оиласида туғилди. 16 ёшидан бошлаб Марғилон бойларидан бирининг пахта тозалаш заводида юк ташувчи бўлиб ишлади, сўнгра ака-ука Крафтлар заводида меҳнат қилди. Ўзгандаги Холматбой қўлида батрак бўлди. У 1916 йилдаги халқ кўзғолонида фаол иштирок этди.

1917 йил октябрь тўнтаришидан кейин Й.Охунбобоев округда биринчи тузилган қишлоқ шўроси раисининг ўринбосари бўлди. Сўнгра у М.Фрунзе штабида хизмат қилди. 1919 йил Фарғона водийсида дастлабки ташкил қилинган “Қўшчи” уюшмасини бошқарди. 1925 йил февралда Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитасининг (МИҚ) раиси лавозимига сайланди. Бу масъул лавозимда умрининг охиригача меҳнат қилди.

НУРИДДИН МУҲИДДИНОВ - таниқли давлат ва сиёсат арбоби, ўзбек дипломати. 1917 йилда Тошкент яқинидаги Аллон маҳалласида туғилди. 1938 йилда Москва савдо-кооператив институтини тамомлаб, Бухорога йўлланма олди ва у ерда вилоят матбуот уюшмасининг кадрлар бўлими бошлиғи ўринбосари ва ўқув комбинати раҳбари қилиб тайинланди. Уруш даврида 1941-1945 йиллар давомида ҳаракатдаги армия сафида бўлиб, фашизмга қарши курашда фаол қатнашди. Урушдан сўнг унинг сиёсий фаолияти бошланди. Наманган вилояти Партия қўмитаси котиби, биринчи котиби (1947-1950), Ўзбекистон КП МК котиби (1950-1951), Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгаши раиси (1951-1953, 1954-1955), Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри (1953-1954), Ўзбекистон Компартияси МК биринчи котиби (1955-1957), КПСС МК котиби (1957-1961) ва бошқа масъул лавозимларда меҳнат қилди.

Н. Муҳитдинов республиканинг ижтимоий-сиёсий муаммоларини яхши билиши билан алоҳида ажралиб турарди. У Ўзбекистонда қатағон қилинган миллий раҳбар кадрлар ва зиёлиларнинг табаррук номларини оқлашда ташаббускорлик қилди.

У “Центросоюз” раиси ўринбосари (1962-1966), СССР нинг Суриядаги элчиси (1968-1977), СССР савдо-саноат палатаси раисининг ўринбосари (1977-1986). 1986 йилдан Ўзбекистон ССР ҳукумат маслаҳатчиси, сўнгра узоқ йиллар Ўзбекистон Ёдгорликларни муҳофаза қилиш жамияти раиси бўлиб ишлади. Мустақиллик йилларида ҳам жамоатчилик ишларида фаол иштирок этди. Н. Муҳитдинов “Кремлда ўтган кунларим” китобининг муаллифидир.

ОЛЛОЁР КУРАЗОВИЧ ДЎСТНАЗАРОВ (1896-1937) - давлат ва жамоат арбоби.

О. Дўстназаров 1896 йилда Амударё вилояти (ҳозирги Қорақалпоғистон Республикаси) Кўкўзак волостининг Чимбой уездида камбағал деҳқон оиласида дунёга келди.

1913-1918 йилларда у бойлар қўлида чўпонлик қилди, Хивадаги “Ярослав” пахта тозалаш заводида ишчи, Тўртқўлда дорихона қоровули бўлиб ишлади.

1918-1921 йилларда армия сафида Шарқ меҳнаткашлари Коммунистик университетига ўқишга кирди. 1921-1924 йилларда Кўнғирот тумани партия қўмитасининг биринчи котиби, Чимбой

уездда шаҳар партия кўмитасининг бўлим мудири, Амударё вилоят партия кўмитасида назорат комиссиясининг раиси бўлиб ишлади.

О.Дўстназаров Қорақалпоғистон автоном вилоятини ташкил қилишда фаол қатнашди. У 1924-1925 йилларда Қорақалпоғистон автоном вилоят партия кўмитасининг биринчи котиби лавозимида ишлади.

1926-1930 йилларда Ўрта Осиё Коммунистик университетининг талабаси бўлди. У ўқишни тамомлагандан сўнг, Бошқирдистон АССРда ишчи-деҳқон инспекциясининг раиси вазифасини бажарди. О.Дўстназаров 1931-1935 йилларда Москвадаги “Металлстрой” трести бошқарувчисининг муовини, сўнгра “Металлист” заводининг директори лавозимларида фаолият кўрсатди.

О.Дўстназаров 1935 й. 25 январда Москвада “контрреволюцион ташкилотлар билан алоқа боғлаган”ликда айбланиб НКВД томонидан ҳибсага олинади ва 10 йилга қamoқ жазосига ҳукм қилинади. Лекин, 1937 й. 10 ноябрда НКВДнинг Ленинград вилоят бошқармасидаги “учлик” гуруҳи О.Дўстназаров “ишини қайта кўриб”, уни “халқ душмани” сифатида айблаб, отишга ҳукм қилади. Ҳукм 1937 й. 8 декабрда ижро этилади.

УСМОН ЮСУПОВ (1900-1966) - давлат арбоби. Фарғона вилояти Фарғона туманидаги Каптархона қишлоғида батрак оиласида дунёга келди. 1916 йил у Қовунчи (ҳозирги Янгийўл шаҳри)даги пахта тозалаш заводида ишлади ва турли жамоатчилик ишларида фаол қатнашди. У.Юсупов 1929-1931 йилларда Ўзбекистон Компартияси МҚ котиби, 1931-1937 йилларда ВЦСПС Ўрта Осиё бюросининг раиси, Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати халқ комиссари лавозимида ишлади. 1937-1950 йилларда Ўзбекистон КП МҚнинг биринчи котиби, 1950-1953 йилларда СССР Пахтачилик министри, 1953-1954 йилларда Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгашининг раиси каби масъул лавозимларда ишлади. 1954 йилнинг охирида Н.С.Хрущёвнинг буйруғи билан У.Юсупов республика ҳукумати бошлиғи лавозимидан олиб ташланди. У 1955-1966 йилларда “4-Боёвут” ва “2-Боёвут” пахтачилик совхозлари ҳамда Янгийўл туманидаги “Халқобод” аграр саноат бирлашмаси директори лавозимларида ишлади.

У.Юсупов республика раҳбари бўлиб ишлаган йилларида унинг ташаббуси асосида Ўзбекистонда халқ ҳашари йўли билан

йирик сув иншоотлари қурилди (Катта Фарғона канали, Каттакўрғон сув омбори ва б.). Иккинчи жаҳон уруши йилларида СССРнинг ғарбий районларидан Ўзбекистонга кўчириб келтирилган йирик корхоналарни тезлик билан жойлаштириш ва ишга тушириш, янги корхоналар қуриш, фронтни озиқ-овқат, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан мунтазам таъминлашда, ўзбекистонликларни фашизмга қарши курашга сафарбар этишда, уруш туфайли бошпанасиз қолган аҳолига, ота-онасиз қолган юз минглаб балаларга меҳрибонлик ва ўзбекларга хос бўлган юксак инсонпарварлик сифатларини кўрсатишда У. Юсупов бош-қош бўлди.

У. Юсупов 1966 йил 7 майда Тошкент шаҳрида вафот этди.

ШАРОФ РАШИДОВ (1917-1983) - таниқли давлат ва жамоат арбоби, ёзувчи. Жиззах шаҳрида туғилган. 1933 йилда Жиззах педагогика техникумига ўқишга киради, уни тугатгач, ўзи ўқиган мактабда ўқитувчилик қилади. 1937-1941 йилларда А. Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат университетининг филология факультетида ўқийди. 1941 йил ноябрда фронтга чақирилади. 1942 йил оғир яраланиб, Ватанига қайтиб келади ва Жиззахдаги ўрта мактабда директорлик қилади. 1943 йил “Ленин йўли” газетасида масъул муҳаррир, 1944 йил Самарқанд вилояти партия қўмитасида котиб лавозимларида ишлади. 1947-1949 йилларда “Қизил Ўзбекистон” (ҳозирги “Ўзбекистон овози”) газетаси муҳаррири, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг бошқарув раиси (1949-1950), 1950 йил Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раиси, СССР Олий Совети Президиуми раиси ўринбосари, 1959 йилда умрининг охиригача Ўзбекистон ССР КП МҚ биринчи котиби лавозимларида ишлади.

Ш. Рашидов Республикамизга деярли чорак аср раҳбарлик қилди. У иттифоқ раҳбариятининг империяча хатти-ҳаракатлари туфайли етказилаётган зарарни энг кам миқдорга туширишга интилди, республика учун зарур маблағлар ва моддий ресурсларни ундиришга ҳаракат қилди. Кўпгина муҳим объектлар (қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш, сув иншоотлари қуриш, Тошкент зилзиласи оқибатларини тугатиш ва шаҳарни қайта қуриш, Тошкент метрополитени қурилишини йўлга қўйиш ва ҳ.к.) қурилиши, Ўзбекистоннинг кўп қиррали салоҳияти ва ривожланиши унинг номи билан боғлиқдир.

Ш.Рашидов “Ғолиблар” (1951), “Кашмир қўшиғи” (1956), “Қалб амри билан” (1982) қиссалари, “Бўрондан кучли” (1958), “Қудратли тўлқин” (1964) романлари, бир қанча публицистик китоблар ва бошқа асарлар муаллифидир.

МАВЗУ: И.А.КАРИМОВ БОШЧИЛИГИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИ ҚЎЛГА КИРИТИЛИШИ

ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИ РАМЗЛАРИ - давлатнинг тимсоллари, унинг суверенитетини, миллий ва иқтисодий кўрсаткичларини, сиёсий-ижтимоий тузумини, асосий мафқура ва ҳаёт қоидаларини кўрсатувчи белгилар, энг муҳим ҳужжатлар, ғоялар ва тушунчалар.

Давлат рамзи-бу мустақил давлат белгисидир. У давлат байроғи, давлат герби, давлат гимни мамлакат миллий валютаси ва мамлакат конституциясида ўз ифодасини топади.

ДАВЛАТ ГЕРБИ - давлатнинг расмий эмблемаси бўлган фарқловчи белгиси; байроқ, пул белгилари, муҳрлар ва баъзи бир расмий ҳужжатларда акс эттирилади. Давлат гербининг мазмуни конституция ёки махсус қонун билан белгиланади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига биноан, Давлат герби Олий Кенгашнинг 1992 йил 2 июль куни бўлган X сессиясида “Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш билан тасдиқланган.

ДАВЛАТ ГИМНИ (юнонча *hymnos* – мадҳия, мақтов ашуласи, тантанали қўшиқ) - Ватанни, давлатни, тарихий воқеаларни, уларнинг қаҳрамонларини улуғловчи шеърӣ-муסיқӣ асар, давлатнинг рамзларидан бири. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 5-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси унинг тасвирланиши ва расмий қўлланилиш тартиби қонун билан белгиланади. “Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси тўғрисида”ги қонуни 1992 йил 10 декабрда қабул қилинган.

ДАВЛАТ ТИЛИ - давлат аҳолиси кўпчилиги ёки асосий қисмининг ушбу давлатда Конституция асосида давлат тили сифатида белгиланган тили. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 4-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ўзбек тили давлат тилидир.

Давлат тили Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳокимияти органларида, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларида, давлат муассасаларида асосий тил сифатида ишлатилади. Давлат тилидан фойдаланиш ва уни қўллаш тартиби 1989 йил 21 октябрда қабул қилинган ва 1995 йил 21 декабрда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили тўғрисида”ги қонуни билан тартибга солинади.

ДАВЛАТ ЧЕГАРАСИ - давлат мустақиллигининг зарурий белгиларидан бири бўлиб, ҳар қандай давлат ўз ҳудудий чегарасига эгадир. Давлат ҳудудининг бошқа давлат ҳудуди билан туташ чизиғи давлат чегараси деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикаси бешта мустақил давлат Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Афғонистон давлатлари билан чегарадошдир.

Давлатимиз ҳудуди чегараларининг умумий узунлиги 6221 километрни ташкил этади. Жумладан, Афғонистон билан чегара-137 км, Қозоғистон билан-2203 км, Қирғизистон билан 1099 км, Тожикистон билан-1161 км, Туркменистон билан-1621 км дан иборат.

Конституциямизнинг 3-моддасида Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир деб қайд этилган.

Ўзбекистон давлат чегарасини қўриқлаш вазифасини Республика чегара қўшинлари амалга оширади.

ДЕКЛАРАЦИЯ (фр. *deklaration* - баёнот) - алоҳида сиёсий-юридик ҳужжатларнинг уларга тантанали хусусият бериш, уларнинг тегишли давлат тақдири учун катта аҳамиятини таъкидлаш мақсадига эга бўлган номи. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўлиши Декларациянинг ўзига хос жиҳати шундаки, улардаги қоидалар ўта умумий, номуайян хусусиятга эга бўлиб, қўшимча равишда қонун билан тартибга солишни талаб этади.

Халқаро ҳуқуқда томонлар билан келишилган қоидалар ва мақсадларни ифодаловчи тантанали ҳужжат. Мажбурий хусусиятга эга эмас. Одатга айланганлиги сабабли давлатлар учун мажбурий бўлиб қолган 1948 йилги Инсон ҳуқуқлари декларацияси бундан мустасно.

ДЕ-ФАКТО (тан олиш) - халқаро ҳуқуқда янги вужудга келган давлат ёки ҳукуматнинг жаҳон ҳамжамияти ва давлатлар томонидан тан олинishi. Бу давлат ва ҳукумат эътирофининг расмий лекин тугалланмаган, тўлиқ бўлмаган тан олинishi. Бундай

эъгироф одатда вақтинча хусусиятга эга бўлиб, де-юре-эъгироф этишга ўтиш босқичидир.

ДЕ-ЮРЕ (тан олиш) - янги вужудга келган давлат ёки ҳукуматни тан олиш билан бирга, бу давлат ёки ҳукумат билан расмий жиҳатдан ва ҳуқуқий асосларда муносабатларни йўлга қўйиш.

КОНСТИТУЦИЯ - давлатнинг халқ иродасини ифодаловчи, давлат тузилиши ва бошқарув шакли асосларини мустақкамловчи, ҳокимият идоралари фаолиятининг ташкил этилиш тартиби ва принципларини белгиловчи асосий қонун.

Ўзбекистон Республикасининг амаддаги Конституцияси 1992 йил 8 декабрда, Олий Кенгашнинг 12-чақириқ 11-сессиясида қабул қилинган бўлиб, у муқаддима, 6 бўлим, 26 боб ва 128 моддадан иборат. Асосий Қонун олдидан муқаддима берилади, унда қабул қилинган Конституция халқ иродаси ифодаланиши натижаси эканлиги, халқимизнинг ўз тақдирини ўзи белгилашга, бирлик ва тенг ҳуқуқликка интилиши баён этилган. Биринчи бўлимда конституциявий тизимнинг асосий принциплари жамланган; иккинчисида инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари тизими мустақкамланган; учинчи бўлим фуқаролик жамияти қурилишининг ҳуқуқий асосларини ўзида акс эттиради; тўртинчи бўлим давлат ва маъмурий ҳудудий тузилишга бағишланган; бешинчи бўлим ҳокимиятлар тақсимланиши принципи асосида қурилган давлат ҳокимиятининг янги тизимини мустақкамлайди, олий ва маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари тузилишини очиб беради; олтинчи бўлим Конституцияга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тартибини ўз ичига олади.

МИЛЛИЙ ВАЛЮТА - мамлакатимиз ҳудудида барча товар ва хизматлар учун нархларни ифодалаш вазифасини ўтовчи ва қонуний ҳимояланган ягона тўлов воситаси.

1994 йил 1 июлдан бошлаб, Ўзбекистон ҳудудида ягона тўлов воситаси сифатида “сўм” муомалага киритилди.

Ўзбекистоннинг ўз миллий валютасига эга бўлиши ва “сўм” тизимининг иқтисодиётнинг барча соҳаларига киритилиши-мустақиллигимизнинг муҳим кўрсаткичларидан бири бўлди. Ҳар қандай миллий валютада кузатиладиган инфляция бизнинг валютамызда ҳам кузатилса-да, бу иқтисодий метёрлар даражасида бўлиб, ҳатто бу жаҳоннинг кўпчилик мамлакатларида

кузатиладиган инфляция даражасидан анча кам ҳисобланади. Бу эса Ўзбекистон ҳукумати иқтисодий ислоҳотлари самарадорлигининг муҳим кўрсаткичидир.

“МУСТАҚИЛЛИК ДЕКЛАРАЦИЯСИ” - Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги ҳақидаги дастлабки ҳуқуқий ҳужжатлардан бири. “Мустақиллик декларацияси” 1990 йил 20 июнда Ўзбекистон Олий Кенгашининг II сессиясида қабул қилинган бўлиб, 12 банддан иборат ушбу тарихий ҳужжатда ўзбек халқининг давлат қурилиши тарихи, тажрибаси, ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи асосида давлат мустақиллиги илк бор эълон қилинган эди.

ПРЕЗИДЕНТ (лот. “praesidens” - олдинда ўтирувчи) - Республика бошқаруви шаклидаги давлатларда давлат ва ҳукумат раҳбари. Одатда Президент ижро этувчи ҳокимият бошлиғи ҳисобланиб, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатида халқ номидан иш юритади. Жаҳонда биринчи Президентлик бошқаруви XVIII-аср охирида АҚШда жорий қилинган. Ўзбекистонда президентлик бошқаруви илк бор 1990 йил 24 мартда жорий қилинган бўлиб, Ўзбекистон Президенти бутун Ўзбекистон фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан тўғри сайлов принципи асосида сайланади.

РЕСПУБЛИКА (лот. Res-иш, publicus - халқ, жамоатчилик) - давлат бошқариш усулларида бири бўлиб, бунда давлат органлари халқ томонидан сайлаб қўйиш орқали шакллантирилади. Ҳозирги вақтда дунёда 230 га яқин давлат мавжуд бўлса, шулардан ярми республика шаклида бошқарилади.

РЕФЕРЕНДУМ (лот. “referendum” эълон қилиниши лозим бўлган хабар) - жамиятни демократик бошқариш жараёнида қўлланиладиган тадбирлардан бири, баъзи муҳим масалаларни умумхалқ овозига, умумхалқ сўровига, халқ муҳокамасига қўйиб ҳал этиш.

Ўзбекистон Республикасида референдум ўтказишнинг ҳуқуқий асослари яратилган бўлиб, у 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Референдуми тўғрисида”ги қонуни билан мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикасида референдум илк бор 1991 йил 29 декабрда “Давлат мустақиллигини маъқуллайсизми?”, иккинчи маротаба эса 1995 йил 26 мартда “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатини 1997 йилдан то 2000 йилга қадар

узайтиришга розимисиз?” ва 2002 йил 27 январда “Сиз келгуси чақириқ Ўзбекистон Республикаси Парламенти икки палатали қилиб белгиланишига розимисиз?”, ҳамда “Сиз Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколат муддати 5 йилдан 7 йил қилиб ўзгартирилишига розимисиз?” каби мавзуларда умумхалқ референдумлари утказилган.

СИЁСИЙ ТИЗИМ - давлат ички тузилишидаги ўзаро муносабатларнинг хусусиятларини ифодаловчи, ижтимоий-сиёсий ҳокимиятни, умуман, давлат муассасалари тизимини ва уларнинг асосий ташкилий шаклларини белгилаб беради. Сиёсий тизим, одатда, мамлакат Конституцияси ва шу асосда чиқарилган бошқа қонуний ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилади.

Ўзбекистонда сиёсий тизим ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига бўлиниши тамойили асосида тузилган. Алоҳида тармоқларни бошқариш вазирликлар, давлат қўмиталари ва концернлари томонидан амалга оширилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вилоят, Тошкент шаҳар, шаҳарлар ва туманларнинг халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимликлардан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг сиёсий тизими ҳозирги даврдаги илғор давлатларнинг тажрибасини, халқимизнинг тарихий анъаналари ва мукамал жамият тўғрисидаги орзу-умидларини, мутафаккирларимиз ва жамиятшунос-ларнинг тавсияларини ўзида мужассамлаштирган.

СУВЕРЕНИТЕТ (французча “souverainite” - олий ҳокимият) - қўйидаги мазмунларда ишлатилади:

1. Давлат суверенитети-ҳозирги давлатшунослик фанида давлатнинг ички ва ташқи сиёсатидаги тўла мустақиллиги сифатида талқин этилади.

Ўзбекистон Республикасида давлат суверенитети масаласига алоҳида боб ажратилган бўлиб, унинг 1-моддасида “Ўзбекистон-суверен демократик республика” дейилган.

2. Халқ суверенитети-халқнинг давлатни бошқаришдаги тўла ҳукмронлиги, халқ ҳокимияти, халқ бошқаруви маъноларини англатади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МАЪМУРИЙ-ХУДУДИЙ ТУЗИЛИШИ - Ўзбекистон Республикаси ҳудуди 447,8 минг км. кв. ни ташкил этади. Мазкур ҳудудда 12 вилоят, 174 туман, жумладан, 19 шаҳар туманлари, 124 шаҳар, 97 та

шаҳарча, 1214 қишлоқ, 101 овул мавжуд. Вилоятларга бўйсунувчи шаҳарлар сони 50 та, 65 шаҳар туманларга бўйсунди. Қорақалпоғистон республикасига бўйсунувчи шаҳарлар сони 8 та.

МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОНДА ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ АСОСЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНТИРИЛИШИ

АДВОКАТУРА - ҳуқуқий институт, адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларнинг мустақил, кўнгилли, касбий бирлашмаларини ўз ичига олади. Ўзб.Рес. фуқаролари, ажнабий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахсларга, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга юридик ёрдам кўрсатади. Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги қонуни 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган.

АДЛИЯ (араб.- адолат) - суд муассасаларининг бутун мажмуини, уларнинг одил судловни амалга ошириш фаолиятини шунингдек, суд идорасини билдирувчи атама.

АЛЬТЕРНАТИВ САЙЛОВ (лот.alternare - иккитасидан бигтаси) - муқобил сайлов. Бир-бирига қарама-қарши бўлган иккита номзоддан бирини танлаш.

Алтернативлик ҳамма соҳаларда сиёсатда, иқтисодиётда, ижтимоий ҳаётда ва бошқа тармоқларда учрайди.

Бир-бирини инкор қилувчи икки имкониятдан бирининг танланиши, айниқса, сиёсатда яққол кўринади. Ўзбекистон изчил демократик қоидаларга содиқ давлат сифатида ўз сиёсий ҳаётида барча сайловлар альтернатив (муқобиллик) асосида ўтиши тарафдори эканини намойиш қилмоқда. Бу демократик қоида, биринчи мартаба, кенг миқёсда 1991 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Президентини сайлаш жараёнида амалга оширилди.

АМНИСТИЯ - жиноят содир этган шахсларни жиноий жавобгарликдан тўлиқ ёки қисман жазодан озод қилиш, шунингдек, илгари суд томонидан белгиланган жазони ўтаб бўлган шахслардан судланганликни олиб ташлаш. Амнистия акти норматив хусусиятга эга, яъни амнистия акти билан белгиланган талабларга жавоб берадиган барча шахсларга нисбатан қўлланилади.

АНАРХИЯ (юнонча anarchia - бошлиқсиз, ҳокимиятсиз) - бир ёки бир неча шахслар гуруҳининг ҳокимиятга бўйсунмаслиги

натижасида келиб чиқадиган тартибсизлик. Собиқ Шўролар давлатида 80-йилларнинг охирида ижтимоий-сиёсий инқироз натижасида худди шунга ўхшаш ҳокимиятсизлик ва бошбошдоқлик вужудга келган эди. 1989 йил июл ойидан И.А.Каримов Ўзбекистон раҳбари этиб тайинлангач, жамиятимиздаги ана шу иллатларга аста-секин барҳам берила бошланди.

АПЕЛЛЯЦИЯ (лот. appellatio - мурожаат, шикоят) - суд ёки бошқа органлар қарорига қарши улардан юқори поғонада турувчи органларга паймол этилган ҳуқуқларини тиклаш учун мурожаат қилиш.

АХБОРОТ ЭРКИНЛИГИ - фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларидан бири бўлиб, сўз, матбуот ва бошқа оммавий ахборотга эга бўлган ахборотни олиш ҳуқуқи ва қонуний асосда олинган ахборотларни тарқатиш ҳуқуқи ахборот эркинлиги ҳисобланади. Ўз.Рес. Конституциясига асосан, оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар, цензурага йўл қўйилмайди (67-модда).

БИЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИ - фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқи. Давлат томонидан таъминланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида: “Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир” деб қайд этилган. Шунга асосан 1997 йил 29 августда “Таълим тўғрисида”ги қонун ва қонунни ҳаётга тадбиқ этиш учун “Кадрлар тайёрлаш миллий дастур”и ҳам ишлаб чиқилган.

БИР ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТ - палаталарга бўлинишни истисно этувчи умумхалқ вакиллик ташкилотлари-парламентлар тузилиши. Бундан парламентлар “бир палатали” деб ҳам аталади. Дунёдаги мамлакатлардан кўпчилиги (60 % га яқини) бир палатали парламент тизимга эга. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши (1990-1994 йилларда) ва Олий Мажлиси 1995-2004 йиллар мобайнида бир палатали парламент шаклида фаолият кўрсатган эди.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ - баъзи давлатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳукуматнинг номи. Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати 1992 йилда қабул қилинган Конституцияга кўра Вазирлар Маҳкамаси деб номланиб, асосий

қомусимизнинг XX боб, 98-моддасида Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқий мақоми ва конституциявий ваколатлари белгилаб берилган. Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маданий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни таъминлайди. Вазирлар Маҳкамаси давлат бошқарув идоралари тизимига ва ўзи ташкил этадиган хўжалик бошқаруви муассасаларига бошчилик қилади, уларнинг ҳамжиҳатлик билан фаолият кўрсатишини, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган қонунларнинг ижросини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолият йўналишларини Ўз.Рес. Олий Мажлиси томонидан 1993 йил 6 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги қонуни асосида ташкил этади. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Вазирлар Маҳкамасининг раиси ҳисобланади. Вазирлар Маҳкамаси таркибига Бош Вазир, унинг биринчи муовини, муовинлари ва аъзолари киради. Давлат марказий идораларининг бошлиқлари, яъни вазирлар, давлат кўмиталари раислари ва бошқалар Вазирлар Маҳкамаси аъзолари ҳисобланадилар.

Вазирлар Маҳкамаси мажлислари йилнинг ҳар чорагида камида бир марта ўтказилади.

ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ - Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 99-моддасига мувофиқ, вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари ҳисобланади. Вакиллик органлари давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб, ўз ваколатлари доирасидаги масалаларни ҳал этадилар.

ВАКИЛЛИК ҲОКИМИЯТИ - маълум бир муддатга халқ иродасини ифода этувчи парламентга ўз вакилларини сайлаш, халқ манфаатларини ифода этиш орқали ҳокимиятни ташкил этиш. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 76-моддасига асосан, Олий Мажлис олий давлат вакиллик органи ҳисобланади ва у қонун чиқарувчилик ҳокимиятини амалга оширади

ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ - инсоннинг хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқини таъкидловчи, БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан 1981 йил 25 ноябрда қабул қилинган 36-55-Резолюциясида қайд қилинган

инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири. Мазкур ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида қайд қилинган ва 1998 йил 1 майда қабул қилинган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун томонидан тартибга солинади. Ўзбекистон Республикасида дин ва диний ташкилотлар давлатдан ажратилган. Ўзбекистон Республикасида куч ишлатишни тарғиб қилиш, миллатлар ва диний ташкилотлар орасига низо солиш учун диндан фойдаланиш ва конституцион тузум асосларига қарши қаратилган ҳаракатлар ман этилади.

ДЕМОКРАТИЯ (юнончи “demos” - халқ, “kratos” - ҳокимият) - “халқ ҳокимияти” маъносини англатади. Жамият тараққиётида давлатчиликнинг турли шакллари, бинобарин, демократиянинг ҳам турли тиллари ярагилган. Инсоният тарихида демократиянинг бошланиш нуқтаси ҳам, тугаш нуқтаси ҳам йўқ. Кишилиқ жамияти пайдо бўлганиданоқ, демократиянинг куртаклари пайдо бўлган ва ҳатто, энг тараққий этган мамлакатларда ҳам у ўзининг сўнгги чўққисига эришганича йўқ. Демократияни бўғиш, унга раҳна солиш мумкин, лекин бутунлай йўқ қилиб бўлмайди. Ҳар қандай даврнинг, ҳар қандай жамиятнинг ва ҳар қандай халқнинг ўзига хос демократияси бўлади.

Демократиянинг муҳим хусусияти шундаки, унда халқ ҳокимияти, яъни озчиликнинг кўпчиликка бўйсунуш қондаси, расмий равишда эълон қилинади ҳамда фуқароларнинг эркинлиги ва тенг ҳуқуқлилиги эътироф этилади. Бу шартлар асосий қонун Конституцияда акс эттирилади.

ДЕНОНСАЦИЯ - бирор бир халқаро шартнома ёки давлатлараро келишувдан бир томонлама воз кечиш ёки уни мамлакат ҳудудида бекор қилиш.

ДЕПУТАТ - давлат ҳокимияти вакиллик органларида иш олиб боровчи халқ вакили. У сайлов йўли билан сайланиб, халқдан тегишли органларда иш олиб бориш учун ваколат олади. Депутат маълум муддатга сайланади. Республикамизда Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга депутатлар сайланадилар. Улар беш йил муддатга сайланадилар. Олий Мажлис депутатлигига 25 ёшга, маҳаллий кенгаш депутатлигига 23 ёшга тўлган Ўзбекистон фуқаролари сайланадилар. Депутатликка номзодлар сиёсий партиялар, вакиллик ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кўрсатиладилар.

ЖАМИЯТ - одамларнинг уюшган эҳтиёжларини қондирилишини таъминловчи, ихтилофларни бартараф қилувчи, маданиятни сақлаб ривожлантирувчи, маданият мажмуаси ва унинг қисмлари асосида ташкил топган ижтимоий ҳаёт шакллариининг синтези, турли ижтимоий гуруҳларни, табақаларни, шахсларни, оилаларнинг бир-бирига зид манфаатларини бирлаштирувчи, уларнинг муносабатларини белгиловчи, ижтимоий муносабатларнинг умумий шаклини яратувчи, турли ташкилот ва муассасаларнинг йиғиндиси.

ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ - Ўзбекистон Республикаси Конституция-сининг 56-моддасига биноан, қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган қасаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари. Жамоат бирлашмалари ҳақидаги конституциявий қоидалар Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонунда ривожлантирилиб, унинг 1-моддасида Жамоат бирлашмалари деб, ўз ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилмага айтилади.

ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕС - Қорақалпоғистон Республикасининг бир палатали қонун чиқарувчи органи номи (парламент). Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси ҳудудий сайлов округлари бўйича кўнпартиявийлик асосида беш йил муддатга сайланадиган 75 нафар депутатдан иборат. Жўқорғи Кенгес ўз фаолиятини бир йилда камида бир марта чақириладиган сессиялар кўринишида олиб боради.

ИЖТИМОЙ ҲУҚУҚЛАР - инсон ва фуқароларнинг давлатдан муайян моддий ёрдам олишларига имкон берувчи ижтимоий таъминот ва ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқи, уй-жой олиш ҳуқуқи, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи, билим олиш ҳуқуқи илмий-техникавий фаолият эркинлиги каби ҳуқуқ ва эркинликлар қиради. Инсоннинг ижтимоий ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-42 моддаларида таъкидланган.

ИККИ ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТ - умуммиллий вакиллик муассасалари парламентнинг тузилиши бўлиб, бунда парламент одатда ҳар хил тарзда шаклланадиган ва турли ваколатларга эга бўлган иккита палатадан иборат бўлади.

Икки палатали парламент ҳозирги вақтда федератив давлатларда ҳам, унитар давлатларда ҳам мавжуд. Парламентнинг қуйи палатаси доимо аҳоли томонидан бевосита сайланади. Юқори палата турли мамлакатларда турли усулда шакллантирилади. У баъзи мамлакатларда бевосита сайлов ёки билвосита сайлов орқали шакллантирилса, баъзан мерос бўйича шакллантирилади, ёхуд уларнинг аъзоларини давлат раҳбари тайинлайди. Бир қатор ҳолларда юқори палата аралаш усулда шакллантирилади: аъзоларининг бир қисми сайланади, бир қисми тайинланади. Баъзи мамлакатларда қуйи палатадан фарқли равишда юқори палата учун ваколатлар муддати белгиланмаган, уларнинг таркиби қисмлаб янгиланади. Юқори палата депутатлигига номзодларга одатда анча жиддий талаблар (юқорироқ ёш чегараси ва бошқ.) қўйилади.

2002 йил 27 январда Ўзбекистонда икки палатали парламент тизимига ўтиш бўйича умумхалқ сўрови-референдуми ўтказилди. Референдумда иштирок этган фуқароларнинг 93 % и икки палатали парламент тизимини жорий қилишни ёқлаб овоз берди.

2004 йил 26 декабрда Олий Мажлиснинг қуйи палатаси-Қонунчилик палатаси депутатлигига сайловлар, 2005 йил 17-20 январда эса Олий Мажлис юқори палатаси-Сенатга сайловлар бўлиб ўтди.

2005 йил 27 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Олий Мажлис Сенатининг биринчи мажлиси ўз ишини бошлади. Ўзбекистон икки палатали парламент тизимига ўтди.

ИЖРОИЯ ҲОКИМИЯТИ - ҳокимиятнинг бўлиниши назариясига кўра, давлатдаги мустақил оммавий ҳокимиятлардан (қонун чиқарувчи ва суд ҳокимиятлари билан бир қаторда) бири.

Ўзбекистонда ижроия ҳокимиятининг раҳбари-Президент, шунингдек, Ижроия ҳокимияти органи бўлиб Вазирлар Маҳкамаси ва вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман(шаҳар) ҳокимликлари, Қорақалпоғистон Республикасида эса Вазирлар Кенгаши ва туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳисобланади.

ИНСОН ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ - инсонга бекаму кўст яшаш имкониятини берувчи ва иқтисодий, ижтимоий, маданий, сиёсий соҳаларда ўзининг имконият ва талабларини амалга оширишни таъминловчи ҳуқуқий мақом.

Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини шартли равишда қуйидаги учта асосий гуруҳга ажратишимиз мумкин:

1. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар (яшаш, айбсиз деб ҳисоблаш, шахсий дахлсизлик, турар жой дахлсизлиги, эркин кўчиб юриш, фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги, ахборот олиш, тарқатиш, виждон эркинлиги ва бошқ.)

2. Сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар (сайлаш ва сайланиш, сиёсий фаолият юритиш, сиёсий партия, касаба уюшмалари, жамоат бирлашмаларига аъзо бўлиш, намойиш ва митингларда қонуний асосда иштирок этиш, ваколатли давлат органларига ариза ва шикоятлар билан мурожаат этиш ва бошқ.)

3. Ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлар (мулкдор бўлиш, меҳнат қилиш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш, дам олиш, нафақа, ижтимоий таъминот, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш, билим олиш, илмий техникавий ижод эркинлиги ва маданият ютуқларидан фойдаланиш ва ҳоказо).

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ВАКИЛ - парламентнинг Ўзбекистон Республикасида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларнинг инсон ҳуқуқларига оид амалдаги қонунларга риоя этилиши самарадорлигини назорат қилиш ваколатига эга бўлган мансабдор шахси. Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил кўпгина хорижий мамлакатларда мавжуд бўлган институт-омбудсманнинг ўзбекча кўриниши. У биринчи бор “Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги 1997 йил 24 апрел қонуни билан жорий этилган. Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил Олий Мажлис томонидан депутатлар орасидан Олий Мажлис ваколати муддатига сайланади.

КОРРУПЦИЯ (лат. *corruptio* - пора бериб сотиб олиш) - мансабдор шахслар томонидан уларга берилган ҳуқуқлар ва ҳокимият имкониятларидан шахсий бойлик орттириш учун фойдаланишда ифодаланувчи сиёсат ёки давлат бошқаруви соҳасидаги жиноий фаолият.

КЎППАРТИЯВИЙЛИК - ҳозирги замон жамиятининг ажралмас белгиси, унинг демократиялашуви даражасининг муҳим пойдевор кўрсаткичидир. Кўппартиявийликнинг ўзига хос белгиси, бу-сиёсий хилма-хиллик, жамиятда бир неча сиёсий партиянинг мавжудлигидир. Сиёсий партиялар фуқароларнинг ижтимоий манфаатларини парламент, давлат ҳокимияти, маҳаллий вакиллик идоралари, аҳолининг ўзини-ўзи бошқариш уюшмалари орқали ифода этиш ҳамда рўёбга чиқариш мақсадида фаолият кўрсатувчи кишилар бирлашмасидир.

Партиялар ўз дастур ва сиёсатларини ишлаб чиқиб, бу дастур ва сиёсатларини жамиятга таклиф этиш орқали уларни рўёбга чиқаришга ҳаракат қиладилар ва ҳокимият учун кураш олиб борадилар. Ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, сиёсий партиялар жамиятнинг сиёсий пешқадам аъзолари сифатида намоён бўладилар.

Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинганидан буён кўппартиявийликнинг тўлақонли ҳаракат қилиши, жамиятда турли сиёсий партиялар фаолияти учун ҳуқуқий макон асослари яратилди ва бу ҳаракат давом эттирилмоқда.

ЛЕГАЛИЗАЦИЯ (ЛЕГАЛЛАШТИРИШ) (лот. *Legalis* - қонуний) - бирон бир ташкилотнинг фаолиятини қонунийлаштириш, бирон бир ҳужжатга, ҳаракатга юридик-қонуний куч бериш.

МАТБУОТ ЭРКИНЛИГИ - фуқароларнинг Конституцияда белгилаб қўйилган сиёсий ҳуқуқларидан бири бўлиб, Матбуот эркинлиги биринчи бўлиб 1789 йилги Француз инқилобида фуқаро ва инсонларнинг ҳуқуқлари Декларациясида эълон қилинган эди. Матбуот эркинлиги ҳар қандай матбуот маҳсулотларини (газета, журнал ва ҳақозо) эркин нашр қилиш ва тарқатишни кўзда тутди.

МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ - Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари кенгашлари. Улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари доираси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXI бобида ва 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунда белгилаб берилган.

МАҲАЛЛИЙ ҶЗИНИ ҶЗИ БОШҚАРИШ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ - маҳаллий ҷзини ҷзи бошқаришни ташкил этишда сайлов орқали ташкил этиладиган орган. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган “Фуқароларнинг ҷзини-ҷзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонуннинг 9-моддасига асосан, фуқаролар йиғини-фуқаролар ҷзини ҷзи бошқаришнинг юқори органи бўлиб, аҳоли манфаатларини ифодалаш ва унинг номидан тегишли ҳудудда амал қилувчи қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эгадир. Фуқаролар йиғинида ўн саккиз ёшга тўлган ҳамда шаҳар, қишлоқ, овул ва маҳалла ҳудудида доимий яшаётган шахслар қатнашадилар.

ОЛИЙ МАЖЛИС - Ўзбекистон Республикасининг Олий Қонун чиқарувчи органи.

Олий Мажлис 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида жорий этилган ва унга биринчи сайлов 1994 йил 25 декабрда бўлиб ўтган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан-Қонунчилик палатаси ва Сенатдан иборат. Уларнинг ваколат муддати 5 йил.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ҳудудий сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида сайланадиган 120 депутатдан иборат.

Олий Мажлис Сенати аъзолари 100 нафар бўлиб, улар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли кўшма мажлисида депутатлар орасидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда 6 кишидан сайланади. Сенатнинг қолган 16 нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан кўрсатилади.

Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг мутлақ ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XVIII боб, 76-88 моддаларида белгилаб берилган.

ОМБУДСМАН - инсон ҳуқуқларининг амал қилишини назорат қилувчи муассасаларнинг халқаро юридик атамашуносликдаги номи. Бу шведча сўз бўлиб, кимнингдир манфаатини ифодаловчи, деган маънони англатади. Омбудсман

айрим мамлакатларда сайланадиган, айрим мамлакатларда тайинланадиган шахс бўлиб, у инсон ҳуқуқларига амал қилишни назорат қилади. Агар прокуратура органлари инсон ҳуқуқларига амал қилишни фақат қонун асосида назорат қилса, Омбудсманлар бу масалани мақсадга мувофиқлик, виждонлилик, адолат нуқтаи назаридан назорат қилади.

Аксарият мамлакатларда Омбудсманларга ҳар қандай фуқаролар бевосита мурожаат қилишлари мумкин. Улар ҳуқуқ ва эркинликлар бузилишини аниқласа, тегишли идораларга ҳуқуқ ва эркинликларни тиклаш ҳақида таклиф киритади. Омбудсманларнинг таклиф ва тавсиялари тегишли органлар томонидан бажарилмаса, рад этилса улар суд органларига ёки парламентга мурожаат қилишлари мумкин.

Омбудсман институти илк бор 1809 йилда Швецияда жорий қилинган бўлиб, Ўзбекистонда Омбудсман (Олий Мажлис ҳузуридаги инсон ҳуқуқлари бўйича Вакил Институти деб юритилади) 1995 йил 24 февралда ташкил этилди. “Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили-Омбудсман тўғрисида”ги қонун эса 1997 йил 25 апрелда қабул қилинди.

ОППОЗИЦИЯ (лотинча *oppositio* - қаршисига қўйиш, таққослаб кўриш)-нимагадир ёки кимгадир қарши ҳаракат. Сиёсатда: 1). Ўз сиёсатини бошқа, одатда, расмий сиёсатга қарши қўйиш; 2). Қонун чиқарувчи, мафкуравий ёки бошқа тизимлардаги ҳукмрон ёки кўпчилик тан олган фикрга қарши чиқиш. Оппозициянинг қуйидаги турлари мавжуд : мўътадил, радикал, лоял (келишувга ва ҳокимиятни қўллаб-қувватлашга тайёр), конструктив (сермазмун, ишбилармон таклифларни ифодаловчи), деструктив (қўпоровчи).

ПАРЛАМЕНТ (французча “*parler*” - сўзлашмоқ, гапирмоқ) - Парламент илк бор XIII асрда Англияда давлат ҳокимиятининг вакиллик органи сифатида вужудга келиб, кейинги асрларда бошқа мамлакатларга ёйилди.

Парламент қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. У қонун бўйича белгиланган сондаги депутатлардан иборат бўлиб, ҳудудий сайлов округлари бўйича, одатда, кўппартиявийлик асосида белгиланган ёшга тўлган фуқаролардан сайланади. Парламент турли давлатларда турлича номланади. Россияда-Давлат Думаси, Украинада-Рада, Сербияда-Скупщина, Швецияда-Рикстаг, АҚШда-Конгресс, Исроилда-Кнессет, Мўғулистонда-

Халқ Хурали, Афғонистонда-Халқ Жирғаси, Озарбайжонда Миллий Мажлис, Ўзбекистонда эса Олий Мажлис (1925-1989 йилларда Олий Совет, 1990-1994 йилларда Олий Кенгаш деб юритилган).

ПЛЮРАЛИЗМ (лот. "pluralis" - кўпчилик, хилма-хиллик) - жамиятда ва сиёсий ҳаётда фикрлар, қарашлар ҳамда ғояларнинг хилма хиллигига асосланувчи демократик жамият белгиларидан бири. Плюрализм бўлмаган жамиятда демократиянинг таркиб топиш жараёни ҳам қийин кечади. Плюрализм сиёсий партияларнинг ҳокимият учун ўзаро рақобатида ва сайловларда муҳолифатнинг мавжудлигида кўпроқ намоён бўлади. Том маънода плюрализм демократияни ҳаракатга келтириб турувчи омиддир.

ПРОКУРАТУРА (лот. Procurate- ғамхўрлик қилиш маъносиди) - давлат тизимидаги мавжуд жиноят ишларини қўзғатувчи, айбловчи ва суд жараёнида давлат номидан айблов олиб бориш ваколатига эга бўлган орган (тизим). Баъзи давлатларда бу орган ваколатига қонунларга оғишмай амал қилишни умумий назорат қилиш ҳам киритилган.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари мамлакатимиз ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширади. Прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳола, фақат қонунга бўйсуниб бажаради. Прокуратура идоралари фуқароларнинг ариза ва шикоятларини, давлат, жамоат ҳамда бошқа ташкилотларнинг муурожаатларини кўриб чиқади.

Прокуратура органларининг ягона марказлаштирилган тизимига Ўзбекистон Бош прокурори бошчилик қилади. Бош прокурор ва унинг ўринбосарларини Ўзбекистон Республикаси Президенти тайинлайди ва лавозимидан озод этади, кейинчалик бу масалаларни Олий Мажлис Сенатининг тасдиғига киритади.

Вилоятлар прокурорлари, туман ва шаҳар прокурорлари Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори томонидан тайинланади. Прокурорларнинг ваколат муддати-беш йил.

РАТИФИКАЦИЯ - тасдиқлаш. Давлат раҳбари (президент) ёки ҳукумати (вазир, министр) томонидан имзоланган бирор бир халқаро шартнома ёки конвенциянинг мамлакат олий давлат органи (парламенти) томонидан тасдиқланиши.

СИЁСИЙ ПАРТИЯ - умумий гоё ва манфаат, ижтимоий-сиёсий мақсадлар асосида одамларни ихтиёрий равишда уюштирувчи турғун ташкилот, фуқаровий жамият билан давлатни бир бирига боғловчи энг муҳим воситалардан, ҳозирги замон ҳуқуқий демократик давлат ҳаётининг зарурий омилларидан бири.

Сиёсий партия ўз мақсадларини сиёсий-ҳуқуқий, фалсафий, диний, бадий қарашлари тизимини яратади ва кенг омма орасида тарқатади. Жамият аъзоларини мумкин қадар кенг қамраб, улар энг маъқулланган партияга айланишга интилади, турли органларга сайловларда долзарб шиорларни ўртага ташлаб, сайловчиларни ўз томонига оғдириш учун курашади.

Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг шаклланиши ва фаолияти учун барча зарурий қонуний шарт-шароитлар яратиб берилган. Бугунги кунда Ўзбекистонда қуйидаги партиялар фаолият юритмоқдалар:

1. Халқ Демократик Партияси (ХДП) (1991 йил 1 ноябрда ташкил этилган).

2. "Адолат" социал-демократик партияси (1995 йил 18 февралда ташкил этилган)

3. Миллий тикланиш демократик партияси (1995 йил 3 июнда ташкил топган).

4. "Фидокорлар" миллий демократик партияси (1998 йил 28 декабрда ташкил топган).

5. Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (2003 йил 15 ноябрда ташкил топган).

ТОЛЕРАНТЛИК (лот. *tolerantia* - чидам) - ўзгаларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори, одатлари, ҳис-туйғулари, фикр-мулоҳазалари, гоёлари ва эътиқодларига нисбатан чидамлилик ва бағрикенглик.

Толерантлик, бу-ҳар хил эътиқодларга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда олийжаноб гоё ва ниятлар йўлида ҳамкор, ҳамжиҳат бўлиб яшашини англатади.

ФУҚАРОЛИК - шахснинг бирон бир давлатга ҳуқуқий ва қонуний жиҳатдан тегишлилигини билдирувчи атама. Муайян давлатнинг фуқароси ушбу давлат ҳудудидаги хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан ўз ҳуқуқий мавқеига кўра фарқ қилади. Чунончи, Конституция ва қонунларда белгиланган сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар фақат фуқароларга тегишлидир. Демак, шахс фуқароликни олиши билан ушбу давлатдаги сиёсий ҳуқуқлардан фойдаланиш имкониятини ҳам олади.

ЦЕНЗУРА (лот.censura - давлат назорати) - ҳокимият томонидан зарарли деб топилган ғоялар ва маълумотларнинг тарқалишига йўл қўймаслик ёки чеклаб қўйиш мақсадида босма маҳсулотлар, сахна асарлари ва ҳоказолар мазмун-мундарижаси устидан назорат ўрнатиш.

Ўз вазифасига кўра цензура бевосита ёки билвосита бўлиши мумкин. Билвосита цензура жаҳоннинг барча мамлакатларида мавжуд. У ахборот яратувчиларга турли (энг аввало иқтисодий воситалар орқали) таъсир кўрсатишда ўз ифодасини топади. Билвосита цензуранинг турларидан бири ўз-ўзини цензура қилишдир, яъни ахборот яратувчининг ўзи цензор бўлади.

Бевосита цензура ахборот яратиш ва тарқатиш жараёнига махсус давлат идорасининг очиқдан-очиқ аралашувини билдиради. Бундай идораларнинг ваколати давлат сирини ошкор қилмасликни назорат қилиш билан асослантирилади, урушни тарғиб қилиш, парнография тарқатиш кабиларни таъқиқлайди, ёки ҳукмрон тартибни ҳеч бир танқид қилмаслик учун барча мавжуд ахборотни қамраб олади. Айни шундай цензура замонавий давлатларнинг кўпчилигида Конституция томонидан таъқиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 67-моддасига кўра цензурага йўл қўйилмайди.

ШАРҚОНА ДЕМОКРАТИЯ - Шарқ мамлакатларида, яъни аҳолисининг аксарият қисми кўпроқ мусулмон маънавиятидан баҳра олган ҳудудларга хос бўлган демократик қоидалар мажмуининг ўзига хос шакл ва мазмунда намоён бўлиши. Шарқона демократия миллий босиқлик, андиша, ёши улуғларга ҳурмат, ўзаро маслаҳат, ҳар қандай кескин масалада томонларнинг келишувларига асосланган фаолиятдир. Шарқона демократия сиёсий тартибсизликлар, бош-бошдоқлик ва митингбозликни миллий манфаатларга зид деб қарайди, ҳар қандай фундаменталистик ва қуролли кучларга асосланган ҳаракатларни қоралайди.

Шарқона демократия ҳам плюрализм, альтернатив жараён, ҳар бир шахс ёки гуруҳ манфаатларини ҳимоя этишни ўз фаолиятининг асосий тамойилларидан бири деб ҳисоблайди.

ҲОКИМ - мустақиллик йилларида ташкил этилган янги лавозим. Ўзбекистондаги маҳаллий маъмурият бошлиғи. Вилоят ҳокимлари ва Тошкент шаҳар ҳокими Президент томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ

депутатлари Кенгашлари томонидан тасдиқланади. Туман ва шаҳарларнинг ҳокимлари тегишли вилоят ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод этилади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади. Шаҳарлардаги туманларнинг ҳокимлари тегишли шаҳар ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод этилади ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Ҳокимлар ўзига берилган ваколатлар доирасида тегишли ҳудуддаги барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, шунингдек, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар чиқаради.

Ҳокимларнинг ваколат муддати беш йил.

ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ - жамият тараққиёти ва давлат шакллариининг ривожланиши жараёнида юзага келган, давлатни ташкил қилишнинг энг муҳим мукамал шакли ва мазмуни.

Ҳуқуқий давлатнинг белгилари қуйидагилардир:

- ҳокимиятнинг барча органлари фақат халқ иродасини ифодалайдиган қонунга бўйсунди;
- барча фуқаролар қонун олдида тенг бўладилар;
- мамлакат қонунчилигида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланган бўлади;
- фуқаролар давлат олдида жавобгар бўлганидек, давлатнинг ҳам фуқаролар олдида жавобгар бўлиши таъминланади;
- ҳуқуқий маданият юқори даражада бўлади.

МАВЗУ: МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИЖТИМОЙ- ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ИСЛОҲОТЛАР

АКЦИОНЕР ЖАМИЯТ - турли корхона, ташкилот, банк, компания ва айрим шахслар пул маблағларини шерикчилик асосида ва соҳибкорлик мақсадида бирлаштирадиган жамият. Муомалага номинал қиймати кўрсатилган акциялар чиқариш ва уни сотиш бундай жамиятнинг молиявий негизини ташкил этади. Акция эгалари-ширкатчилар дивидент шаклида даромад оладилар. Акционерлик жамиятининг очиқ ва ёпиқ кўринишлари бор. Ёпиқ акционер жамият-жамият акциялари фақат унинг таъсисчилари ўртасида тақсимланади. Очиқ акционер жамият-жамият акциялари эркин сотилади ва сотиб олинади.

АКЦИЯ (немисча aktie - қимматли қоғоз) - акционер жамият чиқарган қимматли қоғоз. Акция эгасининг шу жамият маблағига қўшган ҳиссасини ва шунга мувофиқ топилган фойданинг бир қисмини дивидент (фойда, даромад) тариқасида олишини, уни бошқариб туришда қатнаша олишини тасдиқлайди. Акция қимматли қоғозлар бозорида олди-сотди қилинади. Акция қиймати акцияда қайд қилинган пул миқдоридир.

АНТИМОНОПОЛ СИЁСАТ - иқтисодий монополия (якка ҳукмронлик)дан халос этиш ва монополияларни чеклаб қўйишга йўналтирилган давлат сиёсати. Антимонопол сиёсатдин кўзланган асосий мақсад товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида соғлом рақобатни вужудга келтириш ва шу орқали товарлар нархини туширишдир.

АУКЦИОН - махсус кимовиди савдо бозори, товарларни талабгор харидорларга сотиш усули. Аукцион савдо товарларининг нисбатан чекланган рўйхати бўйича ўтказилади. Харидорлар савдо бошлангунига қадар аукцион омборларига қўйилган товар ва унинг намунаси (лот) билан танишадилар. Харидорлар орасида энг юқори нархни таклиф қилгани товарни сотиб олади.

Ҳар қандай аукционларнинг умумий шарти-сотувчи намоишга қўйилган товарлар сифатига масъул ҳисобланмайди.

БАНК - пул маблағларини ўзида сақловчи, кредит (қарз, ссуда) берувчи, пул ҳисоботларини, пул чиқаришни (эмиссияни), қимматли қоғозлар (банкнотлар, чеклар, векселлар) чиқаришни амалга оширувчи ва давлатлар, корхоналар, муассасалар ва алоҳида шахслар орасида ўзаро тўловларни ва ҳисоб-китобни амалга оширишда воситачи вазифасини бажарувчи махсус иқтисодий институт.

БАРРЕЛЬ (инг. barrel - бочка) - сизим ва ҳажм ўлчов бирлиги. АҚШда бир қуруқ баррель 115,628 дм кубни, нефть баррели 158,988 дм кубни ташкил этади. Халқаро нефть савдосида 1 баррель нефть 159 литрга тенг.

БАРТЕР - пулсиз бевосита товар айирбошлаш. Кўпроқ ривожланмаган товар муносабатлари даври учун хос бўлган келишув.

БИЗНЕС (ингл. business - фаолият, машғулот) - даромад келтирадиган ёки бошқа наф берадиган хўжалик фаолияти; соҳибкорлик-тижорат ишлари билан шуғулланиш, пул топиш мақсадида бирор иш билан банд бўлиш. Бизнес товар ишлаб

чиқариш ва уни сотиш, хизмат кўрсатиш, транспорт ва бошқа соҳалардаги фаолиятдир. Бизнес хўжалик юрителиш кўламига қараб йирик, ўрта ва майда турларга бўлинади. Йирик бизнесга асосан ишлаб чиқаришда 500 дан ортиқ киши банд бўлган, ўрта бизнесда 20-500 киши банд бўлган корхона ва фирмалар, майда бизнесга 10-20 ва ундан кам киши ишлайдиган корхоналар киради.

БИРЖА (немисча borse - ҳамён) - бозорни уюштиришнинг ташкилий шакли. Товарлар биржаси, қимматбаҳо қоғозлар (фонд) биржаси, валюта биржаси, товар бўлган "иш кучи" олди-сотдиси (меҳнат биржаси) каби турлари мавжуд. Биржада брокерлар (даллоллар), дилерлар (олиб-сотувчи савдогар), трейдерлар (брокернинг вакили) фаолият кўрсатади.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ - кўпчилик халқларга манзур бўлган ва улар келажагини таъминловчи иқтисодиёт ҳисобланади. У ҳозирги даврга хос умуминсоний иқтисодиётдир.

Бозор иқтисодиёти иқтисодий фаолиятда эркинликка, хўжалик юрителишда оқилоналик тамойилларига асосланган демократик иқтисодиётдир.

Бозор иқтисодиётининг ўзига хос ривожланиш механизми бор, у иқтисодий стимулларга, яъни кишиларни тўқ ва хотиржам яшаш, обрў эътиборга эга бўлиш, ҳаётда ўз ўрнини топиш каби манфаатларини юзага чиқаришга асосланади. Бозор механизми иқтисодий рағбатлангириш механизмидир. Бозор иқтисодиётига хос белгилардан бири эркин, яъни либераллашган нархларнинг бўлиши ва ҳамини нархни ҳисобга олиб, фойда-зарарни назарда тутган ҳолда ишлашдир.

Бозор иқтисодиётини даромадларнинг юқори чегараси белгилаб қўйилмайди, бу эса кишиларда пул топиш иштиёқини кучайтириб, ишлаб чиқаришга рағбат беради. Бой кишилар ибрат бўлиб хизмат қилади, бойликка ҳавас уйғониб, кишиларда бой бўлишга интилишни кучайтиради, иқтисодий фаоллик ва тараққиётни таъминлайди.

БРОКЕР - фонд, товар, валюта биржаларида олди-сотди битимлари тузишда воситачилик (даллоллик) қиладиган айрим шахс ёки фирма.

БЮДЖЕТ (инг. budget - халта) - давлатнинг маълум муддатга мўлжаллаб тузилган ва қонун билан тасдиқланган даромадлари ва харажатлари ҳисоби бандлар бўйича тақсимланган ҳужжат. Харажат қисми даромад қисмидан ортиқ бўлса, бюджетнинг тақчиллигини билдиради.

ВАЛЮТА (италиянча.valuta - баҳо, нарх) - муайян мамлакатнинг маълум оғирлиқдаги олтин ёки кумушга нисбатан қўлланиладиган пул бирлиги. Тарихда валюталарнинг олтин, кумуш, мис, қоғоз, хорижий давлатлар пул бирликлари каби турлари маълум.

ГРАНТ - илмий тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларини ўтказишда давлат томонидан молиялаштириладиган буюртма.

ДЕБИТОР (лот.debitor - қарздор) - корхона, ташкилот ёхуд маҳкамадан пул ёки мулк қарзи бўлган юридик ёки жисмоний шахс.

ДЕҲҚОН (ФЕРМЕР) ХЎЖАЛИГИ - Ўзбекистон Республикасининг “Деҳқон (фермер) хўжалиги тўғрисида”ги қонунига кўра деҳқон хўжалиги оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгаллик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер майдонида қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиради ва уни реализация қилади. Деҳқон хўжалигидаги фаолият тадбиркорлик фаолияти жумласига киради. Деҳқон хўжалиги деҳқон хўжалиги аъзоларининг қарорига биноан; қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда суднинг қарорига биноан тугатилади.

ДИВИДЕНТ (лот.dividendus - тақсимланадиган нарса) - акционер жамият фойдасининг акция эгасига тегадиган, бинобарин, унинг даромадига айланган қисми. Ҳар йили фойда акционерлар ўртасида (солиқлар тўпланиб, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун маблағ ажратилганидан сўнг) уларнинг қўлидаги акция миқдори ва турига қараб дивидент тақсимланади

ЖАҲОН БОЗОРИ - халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этиш орқали бир-бирига боғланган мамлакатлар ўртасидаги барқарор товар-пул муносабатлари. Жаҳон бозори XVI асрдан бошлаб шакллана бошланган ва XX аср бошларига келиб бу жараён тугалланган. Умуминсоний иқтисодий алоқаларнинг мавжудлиги жаҳон бозорига барқарорлик баҳш этади. Жаҳон бозорида айирбошлаш халқаро нархларда ва халқаро валюта воситасида амалга оширилади.

ИНВЕСТИЦИЯ (немисча.investition - кийинтирмақ, ясантирмақ) - маблағни, маълум бойликни, қўшимча даромад олиш мақсадида ишлаб чиқариш ёки бошқа соҳага жойлаштириш, маблағ сарфлаш.

Тадбиркорлик ва бошқа фаолиятлар турларига қўшиладиган барча моддий ҳамда номоддий бойликлар инвестиция ҳисобланади. Бу бойликлар пул воситалари, мақсадли банк омонатлари, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар; кўчар ва кўчмас мулклар (бинолар, иншоотлар, ускуналар); муаллифлик ҳуқуқидан келиб чиқадиган мулкӣй ва номулкий ҳуқуқлар ва бошқа интеллектуал ҳуқуқлар бўлиши мумкин.

Тадбиркорлик ишининг ривожини инвестицияни талаб қилади. Инвестиция биронта ишга маблағ қўйишни, сарфлашни билдиради. Инвестиция қилишдан мақсад фойда кўришдир. Инвестиция кенг маънода пул чиқадиган ҳар қандай ишга маблағ қўйиш, тор маънода ишлаб чиқаришнинг моддий базасини ривожлантиришдир. Инвестиция баъзан капитал маблағлар ёки капитал сарфлар деб ҳам юритилади.

ИНТЕГРАЦИЯ (лот. integratio-қайта тиклаш, тўлғазмоқ, integer-яхлит, бир бутун) - бирон бир ягона мақсадни амалга ошириш учун бирлашиш. Мустақил хўжалик фаолиятининг миллий, минтақа ва халқаро миқёсда ўзаро бирлашиб, яхлит хўжалик ҳолатини ташкил этиши.

Интеграция сиёсий ва иқтисодий йўналишда бўлиши мумкин.

Иқтисодий интеграция-миллий иқтисодиётларнинг сифат жиҳатдан янги шароитларга эга бўлиши ва мамлакат тараққиёти имкониятларини кенгайтириш мақсадида ихтиёрий равишда бирлашиши, бир-бирларига ўзаро таъсир этиши жараёни.

Мустақилликка эришган ҳар қандай давлат ўзаро ҳамкорлик ва тенглик асосида ихтиёрий интеграциянинг янги шакллари ва йўларини ярата бошлайди. Жумладан, Ўзбекистон ҳам Ўрта Осиё давлатлари, МДХ доирасидагина эмас, балки бошқа узоқ Шарқ ва Ғарб мамлакатлари билан ҳам иқтисодий-сиёсий алоқалар ўрнатиб, аста-секин бу алоқаларни кенгайтириб, мустақамлаб бормоқда.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК - ақлий мулк ижодий-ақлий меҳнат маҳсули. Фан, адабиёт, санъат асарлари ва ишлаб чиқариш соҳасида ижобий фаолиятнинг бошқа турлари, жумладан, кашфиётлар, ихтиролар, рационализаторлик таклифлари, саноат намуналари, информацион технологиялар учун дастурлар ва бошқа ақлий мулк объектлари киради.

ИНФЛЯЦИЯ (лот. inflatio - бўртиш, шишиш, қаппайиш) - нарх-наво умумий даражасининг ошиши, реал товарлар

таклифларига нисбатан пул массаси ортиб, пулнинг қадр-қиммати ва харид қобилиятининг пасайиб кетиши. Иқтисодда вужудга келадиган муаммолар пул босиб чиқаришни кўпайтириш орқали ҳал қилинса ёки қоғоз пуллар ҳажми ўзгармаган ҳолда товар ҳажми камайса, инфляция юз беради.

ИНФРАСТРУКТУРА (лот.infra - қуйи, structura - тузилиш, жойлашув) - халқ хўжалиги фаолиятини таъминлаш учун турли туман хизмат кўрсатувчи тармоқлар комплекси: транспорт, алоқа, савдо, моддий-техника таъминоти, сув билан таъминлаш, фан, маориф, соғлиқни сақлаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқаларни ўз ичига олади. Асосий ишлаб чиқариш инфраструктураси-электр таъминоти, транспорт, йўл, омбор хўжалиги ва алоқа тармоқлари ҳисобланади.

ИПОТЕКА (юнонча hypotheke - гаров) - ссуда, қарз олиш мақсадида кўчмас мулк (ер, иморат)ни гаровга қўйиш. Қишлоқ хўжалигида ва саноатда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида махсус ипотека банклари ташкил этилади.

КАПИТАЛ (лот.capitalis - энг муҳим, асосий, бош) - ўз эгасига даромад келтирувчи маблағ ва восита; янги қиймат келтирадиган, яъни ўзини-ўзи кўпайтирувчи қиймат. У ишлаб чиқариш воситаларининг эгасига иш кучини ёллаш орқали қўшимча даромад келтиради ва уни бойитади. Ишбилармон ихтиёридаги маблағлар ҳам капитал (сармоя) деб аталади.

КОНЦЕССИЯ (лот.concessio - рухсат, ён бериш) - давлатга тегишли табиий бойликлар, корхоналар ва бошқа объектларни хорижий давлатларга, компанияларга ва айрим шахсларга маълум муддатга фойдаланишга бериш

ЛИБЕРАЛИЗАЦИЯ - давлатнинг иқтисодий ҳаётга аралашувини чеклаш, бозор муносабатлари соҳасини кенгайтиши, бозорларнинг ва рақобатнинг очилиши, бозорнинг амал қилишига қўйилган турли хил чеклашларнинг олиб ташланиши, баҳолар, фоизларни маъмурий йўл билан назорат қилишнинг сусайиши, марказлашган ҳолда дотация бериш, субсидия шаклидаги кредитларнинг камайиши ва шу кабилар.

ЛИЗИНГ (лот.боглайман) - ижарага берувчи шахснинг молиявий ижара шартномаси бўйича ижарачи кўрсатган мулк (машина, асбоб-ускуна, транспорт, омбор кабилар)ни у кўрсатган сотувчидан сотиб олиши ва ижарачига ушбу мулкни ҳақ эвазига тадбиркорлик мақсадида эгалик қилиш ва фойдаланиш учун муайян вақтга бериши.

ЛИЦЕНЗИЯ (лот.- эркинлик, ҳуқуқ) - махсус ваколатли давлат органи амалдаги қонун ҳужжатларига кўра лицензияланиши лозим бўлган фаолият тури билан муайян муддат давомида шуғулланиш учун берадиган рухсат.

МАКРО ВА МИКРО ИҚТИСОДИЁТ - иқтисодиётнинг турли даражаларидаги ҳолатини таҳлил қилишда ишлатиладиган тушунча. Микро иқтисодиёт бу-айрим корхона, хўжалик ёки оила доирасидаги иқтисод. Макро иқтисодиёт-бутун жамият, умумдавлат ва халқаро миқёсидаги ёки миллий иқтисод, турли соҳалар, тармоқлар мажмуидан иборат.

МОНИТОРИНГ (лот.monitor - огоҳлантириш, танбеҳ) - маълум бир ҳодиса ёки жараённинг ҳолатини кузатиш, баҳолаш ва тахмин (прогноз) қилиш.

МАРКЕТИНГ (ингл.market - бозор, сотиш, айрбошлаш) - фирма (корхона) ишини бозор шароитига мослаштиришга қаратилган махсус фаолиятдир. Маркетинг иши бозорни ўрганиш, нархларни шакллантириш, бозор талабларига монанд равишда товарларни ишлаб чиқариш, уларни вақтида бозорга етказиш, реклама қилиш ва харидорларга хизмат кўрсатишни ўз ичига олади.

МЕНЕЖЕР (ингл.manager - бошқарувчи) - корхона ва қарз берувчи ташкилот ҳамда унинг қуйи қатламининг бошқарувчиси. Шунингдек, менежерлар махсус тайёргарлик кўрган, бошқаришнинг сир-асрорларини, қонун-қоидаларини чуқур билувчи малакали мутахассислар ёлланма бошқарувчилар бўлиб ҳисобланадилар.

ОММАВИЙ МУЛК - Ўзбекистон Республикаси қонунларида тан олинган икки мулк шаклидан бири. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 167-моддасида “Ўзб.Рес.да мулк хусусий мулк ва оммавий мулк шаклларида бўлади” дейилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 213-моддасига биноан Республика мулки ва маъмурий-ҳудудий тузилмалар мулкидан (муниципиал мулк) иборат бўлган давлат мулки оммавий мулк ҳисобланади.

Ер ва ер ости бойликлари, сув, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда табиий бойликлар, давлат аҳамиятига эга бўлган маданий ва тарихий бойликлар, республика бюджетининг маблағлари, олтин заҳираси, интеллектуал фаолият натижалари (башарти булар бюджет ёки давлатнинг ўзга

маблаглари ҳисобидан яратилган ёки сотиб олинган бўлса) республика мулки ҳисобланади.

Муниципиал мулк бу-давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг мол-мулк, маҳаллий бюджет маблаглари, муниципал уй-жой фонди ва коммунал хўжалик, корхоналар ва бошқа мулкый комплекслар, халқ таълими, маданият, соғлиқни сақлаш муассасаларидир.

ПАТЕНТ (лот.patents - очиқ, тушунарли) – 1. Давлатнинг масъул органлари томонидан бериладиган ва қуйидагиларни белгиловчи ҳужжат: кашфиёт ҳамда янгиликлар учун, муаллифлик ҳуқуқини бериш учун; 2. Баъзи давлатларда айрим турдаги фаолият билан шуғулланиш учун рухсат берувчи ҳуқуқий ҳужжат.

САНАЦИЯ (лот.canatio - даволаш, соғломлаштириш) - корхона ва ташкилотларнинг молиявий аҳволини, унинг барбод бўлиши олдини олиш ёки рақобатбардошлилигини ошириш мақсадида давлат ёки бошқа манфаатдор ташкилотлар томонидан молиявий ёрдам бериш.

ХУСУСИЙ МУЛК - Ўзбекистон Республикаси қонунларида тан олинган икки мулк шаклидан бири. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 167-моддасида “Ўзб.Рес.да мул хусусий мулк ва оммавий мулк шаклларида бўлади” дейилган.

Хусусий мулк оммавий мулкдан фарқли ўлароқ якка тартибдаги ва алоҳида субъектларга тегишли мулк шаклларидан иборат бўлади. Унинг субъектлари (эгалари) сифатида фақат фуқароларгина эмас, балки хўжаликлар, жамоалар, ширкатлар, ижара ва жамоа корхоналари, жамоат бирлашмалари, диний ташкилотлар, ҳайрия ва бошқа ижтимоий жамғармалар ҳисобланади.

Хусусий мулкнинг ўзига хос томони шундаки, хусусий мулк (масалан, корхона, транспорт, жиҳоз-усукуна ва бошқалар)дан иқтисодий фойда (даромад) олинади (ижарага бериш, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, ишлатиш ва бошқа йўллар орқали). Фойда ва даромад учун ҳаракат эса шахсни фаолликка, тадбиркорликка, ишбилармонликка ундайди. Бу эса жамият тараққиётини таъминлайди.

“Ўзбекистон Республикасида хусусий мулк тўғрисида”ги 1990 йил 31 октябр қонунининг қабул қилиниши билан миллий қонунчиликда узоқ муддатли танаффусдан сўнг хусусий

мулкчилик институти қайта тикланди. Чунки собиқ шўролар даврида хусусий мулкчилик инсонлар ўртасидаги мулккий тенгсизлик ва табақаланишни келтириб чиқаради деб ҳисобланиб, бу мулк шакли бекор қилинган эди. Мулкчиликнинг фақат давлат (социалистик) ва шахсий мулкчилиги сақлаб қолинган эди.

Ўзбекистон қонунчилигига кўра хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби даҳлсиз ва давлат томонидан ҳимоя қилинади.

ШАХСИЙ МУЛК - фуқароларнинг шахсий эҳтиёжини қондиришга хизмат қилувчи мулк. Шахсий мулк объектлари айрим фуқаролар, унинг объекти эса истеъмол буюмлари, турар жой ва умуман шахсий эҳтиёжни қондиришга хизмат қиладиган воситалардир. Шахсий мулк ишлаб топилган даромад, меросга олинган мулк, иш ҳақи, нафақа, стипендия, томорқа хўжалигидан тушган даромад, акциядан келадиган дивидент, лотереядан келган ютуқлар ҳисобига кўнаиб боради.

Шахсий мулк объектлари эҳтиёжни қондириш доирасидан чиқиб, даромад топиш йўлида ишлатилса, у хусусий мулкка айланиб кетади ва унга солиқ солинади.

МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИГА ҚЎШИЛИШИ

АРАЛАШМАСЛИК ҚОИДАСИ - бошқа давлатлар ёки халқларнинг ички ишларига аралашмаслик тўғрисидаги қоида. Халқаро ҳуқуқда тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашнинг асосий принципларидан бири.

БМТ (БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ) (ингл. United Nations Organization, UNO, UN) - давлатлар ва халқлар орасида ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда тинчлик ва ҳавфсизликни таъминлаш бўйича давлатларнинг халқаро уюшмаси 1945 йилда тузилган. БМТ Низоми тинч ҳаёт кечириш хартияси (ёрлиғи), халқаро ҳуқуқнинг умум-эътироф этилган кодекси сифатида тан олинган. БМТ Низомининг 1-моддасида қуйидаги устувор йўналишлар илгари сурилган: халқаро тинчлик ва ҳавфсизликни таъминлаш, тинчликка ҳавф ва босқинчиликка қарши самарали жамоавий чора-тадбирларни амалга ошириш, тинчликнинг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган халқаро баҳсларни тинч йўл билан, адолат тамойилларига амал қилган ҳолда ҳал этилишига ҳаракат қилиш.

БМТга аъзолик ҳар бир тинчликсевар ва БМТ Низомида акс эттирилган мажбуриятларни ўз зиммасига олишга қодир давлатлар учун очиқ. 1992 йил 2 март куни Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида бир овоздан БМТга қабул қилинди.

БРИФИНГ - халқаро келишувлар, учрашувлар ва конференциялар жараёнида тадбир қай тарзда утаётганлиги, томонларнинг позиция ва қарашларини оммага етказиш учун ҳукумат раҳбари, унинг ёрдамчиси ёки матбуот хизматчиси билан оммавий ахборот воситалари ходимлари, журналистлар билан ўтказадиган қисқа учрашуви.

ВИЗА (фр.visa - кўриб чиқилган) - бирор бир шахснинг мамлакат ҳудудига кириши ёки чиқиши учун рухсат берувчи унинг ҳужжатига қўйиладиган белги. Виза мазкур мамлакат ҳукумати органлари томонидан маълум бир муддатга берилади.

ГЛОБАЛЛАШУВ - лотинча “глоб” сўзидан олинган бўлиб, айнан уни “думалоқлашув”, “курралашув” деб таржима қилиш мумкин. Ер шарининг, ер куррасининг фан-техника ютуқлари туфайли инсоният ихтиёридаги худди бир бутун шарга, куррага айланишини гушунгириш учун ишлатилади. Инсоният тараққиёти айни вақтда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши жараёнидир. Бу жараён асрдан асрга, минг-минг йиллар давом этган. Инсоният жамияти айниқса XVI-XX асрларда XV асргача бўлган уч миллион йиллик тарихида яратилган моддий ва маънавий бойликларга нисбатан кўпроқ неъматларни яратди.

Глобаллашувнинг ижобий томони шундаки, у халқларнинг давлатларнинг, миллий маданият ва иқтисодиётларнинг яқинлашишини тезлаштиради, уларнинг ривожланиши учун янги имкониятлар очади. Унинг салбий томони шундаки, кўп минг-минг майда, қолоқ этник гуруҳлар ва миллатларнинг маданияти, тили, расм-русумлари жаҳон бўйлаб кучайиб бораётган глобаллашув жараёнларида катта миллатлар йирик миллий маданиятлар, бой тиллар билан рақобатлаша олмай ўз-ўзидан фаол ижтимоий-иқтисодий, маданий ва маънавий ҳаётдан четга чиқиб қолмоқда. Бундай шароитда ҳар бир онгли фуқаронинг вазифаси-ўз миллатининг рақобатбардошлигини кўрсатиш, бунинг учун унинг фаол сиёсати, иқтисодиёти, маданиятида салмоқли ютуқлари учун курашишдир. Бугунги мустақил Ўзбекистон фуқароси ҳозирги замон амалиёти талаб қилаётган

тўрт сифатга эга бўлиши шарт: 1) замонавий мутахассис бўлиши; 2) ўзбек давлат тили, рус тили, инглиз тилларини мукамал билиши; 3) доим ўз билим доирасини янгилаб бориши; 4) тадбиркор-ташаббускор бўлиши.

ГЛОБАЛ МУАММОЛАР (французча global - умумий, лот.globus - ер шари) - битта давлат ёки минтақанинггина эмас, балки бутун ер юзи, инсоният ҳаёти ва келажагига даҳлдор умумбашарий муаммолар. Ер юзида тинчликни сақлаш, ядро урушининг олдини олиш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ер иқлими исшининг олдини олиш, ёқилги-энергетиканинг янги турларини яратиш, азон қатламини муҳофаза қилиш, халқаро терроризмнинг олдини олиш каби муаммолар ҳозирги пайтдаги энг долзарб глобал муаммолар ҳисобланади.

ДАВЛАТЛАРАРО ТУЗИЛМАЛАР - давлатлараро доимий ва вақтинча фаолият кўрсатувчи, давлатлараро шартномалар асосида ташкил этилувчи иттифоқлар. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасига кўра, Ўзбекистон иттифоқлар тузиши, ҳамдўстлик ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши мумкин, лекин бу давлатнинг, халқнинг олий манфаатларига, унинг фаровонлиги ва хавфсизлигига қарши бўлмаслиги шарт.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон 500 дан ортиқ икки томонлама ва кўптомонлама шартномалар, битимлар тузди, 80 дан ортиқ муҳим халқаро конвенция ва шартномаларга қўшилди. Ўзбекистон тенг ҳуқуқлар асосида жаҳоннинг барча обрўли ва таъсири кучли халқаро ташкилотларига аъзо бўлган.

ЕВРАЗЭС - Европа-Осиё Иқтисодий ҳамжамияти, 2000 йил октябрь ойида Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия ва Тожикистон давлат раҳбарлари имзо чеккан Шартнома асосида тузилган халқаро ташкилот. 2005 йил октябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Санкт-Петербург шаҳрида Ўзбекистоннинг ЕврАзЭС ташкилотига кириши ҳақида келишилди. И.Каримовнинг таклифи билан ЕврАзЭС ва бунгача бўлган "Марказий Осиё ҳамкорлиги" ташкилоти айна бир хил мақсад ва вазифаларни олдига қўйганлигини кўзда тутиб, бу икки ташкилот бирлаштирилди.

ЕврАзЭС давлатлари раҳбарларининг 2006 йил январда навбатдаги саммитида Ўзбекистон Республикаси ЕврАзЭС аъзолигига расмий равишда қабул қилинди.

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ - 1993 йилда Европа Ҳамжамиятлари асосида юзага келган ҳамда халқаро ташкилот ва федератив давлат

хусусиятларини ўзида бирлаштирган давлатлараро бирлашма. 1991 йилда Маастрихтда (Нидерландия) Европа Ҳамжамияти аъзолари бўлган 12 та раҳбарлари имзолаган Европа Иттифоқи тўғрисидаги шартнома 1993 йил 1 ноябрда кучга кирди. Шартнома миллий фуқароликка қўшимча равишда ЕИ фуқаролигини ҳам жорий этди. 2007 йил 1 январга келиб ЕИ га Болгария ва Руминия давлатлари 26-27 аъзо бўлиб киришди.

Европа Иттифоқи қуйидаги органлардан иборат: Европа Кенгаши, Европа Парламенти (Европарламент), Европа Иттифоқи кенгаши, Европа комиссияси, Европа суди.

ЕХХТ (Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти) - Халқаро минтақавий ташкилот. Унинг таъсис этувчи ҳужжатлари 1975 йилда Хельсинкида имзоланган Яқунловчи ҳужжат, 1990 йилда Парижда қабул қилинган Янги Европа учун Хартия ва унга қўшимча ҳужжат, 1992 йилда Хельсинкида қабул қилинган “Ўзгаришлар вақти чақириғи” Декларацияси ҳисобланади. Шунга мувофиқ ЕХХТ нинг асосий фаолият соҳалари: хавфсизлик, қуролсизланиш, келишмовчиликларни бартараф этиш, иқтисодиёт, маданият, экология, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ва бошқа масалаларда ҳамкорлик қилишдан иборат.

ЕХХТ таркибига географик жиҳатдан Ванкувер (Канада)дан Владивостоккача бўлган ҳудудда жойлашган 55 мамлакат аъзо бўлган хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи умумевропа ташкилотидир.

Ўзбекистон ҳам ушбу ташкилот билан фаол ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. 1992 йил 18 февралда Ўзбекистон ҳукумати номидан И.А.Каримов Хельсинкида ЕХХТнинг Яқунловчи актини имзолади. Худди шу йилнинг 9-10 июлда ЕХХТнинг Хельсинки учрашувида Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов ҳам иштирок этиб, унинг ишига раислик қилди.

ИНТЕРПОЛ - Халқаро Жиноят полициясининг қисқартирилган номи. Интерполни ташкил этиш тўғрисидаги қарор 1914 йил Монакодаги конференцияда қабул қилинган эди. Унинг биринчи устави 1923 йилда қабул қилинади. 1972 йилдан бошлаб Интерполнинг штаб-квартираси этиб Париж белгиланган. Интерпол жиноятчиларни рўйхатга олиш халқаро марказидир. Шунингдек, жиноятларнинг (гумон қилинувчиларни, бедарак йўқолган шахсларни, ўғирланган молларни) халқаро қидирувини мувофиқлаштиради. Ҳозирги вақтда 150 дан ортиқ давлат

Интерполнинг аъзосидир. Ўзбекистон 1994 йил 15 августда ушбу ташкилотга аъзо бўлган.

ИХТ (Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти) - халқаро иқтисодий ташкилот. 1985 йили Эрон, Покистон, Туркия ҳамкорлигида тузилган. 1992 йил февралдан Озарбайжон, Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон Республикалари аъзо бўлиб кирган. Ташкилот идораси Техрон шаҳрида.

МАГАТЕ - Атом энергияси бўйича халқаро агентлик. БМТ қарорига мувофиқ Нью-Йоркдаги халқаро конференцияда атом энергиясидан фойдаланиш бўйича ҳукуматлараро ташкилот сифатида ташкил этилган. Унинг Низоми 1957 йилда кучга кирган. Қароргоҳи Венада. Унинг мақсади атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш йўлида халқаро ҳамкорликни амалга оширишдан иборат.

Ўзбекистон ушбу ташкилотга 1994 йил 15 январда аъзо бўлиб кирган.

МДХ (Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги) - собиқ СССРнинг учта республикаси РСФСР, Беларусь ва Украина вакиллари томонидан 1991 йил 8 декабрда Минскда имзоланган МДХни ташкил этиш ҳақидаги Битим, 1991 йил 21 декабрда (Болтиқ бўйи республикалари ва Грузиядан ташқари) 11 собиқ Иттифоқ республикалари томонидан Олма-отада имзоланган Битимга Протокол ва шу санада имзоланган Олма-ота Декларацияси асосида ташкил қилинган давлатлараро ихтиёрий бирлашма. 1993 йил 22 январда Минскда қабул қилинган МДХ Устави Ўзбекистон Олий Кенгаши томонидан ўша йили ратификация қилинган. Уставга биноан Ҳамдўстлик мақсади халқлар ва давлатларнинг сиёсат, иқтисодиёт, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, фан, техника, савдо-сотиқ, инсонпарварлик ва бошқа соҳалардаги тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали ҳамкорлик қилиш, кенг ахборот алмашинуви, ўзаро мажбуриятларни виждонан ва сўзсиз бажаришдан иборат.

ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ (ОТБ) - халқаро минтақавий банк. 1966 йилда ташкил топган. Банк фаолиятининг асосий мақсади Осиёдаги ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий тараққиётига ва гашқи савдосига кўмаклашиш, молиявий, техник ва иқтисодий ёрдам кўрсатиш. Банкнинг ҳар қандай қарорини ҳамкорликда 1/3 овозга эга бўлган АҚШ ва Япония тўхтатиб қўйиши мумкин. Штаб квартираси Манила (Филиппин) шаҳрида.

Ўзбекистон ушбу банкка 1995 йил 31 августда аъзо бўлган.

ТЕРРОРИЗМ (лот.terror-қўрқув, даҳшат) - ўз мақсадига эришиш йўлида айрим шахс, шахслар гуруҳи ёки ғайридемократик ҳукумат органлари томонидан муҳолифат кучларини жисмоний куч ишлатиб қўрқитишдан тортиб оммавий жисмонан йўқ қилинишигача борадиган умуминсоний ўта хавфли жиноят тури.

ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ФОНДИ - 1944 йил Бреттон-Вудс (АҚШ)да ўтказилган Халқаро конференцияда ташкил этилган. БМТнинг ихтисослаштирилган ташкилоти статусига эга. Қароргоҳи Вашингтон шаҳрида жойлашган. Унинг асосий мақсади аъзо давлатлар валюта-молиявий сиёсатини мувофиқлаштириш, аъзо давлатлар валюта курсини, тўлов балансини қўллаб-қувватлаш, уларга қисқа муддатли ва ўрта муддатли қарзлар бериш кабилардан иборат.

1991 йилга келиб унга аъзо мамлакатлар сони 153 та бўлиб, капиталли 120 млрд. долларни ташкил этган.

Ўзбекистон ушбу ташкилотга 1992 йил 21 октябрда аъзо бўлган.

ХАЛҚАРО ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ - 1944 йил Бреттон-Вудс (АҚШ)да ўтказилган Халқаро молия-валюта конференциясида ташкил этилган. БМТнинг ихтисослаштирилган ташкилоти статусига эга. Штаб-квартираси Вашингтон шаҳрида жойлашган. Асосий мақсади ўзига аъзо бўлган давлатлар иқтисодиётини тиклаш ва ривожлантиришга ёрдам бериш, чет эл хусусий сармоядорларини қўллаб-қувватлаш ва саноатни ривожлантириш учун қарзлар беришдан иборат.

Ўзбекистон ушбу ташкилотга 1992 йил 21 октябрда аъзо бўлган.

ХАЛҚАРО ҚИЗИЛ ХОЧ ВА ҚИЗИЛ ЯРИМ ОЙ ҲАРАКАТИ - уруш оқибатида ярадор бўлганларга, ҳарбий асирларга, шунингдек, табиий офатлар ва бошқа сабаблар билан касал бўлиб чорасиз қолган кишиларга бегараз ёрдам бериш мақсадида тузилган миллий ва халқаро ташкилотлар бирлашмаси. Бу ҳаракатга 1863 йил Швейцарияда асос солинган. Шунинг учун ташкилотнинг рамзи сифатида қизил хоч Швейцария давлат байроғидан олинган. Мусулмон мамлакатларида эса ташкилот мусулмончилик рамзи бўлган қизил ярим ой тасвири туширилган байроқ остида фаолият юритади. Ташкилотнинг раҳбар органлари Женевада жойлашган.

Халқаро Қизил Хоч ва Қизил ярим ой ҳаракатининг асосий тамойилларига қуйидагилар киради: инсонийлик, холислик,

қўшилмаслик, мустақиллик, ихтиёрийлик, бирдамлик, универсаллик.

Ўзбекистон ушбу ҳаракатга 1993 йил 21 январда аъзо бўлган.

ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ - Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасига кўра, чет эллик инвесторлар асосан, даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадиغان барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан, интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлар, шунингдек, чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестициялари деб аталади. Ўзбекистон ўз ҳудудида чет эллик инвесторлар инвестиция фаолиятини амалга оширишлари учун барча ҳуқуқларни кафолатлайди ва ҳимоя қилади.

ШХТ (Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти) - тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида тузилган халқаро ҳукуматлараро ташкилот. 2006 йилдан олти давлатни - Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистонни ўз ичига олади. ШХТнинг шаклланиши 1992 йилдан Хитой билан чегарадош бенгта собиқ Совет Иттифоқи республикаларининг ўзаро чегараларни аниқлаш билан боғлиқ муаммоларни муҳокама қилишдан бошланди. 1996 йил Шанхайда, 1998 йилда Алмағида, 1999 йилда Бишкекда ўтказилган беш давлат раҳбарларининг саммити чегараларни мустаҳкамлаш, чегара ҳудудларида қуроли кучларни қисқартириш каби масалаларни келишиб ҳал этишга қаратилди. 2000 йил июлида Душанба саммитида Ўзбекистон Президенти кузатувчи сифатида қатнашди. 2001 йил 15 июнда ШХТга олгинчи аъзо бўлиб Ўзбекистон қўшилди. 2003 йил 28-29 майда Москвада ШХТнинг ташкилий органлари, рамзлари тасдиқланиб, 2003 йил сентябрида Пекинда “ШХТга аъзо давлатларнинг 20 йилга мўлжалланган савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастури қабул қилинди. 2004 йил июнидан ташкилот тўла равишда ишга киришди. 2005 йил июлида Остона саммитида Эрон, Покистон ва Ҳиндистон, кузатувчи мақомидаги Монголияга қўшилдилар.

ЭКОСАН - экология ва саломатлик халқаро жамғармасининг 1992 йили таъсисчилар конференциясида ташкил қилинган

бўлиб, у нотижорат, нодавлат (ноҳукумат) ташкилот ҳисобланади. Жамғарма 14 минтақавий ва 200 туман (шаҳар) бўлимларига эга. Корхона, ташкилот ва ўқув муассасаларида қарийб 2,5 млн. жамғарма фаоллари мавжуд. Бир қатор хорижий мамлакатларда (АҚШ, Германия, Япония, Покистон, Швейцария, МДХ мамлакатлари) жамғарма бўлимлари тузилган.

“ЭКОСАН”нинг асосий вазифалари экологик муаммоларни ҳар томонлама ўрганиш, бу борада илмий концепция ишлаб чиқишга ва шу мақсадда барча кучларни бирлаштиришга кўмаклашиш, экологик маданият, экологик тафаккурни тарбиялаш, аҳолини агроф-муҳит тўғрисида хабардор қилиш, бунинг учун халқаро учрашувлар, кўргазмалар, экологик масалалар бўйича турли халқаро ташкилотлар, компаниялар билан алоқа ўрнатиб иш олиб боришдир. Жумладан, БМТ, ЕХХТ, ЮНИСЕФ, Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНЕСКО ва бошқа ташкилотлар билан ЭКОСАН яқин ҳамкорликни йўлга қўйган.

Ушбу жамғарма ҳар йили “ЭКОСАН саломатлик поезди” ташкил қилиниши муносабати билан, экологик жиҳатдан оғир аҳволдаги ҳудудларда 200 мингга яқин кишига малакали тиббий ёрдам кўрсатилмоқда, инсонпарварлик юклари етказиб берилмоқда. Ҳар йили “Экология ва саломатлик кунлари” ўтказилмоқда. “АСПЕРА” номли ташкилот билан ҳамкорликда “Орол атрофида яшовчи оналар ва болалар” га экологик ҳамда минтақавий ёрдам берилмоқда.

ЮНЕСКО - БМТнинг таълим, илм-фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти. ЮНЕСКО Иккинчи Жаҳон урушидан сўнг, 44 давлат вакиллари Лондонда конференцияга йиғилиб, ЮНЕСКОни таъсис этувчи Уставни қабул қилишлари билан ташкил топган. ЮНЕСКОнинг амалий фаолияти 1946 йил 20 ноябрдан бошланган. Қароргоҳи Парижда. Тузилиш даврида 28 та давлат аъзо бўлган бўлса, ҳозирги кунда унга 186 та давлат аъзо. Ўзбекистон Республикаси 1993 йил 29 октябрда ушбу ташкилотга аъзо бўлган. ЮНЕСКОнинг мақсад ва вазифалари: таълим, илм-фан ва маданият соҳасида халқаро ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш орқали тинчлик ва ҳавфсизликни таъминлашга ҳисса қўшиш; қонунчилик ва адолатлиликка ҳурмат, ирқи, жинси, тили ва динидаги тафовутдан қатъий назар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилишни таъминлаш.

Ўзбекистонда ЮНЕСКО билан ҳамкорликда Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Синоларнинг минг йиллик, Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик, Амир Темурнинг 660 йиллик тантаналари, Тошкент шаҳрининг 2000 йиллиги, Самарқанднинг 2500 йиллиги, 1997 йилда Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги кенг нишонланди.

ЮНИДО - БМТнинг саноат тараққиёти бўйича ташкилоти. Ривожланаётган мамлакатларнинг саноатини ривожлантиришга кўмаклашишдан иборат бўлган БМТ нинг ихтисослашган муассасаси. 1946 йилда ташкил этилган. 1995 йилда 166 та давлат аъзо бўлган. Ўзбекистон ушбу ташкилотга 1994 йил апрелда аъзо бўлиб кирган.

ЮНКТАД - БМТнинг савдо ва ривожланиш бўйича конференцияси. БМТ Бош Ассамблеясининг халқаро савдо ташкилоти бўлмаган органи. 1964 йилда ташкил этилган бўлиб, 168 та давлат унга аъзодир. Асосий вазифалари: халқаро савдони, давлатлар ўртасида тенг ҳуқуқли ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, халқаро иқтисодий муносабатларнинг амал қилиши бўйича ҳар хил тавсиялар ишлаб чиқиш. ЮНКТАД қарорлари резолюциялар, баёноتلар сингари шаклда бўлиб, тавсия хусусиятига эгадир. Унинг раҳбарлигида кўп томонлама битимлар ва конвенциялар ишлаб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси ЮНКТАД га 1992 йилда аъзо бўлган.

Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотларга аъзолиги

1991 йил 25 декабрь - Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (Женева)

1992 йил 30 январь - Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (Прага)

17 февраль - Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти-ЭКО (Техрон)

2 март - БМТ (Нью-Йорк)

10 март - Шимолий Атлантика ҳамкорлик кенгаши (Брюссель)

22 март - Халқаро олимпия кўмитаси (Лозанна)

27 апрель - Европа реконструкция ва тараққиёт банки (Лондон)

апрель - Жаҳон почта алоқа иттифоқи-ЖПИ (Берн)

22 май - Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти-ЖССТ (Женева)

10 июль - Халқаро электралоқа иттифоқи (Женева)

- 13 июль** - Халқаро меҳнат ташкилоти-ХМТ (Женева)
- 22 июль** - Божхона ҳамкорлик кенгаши (Брюссель)
- 1 сентябрь** - Қўшилмаслик ҳаракати (Жакарта)
- 9 октябрь** - Халқаро Эпизоотия бюроси (Париж)
- 21 октябрь** - Халқаро реконструкция ва тараққиёт банки (Вашингтон)
- 21 октябрь** - Халқаро валюта жамғармаси (Вашингтон)
- 12 ноябрь** - Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (Монреаль)
- Жаҳон божхона ташкилоти (Брюссель)
- БМТнинг халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссияси ЮНСИТРАЛ (Вена)
- БМТнинг савдо ва ривожланиш бўйича комиссияси-ЮИКТАД (Женева)
- Парламентлараро иттифоқ (Женева)
- 1993 йил 21 январь** - Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой кўмитаси (Женева)
- 23 январь** - Жаҳон метеорология ташкилоти -ЖМТ (Женева)
- 26 октябрь** - ЮНЕСКО (Париж)
- Жаҳон сайёҳлик ташкилоти-ЖСТ (Мадрид)
- Темир йўллар ҳамкорлиги ташкилоти (Варшава)
- 1994 йил 15 январь** - Халқаро атом энергияси агентлиги-МАГАТЭ (Вена)
- апрель** - БМТнинг sanoatни ривожлантириш ташкилоти-ЮНИДО
- 20 апрель** - ЮНИСЕФ (Нью-Йорк)
- 22 июнь** - БМТнинг Осиё ва Тинч океани иқтисодий ва ижтимоий комиссияси-ЭСКАТО (Банкок)
- июнь** - Тарифлар ва савдога оид бош келишув (кузатувчи)
- 15 август** - Халқаро йўл ҳаракати ташкилоти (Женева)
- 28 сентябрь** - Жиноят полицияси халқаро ташкилоти-Интерпол (Рим)
- сентябрь** - БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси-ЕИК (Женева)
- 1995 йил февраль** - БМТнинг гиёҳванд моддаларни назоратига оид дастури- ЮНДКП (Вена)
- 5 апрель** - Европа энергетика хартияси (Брюссель)
- 31 август** - Осиё тараққиёт банки
- 24 ноябрь**-Кимёвий қуролларни таъқиқлаш бўйича ташкилот (Гаага)

1996 йил 2 октябрь - “Ислом конференцияси” ташкилоти
(Жидда)

ноябрь - Ядро синовларини ҳар томонлама таъқиқлаш бўйича шартнома ташкилоти (Вена)

1997 йил 7 май - Халқаро йўлдош телекоммуникация ташкилоти
(Интелсат)

3 июнь - Халқаро кўргазмалар бюроси (Париж)

- Халқаро молия корпорацияси
- Инвестициялар кафолатига доир кўптомонлама агентлик
- Халқаро тараққиёт ассоциацияси
- Халқаро сув таъминоти ассоциацияси
- Халқаро стандартлаштириш ташкилоти
- Халқаро спорт федерацияси
- Халқаро мотоцикл спорти федерацияси
- Халқаро авиация спорти турлари федерацияси
- Халқаро сув матор иттифоқи
- Жаҳон сув ости фаолияти федерацияси
- Жаҳон кема моделизми ташкилоти
- Жаҳон автомобиллиги ташкилоти
- Халқаро радиоҳаваскорлар иттифоқи
- Халқаро денгиз кўпкураши ассоциацияси
- Халқаро пахтачилик маслаҳат қўмитаси

МУНДАРИЖА

Сўз боши.....	3
Ўзбекистон тарихи фанининг предмети, назарий методологик асослари.....	5
Марказий Осиё инсоният цивилизациясининг қадимий ўчоқларидан бири.....	8
Ўзбек халқининг келиб чиқиши ва шаклланиш жараёни тарихидан.....	17
Зардуштийлик.....	28
Ўзбек давлатчилиги ва унинг тараққиёт босқичлари.....	33
Марказий Осиё халқлари ҳаётида юз берган уйғониш даври.....	62
Муҳаммад Хоразмшоҳ ҳукмронлиги даврида ўзбек давлатчилигида инқирозий ҳолат, мўғуллар истибдодининг ўрнатилиши ва унинг оқибатлари.....	81
Амир Темур. Ўзбек давлатчилигининг тикланиши ва юксалиши.....	87
Ўзбек хонликлари даврида ижтимоий-сиёсий парокандалик ва унинг оқибатлари.....	99
Чор Россиясининг Туркистонда истилочилик сиёсати. Мустамлакачилик бошқарув тизимининг босқинчилик моҳияти.....	116
Чор Россияси мустамлакачилигига қарши Туркистонда миллий озодлик ҳаракатлари. Жаҳидчилик.....	122
Туркистонда мустабид совет ҳокимиятининг ўрнатилиши. Истиқлолчилик ҳаракати. (1917-1924).....	135
Советлар даврида миллий республикаларнинг “марказ”га сиёсий, иқтисодий ва маънавий қарамлиги.....	161
И.А.Каримов бошчилигида Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги қўлга киритилиши.....	177
Ўзбекистонда ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларининг шакллантирилиши.....	182
Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ва маданий ислоҳотлар.....	195
Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши.....	203

«TAFAKKUR PLYUS»
масъулияти чекланган жамияти
қуйидаги матбаа хизматларини амалга
оширади:

Босмахона хизматлари:

- Журналлар, газеталар, китоблар, брошюралар ва бошқа босма маҳсулотларининг оригинал макетини тайёрлаш ҳамда чоп этиш;
- Ташқи ва ички рекламалар;
- Таклифномалар, визиткалар, конвертлар, плакатлар, этикеткалар, календарлар, буклетлар;
- Канцелярия маҳсулотлари (дафтарлар, бланкалар, иш қоғозлари).

Матбаа хизматлари:

- Мухаррирлик, матн териш, таржимонлик ва мусахҳихлик ишлари.

Мултимедиа хизматлари:

- Компютерда саҳифалаш ва дизайн ишлари;
- Электрон дарсликлар;
- Қўлёзма ва китобларнинг электрон варианларини тайёрлаш.

Маълумот учун телефонлар:
(+99897) 440-37-16 (+99871) 229-57-16

E-mail: abdul_hamid@mail.ru

Веб-сайт: www.tafakkur.uz

Бўри ҚОДИРОВ
Халил МАТЁҚУБОВ

**Ўзбекистон тарихидан мавзулар бўйича
илмий изоҳли луғат**

Мухаррир **А.МУХТОРОВ**
Бадий муҳаррир **Ҳ.ҲУДОЙБЕРДИЕВ**
Техник муҳаррир **Д.ТОЖАЛИЕВ**
Мусахҳиҳ **С.АБДУВАЛИЕВ**
Саҳифаловчи **Ф.РАҲИМОВА**

Босилга 07.03.2008 йилда рухсат этилди.
Бичими 84x108 1/32. Ҳажми 13,5 б.т. Адади 500.
Буюртма № 89.
Нархи келишилган ҳолда.

Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти.

Оригинал макет «Tafakkur Plus» МЧЖ
компютер марказида тайёрланди ва босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Ф.Мавлонов кўчаси, 1а-уй.
Тел. 440-37-16. E-mail: abdul_hamid@mail.ru
www.tafakkur.uz